


~ 282012

# ТҮРТ ЭГИЗАК

П ь е с а л а р



ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
„ЁШ ГВАРДИЯ“ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ—1977

Бу тўпладан минглаб ёш томошабинларнинг эътиборини қозонган, марказий театр саҳналарида қайта-қайта қўйилган пьесалар ўрин олди. Драматургларнинг бири рус бўлса, иккинчиси болгар, учинчиси... Хуллас, бу драмалар совет ва чет эл драматурглари қаламига мансуб.

Ўзбек томошабинлари бу пьесаларнинг баъзи бирлари билан танишдирлар. Ўйлаймизки, бу драмалар мактаб саҳналари, театр ишқибозлари учун зарур қўлланма бўлади.

К  $\frac{70803-82}{M(356-06)-77}$  138—77

© Издательство „Ёш гвардия“, 1977 г.

# Телефон қилинг, тортинмай келаверинг!..

## ИККИ ПАРДАЛИ ПЬЕСА

### ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Лаврушин Андрей Петрович — хирург.

Ольга Федоровна — унинг хотини, инженер.

Дима — уларнинг ўгли, еттинчи синф ўқувчиси.

Буви.

Кирилл — Лаврушиннинг узоқ қариндоши.

Клавдия Ивановна — унинг онаси.

Леночка — саккизинчи синф ўқувчиси.

Женька — Диманинг дўсти.

Портфелли киши.



# БИРИНЧИ ПАРДА

*Оддийгина хона. Стол, буфет, китоб жавони, телевизор. Икки томонда қўшни хона эшиклари. Андрей Петрович — ёзув столида ўтирибди, Ольга Федоровна — чизмакашлик тахтаси ёнида. Буви буфетдан идиш олаяпти. Дима бўлса саҳнанинг олдида. Саҳнанинг икки чеккасида телефон будкалари қўриниб турибди. Улардан бирининг ойнасидан: «Телефон-автомат», иккинчисидан: «Шаҳарлараро телефон» — деган ёзувлар кўзга ташланади.*

**Дима** (*залга қараб*). Қўриб турибсизки, оила аъзоларимиз жамулжам. Дадам ёзаяпти. Ойим чизаяпти. Бувим бўлса, бизни тарбиялаяпти. Лекин бу ишни у ўз хоҳишича қилаяпти.

**Буви** (*Димага мурожаат қилади*). Дугонамнинг набираси бўлса, шўрва пиширишни ўрганиб олганмиш!

**Дима**. Мана, бу маъқул гап, мен ҳам бу ишни ўрганиб олсам зарари тегмас эди.

**Буви** (*Андрей Петровичга*). Медицина институтии сен билан бирга тамомлаган Коля бўлса, бўлим бошлиғи бўлиб кўтарилибди.

**Дима** (*залга қарайди*). Дадам бу гапни тўғри тушуниши керак, у ҳам бўлим бошлиғи бўлса ёмон бўлмасди.

**Буви** (*Ольга Федоровнага*). Мана бу янгилик эса жуда муҳим! Серёжа бор эди-ку, у Бутуниттифоқ конкурси лауреати бўлибди.

**Дима**. Қайси Серёжа?

**Буви**. Серёжа Потапов. Уни барча зиёли кишилар танийди!

**Дима**. Ундай бўлса, нега энди мен биринчи марта эшитаянман?

**Буви**. Айтдим-ку: зиёлилар деб!

*Андрей Петрович папирос олиб чекади.*

**Ольга Федоровна** (*Андрей Петровичга*). Сенга нима? Аллақачон ўтиб кетган нарсаларни эслаб. У бир болалик нодонликлари эди-да!

*Андрей Петровичнинг энсаси қотиб, ёзаётган нарсасини дивом эттира бошлайди.*

Андрей Петрович (*телефон трубкасини олади*). Нима деганингиз бу? Наҳотки? Сира тортинманг, телефон қилаверинг... Унинг аҳволи жуда яхши. Иситмаси ҳам жойида. Эрталаб ўттиз еттию тўрт эди, шекилли. Йўқ, ўттиз еттию олти! Бу нормал ҳолат. Операция-операция-да... Сира тортинманг, бемалол телефон қилаверинг. (*Трубкани жойига қўяди*).

Ольга Федоровна. Наҳотки касалхонангизда справка бюроси бўлмаса?

Андрей Петрович. Улар шахсан менинг ўзимдан эшитишни истайдилар. Ҳозир телефон қилган унинг қизи. Шундай пайтда уни айблаб бўладими?

Ольга Федоровна. Ҳар ўн минутда телефоннинг жиринглаши жонга тегди. Мен уни узиб қўяман.

Андрей Петрович. Мумкин эмас... Бугун мен оғир операция қилганман.

Ольга Федоровна. Сен қилган операциялар ичида бирор марта бўлса ҳам енгил бўлганми, ўзи?

Андрей Петрович. Ҳар бир кишига ўзининг операция қилиниши оғир туюлади. Яқин қариндошларига ундан ҳам! Уларни айблаб бўладими? Хўп, майли... мен бошқа хопага кира қолай. Нариги аппарат ёнига...

Ольга Федоровна. Мен эса балконга чиқиб кетаман, қўнғироқ жирингидан бошим ҳам ёрилай деяпти.

У қоғозларни йиғиштириб олиб бошқа хонага, хотини эса чизмакашлик тахтасини кўтариб балконга чиқиб кетади.

Буви (*атайин улар эшитсин дегандай*). Ҳа, Серёжа Потапов анча илгарилаб кетди, ошиғи олчи.

Дима (*залга қарайди*). Сизлар нима деб ўйлайсизлар билмадим-у, аммо дадамлар ҳам бу гаплардап хулоса чиқаришлари ва нимагадир илтилишлари керак-ку, ахир? (*Бувисига*). Буви, ўша Потаповнинг ўзи нима иш қилади?

Буви. У иш қилмайди, ижро этади. Музика асарларини ижро этади! Ойинг бешинчи синфда ўқиб зўрган вақтида уни яхши кўрарди... Кела қол, столга дастурхон ёзишга ёрдам бер! (*Паузадан кейин дастурхонни безар экан*). У қобилиятли, музикантлар мактабида ўқиган.

Дима. Бизнинг мактаб қаршисидагидами?

Буви. Даданг билан ойинг, ўзинг биласан, сенинг мактабингда ўқишган. (*Хаёлан ниманидир эслайди*). Бу мактабдан чиққан ўқувчининг қандайлигини аниқлаш мушкул иш. Истеъдодлими, истеъдодсизми? Лекин қарши тарафдагиларнинг истеъдодлиги шундоқ кўриниб турибди. Даданг билан ойинг мактабларидан портфелларини кўтариб чиқишса, музикачилар эса қўлларида. Ғилоф кўтариб чиқишарди.

Д и м а. Буни биламан.

Б у в и. Авваллари ойингнинг эътиборини Серёжа Потаповнинг бошқаларникидан каттароқ филофи ўзига жалб қилган эди, чунки у виолончель чалар эди. Бешинчи синфга чиққанидан кейин эса, уни севиб қолди.

Д и м а. Эҳтимол, ойим ҳам қобилиятли бўлгандирлар?

Б у в и. Нега бундай деб ўйлайсан?

Д и м а. Мана мен... еттинчи синфда ўқияпман, лекин ҳали бир мартаям ҳеч кимни севмадим.

Б у в и (*хаёлга чўмади*). Ҳа-а, Серёжа қойил қилди. Ишлари йирик.

Д и м а (*аламли*). Энди бош огригингиз тутиб қолса, врач чақиртирманг, мана ўша ўзингизнинг... виолончелистингизни чақиртираверинг. Ўша сизни даволай қолсин!

Б у в и. Намунча менга бақирасан?

Д и м а. Нега бўлмаса, ўзингиз буларни ҳаммасини дадамдан яширмай, олдида гапираверасиз?

Б у в и. Юксак чўққиларни эгаллаш қандай завқ бағишлашини у ҳам ҳис этиши керак.

Д и м а. У альпинист эмас — хирург.

Б у в и. Мансабпарастлик — ярамас одат. Аммо ҳар бир инсон юксакликка интилмоғи шарт! Афсуски сенинг дадаи бу ҳақда ўйламайди ҳам. Демак уни, қистаб туриш керак.

Д и м а (*секин*). Қистаб туриш... Марҳамат... Лекин турткиламаи! Унга қаттиқ ботиши мумкин.

Б у в и. Биласанми, дугонаминг набираси катталарнинг ишига ҳеч қачон аралашмайди!

Д и м а. Мен ҳам аралашмаяпман. Шунчаки айтиб қўймоқчиман... Эсингиздами, икки йил бурун glandамни олдириб ташлагандим.

Б у в и. Ушайм операция бўлибдим!

Д и м а. Нега операция бўлмас экан, эҳе ўша пайтдаги огриқни эсласам... Нима, бунинг учун мен хирургни ёмон кўришим керакмиди, очигини айтсам, унга ҳатто қойил қолдим. Мен уни эгнидаги оқ халати-ю, қўлидаги резинка қўлқописпз, ҳаммага ўхшаб юришини сира тасаввур эта олмайман. Эҳтимол, буфетга ҳам иш кийимида борар!

Б у в и. Сен нега булар ҳақида гапираяпсан?

Д и м а. Дадам бўлса, ҳар кун операция қилади. Ҳа! Демак унга ҳам ҳар кун кимдир мендек меҳр билан қарайди-ку, ахир! Сизни бирор марта бўлса ҳам, операция қилишганми ўзи?

Б у в и. Асло.

Д и м а. Олтмиш йилдан бери-я?!

Б у в и. Олтмиш беш йил!

Д и м а. Шундай бўлгач, дадани ишига баҳо бера олармидингиз?

Б у в и. Фақат дадангнинг ўзи ўз ишига баҳо бера олмайди. Бўл-

маса, аллақачонлар академиянинг мухбир аъзоси бўлиб оларди! (*Овозини кўтаради*). Қани ҳаммаларинг столга келиб ўтиринглар-чи!

*Ольга Федоровна ва Андрей Петрович пайдо бўлишади. Ҳозир иссиқ овқат келтираман. (Чиқиб кетади).*

*Андрей Петрович папирос чекади. Дима саҳна олдида.*

Ольга Федоровна. Хонада яна чекаяпсанми?

Андрей Петрович. Кечир... Хаёл суриб кетибман.

Ольга Федоровна. Йўқ. Сен ҳаяжонланяпсан. Наҳотки, шу арзимас нарсага. Ахир бешинчи синфда-я!

Андрей Петрович (*секин*). Бешинчи синфда бошланган...

Дима (*залга*). Ажабо, бошланганга бошланган-у, қачон тугаган экан? Олтинчи синфдамикин? Агарда еттинчида бўлса-чи? Еки ўнинчида? Демак уларнинг севгисидан дадамнинг хабари бор экан-да. Бечора дадамга оғир-а! У ҳозир ҳам изтироб чекаяпти. Кўриб турибман!

*(Қўшни хонага кириб кетгандай бўлади).*

*Оғир кастрюлька кўтариб Буви кириб келади.*

Андрей Петрович. Бир оз кутиб турсак, чакки бўлмасди.

Буви. Нимани кутамиз?

Андрей Петрович. Аниқроғи кимни. Бугун бир киши келиши керак.

Ольга Федоровна. Қаерга келади?

Андрей Петрович. Шу ерга, бизникига...

Ольга Федоровна. Яна бизникигами? Шўрлик раскладушка. Тиним билмайди-я!

Буви. Раҳматли эрим мен билан маслаҳатлашмай ўзича бир иш қилмасди.

Андрей Петрович. Бир жиҳатдан сиз ҳақсиз, лекин иккинчидан... Унинг онаси телефон қилди. Тушунаяпсизми? Оғир касал. Жуда оғир!

Ольга Федоровна. Нима, уларнинг шаҳрига медицина етиб бормаганми?

Андрей Петрович. Кичкинагина шаҳар. У ерда йирик мутахассислар йўқ.

Ольга Федоровна. Йирик мутахассис, албатта, зарурмикан?

Андрей Петрович (*Димани кўрсатиб*). Бордию у касал бўлиб қолса? Ўзинг бундоқ ўйлаб кўр! Опаси: «Ўғлимни кўриб қўйинг!» деб телефонда кўз-ёш қилди.

Буви. Келаётган бола киминг бўлади?

Андрей Петрович. Узоқ қариндошим.

Ольга Федоровна. Жуда узоқми?

Андрей Петрович. Анча узоқ.

Дима. У менинг, масалан, кимим бўлади?



А н д р е й П е т р о в и ч *(ййлади)*. Айтиш қийин... Шуниси аниқки, у отам томонидан қариндош. Ҳа, айтганча, бунинг нима аҳамияти бор?

Д и м а. Шунчаки... Қизиқ-да!

А н д р е й П е т р о в и ч. Бечора «ўғлимни сақлаб қолинг» деб йиғласа, гуноҳқорми?

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Сен аслида ҳимоячи бўлиб ишласанг дуруст бўларкан.

А н д р е й П е т р о в и ч. Қораловчига нисбатан бу маъқул иш.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Вазиятга қараш керак-да.

Д и м а *(дадасига)*. Хирург бўлган яхши.

### *Қўнғироқ.*

Эҳтимол у келгандир. *(Эшикни очгани югуради)*.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Қисқаси, раскладушкани тайёрлайвер. Бола келди. Хонага чамаси йиғирма беш ёшлардаги йигит киради. Бу Кирилл эди. Унинг орқасида Дима. Ольга Федоровна ва бувиси ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашади.

А н д р е й П е т р о в и ч *(хотинига Димани шама қилиб)*. У сенга бир умрга бола бўлиб қолаверади.

К и р и л л. Ёппасига салом!

А н д р е й П е т р о в и ч. Сизни ҳаммамиз кутаётган эдик. Марҳамат, ечина қолинг!

К и р и л л. Ташаккур. Андрей Петрович! Кечирасиз, мен сизни исмингизни айтиб чақираянман, чунки онам бизни бир-биримизга қандай қариндошлик муносабатимиз борлигини ҳеч эслай олмади.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Фикрларимизнинг бир-бирига тўғри келганини қаранг-а, биз ҳам ҳеч эслай олмаётган эдик.

А н д р е й П е т р о в и ч. Йўғ-э, нега? Ҳар ҳолда биз маълум даражада аниқлаб олдик. Менга аёнки, қариндошлигимиз отам томонидан.

К и р и л л. Узоқ қариндош эканмиз, баъзан оддий танишлар ҳам қариндошдан яқинроқ бўлади. Таниш одамингни масалан афтига қараб, танишинг мумкин. Лекин узоқ қариндошни эса, умр бўйи кўрмаслик ва у ҳақда ҳеч нима эшитмаслик ҳам мумкин.

А н д р е й П е т р о в и ч. Лекин, у тўғрида бирор нарса эшитсанг, кўнглинг яйрайди. Ечина қолинг, марҳамат.

*Кирилл пальтосини ечади. Яна ҳамма унинг бўйнидаги қизил галстукка ялт этиб қарайди.*

А н д р е й П е т р о в и ч. Айтган эдим-ку, бола ҳали.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Сиз нечанчи синфда ўқийсиз?

К и р и л л. Пионервожатийман — доним боламан!

Андрей Петрович. Бу жуда яхши касб, ёшлик доим ҳамроҳинг бўлади.

Кирилл. Болалар пионерчасига кузатишди. Хайрлашув собри қилиб. Уша ердан тўғри аэродромга... ва мана мен... *(Галстугини ечади)*.

Андрей Петрович. Нега энди? Бу сизга жуда ярашиб турган эди. Танишинг! Менинг хотиним, Ольга Федоровна...

Кирилл. Кирилл.

Дима *(худди танишини давом эттираётгандек)*. Бизнинг буви-миз!

Кирилл *(Димага)*. Исмлари-чи?

Дима *(дудуқланиб)*. Исмлари?

Андрей Петрович. У унутиб қўйибди. Уни койимасак ҳам бўлади. Чунки у доим Мария Николаевнани — буви деб атайди.

Бувн. Дугонамнинг онаси яқинда тўқсон икки ёшга тўлган бўлса-да, ҳанузгача буви дедирмайди. Лекин, мен анча кўпикчи қолдим.

*«Шаҳарлараро телефон» деб ёзиб қўйилган будкасининг ойнасида чироқ ёниб, унда чамаси ўн уч, ўн тўрт ёшлардаги бир қиз пайдо бўлади. Бу — Леночка. Лаврушинлар уйида узун қўнғироқ товуши жаранглайди, кейин эса тўхтаб-тўхтаб қисқа товуш эшитилади.*

Кирилл. Бу менга бўлишн керак! *(Телефон трубкасини олиб)*. Эштаман... Ҳа, бу мен!.. Кутаман!

Ольга Федоровна *(Андрей Петровичга)*. Ўзимизнинг қўнғироқлар кам эди. Энди шаҳарлараро телефон ҳам қўшилди!

Андрей Петрович. Бир томондан сен ҳақсан, лекин бошқа томондан...

Ольга Федоровна. Назаримда, ўн етти йилдан буён сизларнинг касалхонангиздаги хирургия бўлимида яшаётганга ўхшайман, менга осон деб ўйлайсанми? *(Шаҳдам юриб чиқиб кетади)*.

Андрей Петрович. Бир томондан... *(Унинг кетидан шошади)*.

Бувн. Овқат тайёрлагани борай. *(Кетади)*.

Леночка *(кабинада)*. Кирилл, етиб олдингми? Ҳаммаси жойидами? Биз бу ерда... роса хавотирландик.

Кирилл *(Димага)*. Леночка, у дружина советининг раиси! *(Трубкага)*. Ҳисобот бер...

Леночка. Нимадан бошлай? Менинг ихтиёримда фақатгина уч минут. У ҳолда онамлардан ва Валядан... Очигини гапираверайми?

Кирилл. Очигини гапиравер!

Леночка. Клавдия Ивановна деярли йиғламаяптилар. Биз бу ерда ҳаммамиз уни тинчлантирдик. У сенга телефон қилади.

Кирилл. Валя-чи?

Л е н о ч к а. Очиғини гапираверайми?

К и р и л л. Ҳа, албатта.

Л е н о ч к а. У сенга телефон қилишни жуда истаётган эди. Лекин касал бўлиб қолди.

К и р и л л. Қанақа касал билан оғриб қолди?

Л е н о ч к а. Бизга Гонконгдан келган вирусли грипп билан. Худди ўша билан. Биз бу ерда ҳаммамиз унга қараб турибмиз.

К и р и л л. Иссиғи борми?

Л е н о ч к а. Очиғини айтайми, иссиғи жуда баланд, сенга албатта хат ёзади. Сенга уни телефон орқали ўқиб бераман. Шунда тезроқ бўлади!

Т е л е ф о н и с т к а н и н г о в о з и. Сизнинг вақтингиз тугади!

Л е н о ч к а. Яна икки оғиз сўз! Кирилл! Кирилл... *(Афсусланганича трубкини пуфлайди. Уни илиб қўйиб, кабинадан чиқади).*

*Чироқ ўчади.*

К и р и л л *(трубкини олади, Димага).* Леночканинг вақти тугади. Тавба! *(Қўли билан юрагини ушлаб).* Бу менинг... юрагимнинг уришини қара. Лекин, унинг бўлса, келажаги порлоқ. Сен нега бунча хафасан!

Д и м а. Сизга қандай тушунтирсам экан?

К и р и л л. Мен билан «сен»лашиб гаплашавер. Фақат мактабимизнинг директоригина бош пионервожатийнинг обрўйига сенлаш халал беради деб ўйлайди.

Д и м а. Демак, бошлиқсан?

К и р и л л. Кел, бўлмаса Леночка айтгандек очиқчасига гаплаша-верайлик! *(Атрофига қараб).* Менинг келишим оилангизга ёқмади шекилли?

Д и м а. Йўқ, бунақанги келишмовчилик илгаритдан бор.

К и р и л л. Агарда врачлар онамга касалимни айтиб қўйишмаганида, бу ерга сира келмаган бўлардим.

Д и м а. Улар қандай касал деб тахмин қилишяпти?

К и р и л л. Буниси унча муҳим эмас. Демак, ойинг билан даданг жанжаллашиб қолишдими? Яраштириб қўйиш керакмн? Сен бунни уддасидан чиқасанми?

Д и м а. Уларнинг жанжалини сира ёқтирмайман. Гарчи бундай кунларда улардан кўп нарсани ундириб олсам ҳам, менга ҳеч бири татимай қолади.

К и р и л л. Бу нима деганинг?

Д и м а. Бундай пайтларда улар ўз можароларининг менга таъсир қилмаслиги учун ҳаракат қилишади. Гоҳ дадам секингина театрга, гоҳ онам: «Анчадан буён кинога бормай қолдинг-а?»—деб сўрайди. Худди ҳеч кими йўқ етимчадек бошимни аста силаб қўйишади.

Кирилл. Зиёли кишилар ҳамма нарсани имида-жимиди қилишади. Бу жуда соз.

Дима. Лекин мен бундай кунларда кинога ҳам, театрга ҳам боришни хоҳламайман. Ҳаттоки футболга ҳам. Кўз олдинга келтиргин, футболга ҳам-а!..

Кирилл. Тушунаяпман.

Дима (*ўйлаб*). Ҳозир эса уларни яраштириб қўйишим жудаям керак. Аввал яраштириб, сўнгра эса... ютиш.

Кирилл. Қимни ютиш?

Дима. Бир кишини... Қайсики уни ҳамма маданиятли кишилар танийдилар!

*Ольга Федоровна пайдо бўлади.*

Ольга Федоровна (*Димага*). Отанга айт, хонасидаги форточкасини очиб қўйсин, папирос тутуни ўпкасини тамом қилади. (*Кетади*). Унинг овозини эшитиб Андрей Петрович пайдо бўлади.

Андрей Петрович. Димочка, онанга айтгин, балконда ишлашни бас қилсин: анча салқин тушиб қолди. Ёки рўмолини келтириб бер. (*Кетади*).

Дима. Иш чатоқ.

Кирилл. Нега?

Дима. Биринчидан ойим дадамни — отанг дейди. Дадам эса — мени Димочка деб эркалайди. Бунақаси сира илож қолмаган пайтларда содир бўлади. Иккинчидан эса... Улар бир-бирларига гамхўрликни мен орқали қилишади. Сезяпсанми? Бу жуда хавфли белги! (*Шафдан рўмоли олади. Уни балконга олиб чиқади. Қайтиб келади*). Ойим: «Дадамга оқшом газетасини келтириб бер», деди. «Ҳолдан тойган кўринадн...» Энди иш росаям чатоқ бўлди-да!

Кирилл. Яраштириб қўйиш керак!

Дима. Тушуниб турибман. Лекин қандай қилиб?

Кирилл. Одамлар хурсандчиликда ёки бошларига бирон қайғу тушганда яқин бўлиб кетишади.

Дима. Ҳа-я? Жуда қизиқ-а!

Кирилл. Қайғуга қараганда бировга шодлик бахш этиш оғир иш. Одам кўнгилни кўтариш, уни хурсанд қилиш учун заҳмат чекиш, интилиш, изланиш лозим. Кўнгилни хира қилиш эса оппа-осон. Лекин, бунинг ҳожати ҳам йўқ.

Дима. Шундайку-я, мен бўлсам, ҳар доим иккинчисининг йўлидан бораман.

Кирилл. Нега энди?

Дима. Ўзинг айтдинг-ку, буниси тез! Яна бунинг устига осонгина. Шуниси муҳимки у икки барабар кучли таъсир этади. Улар уришиб қолгудек бўлишса, мен одатда касал бўлиб оламан. Титраб-қақшайман, уйқумда алақсирайман. «Кўряпсанми,

ушинг асаби чатоқ», дейди ойим. «Уйда тинчлик бўлмоги лозим!» Лекин менимча, энди фойдаси бўлмаса керак.

Кирилл. Одатланиб қолишганми?

Дима. Албатта-да. Энди, кучлироқ таъсир кўрсатувчи бошқа ҳийла ўйлаб тониш керак.

Кирилл. Тўғриси айт! Нима ўйлаб топдинг?

Дима. Менми? (қўлини силтади). Мен дадам ва ойимнинг тутув яшашини истайман. (Кириллга). Агарда улар мени сўраб қолишса, Могиланикига кетди, дегин.

Кирилл. Қаерга?

Дима. Могиланикига... Бу дўстим Женьканинг лақаби. Унинг «ҳеч кимга айтмайсан, сўз бер! Могила?» дейдиган одати бор. Нима тўғрисида ҳикоя қилманг, Женька доим: «Ҳеч кимга! Ҳеч қачон! Улай агар, Могила!» дегани деган. Шу сабабли қам унга Могила лақабини беришган. (Дераза ёнига келади). Хув анави уйда яшайди! Серқатиов кўчани кесиб ўтиш керак. Ундан кейин доимо гавжум хиёбонни ёриб ўтишнинг ҳам ўзи бўлмайди!

Кирилл. Бунинг қандай аҳамияти бор?

Дима. Жуда катта. Хуллас, дадам билан ойимга дарслик китобига кетганимни, тезда етти-саккиз минутга қолмай қайтиб келишимни айтиб қўй! (Югуриб чиқиб кетади).

Эшикнинг ғирчиллаган овозини эшитиб, Ольга Федоровна пайдо бўлади. Оғир кастрюлька кўтариб, Буви ошхонадан чиқиб келади.

Ольга Федоровна. Ким чиқиб кетди? Димами?

Кирилл. У дўстиникига дарслик олиб келгани кетди. Тезда қайтармиш.

Буви. Дугонамнинг набираси эса ота-онасидан рухсат олмай туриб уйдан чиқмасди!

Ольга Федоровна. У ҳозир оёғи куйган товукдай кўчадан югуриб ўтади. Бу йўлда эса ҳар куни бир фалокат содир бўлиб турибди.

Буви. Тўшунарли. Энди кечки овқатни учинчи марта иситишим қолди. (Кастрюлькани кўтариб яна ошхонага қайтади).

Ольга Федоровна (Кириллга). Сизнинг Москвага биринчи келишингизми?

Кирилл. Биринчиси.

Ольга Федоровна. Балкондан, шаҳарни томоша қилиб кўринг. Ҳар ҳолда, ўн тўртинчи қават!

Улар чиқиб кетишади. Дима автомат-телефон будкасига югуриб келади. Чўнтагидан чақа олиб, номер тера бошлайди.

Дима. Могила, бу сенми? Жуда соз!.. Буваглар уйдаими? (Қисқа паузадан кейин). Афсус... Ундай бўлса, пастга автомат будкаси ёнига туш. Тезроқ! Ишим бор. Фақат ҳовлиқма, йўл

дан эҳтиёт бўлиб ўт! (*Трубкани жойига қўяди*). Ҳозир келади! Мен унинг ёрдами билан... Аслида бунақа қилишни ҳожати ҳам йўқ эди. Лекин на чора? Қандай бўлмасин уларни яраштириб қўйиш лозим-да. Уйда нотинчлик бўлса, сенинг ҳам тиңчилигинг бузиларкан.

*Женька чопқиллаб етиб келади. Димага тикилиб қарайди.*

Ж е н я. Нима, уйиңгдан қочиб чиқдингми?

Д и м а. Нега бундай деяпсан?

Ж е н я. Юзингдан кўриниб турибди. Тўғри-да! Аялақачон шундай қилишинг керак эди! Бутунлайми?

Д и м а. Шошмай тур...

Ж е н я. Қўрқмай қўя қол: ҳеч ким билмайди. Могила!

Д и м а. Намунча, уйдан қочиб, яшириниб юришимни яхши кўрмасанг.

Ж е н я. Яхши кўраман... Сенга ёрдамим керакми?

Д и м а. Бизникига ҳар икки минутда қўнғироқ қил ва ҳар сафар ҳам ойимга мени кутаётганингни, лекин ҳали ҳам келмаётганилгимни, токи улар хавотирлана бошламагунларича такрор айтавер. Тушундингми?

Ж е н я. А? Мен ҳеч кимга, ҳеч қачон бундай ҳийла ишлатмагачман. Ўзинг биласан-ку. Бунинг нима ҳожати бор?

Д и м а. Бу тўғрида... ҳатто сенга ҳам айтолмайман! Лекин бу жуда муҳим! Ишонавер! Мана сенга бир нечта чақа. Қўнғироқ қилавер.

*Женя будкага киради. Номерларни тиради. Лаврушинларникида қўнғироқ овози эшитилади. Телефонга Ольга Федоровна яқинлашади. Унинг кетидан — Кирилл.*

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Ташвишланманг, бу шаҳарлараро қўнғироқ эмас. Булар маҳаллий беморлар бўлишса керак. (*Трубкани олади*).

Ж е н я (*хавотирлангандай*). Ольга Федоровна? Салом! Бу Женя. Мен хавотирланаяпман! Дима бизникига келаётган эди. Бир минутдан кейин бораман деган эди. Ҳалигача дарак йўқ...

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Йўғ-э, ростданми?

Ж е н я. Ҳа, лекин сиз хавотир қилманг. У келиши билан мен сизга қўнғироқ қиламан! (*Трубкани осиб қўяди*).

Д и м а. Хўш, қалай!

Ж е н я. Жойида! Хавотирга тушиб қолди. Энди яна давом эттириб, куйдираверамиз!

Д и м а. Бир оз кутиб турамыз. Бир, икки минут...

О л ь г а Ф е д о р о в н а (*Кириллга*). У тўғри Женяникига бораман дедими?

К и р и л л. Ҳа, Могиланикига.

Ольга Федоровна. Тфу... Аҳмоқона лақаб, у ҳалигача етиб бормабди!

Кирилл. Йўлда бирор кишига йўлиқиб қолгандир. Ёки бирор нарсани кўриб қолгандир.

Ольга Федоровна. Худди шундай бўлган! Ағрайиб турган, эҳтимол... У ер жуда серқатнов.

Кирилл. Уни қидириб топишга уриниб кўраман.

Ольга Федоровна. Қаердан?

Кирилл. Мен ҳозир. *(Чиқиб кетади)*.

Ольга Федоровна *(хона бўйлаб юради. Баланс овозда)*.  
Андрюша!

Андрей Петрович *(узоқдан)*. Ҳа.

Ольга Федоровна. Дима йўқолиб қолди...

Андрей Петрович. Нега йўқоларкан?

Ольга Федоровна. Женяникига ғизиллаб бориб келаман деган экан. Шу маҳалгача етиб бормабди!

Андрей Петрович. Илтимос, хавотир олаверма.

Дима *(Женяга)*. Ҳали яна тўртта чақамиз бор. Қўнғироқ қилавер.

*Телефон жиринглайди.*

*Женька яна номерларни теради. Лаврушинлар уйида яна қўнғироқ овози эшитилади. Ольга Федоровна ҳовлиқиб телефон трубкасини олади.*

Ольга Федоровна. Женя? Сенмисан?!

Женя *(ғамгин овозда)*. У ҳали ҳам келмади...

Ольга Федоровна. У йўлда, бирор ерга кириб чиқмоқчи эмасмиди?

Женя. Нималар деяпсиз! У жуда шошилаётган эди. Мен унга кетмоқчилигимни айтган эдим. Тушуняпсизми? Шунда у «бир оёғим шу ерда бўлса, иккинчиси...» деди-ю. Қани энди у оёқлар? Бир минут... Қўнғироқ чалинди! Эҳтимол, келгандир? Илтимос кутиб туринг.

Ольга Федоровна *(Андрей Петровичга)*. Афтидан у келганга ўхшаяпти.

Андрей Петрович. Мана кўрдингми! Мен хотиржам эдим.

Женя *(ҳафсаласи пир бўлиб)*. Йўқ, у эмас экан. Келса дарҳол сизга қўнғироқ қиламан.

Ольга Федоровна. Илтимос, биз телефон ёнидан узоққа кетмаймиз! *(Трубкини илиб қўйиб, хона ичида юради)*.

Дима. Қалай? Овозларида ўзгариш борми?

Женя. Ҳозирча сезилмаяпти. Лекин роса қойиллатамиз ҳали... Шубҳа қилмай қўя қол. Мени биласан-ку...

Дима. Жуда ҳаддан ошириб юборма. Биласан-ку, ўзимнинг сийим-а? Тушунарлими?

Женя (*қўлларини ишқалайди*). Бир оз кутиб турамыз.  
Андрей Петрович (*хотинига*). Сендан илтимос, бир оз ўтир.

(*Уни бошини силайди*).

Эшик олдида Буви кўринади. Унинг қўлида оғир кастрюлька.

Буви. Хўш нима! У келдими?

Ольга Федоровна. У йўқолди...

Буви. Энди нима қилдим? Тўртинчи марта иситилган овқат — овқатми?

Ольга Федоровна. Ҳозир бунинг қандай аҳамияти бор?! Фақат у эртaroқ қайтиб келса кифоя.

Андрей Петрович. Қайтиб келади. Ишончим комил бунга.

Ҳа айтганча, меҳмонимиз қапи?

Ольга Федоровна. Қасққадир чиқиб кетди.

Андрей Петрович. У ҳам кетдими?

Ольга Федоровна. Бу ган ҳозир юракка сигармиди?!

Андрей Петрович. Ташвишланаверма, азизим.

Ольга Федоровна. Ҳеч тасаввур эта олмаяпман. Нима бўлаяпти ўзи! Ахир кўча жуда серқатнов бўлса...

Андрей Петрович. Мана кўрасан. Ҳаммаси жойида бўлади!

Ольга Федоровна. Ишқилиб эсон-омон қайтса бўлди! Унинг ҳамма қилмишларини кечираман! Ҳаммасини! Ишқилиб омон бўлсин...

Дима (*Женяга*). Яна бир марта кўнғироқ қилиб кўр-чи.

Женя (*қўлларини ишқалайди*). Жопим билан! Ота-оналарни ўргатиш ҳам лозим! (*Номёрларни теради*).

*Лаврушинлар хонадонида телефон овози.*

Ольга Федоровна (*трубкага ташланади*). Женя?! У келдими?

Женя. Йўқ ҳали... У жуда шошилган эди! Лекин, у қаерда бўлса ҳам сандирақлаб юргандир, албатта.

Ольга Федоровна. Бизга ҳар минутда кўнғироқ қилиб тур.

Биз рости жинни бўлиб қолай деяпмиз! (*Трубкини осиб қўяди*).

Дима. Хўш, нима гап?

Женя. Улар: «Жинни бўлиб қоляпмиз!» — дейишди. Улар ҳақиқатан ҳам «жинни — биз» дейишдими? Буни аниқ эслаб қолдингми?

Женя. Улай агар шундай! Лекин, кел, уларни яна озроқ қийнай-миз. Майли бир милицияга, кейин ўликхонага телефон қилиб кўришсин.

Дима. Йўқ! Менимча шунинг ўзи ҳам етарли. Еки... яна бир марта кўнғироқ қилиб кўрасанми? Кейин мен уйга югурсам.

Женя. Сен жуда нозиксан. Худди зиёлиларга ўхшайсан! Агар ўринигда мен бўлганимда...

*Музыка.*



Ольга Федоровна. Нима қиламиз? Нима қилсак буларкин?  
Андрей Петрович. У бошқа бирор жойга кирган бўлиши ҳам  
мумкин...

Ольга Федоровна. Ахир кечки овқат тайёрлигидан хабари  
бор эди-ку!

Буви. Биз очдан ўлсак ҳам у парвои фалак!

Андрей Петрович. Олечка, ўзингни бос.

Ольга Федоровна. Бу кўчада худо берган кунни бир фалокат  
юз бериб турган бўлса...

Андрей Петрович. Юр, балконга чиқайлик, у ердан хнёбон  
ҳам, кўча ҳам яққол кўриниб туради.

Ольга Федоровна. Телефон-чи?

Буви. Мен оламан. (У ҳоргин телефон ёнидаги ўриндиққа ўти-  
ради).

Ольга Федоровна билан Андрей Петрович балконга чиқиб кетади.

Буви. Менинг дугонамининг набираси бир жойга кетадиган бўлса,  
ҳар ўн минутда қўнғироқ қилиб туради. Хавотирланишмасин  
деб! (Бир оз сукутдан сўнг). Димочкамиз қасқда қолди  
экан-а?

### Музыка

Телефон будкаси ёнида Кирилл пайдо бўлади. Атрофга қарайди.  
Дима билан Женяни кўради. Уларга яқинлашади

Дима. Ия, Кирилл!

Кирилл. Қўлга тушаркансан-ку, безори!

Дима. Уйда нима бўлаяпти?

Женя. Улар тирикми ҳали?

Кирилл. Қани уйга юр! Буёққа қараш мени калламга келмага-  
нини қара. (Женядан хафа бўлиб бошини чайқайди). Мен  
унинг уйига ҳам бориб келдим.

Дима. Қандай қилиб топдинг?


Кирилл. Неча йилдирки «Ёш изтопарлар отряди»га бошчилик  
қиламан! Ахир бундай оптимистик лақабли боланинг уйини  
ким ҳам билмайди?

Женя (мағрур). Бўлмаса-чи!

Дима (Кириллга). Қандай қилиб бўлса ҳам уларни яраштириб  
қўйиш зарур эди-да!

Кирилл. Катта кетма. Сен менинг дружинамда бўлганингдами!  
Умуман шу нарсани унутма: иложи борича одамларнинг  
умрини қисқартишни эмас, узайтиришни ўйла. (Улар етакла-  
шиб йўлга тушишади).

Женя. Қайи эди яна уч мартагина қўнғироқ қилсам эди! Еки  
мартнинг мартини эди, бу тарихий иш бўларди-да! (Кетади).



*Лаврушинлар квартираси. Ольга Федоровна билан Андрей Петрович Буви ўтирган телефонли хонага кириб келишади.*

Буви (телефонга ишора қилади). Тикилган қозон қайнамас деганларидек бир марта ҳам қўнғироқ жирингламаса-я.

Ольга Федоровна. Улар келишяпти! Иккаласи. Балкондан кўрдик! Ҳозир унга кўнглимдаги бор гапни тўкиб соламан.

Андрей Петрович. Ҳозиргина ўзинг, қайтиб келса, ҳамма қилмишларини кечиришга тайёр эдинг-ку. Мен бунақа ҳолатни касалхонада жуда тез учратиб тураман: «Доктор агар соғайиб кетсам, ўзимни жудаям бахтли сезардим. Соғлиқдан бошқа ҳаммаси бўлмағур нарса эканига тушуниб етдим...» дейишади. Хатарли дамлар ўтиб кетгач, яна эсидан чиқиб кетади, бошқа ташвиш, бошқа иш билан яшаши. Ҳаёт шунақа! Ке, уни хафа қилмай қўя қол.

*Эшик қўнғироғи чалинади. Андрей Петрович эшикни очади. Хонага Кирилл ва Дима кириб келади.*

Буви. Ана бебош набирам ҳам келяпти!

Ольга Федоровна. Кирилл, раҳмат сизга! Раҳмат.

Кирилл. Нимага? Мен уни бирор нарсадан қутқариб қолган бўлмасам.

Ольга Федоровна, Сиз бизнинг асабимизни асраб қолдингиз, хотиржам қилдингиз. Сиз ундан...

Андрей Петрович (сўзини бўлади). Олечка, етар энди! Ҳадеб ташвишланаверма. (Хотинини қучади).

Дима (уларга қараб). Жуда соз!

Ольга Федоровна. Нима дединг?

Дима. Ҳеч нарса... Ўзим шунчаки...

Ольга Федоровна (эрига). Мана кўряпсанми. У хурсанд! Шунча гуноҳи бўла туриб ташвишланишни ҳам билмайди-я!

Андрей Петрович. Бунақа одамлар озчиликни ташкил этади.

Ольга Федоровна. Нега энди? Масалан, мен Кирилл олдида ўзимни гуноҳкор ҳис этаяпман-ку!

Дима (керилиб Кириллга қарайди). Буни яхши натижа деса бўлади!

Ольга Федоровна (Кириллга) Сиз ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а... (Эрига ишора қилади). Менимча у ўз беморларининг дарди билан яшайди. Уларни деб ўз соғлиғини ҳам, оиласидагиларнинг соғлиғини ҳам ўйламайди.

*Телефон жиринглайди.*

Андрей Петрович (трубкага). Ундай деманг! Наҳотки! Ҳеч оғирлиги йўқ.

Ольга Федоровна. Мана энди!

А н д р е й П е т р о в и ч (т р у б к а г а). У палата ичида қадам босиб юра бошлади. Дераза ёнига, кейин орқага... Йўқ хавфли эмас... У менинг қўлимга суяниб юрди... Тортиниб ўтирманг, телефон қилаверинг... (т р у б к а н и ж о й и г а қўяди).

О л ь г а Ф е д о р о в н а (К и р и л л г а). Ҳадеб қўнғироқ қилишаверади, нима справка бюроси қуриб қолганми?

А н д р е й П е т р о в и ч. Бир жиҳатдан сен ҳам ҳақлисан, лекин иккинчи томондан... Уларга телефон номерини ўзим бераман. Уларни айблаб бўладими?

О л ь г а Ф е д о р о в н а (К и р и л л г а). Унинг тенгдошлари шу кунларда диссертация ёқлашаяпти, профессор, фан доктори бўлиб олишаяпти!

Б у в и. У ҳатто бир вақтлар ўша одамларга имтиҳонларда ёрдам бериб турарди...

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Нега энди бир вақтлар бўлар экан? Улар ҳозир ҳам ўз диссертацияларини кўрсатиб туришади. Фақат, унинг умрбод мана шунақа — маслаҳатгўй бўлиб қолишдан ташвишланаман, холос. Киши билмас маслаҳатчи... Таниқли киши бўлиши учун эса, ҳозир илмий унвон лозим. Ахир мана бунақанги қўнғироқ қилувчилар унга унвон олиб беришармиди!

А н д р е й П е т р о в и ч. Оля, ўйлаб кўр, ўз билимини кўз-кўз қилишнинг нима кераги бор.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Мени кечир-у, агар витрипа кишиларни ўзига жалб қилмаса, биров магазинга бош суқадими? Пештахтадаги ажойиб товарларни кўрмай ўтиб кетишаверади.

Д и м а (К и р и л л г а с екин). Яна Могиланикига бориб келишимга тўғри келадиғанга ўхшайди.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Сен нима дединг?

Д и м а. Яна дадамдан хафа бўляпсиз.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Мен унинг келажагини ўйлаяпман! Мени кечирасиз, Кирилл сиздан анчадан бери сўрамоқчи эдим. Қаерингиз оғрийди?

Б у в и. Диагнозингиз нима?

К и р и л л. Тахмин қилишларича...

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Аниқроғи нимани тахмин қилишяпти?

К и р и л л. Болалагимда тез-тез томоғим оғриб юрарди.

О л ь г а Ф е д о р о в н а (Д и м а г а). Мана кўрдингми, биз ёшлигингда glandангни олдириб ташлаб яхши қилган эканмиз!

Д и м а. Уни хирург олиб ташлаган.

К и р и л л. Кейинчалик касалим кучайиб кетди: бод, ревмакредит... «Нафас сиқилиши» касалига дучор бўлдим. Кейинчалик эса булар юрак ўйноғига олиб келди. Буниси ҳам майли эди-я. Энди-стеноз касаллиги ҳам қўшилган деб тахмин қилишяпти.

А н д р е й П е т р о в и ч. Бу тахминга мен унча ишонмайман. Шу

сабабли касаднинг ҳақида уйдагиларга бирор нарса айтма-  
гандим. Олдин ўзимда ишонч ҳосил қилишим керак!

Дим а. Стеноз дегани, нима?

Кирилл. Қизил қон томирларининг секин-аста торайиб бориши.  
Ёки шунга яқин ҳодиса. Мен буни медицина фанига оид қўл-  
ланмалардан ўқиб кўрдим.

Дим а. Даволаб бўладими?

Кирилл. Нима, хунук эшитилаяптими? Энди юракни ўзини опе-  
рация қилиш керак.

Андрей Петрович. Тахмин қилинаётган стеноз аниқланган  
тақдирдагина шундай бўлади.

Ольга Федоровна. Сиз бу диагнозн қаёқдан била қолдин-  
гиз?

Кирилл. Врачларнинг ўзлари шошиб қолишди. Касалингиз  
хавфли эмас деб мени тинчлантиришга уринишди. Мен ўзим  
унчалик ташвишланмасам-да, улар ҳадеб мени алдашга  
ҳаракат қилишарди. Бўлмади, уларга сездирмай қоғозлари-  
га кўз югуртирдим. «Стеноз» сўзи ёнидаги катта савол ало-  
матини кўрсам ҳам парво қилмадим. Врачлар савол аломати  
қўйганларидан кейин, нега энди мен ундов аломати қўйишим  
керак? Лекин негадир бу ҳақда онамга ҳам айтишибди.

Андрей Петрович. Расмийт юзасидан қараганда тўғри қи-  
лишган. Қариндошларни огоҳ қилиб қўйиш лозим.

Кирилл. Лекин, улар қариндошларимизга эмас, онамга айтиш-  
ди-да. Шундан кейин сизнинг олдингизга келишга тўғри кел-  
ди. Ойим билан сизга телефон қилдик.

### Музыка

*«Шаҳарлараро телефон» ёзуви будканинг деразаси ёришиб  
кўринади. Будка ёнида Кирилл билан унинг онаси туришибди.*

Клавдия Ивановна. Қўлимга медицинага оид китоб тушиб  
қолди. Уни сенинг жавонингдан топиб олдим. Кирюшенка,  
бундай бўлишига сира ишонгим келмаяпти! А? Ўзинг қандай  
фикрдасан? Тўғри, а, бундай бўлиши мумкин эмас-ку?

Кирилл. Мен врачларнинг янглишаётганига ишонч ҳосил қилиш  
учун ҳам қариндошимизникига келдим. Ахир улар савол ало-  
мати қўйишган-ку. Уша каттакон саволни ўзингиз кўрганин-  
гизда эди? Диагнознинг ўзидан ҳам катта. Улар бундан бат-  
тариини ҳам тахмин қилишлари мумкин, албатта. Сиз менга  
ишонасизми?

Клавдия Ивановна. Борди-ю, шундай бўлиб... Кирочка, бор-  
ди-ю, шундай бўлиб чиқса? Йўқ. Бундай бўлиши мумкин  
эмас! Уғилгина. Ташвишланма! Хотиржам бўлавер!

Кирилл. Менинг кўнглим тўқ.

Клавдия Ивановна. Мен ҳам. Куляпман... кўряпсанми?  
Сира ақлим етмаяпти, нега энди менинг юрагим соғлом бў-

лиши керак экан? Ахир мен сендан йигирма беш ёш катта бўлсам.

Кирилл. Ўзингиз шошмасдан ўйлаб кўринг-а. Бошимда отам бўлмади, ўзингиз мени боқиб катта қилдингиз. Ўсингиздами, «Яна икки йил мактаб, кейин беш йил институт. Демак ҳаммаси етти!»— деб нуқул санаганингиз санаган эди. Кейин бир йиллаб камайиб бораверди ва ниҳоят мен институтни тугатдим. Уқитувчилик қилсам ҳам бўлади! Маиа энди бўлса — стеноз... Наҳотки шундай бўлса? Ахир сиз озмунча кутдигизми! Қаранг, нималар бўляпти. Наҳотки хизматларингиз ҳаққига шунақа совға тайёрлаган бўлсам-а! (*Енгил истеҳзоли кулади*). Наҳотки мен шундай бўлиб қолсам! Шу рост бўлса, сизга жабр қилган бўламан!

Клавдия Ивановна. Кирюшенка!.. (*Уни қучоқлайди, йиғлайди*).

Кирилл. Бораман, менда ҳеч қандай стеноз йўқ. Сиз ишонаверинг! Юрак касалим ҳеч гап эмас. Одамлар орасида бундай касаллар камми? Уларнинг ҳаммаси айшини суриб юрибди-ку!

Клавдия Ивановна. Менга, тўғрисини хабар қиламан деб, сўз бер...

Телефонистканинг овози. Москва—Москва—учинчи кабинага. Москва — учинчи! Улар югурганларича кабинага киришади.

*Қоронғи бўлиб қолади.*

*Лаврушинлар квартираси кўринадди.*

Кирилл. Мен ваъда берганман. Унинг қасам ичиб гапирадиган одати бор. У озгина ташвишланидиган бўлса, мен соғлигим дурустлигини айтиб, уни тинчлантиришга ҳаракат қиламан: «Менга ваъда бер. Ўшанда сўзингга ишонаман» дейди. Одатда бўш келмасдим. Лекин ҳозир эса унга қаршилиқ кўрсатгим келмади.

Бувви. У бечоранинг аҳволига тушуниб турибман!..

Ольга Федоровна. Оталар ҳар хил бўладилар-у, лекин онзларнинг ҳаммаси бир хил бўларкан. (*Андрей Петровичга*). Нима сен ўз соғлигингни ўйлармидинг? Мана, сенинг институтда орттирган дўстларингни қара, улар диссертация ёзиш учун ижодий отпуска олишади. Сен бўлсанг мана уч йилдирки ўзингни меҳнат отпускангни ҳам эплаб ололмаёсан!

Андрей Петрович. Майли, ҳеч қўймадингиз, қўймадингизда! Бир ҳафта отпуска олганим бўлсин. Баҳонада Кирилл иккимиз «юрак касали» билан боғлиқ бўлган барча муассасаларни айланиб чиқамиз. Стеноз бор-йўқлигини аниқлаб олишга ҳаракат қиламиз.

**Кирилл.** Борди-ю, улар онамга айтиб қўйишмаганларида бу ерга келмаган ва сизни овора қилмаган бўлардим. Илтимос мен учун овора бўлманг. Раскладушкага ўзим жой солиб оламан.

**Ольга Федоровна** (*Димани кўрсатиб*). Раскладушкада у ухлайди! Сиз каравотда ётасиз.

**Кирилл.** Илтимос, ҳадеб менга ғамхўрлик қилаверманг, акс ҳолда диагноз тўғрилигига ишониб қолишим мумкин.

**Був. Яқин бир дугонаминг ўгли мана шу стеноз касали билан оғриган эди. Уни биринчи кўришдаёқ, касаллиги сезилиб турарди: яноқлари синиққан, нафаси қисарди. Сизнинг рангингиз тоза. Сиз бунақа касалга сира ҳам ўхшамайсиз.**

*Саҳна қоронғилашади.  
Дима саҳна олдига чиқади.*

**Дима.** Мен раскладушкада ётишни жуда яхши кўраман! Бир марта полда ётиш ҳам nasib қилган. Ўшанда маъза қилганман! Қисқаси, Кирилл бизникида қолди. Отам отпускаи олди ва у билан бирга кардиология институтлари ва «юрак касали» муассасаларига қатнади...

*Унинг ёнига Кирилл келади.*

Сенга бир саволим бор эди.

**Кирилл.** Марҳамат, бош вожатийга ўз дўстинг ёки устозингдай яқин муносабатда бўлавер!

**Дима.** Мен омадсиз кишиларни хотинлар севмайди деб эшитгандим. Шу тўғрими?

**Кирилл.** Аксинча, хотинлар уларга раҳм қилишади.

**Дима.** Лекин, эркакларга бунинг нима ҳожати бор?

**Кирилл.** Бу масала сени нега қизиқтириб қолди?

**Дима.** Ойим билан бувим нуқул дадамни омадсиз одам дейишади. Дадамнинг сўзи билан айтганда, бу бир томондан, иккинчи томондан эса, Сергей Потапов оиламизнинг гашига теккани-теккан. У ўзи ҳақидаги афишаларни шаҳарга ёғдириб ташлаган!

**Кирилл.** Ким ёғдириб ташлаган?

**Дима** (*атрофга аланглайди*). Бунга фақат сенга айтаяпман. Бир одам бор. Бахтга қарши у лауреат. Ойим олдин уни яхши кўрган. Бешинчи синфда ўқиётганида.

**Кирилл.** Бу ёшда ким севмас экан!

**Дима.** Мана, мен еттинчида ўқисам ҳам ҳали...

**Кирилл.** Сен, оддий қилиб айтганда, анча гўрсан. Ойинглар ўша лауреатни аллақачонлар унутиб юборгандирлар.

**Дима.** Ҳаммадан хунуги шундаки, ойим доим уни эслатгани-эслатган. Назаримда, ойим уни дадам билан таққослаб кўра-

диганга ўхшайди. Уни афишаларда кўрсатишаверади, қарсақ чалиб олқишлашаверишади. Дадамни билгани эса, бинт боғлашу укол қилиш. Бошқа иложи ҳам йўқ-да.

Кирилл (*ҳазиллашади*). Қулоқ сол, сен пионер ташкилотининг кучи ва ролига ишонмайдиганга ўхшайсан-а!

Дима. Менми?!

Кирилл. Ҳа сен! Маслаҳат шуки, дўстларинг билан бирга: «Бу кишига ўхшашга ҳаракат қил!» мавзусида отряд соборини ўтказинглар. Уша киши — сенинг даданг бўлсин. Унинг фотосуратини осиб қўйинглар, у ўлимдан сақлаб қолган кишиларни йиғинга таклиф қилинлар. Одамларнинг ўзлари дадангнинг ишларини ҳикоя қилиб беришсин. Ойинг ҳам ўтириб, уларни эшитсин! Пионерлар юрагида бу ажиб касбга меҳр уйғонади, ойингни қалбида эса...

Дима. Дадам рози бўлмайди. У жуда камтар одам. Унинг асосий камчилиги ҳам ана шунда. Потапов бўлса, шаҳарни тўлдириб юборган, ўз сурати босилган афишаларни кўриб мамнун. Ойимга буни қандай қилиб тушунтирса бўларкин?

Кирилл. Сабр қил! Мен уйга қайтиб боргач, биринчи сбордаёқ Андрей Петровичнинг мутлақо танимайдиган одамларга ҳам: «Ҳеч тортиниб ўтирманг, қўнгироқ қилаверинг... Марҳамат, қилаверинг!» дейдиган хушмуомала киши эканини ҳикоя қилиб бераман. Бунга бутун дружинамиз қойил қолади. Буни сизлар ҳам эшитасиз. Биз Леночка билан ҳаракат қилиб кўраимиз!

Дима. Дружина йиғилгунича ваннахонага кириб чиқайлик. Бир минутга... Муҳим иш бор! (*Кетишади*).

*Музыка.*

*Хонада Андрей Петрович, Ольга Федоровна ва Буви.*

Ольга Федоровна. Хўш, Кириллнинг соғлиги қалай экан? Андрей Петрович. Эртага аниқ бўлади. Консилиум уюштирдик.

*Кирилл билан Дима пайдо бўладилар.*

Дима (*Кириллга*). Сен Святослав Рихтерни ёқтирасанми?

Кирилл. Бўлмасам-чи!

Дима. Давид Ойстрахни-чи?

Кирилл. Уни ҳам.

Дима. Софроницкийни-чи?

Кирилл. Уни ҳам ёқтираман, лекин у ўлган-ку...

Дима. Сергей Рахманиновни-чи?

Кирилл. Уни ким ёқтирмайди дейсан?

Дима. Сергей Потаповни-чи?

Кирилл. Бунақа одамни танимайман. ....

Дим а. Бир марта ҳам эшитмаганмисан? Эҳтимол сен шунчаки виолончелни ёқтирмаслигинг мумкин?

Кирилл. Нега энди? Масалан, мен Метислав Ростроповични жуда ёқтираман.

Дим а. Сергей Потановни-чи? Яхши ўйлаб кўргин! Эсингга тушиб қолар...

Кирилл. Йўқ, у тўғрида ҳеч нарса эшитмаганман. Намунча ўша билан қизиқиб қолдинг. Фамилияси нима упи? Нега бунчалик?

Дим а (*сахна олдида чиқади, залга қараб*). Кирилл бу сахнани жуда ўринлатиб ўйнапти, атиги бир минутгина ваннахонада репетиция қилдик, холос. (*Дадасига, ойисига ва Бувисига қарайди*.) Наҳотки, Кирилл уни билмаса! (*Кифтини қисади*).

Андрей Петрович. Негадир бугун газеталар кўринмаяпти.

Ольга Федоровна. Яшик бўм-бўш. Қараб кўрган эдим.

Андрей Петрович. Ажабо! Дима сен олмадингми?

Дим а. Мен?!

Ойнасида «шаҳарлараро телефон» ёзуви бор кабинада чироқ ёнади.  
Унга Леночка киради. Лаврушинлар квартирасида узун-узун телефон қўнғирогининг жиринглаган овози эшитилади.

Кирилл. Шаҳарлараро! (*Телефонга отилади*).

Леночка. Кирилл! Ҳа, бу мен, Леночка!

Кирилл. Салом, азизим! (*Ҳаммага*). Бу — дружина советимизнинг раиси!

Був, Ольга Федоровна ва Андрей Петровичлар шошилиб худди командага бўйсунгандай ошхонага ва қўшни хонага чиқиб кетишади.

Ольга Федоровна. Анчагина ишимиз бор...

Дима стулга ўтириб олади.

Дима, сен дарс қилмайсанми?

Дим а. Ҳозирча, йўқ!

Катталар чиқиб кетишади.

Кирилл (*трубкага*). Ойим қалай?

Леночка. Биз уни сира ҳам ёлғиз қўймаймиз.

Кирилл. Раҳмат. Катта раҳмат.

Леночка. Биз сениз бу ерда зеркиб қоляммиз. Айлиқса, Валя.

Кирилл. Унинг ўзи қалай?

Леночка. Очигини айтайми?

Кирилл. Албатта-да!



Л е н о ч к а. Иситмаси анчагина баланд! Лекин у ҳар ҳолда сенга мактуб ёзди. Ҳозир ўқиб бераман!

К и р и л л. Улгурасанми?

Л е н о ч к а. Мен хоҳлаганимча гаплаша оламан!

К и р и л л. Шунча пулни қаердан олдинг?

Л е н о ч к а. Очиғини айтайми? Дружина совети уч кун сурунка-сига нонушта қилмади. Иқтисод қилинган маблағни ҳар куни Москва билан алоқа боглаб туриш учун менга беришди.

К и р и л л. Тушунарли. Ундай бўлса майли, ўқи!

Л е н о ч к а. Мактубда турлича... бундай жумлалар бор... Лекин у менга ўқишга рухсат берган. «Қимматли, Кирилл! Жўнаб кетаётганингда шундай бўлиб қолганимдан жуда хижолатдаман. Майли, бунақанги бемаъни жанжал энг сўнггиси бўла қолсин. Сен ҳақ экансан, бу ердан ҳам яхши жой бўладими? Айниқса сен ёнимда бўлсанг... Қўнгироқ қилай десам соғлигим кўтармаяпти. Лекин, бутун вужудим билан сен билан биргаман. Бинобарин, ҳаммаси жойида бўлишига ишонаман. Сени маҳкам қучиб ўпаман! Валя».

К и р и л л. «Маҳкам» деб ёзгани тўғрими?

Л е н о ч к а. Тўғри!

К и р и л л. «Сен ёнимда бўлсанг...»— деб ёзилгани ҳам тўғрими?

Л е н о ч к а. Ҳозир, текшириб кўрай! (*Қисқа паузадан сўнг*).  
Ҳа... Ҳаммаси тўғри!

К и р и л л. Ойимлага ўхшаб: «Менинг соғлигим билан қасам ич!». Ҳа, майли, қасам ичмай қўя қол... Шундоғ ҳам ишондим. Раҳмат!

Л е н о ч к а. Нега, мен нима қилибман!

К и р и л л. Қолган ишлар ҳақида ҳам ҳисобот бер!

Л е н о ч к а. Эсингдами, гордероб навбатчиси Анна Матвеевна тўғрисида дружина совети номидан шаҳар советига хат ёзган эдинг? Эсингдами ўшанда, бизни ўзгаларнинг ишига аралаш-ишмаяпти, деганлар ҳам бўлган эди?

К и р и л л. Ҳа, эсимда.

Л е н о ч к а. Унга квартирага ордер беришди.

К и р и л л. Неча хона?

Л е н о ч к а. Иккита.

К и р и л л. Янги қурилган уйларданми ёки эски жойданми?

Л е н о ч к а. Унисидан хабарим йўқ.

К и р и л л. У билан бирга бориб кўринглар. Бўлмаса берганини олавериши мумкин.

Л е н о ч к а. Яхши. Ҳаммамиз йиғилишиб оталигимиздаги болалар уйига бордик. Бир ярим марта.

К и р и л л. Бир ярим, нима деганинг?

Л е н о ч к а. Иккилчи марта борганимизда тайёргарлигимиз яхши бўлмади: совга ҳам обора олмадик, ҳаваскорлар ҳам бўлма-

ди. Ахир кичкинтой октябрийлар совғамиз бўлмаса бизни  
нима қилишади?

Кирилл. Рост айтасан.

Леночка. Ҳа, айтганча, Кирилл ўзинг қалайсан, юрагинг ту-  
зукми?

Кирилл. Очиғини айтайми?

Леночка. Очиғини айт!

Кирилл. Эртага «тахмин қилинган диагноз»нинг тўғри ёки но-  
тўғрилиги аниқ бўлади.

Леночка. Телефон қиламиз.

Кирилл. Фақат ойимга айтиб қўйма!

Леночка. Биз бу ерда кўп ишларни яширинча қиламиз. Кўп  
ташвишланаверма. Сенга асабни бузиш мумкин эмас.

Кирилл. Мен Валяга жавоб ёзаман! Сен қапдай фикрдасан?

Леночка. Очиғини айтмайми?

Кирилл. Очиғини айт.

Леночка. У, менимча, севинади.

Кирилл. Хўп, эртагача.

Леночка. Эртагача хайр.

*Кирилл трубкини осиб қўяди. Кабина чироғи ўчади.*

Кирилл (Димага). Биз отанг билан узоқ қариндош бўлибгина  
қолмай, бахтсизликда бир-биримизга ўхшар эканмиз.

Дима. Қандай маънода?

Кирилл. Менинг «витринам» ҳам Леночканинг опаси Валяга  
упча ёқинқирамасди. У мактабимизда инглиз тилидан дарс  
беради.

Дима (аланглаб Кириллга қарайди). Сенинг витринанг?

Кирилл. Ҳа-да... «Қачонгача қизил галстук боғлаб юриш мум-  
кин?» Шундай қилиб, у бизнинг мактабдан бошқа ёққа кет-  
моқчи ҳам бўлди.

Дима. Нима бўлибди, кетса кетаверсин!

Кирилл. У бизнинг ҳам бирга кетишимизни хоҳлар эди.

Дима. Сен қолишни хоҳлайсанми?

Кирилл. Мен Урал дарёси қирғоғидаги мўъжазгина она-шақар-  
чамни жондан севаман.

Дима. Ундай бўлса, кетма.

Кирилл. Нима сен: «ажралишавер» демоқчимисан?

Дима. Аксинча. Вой эсим қурсин, билмабман. У биланми? Ке-  
чир...

Кирилл. Йўлга чиқа туриб, Валя билан айтишиб қолдик.

Дима. Вой, сизлар ҳам!

Кирилл. Лекин у энди хатосига тушунибди. Ишқилиб, раҳм қи-  
лаётган бўлмасин-да. Томоқ оғригидан азобланган юрагимга  
далда бериш учун шундай йўл тутган бўлмасин тағин.

Дим а. Йўқ, тушунган у. Бунга ишончим комил! Умуман... дадамга икки барабар огир!

Кирил л. Нега сен бундай деб ўйлайсан?

Дим а. Сергей Потапов оиламизга тинчлик бермаяпти!

Кирил л. Буни қаёқдан биласан?

Дим а. У атайин бугун, кечқурун телевизорда чиқади. Ойим уни кўради-да.

Кирил л. Кечқурунми? Яъни, ҳозир демоқчимисан?

Дим а. Телепрограммали газетани яхшиям вақтида гумдон қилган эканман!

Кирил л. Қулоқ сол, сен безори! Ўз қилмишингга мени ҳам шерик қилиб қўйибсан-да.

Дим а. Сени-я?

Кирил л. Албатта-да! «Сергей Рахманиловни тапийсанми? Сергей Потаповни-чи?..»

Дим а. Сен мени тушунишинг керак! Айниқса дадамни...

Кирил л. Мен тушунишга-ку, тушундим. Бироқ, бувинг программани ўқимай туриб ҳам телевизорни қўяверади-да!

Дим а. Концерт йигирма минутдан кейин бошланади. Роса йнгирма минутдан кейин, мен шу хонада ўтириб, уйга берилган иншони ёза бошлайман! Ҳаммалари оёқ учида юришади.

Кирил л. Қандай мавзуда иншо ёзасан?

Дим а. «Ким бўлсам экан?» мавзусида. Бу — адабиёт ўқитувчимизнинг энг севган мавзуси. Такрор бўлмаслиги учун бир марта геолог, иккинчи марта биолог, учинчи марта космонавт бўлиб етишишни орзу қилишим ҳақида иншо ёздим.

Кирил л. Аслида-чи, сен ким бўлмоқчисан?

Дим а. Ҳали бир қарорга келганим йўқ.

Кирил л. Лекин ҳозирги ҳунаринг ҳам чакки эмас экан?

Дим а. Қанақа ҳунар?

Кирил л. Отангинг ҳимоячиси.

Дим а. Нима, мени масхара қилаяпсанми?

Кирил л. Бу хаёлимга ҳам келгани йўқ.

Дим а. Умуман, Потапов бизга ҳамма тарафдан ҳужум қиляпти. Мактабдан откритка юборишибди.

Кирил л. Қанақа?

Дим а. Мен умуман мактабдан ота-онасига откритка юборишларини ёқтирмайман. Қандайдир, беихтиёр ўқиб қолдим...

Кирил л. Сен шумтака!

Дим а. (атрофга аланглаб чўнтагидан откритка олади). Мана кўр. Бизнинг мактаб билан музика мактабининг битирувчилари «традицион қўшма» кеча ўтказишга қарор қилишибди. Потапов ҳам ўша музика мактабида ўқиган!

Кирил л. Нима бўлибди?

Дим а. Потапов «традицион қўшма» кечанинг бадий қисмида қатнашади-да. Уни қарсак чалиб олқишлашади. Отам бўлса,

Ўз санъатини ҳамманинг олдида намойиш қила олмайди. Ахир, саҳнада элнинг кўз олдида бирор кимсанинг кўричагини кесиб ташлаб бўлармиди!

Кирилл. Ҳа, бу ўринда Потаповнинг иши осон-да.

Дима. Шу сабабли ҳам откриткани яшириб қўйдим-да. Вақтинча йўқотдим. Кеча ўтгач, уни оларман.

Кирилл. Мен педагог ва пионервожатий сифатида сени бу қилмишингни қоралайман.

Дима. Одам сифатида-чи?

Кирилл. Тушунаман.

*Саҳнага қоронғи тушади.*

*Дима саҳна олдига чиқади.*

Дима. Кейинги кунни отам Кириллни ўша белгиланган консилиумга олиб кетди...

*Музика*

*Саҳна олдида Андрей Петрович, Кирилл, Ольга Федоровна ва Буви пайдо бўлишадди.*

Андрей Петрович. Қани, кетдик.

Буви. Худонинг раҳми келсин.

Ольга Федоровна. Ишхонага телефон қилинглар. Агарда ташқарига чиққан бўлсам ҳам: «Ҳаммаси яхши!» — деб айтиб қўйинглар.

Кирилл (*кулмсирайди*). Ёки — «иш чатоқ» бўлса-чи?

Буви. Бўлмаган гапни қўй. Ишончим комил! Менинг дугонамнинг набираси...

Ольга Федоровна (*сўзини бўлиб*). Вақт бўлди! Мен сизларни бекатгача кузатиб қўяман.

Дима. Илтимос, менга ҳам телефон қилинглар! Буви, фақат сизга эмас, бизга. Биз телефон ёнидан узоққа кетмаймиз.

Кирилл (*Димани қучади, унинг қулоғига шивирлайди*). Хайр, ҳимоячи — шумтака!

*Музика*

*Димадан бошқа ҳамма чиқиб кетади.*

Дима (*саҳна олдига келади*). Уша кунни мактабимизда фото тўгараги машғулоти бор эди. Лекин мен машғулотга қолмадим. Уйга қараб чопдим. Бувим билан бирга телефон ёнидан қўзгалмай кутиб ўтирдик.

*Лаврушинлар квартираси. Дима билан Буви телефоннинг ёнида ўтиришибди. Буви қўлидаги латта билан телефон аппаратини қайта-қайта артади.*

Дима. Буви, сизга нима бўлди, телефонни ўзини марта артаяп-сиз.

Б у в и: Сенинг ишинг бўлмасин.

Д и м а. Мен уни бузилиб қолишидан хавотирланаяпман!

*Қўнғироқ овози. Дима шошиб трубкини кўтаради. Бир вақтнинг ўзида «телефон-автомат» ёзуви бор будкада ҳам чироқ ёнади. Кабинада катта портфелли киши кўринади.*

Д и м а (хавотирда). Эшитаман!

П о р т ф е л л и к и ш и. Нима бўлди?

Д и м а. Кимга?

П о р т ф е л л и к и ш и. Сизга нима бўлди, овозингиз...

Д и м а. Сизга ким керак?

П о р т ф е л л и к и ш и. Андрей Петрович.

Д и м а. Улар йўқ. Кечирасиз, телефонни ортиқча банд қилиб туролмайман.

П о р т ф е л л и к и ш и (бўш келмай). Мен ким билан гаплашиш шарафига муяссар бўляпман?

Д и м а. Унинг ўғли билан. Лекин, мен ҳозир...

П о р т ф е л л и к и ш и (унинг гапини бўлиб). Жуда соз! Сиз яхши тушунасиз, албатта. Менинг хотинимни операция қилишади. Енгилроқ операция. Лекин менинг ундан бошқа ҳеч кимим йўқ, у яққаю яғонам.

Д и м а. Тушуниб турибман. Лекин, ҳозир ҳеч иложи йўқ-да.

П о р т ф е л л и к и ш и (сўзини бўлади). Операцияни сизнинг отангиз қилади дейишган эди. Бунга ишониб уни шу касалхонага ётқизган эдим. Бошқа имкониятларим борлигига ҳам қарамаган эдим. Кутилмаганда хунук хабар эшитдим. Андрей Петрович отпускага кетар эмиш. Энди нима бўлади? Мен уни қайтиб келишини кутмоқчи эдим. Ахир, бу ер театр эмас-ку, бу ердаги дублёрлар мени зинҳор қаноатлантирмайди!

Д и м а. Кечқурун телефон қилинг... Унинг хотини албатта уйда бўлади. Бу гапларни ҳаммасини унга айтинг. Менга айтгапларингизни... сўзма-сўз қайтаринг! Эҳтимол у сизга ёрдам берар. Уни кўндираш! Тушундингизми?

П о р т ф е л л и к и ш и. Унинг исми нима?

Д и м а. Ольга Фёдоровна.

П о р т ф е л л и к и ш и. Раҳмат. Телефон қиламан!

*Кабина чироғи ўчади. Портфелли киши кабинадан чиқиб, шахдам юриб кетади.*

Д и м а (бувисига). Ҳозир телефон қилган одам хотинини жуда яхши кўраркан. Уни фақат Андрей Петрович Лаврушин операция қилишини хоҳлармиш!

Б у в и. Буниси тушунарли.

Д и м а. У ҳеч кимга, профессорга ҳам, фан докторига ҳам ишонмас эмиш. Фақат Лаврушинга ишонармиш!

- Б у в и. Беморлар келаверади, кставеради, унвон эса бир умрга қолади.
- Д и м а. Беморлар чин юракдан ташаккур айтишади, ахир.
- Б у в и. Бунақанги қуруқ ташаккурнинг кимга нафи бор.
- Д и м а. Лекин дадамга бу ёқади. У ўз ишидан хурсанд.
- Б у в и. Биласанми, биз даданг билан фахрланишни хоқлаймиз! Старший лейтенант погониди юрган одамни аслида генерал эканини исбот этиб кўр-чи!
- Д и м а. Сиз шундоғ ҳам у билан гурурланаверинг. Буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.
- Б у в и. Бунинг устига у баъзи ташвишлардан озод бўлади. Профессор бир дақиқага келади. Операциясини ўтказадиди-да, бирор илмий конференцияга жўнайди-қолади. Парижгами... Беморга қараш эса, бошқалар бўйнига. Яраларни боғлашни ҳам бошқалар бажаради. Беморнинг аҳволини билишни истаган қариндошлари ҳам ўша бошқаларга телефон қилишади.
- Д и м а. Дадамга бари бир телефон қилишаверади. У ҳатто вақти келиб академик бўлганида ҳам. Бу ўринда... Нима деб тушунтирсам экан-а? Менимча — бу одат унвонга эмас, киши характерига боглиқ нарсаси.
- Б у в и. Баъзаи янги унвон билан янги характер ҳам пайдо бўлади. Масалан, мана, дугонамнинг эриши олиб кўрайлик. Ҳа, қўй, бу гапларни... (*қўлини силтайди*). Нега улар телефон қилишмаяпти? Нима бўлди экан-а? Сен нима дейсан?
- Д и м а. Консилиум узоқ давом этса яхши бўладими ёки ёмонми?
- Б у в и. Бир нарсаси дейиш қийин. Эҳтимол кеч бошлангандир. Бирор профессор кечикиб қолгандир...
- Д и м а. Парижданми?
- Б у в и. Маҳмадана бўлма.
- Д и м а. Буларни атайин, хавотирланаверманг деб айтаяпман.

*Телефон жиринглайди. Дима шошиб трубкани кўтаради.  
Буви хавотирланиб ўрнидан туради.*

Ҳа, дада мен эшитаяпман... тушунарли...

*Кутилмаганда «шаҳарлараро телефон» будкасининг чироғи ёнади.*

Телефонистканинг овози. Лаврушинлар квартирасими?

Шаҳарлараро телефон станциясидан! Ҳозир, гапингизни бўламан! *Кабинада Клавдия Ивановна ва Леночка кўринади.*

Д и м а (*бувисига*). Бўлиб қўйишди... Шаҳарлараро станция! (*Трубкага*). Мен, эшитаяпман.

Л е н о ч к а. Кирилл, мумкинми?

Д и м а. Бу сенмисан, Леночка?

Л е н о ч к а. Сен кимсан?

Д и м а. Мен — Дима. Андрей Петровичнинг ўғли.

Л е н о ч к а. Андрей Петровични? (*Клавдия Ивановнага*). Унинг ўғли гапиряпти! (*Трубкага*). Кирилл қайтиб келдими?

Д и м а. Ҳали келганича йўқ. Лекин ҳозиргина отам телефон қилган эди. Сен худди шу пайт гапимизни бўлиб қўйдинг. Ҳаммаси жойида...

Л е н о ч к а. Ростми?

Д и м а. Рост.

Л е н о ч к а. Ундай бўлса яхши, трубкани Клавдия Ивановнага бераман. Бу — Кириллнинг, ойиси. Унга ўз оғзинг билан айт.

*Клавдия Ивановна трубкани олади.*

К л а в д и я И в а н о в н а (*наст овозда*). Врачлар нима дейишди? Нима? Нима дейишди? (*Унинг овози титрарди.*)

Д и м а. Ҳозиргина дадам телефон қилди. У ерда профессорлар йиғилишибди. Уларнинг ҳаммаси бир овоздан: «Хавотирли эмас!»— дейишибди.

К л а в д и я И в а н о в н а. Демак тўғри эмас экан-да?

Д и м а. Ҳамма профессорлар: «Диагноз нотўғри қўйилган!»— дейишибди. Уни даволашар эмиш, вассалом. Ўзимнинг вазимнинг ҳам соғлигингиз билан қасам ичаман!

К л а в д и я И в а н о в н а. Ортиқ чидай олмайман... Мадорим қолмади... Лепочка, ма, трубкани ол!

Л е н о ч к а. Жуда яхши! Клавдия Ивановнанинг мазаси қочяпти. Раҳмат сенга!

Д и м а (*трубкани жойига қўяди. Бувисига қараб оҳиста*). Ростини айтайми?

Б у в и (*секингина*). Ростини...

Д и м а. Унинг юраги ҳақиқий стеноз экан. Дадам шундай деди. Тезда операция қилиш керакмиш...

# ИККИНЧИ ПАРДА

*Лаврушинлар квартираси. Дима дафтарга ниманидир ёзиш билан машғул. Унинг ёнида столда радиоприёмник турибди. Кирилл кириб келади.*

## Музыка

Кирилл. Дарс тайёрлаяпсанми?

Дима. Уйга топширилган ишни ёзаяпман.

Кирилл. Қандай мавзуда?

Дима. «Менинг орзум...»

Кирилл. Хўш, сен нимани орзу қиласан?

Дима. Қани энди шу йигирма минут, ойим келгунича тезроқ ўтиб кета қолса.

Кирилл. Нимага?

Дима. Чунки, ҳозир Сергей Потапов радиода чиқади. Ойимнинг ўтмиши ҳеч чекинмаяпти!

Кирилл. Тушунарли! Сен уйга топширилган ишниси ёзаяпсан — приёмникни қўйиб бўлмайди. Радиопрограммали газетани қани?

Дима. Мен уни эрталабоқ яшириб қўйганман. Мактабга кетаётганимда...

Кирилл. Майли, ҳимоячи-шумтака, сенга халақит бермакман. Балконда бўламан. Негадир ҳаво етишмаяпти...

Дима (*ўрнидан туради*). Нега? Эҳтимол сенга шундай туюлаётгандир.

Кирилл. Афсуски... Туюлаётгани йўқ, шундай бўляпти. Бувимиз стеноз бўлган одамга сира ўхшамайсан дегандилар. Мана энди «ўхшаш ўхшамаслигим» маълум бўлиб қоляпти. (*У балконга чиқиб кетади. Қўп ўтмай қайтиб келади*). Менга бир варақ қоғоз бер. Ручка ҳам... Ёзмоқчиман.

Дима. Нима, очикроқ билса бўладими?

Кирилл. Йўқ, йўқ... Васиятнома эмас! Хавотирланмай қўя қол. (*Чиқиб кетади*).

Дима. Ажабо. Мен уни шу кунгача яхши билмас эдим. Кеча тушимда бўлса, юрагимни унга кўчириб қўйишларини таклиф қилган эмишман. Бувим бўлса, унинг танишларидан бирон киши бунақа таклиф билан чиқмаганини айтганмиш. Менга ҳам рад жавоби беришганмиш. Шунчаки туш-да... (*Бир оз паузадан кейин*). Айтишларича, бу операцияга бардош бериш қийин эмиш. Мен дадамдан сўраган эдим, у индамади. Бу осон эмас...



*Эшик очилади. Ольга Федоровна коридорда плашини ечмай, қўлида портфели билан шошилинч хонага кириб келади.*

Ольга Федоровна (Димага тикилиб қарайди). Отанг билан менга мактабдан ҳеч нарса бериб юборишмадими?

Дима. Сизга? Дадам биланми?

Ольга Федоровна. Ҳа, бизга отанг билан.

Дима. Мактабданми?

Ольга Федоровна. Мактабдан.

Дима. Нимадир бор эди, шекилли.

Ольга Федоровна. «Шекилли». Бу нима деганинг? Нима экани ёдингда йўқми?

Дима. Ҳа-я! Эсладим! Сизларга откритка бериб юборишган эди. Мен уни хаёл билан портфелимга солиб қўйибман ёки чўнтагимдамиди... (Чўнтақларини титади). Ўша купи уйга иншо ёзиш топширилганди, шу сабабли мен негадир...

Ольга Федоровна. Нима сизларга ҳар кунни уйга иншо ёзишни топширишяптими?

Дима. Ҳар кунни эмас, лекин, ҳар ҳолда тез-тез. Ҳа, мана ўша откритка... Марҳамат! (Уни онасига узатади.)

Ольга Федоровна. (Откриткага эътибор ҳам қилмайди. У Димага тикилиб қараганча). Сен нима қилдинг ўзинг ёки бизни мактабга боришимиздан қўрқаяпсанми?!

Дима. Мен ҳеч нарса қилмадим. Қўрқадиган жойим ҳам йўқ. Эсимдан чиқарибман холос.

Ольга Федоровна. Ахир айтишларига қараганда мактабга эълон ҳам ёзиб осиб қўйишган экан-ку?

Дима. Мен унга негадир эътибор қилмабман.

Ольга Федоровна. Ёдимдан чиқариб қўйибман!.. Эътибор бермабман! Бу ҳали ҳолва. Чунки сенинг эътиборсизлигинг мени қийнаб қўйяпти. Наҳотки сен узоқ йиллардан бери кўришмаган дўстлар билан учрашиш менга қанчалар қувонч бахш этишига тушунмаган бўлсанг...

Дима. Худди ўша кунни уйга иншо ёзиш топширилган эди.

Ольга Федоровна. Намунча иншони кўп ёзмасанг?

Дима. Нега мен энди? Бутун бир синф!

Ольга Федоровна. Хўп майли... Менга-ку, ҳузур қилиб, дам олишни раво кўрмапсан, ҳеч бўлмаса отангни ўйласанг бўларди! Наҳотки унга ҳам эътиборсиз бўлсанг?

*Андрей Петрович киради. Унинг қўлида хат.*

Андрей Петрович. Тушуна олмаяпман яна газеталар қаёққадир йўқолибди. (Ольга Федоровнага) Сен олмадингми?

Ольга Федоровна. Мен ҳозиргина ишдан қайтдим.

Андрей Петрович. (Димага). Сен-чи?

Дима. Мен?!

- Ольга Федоровна. Эҳтимол сен хаёл суриб, газеталарни ҳам откриткага қўшиб беркитиб қўйгандирсан? Бунинг устига бугун сен уйда иншо ёзишинг керак!
- Буви (хонага кастрюлька кўтариб кириб келади). У назаримда кейинги кунларда бутун бошлиқ танланган иншолар тўплами ёзиб юборди, шекилли.
- Андрей Петрович. Газета йўқ. (Ольга Федоровна). Лекин сен билан менга мактуб юборишибди. Лауреат — музикантлар концертига. Конвертнинг ичида икки дона таклиф қоғози ҳам бор.
- Ольга Федоровна. Ким таклиф қилибди?
- Андрей Петрович. Иштирок этувчилардан бири.
- Ольга Федоровна. Борамизми? Консерваторияга бормаганимизга ҳам анча йил бўлиб қолди!
- Андрей Петрович. Жоним билан...
- Ольга Федоровна. Бу қайси кунга тўғри келади?
- Андрей Петрович (таклиф қоғозига кўз югуртиради). Индинга. Олечка, кечирасан, бу жума кунни экан-ку!
- Ольга Федоровна. Жума бўлса нима бўлибди!
- Андрей Петрович. Эрталаб муҳим операция бор. Кечқурун эса ўзим хабар олиб туришим лозим.
- Ольга Федоровна. Бордию бу кун шанба бўлганида-чи? Ёки якшанба? Ёки бўлмаса чоршанба? Ундан фойда бўлармиди? Муҳим операция! Сенинг муҳим операция қилмаган кунинг бўлганми ўзи?
- Андрей Петрович. Ҳар қандай операция ҳам жиддий бўлади.
- Буви. Демак, умрингизда бир марта ҳам музика тинглашга вақтингиз бўлмайди.
- Андрей Петрович. Нега энди? Якшанба кунлари кўпинча бўш бўламан-ку! Бу сафар Олечка концертга ўзинг бориб қўя қол.
- Ольга Федоровна. Бу концертга сенсиз боролмаслигимни яхши биласан!
- Андрей Петрович. Қўйсанг-чи, нимага энди?..
- Ольга Федоровна. Чунки аллақачонлар хаёлимдан ўчиб кетган воқеа ҳамон сенинг юрагингга яшаб келмоқда. (Қисқа паузадан кейин). Ҳар қандай зиёли киши ҳам театр ва музикасиз ўзининг, «тор мутахассислиги қобилигига ўралиб қолади», тушундингми?
- Андрей Петрович. Бир томондан сен ҳақ, лекин иккинчи томондан...
- Ольга Федоровна (унинг сўзини бўлади). Мени қандайдир юримсак, ўзингни эса доктор Димов, концертнинг «иштирокчиларидан бири»ни эса рассом Рябовский... деб ўйлама.

Андрей Петрович. Нега энди «юримсак» бўлар экансан?  
Сен — инженерсан.

Ольга Федоровна. Лекин бир суткада йигирма тўрт соат инженерлик, шунингдек врачлик қилиб бўлмайди!

Андрей Петрович. Тўғри мумкин эмас. Лекин шундай қилишга тўғри келади-да.

Дима. Бу мушкул вазиятдан қутулишнинг осон йўли бор! Концертга мана Кирилл билан мен бораман. Бу унга операциядан олдин фойдали бўлади. У шундан кейин концертга қачон боради? (Ольга Федоровнага). Сиз мени неча марталаб классик музикани тинглашга ундар эдингиз! Мана энди вақти етди, мазза қилиб тинглай, зора севиб қолсам...

Ольга Федоровна. Бу жуда соз! Яхши кўриб қолганингдан кейин, мени концертга таклиф қилиб турарсан.

*Кирилл хонага киради.*

Дима (Кириллга). Лауреат-музикантлар концертига боришга имконият бор. Мени тушунаяпсанми?! Бутуниттифоқ конкурсининг лауреатлари-я! Гапимга тушунаяпсанми?!

Кирилл. Агарда Андрей Петрович рухсат берса?

Андрей Петрович. Медицина нуқтаи назаридан мумкин.

Кирилл. Мен ариза ёздим...

Дима. Ариза, ажабо?

Кирилл. Консиллум вақтида Андрей Петрович, ҳамма профессорлар сизга қараб туришди. Улар сиз баён қилган фикрларни асосан қувватлашди.

Андрей Петрович. Сизни мен кўпроқ кузатганим учун улар шундай қилишди. Фақат шу сабаблигина...

Кирилл. Менинг назаримда фақат шунинг ўзи кифоя бўлмаса керак. Мен бошқа масала ҳақида гапирмоқчиман. Улар бу операцияни қилишни сизнинг ўзингиздан сўрашди-ку. Сиз бўлсангиз рози бўлмадингиз. Шунинг учун масала ҳал бўлмай қолди.

Андрей Петрович. Мен ҳам қатнашаман. Ёрдамлашаман. Операциядан кейин ўзим қараб тураман. Операциядан кейингиси жуда муҳим. Сизни ўзимнинг палатамга ётқизаман.

Ольга Федоровна (эрига ишора қилади). У ўша ерга кўчиб боради. Мен сизга ваъда бераман!

Андрей Петрович. Эҳтимол. (Кириллга). Лекин бошқа одам операция қилгани яхши. Биз—хирургларда қариндош ва яқин кишиларни операция қилишга қўл бормайди. Ҳаяжонига ҳаяжон қўшилади. Бу эса жуда хавфли.

Кирилл. Биз сизга узоқ қариндош бўлаемиз-ку. Ҳатто қандай яқинлигимизни ҳам эслай олаемиз.

Андрей Петрович. Шундай бўлса ҳамки...

Кирилл. Мен... мен... Операцияни сиз қилишингизни, сўраб, касалхонага илтимоснома ёздим. Агарда иложи бўлса... Мен хотиржам бўлар эдим!

Дима (Андрей Петровичга). Сиз ҳаяжонланасиз, у хотиржам бўлади: плюс билан минус бири-бирини йўқотади. Операция кўнгалдагидай, яхши ўтади!

Кирилл. Сиздан ўтиниб сўрайман. Мени таваккал қилишга ҳаққим йўқ. Мени ёлғиз онам ўстирди. Менинг яшашим керак.

Андрей Петрович. Беморнинг хоҳишини ҳам ҳисобга олиш лозим, лекин...

Кирилл. Консилиумдагилар ҳам шуни хоҳлашди. Мен ўзим кўрдим!

Дима. Бугун адабиёт ўқитувчиси «Ким бўлсам экан?» мавзусида мустақил ёзган иншоимизни қайтариб берди.

Ольга Федоровна. Яна иншоми?!

Кирилл. Ҳамма жойда математика адабиётга ҳужум қилади. Уларнинг мактабида бунинг акси экан! Бу ёмон эмас!

Дима. Шунинг яхши биллигини, ҳамма болалар врач бўлишмоқчи. Деярли ҳаммаси. Уларни гаввослик ҳам, инженерлик ҳам, виолончелист бўлиш ҳам қизиқтирмайди. Ҳаммасининг орзуси врач бўлиш.

Кирилл. Бу табиий. Касални тузатиш, киши ҳаётини сақлаб қолишдан кўра улуғроқ касб борми?

Дима. Шунинг учун ҳам ўқитувчимиз: «Шифокорлик дунёда энг олижаноб касб!» — дейдилар.

*Яна одатдан ташқари узун-қисқа телефон жиринглайди.*

Телефонистка овози. Москва — биринчи кабина. Москва — биринчи!..

*Кабинага Леночка киради. Кирилл трубкани олади.*

Леночка. Бу мен!

Кирилл. Салом, азизим!

Ольга Федоровна, Буви ва Андрей Петровичлар дарҳол ўз ишлари билан машғул бўлиш мақсадида бошқа хона ва ошхонага чиқиб кетишади.

Леночка. Биз ҳаммамиз сени табриклаймиз!

Кирилл. Нима билан табриклайсизлар?

Дима (шивирлаб ишора қилади). Мен уларни тинчитган эдим... Гапимга тушунайсанми?

Леночка. Нима билан дейсанми? Сенга қўйилган диагноз тасдиқланмаган эмиш-ку!

**Кирилл.** Э-э, мени қара-я? Тушунмабман. Очигини айтайми?

**Леночка.** Фақат очигини!

**Кирилл.** Унинг тасдиқланмаслигини билардим. Лекин, мен биринчидан буни онамга исботлаб беришни хоҳладим. Иккинчидан эса сизлар мени қанчалик ҳурмат қилишларингизни синаб кўрмоқчи бўлгандим.

**Леночка.** Бизними ёки Валяними?

**Кирилл.** Валяни ҳам. Ҳа, айтганча, унинг соғлиги қалай? Иситмаси пасайдими?

**Леночка.** Очигини айтайми?

**Кирилл.** Очигини...

**Леночка.** Соғлиги жуда яхши! Иситмаси анча баланд. Лекин у хат ёзиб берди. Ҳозир сенга ўқиб бераман. У менинг ўқишимга рухсат берган!

**Кирилл.** У айтиб турдим ёки ўз қўли билан ёздими?

**Леночка.** Айтиб турди... Лекин мен эҳтиётлик билан ёзиб олдим. Диктант ёзгандай. Бирон сўзни ҳам қолдирмадим! Эшитиб кўр-а... «Қимматли Кирилл! Сенинг касал бўлиб қолишинг мени ҳамма нарсага бошқача кўз билан қарашга мажбур этди. Мени кўпгина нарсаларга ақлим етиб қолди. Яна такрор айтишни хоҳлардим. Афсуски, овозингни эшитишга қодир эмасман. Хотиржам бўл. Даволан! Ташвишланма! Сени ўпиб Валя».

**Кирилл.** Мана, кўрдингми... Касал бўлиб қолганим яхши бўлди! Сизлар унга қараб турибсизларми?

**Леночка.** Нима лозим бўлса, ҳаммасини қилияпмиз. Лекин, асорати қолиш хавфи бор. Ўпкасида!

**Кирилл.** Ўпкада асорат қолади деддингми?

**Леночка.** Ҳа, озгина асорат, ўпкасида...

**Кирилл.** Кўпроқ, ёта турсин. Унга айтиб қўй, мен уни... саломимни етказ, ўпиб қоламан! Телефонга пулни қаердан олдинг. Ёки дружина советида яна очлик эълон қилиндими?

**Леночка.** Йўқ, ўтган сафарги очлик бизни ҳамон боқиб турибди. Ўзинг қачон келасан?

**Кирилл.** Бир ярим ойдан кейин... Ёки икки. Даволаниш курсини ўтишим керак. Бу ҳеч гап эмас! Энг муҳими диагноз тасдиқланмади. Сизларни эса, яқинда каникулларингиз бошланади.

**Леночка.** Биз бўлсак бу ерда сен билан дарё ўзани бўйлаб саёҳатга чиқмоқчи эдик. Энди бўлса...

**Кирилл.** Биз ҳали сузамиз! Сен ва Валя билан биргалашиб. Эҳтимол онамни ҳам бирга олармиз.

**Телефонистканинг овози.** Сизнинг вақтингиз тугади. Ўзиб қўяман!

**Кирилл.** *(трубкани қўяди. Қувониб).* Бизни ажратиш мумкин эмас! Мен уларни севаман. Ўз болаларимни! Кўраяпсанми, Дима, қандай яхши болалар улар?

Дим а. Кўрганим йўқ. Эшитдим холос!

Кирил л. Мана, Валя ҳаммасига тушунибди. Бунинг учун касал бўлса арзийди! (Дилани қучади). Ҳаёт гоят гўзал нарса! Биз сен билан энди Иттифоқ конкурсн лауреатлари концертига борамиз!

*Саҳна қоронғилашади.*

*Музыка овози эшитилади. Виолончель. Саҳна олдидан Кирилл билан Дима қучоқлашиб ўтишади.*

Дим а. Очпгани айтганда, мен классик музикани унча ёқтирмайман.

Кирил л. Жим ўтирдинг-ку. Ҳатто бир марта бўлса кўзингни юмиб қулсқ солдинг. Ишқилиб ухлаб қолганинг йўқ-ку!

Дим а. Йўқ, тингладим.

Кирил л. Мана кўрдингми! Музыкага тушунмаганларгина уни ёқтиришмайди. Билмаган одамни яхши кўриб бўладими! Албатта, биринчи кўришда севиб қолиш ҳам мумкин. Лекин у кўпинча ҳақиқий бўлмайди. Чуқур мазмунли музикани ҳам осонликча тушуниш қийин.

Дим а. Эҳтимол, гапинг тўғридир. Бари бир кино қизиқ.

Кирил л. Бугун менга икки марта ҳаво етишмагандай бўлди. Биринчи ва иккинчи бўлими бораётганида нафасим деярли қисилиб қолди. Кинода бўлганида, ўрнимдан туриб чиқиб кетарардим. Битта-яримтанинг оёғини босиб олсам айб бўлмайди. Концертда эса бундай қилиб бўлмайди! Шаронт шунақа. Сен буни сззмадингми?

Дим а. Мен эътибор бермаганман.

Кирил л. На чора қийналсам ҳам ўтиравердим.

Дим а. Сепга ҳаммаси ҳам ёқдимми?

Кирил л. Бир хиллари кўпроқ, бошқалари — камроқ. Лекин ҳаммаси ҳам лауреат эди! Унвонига қараб... Тушундингми? Маҳоратига қараб!

*Лаврушинлар квартирасига келишади. Буви тўр тўқимоқда. Ольга Федоровна чизиб турган иши устидан шахдам бошини кўтариб қарайди.*

Ольга Федоровна. Хўш қалай?

Дима (атайин шошмасдан). Дадам йўқми?

Ольга Федоровна. У эрталаб жуда жиддий операция қилган. Ҳозир касалхонада.

Дим а. Телефон қилдимми?

Буви. Одатда мен театр ёки концертдан қайтиб келсам, даставвал ўз таассуротимни ўртоқлашаман.

Кирил л. Таассуротимиз жуда яхши.

Ольга Федоровна. Ёқдимми?

Кирилл. Ажойиб концерт! Борганимдан жуда мамнунман...

Буви. Ҳали кўп концерт кўрасиз!

Ольга Федоровна. Дима, сенга-чи?

Дима. Пианино чалувчи жуда ҳам ёқди.

Ольга Федоровна (Кириллга). Пианино чалувчи сизга ҳам ёқдими?

Кирилл (секин). Яхши.

Дима. Скрипка чалувчи ҳам... скрипкачи эмас, скрипкачилар — улар уч киши. Ажойиб ижро этишди! Менга чиройлик катта трубка чалгани ҳам жуда ёқди.

Кирилл. Валторнада ўйновчиси-чи?

Дима. Ҳа, айтганча... Уни икки марта қўярга-қўймай чақаришди.

Ольга Федоровна. Яна ким?

Кирилл. Мен уларнинг ҳаммасига лауреат унвонини бердим, Иккинчи марта одамлар номидан.

Буви. Яна бошқа... айниқса... ҳеч ким ажралиб турмадимиз?

Дима. Пианино чалувчи... Яна уч скрипкачи.

Буви. Тушунарли... Кечки овқат пиширадиган пайт бўлиб қолди. (Ошхонага чиқиб кетади).

Ольга Федоровна. Мен бирпас китоб ўқийман. (Қўшни хонага чиқиб кетади.)

Кирилл (секин). Умуман олганда ҳар иккаламиз ҳам шумлик қилдик. Ака-ука иккаламиз ҳам шум эканмиз.

Дима. Нимага?

Кирилл. Чунки, Сергей Потапов ҳаммадан кўра яхши ижро этди-ку.

Дима. Биз уни ёмон ижро этди, деганимиз ҳам йўқ-ку.

Кирилл. Мен диққат билан тинглаб, унинг камчилиги борлигини сездим.

Дима. Қанақа?

Кирилл. Ойинг уни бешинчи синфда ўқиганида севган эди.

Дима. Шунинг учун ҳам ҳеч қачон кечирмайман! (Пауза.) Мана, энди сен менга ким бўлишингни билдим.

Кирилл. Ким?

Дима. Шумтака-ака. Ундай бўлса, отамга ким бўласан?

Кирилл. Агар сенга ака бўлсам, унга жиян. Ёки ўғил.

Дима. Демак, унча «узоқ қариндош» эмас эканмиз.

Кирилл. Умуман қариндошлик паспорт билан аниқланмайди, Бу фикрга қўшиласанми?

Дима. Қўшиламан.

Кирилл. Потапов масаласига келганда у жуда моҳир ижрочи экан!

Дима. Ойимни келади деб ўйлаган у. Шу сабабли роса тиришди!

Кирилл. У нимани ўйлаганини билмайман. Аммо мен Валяни ўйладим. Яхши музика тинглаётганимда ҳар сафар уни эслайман. Агарда саломат бўлсак сизларни таништириб қўяман,

Бизникига борасанми?

Д и м а. Бораман.

К и р и л л. Ҳамон ҳаёлимдан мана бу музика нари кетмаяпти. Энди «Юрагим тўғрисида» бошқа гавирмайман. Бу сўз дори-дармонлар, касаллик тарихи билан қоришиб кетаяпти. Сен бу ерда, Валянинг соғлигидан хабардор бўлиб тур. Менга, касалхонага хабар етказиб тур. Леночка телефон қилиб туради. Келишиб олдикми?

Д и м а. Ҳа, қелишдик.

К и р и л л. Балконга чиқай. Очиқ ҳаводан нафас олиб кўрай-чи...

*Балконга чиқиб кетади. Виолончель овози эшитилади. Қоронғи тушади.*

*Дима саҳнанинг олд томонида пайдо бўлади.*

Д и м а. Эртаси куни Кириллни касалхонага жойлаштиришди. Офтоб нури кўпроқ тушадиган, энг яхши палатага. Ўша жойни бўшабини дадам атайин кутди. «Қариндошни хурсанд қилмай бўладими!»— деди у. Ўн кун ўтгач уни операция қилди. Бу куни сешанба эди. Дадам ўша кеча уйда тунамади. Чоршанба куни соат етти ёки саккизлар эди...

*Лаврушинлар квартираси. Ольга Федоровна, Дима ва Буви.*

Б у в и (телефонга ишора қилади). Қўнғироқ бўлишини кутсанг, аксига ҳеч жиринглай қолмайди!

Д и м а. Агарда оғирлашиб қолганида, дадам бизни хабардор қилган бўларди, албатта.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Ўн саккиз йил давомида дадангни феълнинг яхши тушуниб олганман, сен эса энди ўн тўрт ёшга кирдинг. У ёмон хабарни етказишга ҳеч қачон шошилмайди.

Б у в и. Справка бюросига телефон қилиш керак.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Дима, номерларни тер!

Д и м а. Яхшиси ўзингиз. Менга айтмасликлари мумкин. Бола экан дейишади-қўяди.

*Қўнғироқ. Ольга Федоровна телефон трубкасини олишга шошилади. Бу эшик... (Счгани югуради).*

*Эшикдан оҳиста, ҳеч нарсага эътибор қилмай Андрей Петрович кириб келади. Ҳаммалари хавотирда унга қарашади.*

Б у в и (секингина). Нима гап?

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Нима бўлди, Андрюша? Андрей Петрович ҳоргин стулга ўтиради.

Д и м а (секин). Тинчликми... Дада?

А н д р е й П е т р о в и ч. Олдиндан билиш қийин эди. Даволаш эса ундан ҳам. Шундай юраклар бўладики, у заррача бўлса ҳам ўзинга тегдирмайди.



Ольга Федоровна. У... тирикми?

Андрей Петрович. Юрак бир меъёрда урмай қолди. Тартибсиз дўкиллаб бошлади. Худди ўчаётган моторга ўхшаб. Унинг ҳаёти учун кўп курашдим! Бутун бригада билан дефибрилляторни уладик, юракка юқори кучланнишдаги токпи юбордик.

Дима. Ҳозир-чи, ҳозир унинг аҳволи қандай?

Андрей Петрович. Сизлар билан бир нафасгина бўлса ҳам бирга ўтириб куч тўплаб олгани келдим. Мени пастда машина кутмоқда. У ерда Кириллнинг олдида шифокорлардан иборат бутун бир бригада унга қараб турибди. Уларда бир дақиқа ҳам тиним йўқ.

Дима (секин). Қандай бригада?

Андрей Петрович. Одамларни қайтарувчи.

Дима. Қаерга?

Андрей Петрович. Қайта... ҳаётга. Бир лаҳзага у сўнди ҳам.

*Ольга Федоровна унинг ёнига яқинлашади.*

Ольга Федоровна. Ҳозир-чи, тузукми ўзи? Сизлар ўлимни енгдингларми?

Андрей Петрович. Ҳозир ҳам хатарли. Лекин, курашни давом эттиряпмиз! Дима ва сенга, Олечка, қандай қайғурсам унга ҳам шундай қайғураман, яшаши учун курашаман.

Дима (бақариб). Дадажон, ҳамма кучингизни сарфланг! Ҳаммасини-ҳаммасини!

Андрей Петрович. Биз яна ток юборамиз! Яна уч... тўрт... беш марта... Қанча керак бўлса шунча! Одам организмида юракдан мураккаброғи йўқ. Олдиндан билишнинг иложи бўлмаган эди...

Бувви. Албатта... Сен гуноҳкор эмассан! Дунёда энг машҳур кордиолог, профессор Мясниковнинг ўзи ҳам юрак инфарктидан ҳалок бўлган эмасми?

Андрей Петрович. Биз врачлар ҳалигача баъзи юракларни билмаймиз. (Паузадан кейин.) Лекин биз кўп нарсани биламиз ҳам! Курашни давом эттирамиз. Сўнгги дақиқагача... Сизга ваъда бераман.

Бувви (ташвишда). Сен овқатланиб олишинг керак. Мен, ҳозир келтираман.

Андрей Петрович (уни тўхтатади). Йўқ... кўнгил кўтармайди! Мен сизларни кўрдим. Энди бора қолай.

Дима. Дада нега энди у бундай аҳволга тушиб қолди? Нега энди?

*Эшик қўнғироғи жиринглайди.*

А н д р е й П е т р о в и ч. Бу шофёр бўлса керак.

(Эшикни очгани юради).

Коридордан хона ичкарасига ҳаяжон ичиди айтилаётган: «Бу нисмисиз?! Кўриб турибман. Раҳмат сизга! Бизни кечиринг... Мен ташаккур айтгани келган эдим! Кирилл уйдами? Сиз ҳақингизда жуда кўп марталаб гапирдик. Дружина советида. Кириллнинг ўзи шу ердами?» деган сўзлар эшитилади. Дима таниш овоз эшитгани ҳамон эшикка югуради. Лекин, Андрей Петрович орқасига юриб, уларга йўл бўшатиб хонага кириб келарди. Унинг қўлида катта гулдаста, гуллар қучоғига сикмасди. Хонага Кириллнинг онаси — Клавдия Ивановна кириб келади. Улар севинчларини яшира олмас, тортинишарди.

К л а в д и я И в а н о в н а. Кечирасиз, биз тўғридан-тўғри шундай...

Л е н о ч к а. Биз «Колос» меҳмонхонасида тўхтадик. Шупдоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг ёнгинасида. Ишчи ва деҳқон акс эттирилган ҳайкал деразамиздан яққол кўриниб туради! Мен бу тўғрида болаларга ёзиб юборишга ҳам улгурдим.

К л а в д и я И в а н о в н а. Биз у даволанаётган пайтда сизга ёрдамга келдик. Ахир сизлар ҳаммангиз ишдасизлар. Мен—пенсиядаман, Леночканинг эса каникули бошланди.

Л е н о ч к а (худди эски танишдай Димага). Сендан ҳаммаси жойидалигини эшитиб, биз у ерда хурсанд бўлганимиздан ақлдан озаёздик. Дружина советини тўпладик. «Ура!»—деб бақирдик. Илмий мудиримиз югуриб келибди, космосга яна бирор нарса учрилдими деб, ўйлаб!

К л а в д и я И в а н о в н а. Кирилл ўзи қаерда?

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Хавотирланманг. Марҳамат, ўтиринг...

Б у в и. Узоқ йўлдан келдингиз, нафасингизни ростлаб олинг. Дўст киши овқат устига келади, дейдилар.

Д и м а (стул қўяди). Ҳеч ташвишланманг.

К л а в д и я И в а н о в н а. Ташвишланадиган бир нарса борми?

Л е н о ч к а (Димага). Бирор нарса бўлдимиз?

А н д р е й П е т р о в и ч. Кириллни ҳар қалай операция қилишга тўғри келди. Ҳозир операциядан кейинги давр ўтаяпти.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Ҳаммаси жойида. Андрей Петровичнинг бориши керак. У бизга телефон қилади. Хабарини беради.

А н д р е й П е т р о в и ч. Ҳа-а, ҳаммаси жойида бўлади. Менинг боришим керак. Марҳамат, шу ерда қолинглар. (Чиқиб кетади).

Д и м а. Уйимизда бўш жой кўп.

- Ольга Федоровна.** Дарҳақиқат шундай! Кирилл касалхонада. Андрей Петрович ҳам ўша ерда тунайди.
- Дим а.** Улар қайтиб келишганидан кейин эса, мен полда ётавераман! Ҳечқиси йўқ. Бошдан ўтган.
- Клавдия Ивановна** (*ҳеч нарса қулоғига кирмайди*). У: «Ҳаммаси жойида бўлади» — деди. Бўлади... ҳозир унинг аҳволи қандай? (*Телефон ёнидаги стулга бўшашиб ўтиради. У беихтиёр столдаги қоғозни қўлига олади*). Справка бюроси... (*Ольга Федоровнага*). Телефон қилсам майлими?
- Дим а.** Дадам ҳаммадан кўра яхшироқ билади! Сизга ўзи айтди-ку!
- Клавдия Ивановна** (*секин*). Мен қўнғироқ қилишим керак. (*Номерни тиради*). Мени кечиринг... Кирилл Васильевнинг аҳволи қалай? Мен унинг онаси бўламан. Сиз нима дедингиз? (*Трубка қўлидан тушиб кетгудай бўлади, ҳаммага муржошат қилгандай*) Жуда оғир? Ҳамма жим. Бу нима... Бу нима дегани, а? Бу нима дегани? Илтимос, тушунтириб бeringлар.
- Ольга Федоровна** (*унга яқин келади*). Аввалига жуда оғир эди. Лекин ҳозир деярли... ёки бутунлай хатар чекинди деса бўлади. Дефибриллятор ўз вақтида ишга туширилди. Юракка ток юборишди ва у яна ишлаб кетди.
- Клавдия Ивановна.** Яна бу нима деганингиз?
- Ольга Федоровна.** Мен яна қайтадан яхши ишлаб кетди, демоқчи эдим. Яъни бир текисда, деярли нормал ишлаб кетган!
- Дим а.** У ерда, Кириллнинг тепасида, бутун бир бригада! Бутун бошлиқ бригада! Тушунапсизми? Демак, ҳаммаси жойида бўлади.
- Леночка** (*Димага яқин келади-да, секингина*.) Ростдан ҳам бу... тўғрими?
- Дим а.** Рост!
- Буви.** Менинг танишларим орасида юрак касалига учраганлар талайгина. Уларнинг ҳаммасига ҳам дефибриллятор яхши фойда берган! Улар — қари одамлар. Кирилл бўлса, у ҳали ёш, чиройли йигит. У сизга жуда ўхшайди.
- Ольга Федоровна.** Яна бир марта ҳаракат қилинса етади. Андрюша шунинг учун ўша ерга кетди!
- Клавдия Ивановна.** Менинг ҳам ўша ерда бўлишим зарур. (*Ўрнидан шошилинч қўзғалади*). Мен ҳам унинг ёнида бўлишим керак. Леночка, кетдик! Кетдик...
- Ольга Федоровна** (*уни маҳкам ушлаб олиб, коридорга чиқармайди*). Йўқ, сиз ҳеч қаёққа бормасиз. Мен сизни қўйиб юбормайман.
- Клавдия Ивановна.** Унинг ёнига-я? Қўймайсизми?
- Ольга Федоровна.** Сиз ҳозир унга асло ёрдам бера олмайсиз. Ҳеч қандай! Фақатгина Андрюша ёрдам кўрсатиши мумкин. Шунингдек, ўша бригада. Улар ўзларининг бутун кучларини

бир ерга тўплаб олишлари лозим. Бутун эътиборларини ҳам! Бордию сизни ўша ерда эканлигингизни, безовта бўлаётганлигингизни сезиб қолишгудай бўлишса... Улар сизни ҳам ўйлай бошлашади. Ҳеч бўлмаганда, Андрияша... У эса, фақат ўглингиз тўғрисида бош қотириши лозим. Фақат Кирилл тўғрисида! Унинг юраги тўғрисида. Бошқа ҳамма нарсани унутиб! Бордию, сиз борсангиз, уларга халақит беришингиз мумкин! Айниқса, Андрияшага... асосан унга... бутун бригадага... Сиз тушунинг ахир!

К л а в д и я И в а н о в н а (яна стулга ўтиради). Нима... Унга? У нима бўлиши мумкин?

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Ҳамма нарса яхши бўлади. Келинг, яхшиси, сабр қилиб турайлик. Андрияша қўнғироқ қилишни ваъда қилган. Ўзи ёки бирон кишига айтиб бўлса ҳам телефон қилдиради.

Б у в и. У сизни бизнинг ёнимизда кўрди. Хотиржам бўлиб кетди.

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Яхшиси, кутиб турамиз.

*Ҳамма стулга ўтиради. Ҳамма жим турган телефон аппаратиغا термиледи. Дима беҳосдан ўрнидан туради.*

Д и м а. Мен ҳозир... бир минутга (ташқарига чиқиб кетади).

*Ҳамманинг кўзи телефонда. Дима эса ҳовлида пайдо бўлади. Автомат-телефон будкасига киради. Будкада чироқ ёнади. У номер тиради.*

Д и м а (трубкага). Могила! Сен менга зарур бўлиб қолдинг. Ҳеч қачон бунчалик зарур бўлмаган эдинг! Шошма, даданг, ойнинг уйдами? Хў-ш... Зарур пайтда нега улар доим уйда бўлишадя-а? Майли, мен сени кутаман. Автомат-телефон будкаси ёнида. Тезроқ етиб кел! Югур, сабабини келганингдан кейин биласан. Портлаб кетмайсан, югуравер! (Трубкани олиб қўяди). Уйга кириб олиб ҳамманинг жим ўтиравериши яхшиликка олиб келмайди. Бинобарин, ҳамма ҳам жуда қўрқинчли бир нарса тўғрисида ўйлапти. Бирор нохушлик юз бериши мумкин. Ҳамма шу йўсинда жим ўтираверса, уларнинг сочи оқариб кетиши ҳеч гап эмас. (Қўли билан сочини силайди). Ёки бўлмаса ақлдан озиш ҳам мумкин. Бизнинг қўлимиздан нима ҳам келарди. Ҳамма нарса дадамга боғлиқ-ку. Шунингдек, «юрак» деб аталувчи сеҳрли мурувватга ҳам боғлиқ. Нега энди, мана шу, на-гапиришни, на фикрлашни билмайдиган арзимас бир мурувватга ҳамма нарса боғлиқ бўлса-я? Нега шундай бўларкин-а?!

Ж е н я. Нима? Яна қочдингми? Мажбур қилишибди-да?

Д и м а. Шошма, вақт қисқа

Ж е н я (*қўлини ишқалайди*). Нима, шошиладиган ншми?! Айта-вер, Мен ҳеч кимга... Ҳеч қачон! Ўлай агар! Тушундингми...

Д и м а. Жим бўл. Муҳим иш. Сен ўйлаганингча эмас. Ҳозир одамгарчилик керак.

Ж е н я. Марҳамат. Менинг қўлимдан келади!

Д и м а. Эсингдами, ўтган сафар ота-онамнинг асабига текканинг?

Ж е н я. Албатта-да. Уни эслашнинг ўзи роҳат бахш этади, одамга.

Д и м а. Ҳозир эса, одамларни хотиржам қилиш керак.

Ж е н я (*ҳайрон*). Хотиржам қилиш? Нима учун?

Д и м а. Қулоқ сол, сенда одамгарчилик борми, ўзи?

Ж е н я. Мен ваъда бердим-ку, сенга!

Д и м а. Ундай бўлса катталарга ўхшаб, салмоқли оҳангда бир неча сўзни айтиб кўр-чи.

Ж е н я. Қайси сўзларни?

Д и м а. Хоҳлаганингни... Масалан «Ҳеч кимга! Ҳеч қачон! Ўлай агар!»

Ж е н я (*дўриллаб*). «Ҳеч кимга! Ҳеч қачон! Ўлай агар!»

Д и м а. Энди худди шунақа овозда, шошмасдан салобатли қилиб, қуйидаги сўзларни такрорла: «Лаврушчилар квартирасими? Андрей Петрович: «Ҳаммаси яхши ўтаяпти»,— деб хабар қилиб қўйишни илтимос қилди».

Ж е н я. Кимга айтиб қўйишни илтимос қилди?

Д и м а. Кимгалиги муҳим эмас. Ким телефон трубкасини олса ўшанга.

Ж е н я. Борди-ю: «Ким гапиряпти?» — деб сўраб қолишса-чи?

Д и м а. «Практикант студент» — дегин. Гўё бошқа гапни айтишга вақтнинг йўқ. Ҳар сафар ҳам: «Лаврушчилар квартирасими? Андрей Петрович «Ҳаммаси яхши ўтаяпти» — деб айтиб қўйишни илтимос қилди» — деган сўзларни такрорлайвер.

Ж е н я (*қўлларини ишқалайди*). Ажа-бо! Шуидай қилиб неча марта қўнғироқ қиламан?

Д и м а. Ун беш ёки йигирма минут ўтгандан кейин қайтаверасан. Бор-йўғи саккизта чақам бор.

Ж е н я. Бу ерда қачонгача бўламан?

Д и м а. Токи ўзим тушиб: «Бўлди!» — демагунимча.

Ж е н я. Жуда соз! (*Қўлларини ишқалайди*). Ҳамма мени касалхонадан қўнғироқ қилаяпти деб, ўйлайдими? Мен — практикант студент бўламанми?

Д и м а. Сен нега хурсанд бўлаяпсан?

Ж е н я. Бунинг театр ёки циркдан фарқи йўқ-ку! Мен практикант! Ҳамма менинг сўзимга қулоқ бериб тинглайди! Жуда ажойиб

бўлади-да! Ҳа, айтганча, ўзи нима бўлаяпти ўша касалхонада...

Д и м а (*ўйлаб туриб*). Одам ҳаётини сақлаб қолишяпти.

Ж е н я. Ҳаётни?!

Д и м а. Ҳа, ҳаётни.

Ж е н я. Сақлаб қолиша олармикан?

Д и м а. Билмадим. Лекин бунинг циркка ўхшаш ҳеч қанақа жойи йўқ. Бу ҳақиқат. (*Уйига қараб юради*).

Ж е н я. Чакани бермайсанми?

*Дима қайрилиб қарамайди.*

Мен энди қандай қўнғироқ қиламан.

Д и м а. Қўнғироқ қилишининг ҳожати йўқ.

Ж е н я. Қилмайманми? Мен бўлсам, хурсанд бўлган эдим. Айтган сўзингни ҳам ёдлаб олувдим! Нима овозим тўғри келмайдими?

Д и м а (*ўгирилиб қарайди*). Бу ҳодисага... Ҳеч нарса тўғри келолмайди.

Ж е н я. Ундай бўлса, нега мен ҳовлиқиб юрибман? Телевизорда ажойиб фильм кўрсатилаётганди, мен бўлсам уни ташлаб, қушдай учиб ерга тушиб ўтирибман-а? Бешинчи серияси! (*Кетади*).

*Лаврушинлар квартираси. Ҳамма ҳамон телефонга кўз тикиб, жим ўтирибди. Дима кириб келади.*

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Қаерга бориб келдинг?

Д и м а. Ўзим... шундай айланиб келдим. Ҳеч ким қўнғироқ қилмадими?

Б у в и. Ҳали ҳеч қандай фурсат ўтгани йўқ-ку.

Д и м а. Дадамни характерини биламан: бир нарсани таг-томиригача текшириб, ўзи ишонч ҳосил қилмагунича ҳеч сўз демайди. (*Клавдия Ивановнага*) Шу боисдан унга ишонишади, У биронта ножўя сўзни айтмайди. У: «Ҳаммаси жойида бўлади!», дедими, демак биз хотиржам чой ичаверсак ҳам бўлади. Албатта, ҳозир чой ўтмайди. Лекин Клавдия Ивановна хотирингизни жам қилаверинг, дадам ҳеч қачон, ҳеч кимни алдаган эмас, у ваъда қилдими — демак яхши бўлади!

К л а в д и я И в а н о в н а (*секингина*). Фақат шунга умид боғлаб ўтирибман.

Д и м а. Жуда тўғри қиласиз! Яқинда дадам отпускага кетди. Ҳаммаси бўлиб бир ҳафтага, нақ телефонни бузиб юбориш.

ларига озгина қолди: «Андрей Петровичнинг отпускаяда қайтишини кутамиз! Ундан бошқага қариндошимизни ишониб топширолмаймиз!» Бир хотиннинг эри қўнғироқ қилгани эсимда. Эр — бу она эмас-ку, ахир. Биласизми, у жуда ташвишланди! «Мен, дейди, сизнинг отагизни деб, ўз хотинимни шу касалхонага жойлаштирган эдим. Менинг бошқа имкониятларим ҳам бор эди. Касалхона — бу театр эмас, мени дублёрлар қониқтирмайди!» Ҳаммасининг гапи шунақа. Дадамнинг дублёр операция қилишини хоҳламайди. Ҳатто касалхона коллективи олдида ноқулай ҳам бўлар экан. Ахир у ерда хирурглар кўп-ку. Касаллар эса отамни дейишгани-дейишган. Мен буларни айтмас эдим-у... лекин сиз билиб қўйишингиз лозим. Тўғрими, оий?

**О л ь г а Ф е д о р о в н а.** Ҳа, кўпроқ Андрюшани хоҳлашади.

**Д и м а.** Бунинг сабаби нимада? Масалан, одамлар бирор бир музикантни ёқтириб қолди дейлик, уни тинглашга интилишади. Демак у яхши музикант. Мана, биз яқинда концертда бўлдик. Кирилл билан бирга! Бир пионино চালувчи ва учта скрипкачи, айниқса ажралиб турдилар. Биласизми? Томошабинларнинг хатти-ҳаракатига қараганда улардан бошқа музикант йўқдай кўринарди!

**Б у в и** (*Димага маъноли қарайди*). Концертга борганингда ўзинг ёқтирган кишинг фойдасига адашиб қолишинг ҳам мумкин. Бу хавfli эмас. Буни муҳим бир йўқотиш деб ҳам бўлмайди. Операция столи устидачи? Ҳаётингни хавф остига қўясан. Шу боисдан ҳам тажрибали докторни қидиришади. Уларнинг Андрюшага ишониларининг боиси ҳам ана шунда.

**Л е н о ч к а.** Андрей Петровичи дружинамиз пионерларининг ҳаммаси яхши билади!

**К л а в д и я И в а н о в н а** (*секин*). Эрим фронтда ўлди. Ака-укам ва опа-сингилларим бўлмаган. Яккаю ягона ўғлим бор. Ҳаммасининг ўрнига. У ҳам она, ҳам сингил, ҳам дўст ўринини босишини орзу қилар эдим. Менинг ўғлим буни энларди ҳам. Ҳаётимда нимаики яхшилик кўрган бўлсам, уни менга ўғлим ҳадя қилди. Мана болалар... Улар Кириллни севишади. У туфайли мени ҳам. (*Жим бўлиб яна стулга ўтиради ва телефонга қараб термалади. Унинг гапиришига ортқ мабсри қолмагани*).

*Ольга Федоровна ҳам, Буви ҳам телефонга кўз тикишарди. Дима Леночкани ёнига келади, уни четга бошлайди.*

**Д и м а** (*секин*). Валя нега келмади? Ҳалиям касалми?

**Л е н о ч к а** (*секин*). Очиғини айтайми?

**Д и м а.** Очиғини...

Л е н о ч к а. У умуман касал бўлмаган эди.

Д и м а. Бу қанақаси?

Л е н о ч к а. У жўнаб қолди. Ўша заҳотиёқ... Кирилл билан изма-из. Аммо бошқа томонга. У бизнинг шаҳаримиздан бутунлай кетди.

Д и м а ( ҳайрон). Бўлмаса, у қанақа мактуб эди?..

Л е н о ч к а. Нима қилишим керак эди. Кирилл жўнаб кетишидан олдин мендан уни эпга келтиришни ўтиниб илтимос қилганди. Унга тушунтиришим, кўндиришимнинг фойдаси бўлмади.

Д и м а. Осон қўтилиш мақсадида алдамчиликка ўтилган экан-да!

Л е н о ч к а. Тўғри, алдамчилик ярамас нарса. Лекин врачлар унга хафа бўлиш мумкин эмас, дейишганини эшитиб қолгандим. Ҳеч мумкинмас! Билдингми... Шу сабабли мен ўша мактубни тўқидим. Уни хотиржам қилиш мақсадида. Мен бу ерга келаётганимда Кириллни туппа-тузук деб ўйлаган эдим. Энди унга қандай қилиб тушунтираман? Валя ярашишни хоҳламаганини қандай айтаман? Унинг касаллигини ҳам назарга олмаганини... Кетиб қолганини ўйлаб, роса изтироб чеккан эдим. Лекин ҳозир уларнинг ҳаммаси ҳам оддий бир гап бўлиб кўриняпти. Фақат Кирилл тирик... ва соғ бўлса бас! Қолган ҳамма-ҳаммаси бўлаверади! Унга буларни гапириш ҳозирги аҳволимдан кўра минг марта энгил.

Д и м а. Менимча, бунақа ҳолни энгиш, янги туғилган билан барабар. Шундай бўлгандан кейин... яна, янгидан севиб қўя қолар. Сен нима дейсан?

Л е н о ч к а. Мен билмайман.

К л а в д и я И в а н о в н а. Балки ўзим телефон қилиб кўрсам-чи?

О л ь г а Ф е д о р о в н а. Ҳозир бунақа жиддий аҳвол давом этаётган пайтда операция хонасидан ҳеч қандай хабар чиқаришмайди. Справка бюроси яна ўша: «Аҳволи оғир» — деган жавобни бераверади. Тушундингизми?

К л а в д и я И в а н о в н а. У: «Жуда оғир» — деган эди. Қандоқ чидайман-а?

*Буви стаканда сув келтиради. Қандайдир дори узатади.*

Б у в и. Мен қийналган пайтларимда мана шу дорини ичаман. Сиз ҳам ичинг, зора энгиллашсангиз.

*Ҳамма жим турган телефонга тикилиб ўтирибди.*

Д и м а. Ҳеч бўлмаса бирон бошқа одам ҳам телефон қила қолса майли эди!

*Телефон-автомат кабинасида чироқ ёнади. Худди оёғи шикастланган одамдай аста юриб у томон Андрей Петрович яқинлашиб келади. Бошидаги оқ қалпоғи билан юзидаги терни артади.*



Андрей Петрович. Оёғимниңг юришга мажолн қолмади, пахтага ўхшайди. Гўё йўқ бўлиб қолгандай. (Қабинага киреди. Аппарат устига энгашиади. Номерларни теришга ҳам ҳоли келмайди). Нима гап ўзи? Қўлимда ҳам куч қолмабди. Чарчадим... (Амаллаб трубкини олади, номерларни тера бошлайди).

*Лаврушинлар квартирасида қўнғироқ овози эшитилади. Трубкини олишдан ҳамма қўрқади. Дима ўзини тетик тутиб, телефон ёнига келади.*

Дима (секин). Ҳа, мен... Эшитаман...

Андрей Петрович. Бу сепмисан, Димочка?

Дима. Ҳа... бу мен... эшитаман, дада! Ҳамма хавотирда ўрнидан туради.

Андрей Петрович. Хатар чекинди... У энди яшайди! Етти марта юқори кучланишдаги токни юбордик.

Дима. Дада! Бир минутга... (Клавдия Ивановнага). У тирик! Ўз соғлиғим билан... Сизники билан ҳам қасамёд қиламан. Етти марта ток юборишибди! Мана, ўз қулогингиз билан ўзингиз тингланг... Дадажон, трубкини Клавдия Ивановнага узатайман. (Трубкини узатади).

Андрей Петрович. Илтимос, хотиржам бўлаверинг. Юрак ишлаб кетди. Юрак бир текисда урапти. Ҳаммаси жойида. У ухляпти... (Трубкини жойига қўяди. Қалпоғи билан бетини артади-да, секин будкадан чиқади).

*Клавдия Ивановна Ольга Федоровна олдида тиз чўқади.*

Ольга Федоровна. Клавдия Ивановна, бу нима қилганингиз? Сиз бундай қилманг? (Уни қўлтиғидан кўтариб қўйишга харакат қилади.)

Клавдия Ивановна. Ўлгунимча сизнинг эрингизни дуо қилиб ўтаман. У ва Кирилл менинг энг яқин кишиларим. Ер юзида улардан бошқа... Умримнинг охиригача!

*Буви шошилишч қўлида дори билан югуриб келади. Леночка, Дима ва Ольга Федоровна Клавдия Ивановнани кўтариб олишади.*

Ольга Федоровна. Азизим! Сиз нималар деяпсиз?

Клавдия Ивановна. Сиз қандай бахтлисиз-а! Бутун умр бўйи... Шундай ажойиб киши билан бирга яшайсиз!

Дима (секин, худди ичида ўзига гапиргандай). Ойим илгарилари бунн негaдир... тушунмас эди.

Б у в и. Қлавдия Ивановнанинг ўгли ўз ойисига бундай сўзлар айтмаган бўларди!

*(Ҳамма Клавдия Ивановнага меҳрибонлик кўрсата бошлайди. Дима саҳнанинг олдига чиқади).*

Д и м а. Ҳамон келажакда қайси касб эгаси — геологми, биологми ёки метеорологми бўлиб етишишни билмайман. Лекин операция хонасидан чиқиб, хавотирда кўз тикиб ўтирган муштипар онага, секингина: «У яна яшайди... У омон. Ташвиш чекманг... У яна ҳаётга қайтди!»— дейишдан кўра улуғроқ нарса бормикин, дунёда!

## **БЭП ва ДЭП**

### **УЧ ПАРДА, ТЎҚҚИЗ КЎРИНИШЛИ КОМЕДИЯ**

#### **ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:**

Бэп (Борис Пихта) — 5 синф ўқувчиси, баланд бўйли, калта шим кийиб юрадиган озғин бола.

Дэп (Дмитрий Птица) — унинг дўсти, тўладан келган, паст бўйли, узун кийим киядиган бола.

Бэпнинг отаси.

Дэпнинг онаси.

Бирвой — ўғил бола.

Иккихон — қиз бола.

Дангасахон — Бирвой ва Иккихоннинг онаси.

Алдамчи	}	Дангасахоннинг опа-сингиллари.
Жанжалкаш		
Адабсиз		

Ўқитувчи.

Учвой — ўғил бола.

Тўртхон — қиз бола.

Бешвой — ўғил бола.

Бобо.

Ўткинчилар, ўқувчилар, пионерлар.



# ПРОЛОГ

*Уртасидан четан девор билан тўсилган икки ҳовли.*

**Б э п** (*четан деворнинг бир томонида турибди*). Борис Пихта, бу-нақасини эшитганмисиз?! Мени шундай деб аташади! Шу ҳам исм бўптими? Ҳа, пихта<sup>1</sup>, бу дарахт-ку! Нима, мен дарахтга ўхшайманми? Ундай бўлса япроқларим қани? Бутоқларим чи! (*Қўлини кўтаради*). Шу ҳам бутоқми? Борди-ю, бирорта аҳмоқ қушча, дарахтлигимга ишонса-чи? У бошимга ин қуриб, тухум қўйса-я! Жуда ажойиб кўринсам керак! Унда ажойиб жингалак сочим нима бўлади? Йўқ, йўқ, менга Борис Пихта-нинг кераги йўқ. Менинг исмим кўнғироқнинг бонгидек жарангдор бўлади. Худди шундай... бом, бом! Шошмай туринг, шошмай туринг, ҳозир ўйлаб топаман. Ҳа, топдим! Бориснинг ўрпига — Бэ, Пихтанинг ўрнига — Пэ! Бэпэ! Бу ёқадими? Қисқа қилиб айтганда — Бэп! (*У қўлларини белига қилиб, кеккайиб чиқиб кетади*).

**Д э п** (*четан деворнинг иккинчи томонида туриб*). Менинг исмим Димитрий Птица. Ҳа, шу ҳам исмми! Қўйишган исмни қаранг! Қанотим йўқ, учолмайман. Дўстлар, наҳотки мен паррандаман? Йўқ! Бошқа исм топаман. Токи у ҳаммага ёқадиган бўлсин, Димитрийдан — Дэ, Птицадан — Пэни олсак Дэпэ ҳосил бўлади! Йўқ, Дэп. Мана, буниси қойил.

*Бэп пайдо бўлади.*

**Д е п.** Қани, Пихта, бери кел!

**Б э п** (*четан деворнинг ёнига келади*). Бу ерда кимни чақиришяпти? Аллақандай Димитрий Птица мени чақиришга журъат этдими, мени — Бэпни-я!

**Д э п.** Қани Птица? Нима, кўр бўлиб қолдингми? Бу ерда Птица йўқ, Дэп бор, холос.

**Б э п** (*четан девордан сакраб ўтади*). Вой, сени қара-я! Мен билмабман. Сен—Дэпмисан? Ҳа майли, сен билан ўртоқ бўлсам бўлади. Кел, пешанангдан бир ўпиб қўяй (*ўтади*).

---

<sup>1</sup> Қарағайнинг бир турки.

*Дэп ва Бэп четан девордан бир неча марта сакраб ўтишади.*

Д э п. Мен Дэп!

Б э п. Мен Бэп.

Д э п. Салом!

Б э п. Салом!

*(Қўл ушлашиб қўшиқ айтишади).*

Биз энди умрбод

Дўсту қадрдон!

Сен қаҳрамон бўлсанг —

Мен ҳам қаҳрамон!

Мен Бэп!

Мен Дэп!

Саволлар борми?

Саволлар борми?

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

*Бошини қашиб, бармоғини гоҳ қулоғига, гоҳ бурнига тикиб, ҳовлининг чап томонидаги скамейкада Бэп ўтирибди. Ҳовлининг ўнғ томонидаги майсазорда Дэп ётибди, атрофида китоблари сочилиб кетган.*

Б э п *(китобни олади)*. Мактабда ҳам, уйда ҳам китоб. Эснашга ҳам вақт йўқ. *(Эснайди)*.

*Ҳамма ёғи ифлос, пала-партиш кийинган, озғингина Бирвой кириб келади.*

Б э п. Ҳа, бу сенмисан, Бирвой? Бошқача айтганда — қозиқ, кела қол, кела қол, хуш келибсан!

Б и р в о й *(ғазабланиб)*. Нега китобга тегдинг? *(Ўзича.)* Тронг, понг, чонг! Тегма — куюсан! Ташла уни! *(Китобни ерга улоқтиради)*.

Б э п. Сен тамоман бошқа нарса ҳақида гапиряпсан. Лекин бу менга бари бир ёқади.

Б и р в о й *(жилмайиб)*. Сенга ёқишини билардим. Мен доим керакли гапни гапираман. Нима учун ўқиш, илмнинг магзини чақиш керак? Нима, сен каламушмидинг? Сен Бэпсан! Сенга китобларнинг кераги ҳам йўқ.

Б э п. Дадам нима деркин? У кўпдан бери мени дўппосламоқчи бўлиб юрибди. Ҳаммасига сабабчи сенсан.

Б и р в о й. Нима? У сени калтакламоқчими? Ҳаққи йўқ, асло! Қара, отанг келяпти. Мен яширина қолай.

**Бэ п н и н г** о т а с и. Яна дарсни тайёрламай нима қилиб ўтирибсан? Ҳозир сенга дангасалик қандай бўлишини кўрсатиб қўяман. Мана сенга...

**Бэ п.** Вой, дада, шошмай тулинг, урманг! Келинг, яхшиси ўтириб ўйлаб кўрайлик. Болаларни уриш тақиқланган-ку! Бу эскилик қолдиги. Нима, сиз ҳозир қандай давр эканлигини унутиб қўйганмисиз? Ахир сиз ишчисиз-ку?

**Бэ п н и н г** о т а с и. Ҳа, ишчиман.

**Бэ п.** Мана, кўрдингизми! Ишчи, совет кишиси бўла туриб ёш болани урмоқчи бўляпсиз. Йўқ, бизнинг замонамиз кишилари болаларни уришмайди.

**Бэ п н и н г** о т а с и. Умуман гапинг тўғри, уриш ярамайди. Бироқ дарс нима бўлади, ўзинг айт-чи?

**Бэ п.** Бу менинг ишим.

**Бэ п н и н г** о т а с и. Шундай бўлгач ўз ишингни билиб қилгин-да!

**Бэ п.** Ҳаракат қиламан, албатта. Сиз бемалол бораверинг.

**Бэ п н и н г** о т а с и. Хўп майли, мен кетдим.

**Бир в ой** (*тўсатдан пайдо бўлади*). Ах-ха, қутулиб қолдингми? Калтак емадингми?

**Бэ п.** Ҳаммаси жойида бўлди!

**Бир в ой.** Мен нима дегандим? Тўғри маслаҳат берилгандан кейин калтак емайсан, аксинча эъзозланасан! Мен билан бирга бўлсанг кам бўлмайсан. Тронг! Понг! Кетдик, Бэп.

*Музыка.*

**Дэ п.** Оҳ, одам эснаганда маза қилади-да! (*Иккихон киради*).

**Икки хон.** Сенга нима бўлди? Бечорагинам, ёлғизланиб қолдингми?

**Дэ п.** Бодринг, барра бўлса ҳам бари бир жонга тегаркан.

**Икки хон.** Ҳадеб қайғураверма, дунёда яхши одамлар қуриб кетмаган. Истасанг, ёрдам бериб сени қутқариб қоламан. Қани, қўлингга китоб олиб, уни варақла. Хўп яхши! Энди ёпиб бир четга қўй. Жуда яхши. Энди мактабга боргунингча дам оласан.

**Дэ п.** Бу гапинг менга маъқул! Лекин ойим нима деркинлар?

**Икки хон.** Э, кўрқма. Сен унга фақат «жаҳл чиқса, соғлиққа зиён, жаҳл чиқса одам қарийди, юзига аҳин тушади» дегин. Шундай десанг ойинг жим бўлиб қолади. (*Дэпга бошдан оёқ қарайди*). Ҳой, сен намунча тозасан? Афтингга қараб бўлмайди! Й-ў-ў-ў-қ! Бунақаси кетмайди. Қани, бу ёққа кел-чи, сени бир ясантриб қўяй. (*Оғзи-бурни, юзларига доғ-дуғ суради*). Мана энди бошқа гап. Мана энди ажойиб бола бўлдинг! Худо ҳақи, Дэп, сен менга ёқасан!

*Дэпнинг ойиси пайдо бўлади, Иккихон шу заҳоти яширинади.*

**Дэ п.** Ойижоним!

Д э п. И н г о й и с и. Бу нимаси? Ҳамма ёгингни яна қаерда ифлос қилдинг? Қийим-бошингни қара, кўриб бўлмайди. Уст-бошингни ювавериб тилка-мадорим қолмади. Дарсликларни отиб юборибсан. Дангаса! Одамлар тинмай ишлайди, сен бўлсанг ишдан қочасан. Сенга ўхшаган ялқов оламда биттадир! Сенга қарагандан кўра кўзим кўр бўлгани яхши эди!

Д э п. Ойижон, жаҳлингиз чиқмасин! Тобингиз йўққа ўхшайди!

Д э п. И н г о н а с и. Ҳаммасига сен сабабчисан. Сени қандай қилиб ўқитса бўлади? Тушунсанг-чи, илмдан яхши давлат борми? Дарслинг қани? Уйга қанақа вазифа берилган, дарров китобингни очиб ўқий қол. Дангаса, ишққмас.

Д э п. Ким жаҳлдор бўлса, тез қариб қолади. Мендан хафа бўлманг, очик гап шу.

Д э п. И н г о п а с и. Жаҳлим чиқса қариб қоламанми? Нималар деяпсан ўзинг! Вой мен бечора. Кўп ўтмай юзимни ажиб босиб кетади. Сени қарая...

Д э п. Иккихон! *(Аланглаб уни қидиради)*.

И к к и х о н. Мен лип этиб дарахтга чиқиб олдим. Яшириниб гапингни эшитиб турдим. Қойил, Дэп! Менинг сабоғим бекор кетмабди. Ўзингни ақлинг етмаса доимо Иккихондан сўра. Ёдингда бўлсин: Иккихондан маслаҳат олсанг, ҳеч қачон ёмонлик кўрмайсан.

Д э п. Мана, китобдаги бор сўзларни ёдлаб олдим. Маза. Энди ўйнасак бўлаверади. *(Улар қўл ушлашиб, сакрашишади-да, чиқиб кетишади)*.

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Синф. Дэп билан Бэп партада ўтиришибди. Ўқитувчи кўринади.*

Ў қ и т у в ч и. Бэп, дарсни тайёрладингми?

Б э п. Тайёрлай олмадим, китобимни йўқотиб қўйдим.

Ў қ и т у в ч и. Бу-чи, бу нима?

Б э п. Вой, кечиринг кўрмабман.

Ў қ и т у в ч и. Қани, айт-чи?

Б э п. Нимани?

Ў қ и т у в ч и. Днестр ҳақида.

Б э п. Нимага?

Ў қ и т у в ч и. Бугунги дарс шу ҳақда.

Б э п. Қапақа дарс?

Ў қ и т у в ч и. Днестр тўғрисида...

Б э п. Биламан, биламан.

Ў қ и т у в ч и. Билсанг доскага чиқиб, гапириб бер.

Б э п. Днестр аввалига тўппа-тўғрига оқарди, кейин худди қушга... ўхшаб айлана бошлади.



У қ и т у в ч и. Бўлди, бўлди сенинг баҳонинг-бир. Уни кундалигингга ҳам ёзиб қўяй. (*Кундалик дафтарига ёза бошлайди*). Утир Бэп. (*Уқитувчи Дэнга қарайди*). Сен-чи? Географиядан берилган дарсни тайёрладингми?

Д э п. География яхши фан, менга жуда ёқадн. Шунинг учун дарсни тайёрлаганман.

У қ и т у в ч и. Бўлмаса, Днестр ҳақида гапириб бер-чи!

Б э п. (*пичирилаб айтиб беради*). У баланд, кўм-кўк майса билан қопланган.

Д э п. Днестр ям-яшил тоғ бўлиб...

У қ и т у в ч и. Днестр тоғ эмас, дарё.

Д э п. Биладан, биладан у қирғоқлари кўм-кўк дарё, унинг зилол сувларида... хаҳ нима эди... ўшалар сузиб юришни мумкин эди...

У қ и т у в ч и. Нима?

Д э п. Балиқлар сув бўйида шамчироқдай ялтирайди. У ерда ГЭС бор... У ерда бекатлар бор, атроф эса кўм-кўк ўрмонзор...

У қ и т у в ч и. Икки, (*Дэннинг кундалигига ёзади*). Дэп, сени ҳам, Бэп, сени ҳам огоҳлантираман. Агарда иккалангиз жуда бўлмаса уч билан дўстлашмасангиз, аҳволингиз чатоқ бўлади. Синфда қоласизлар! (*Уқитувчи чиқиб кетади*).

*Бирвой билан Иккихон пайдо бўлади.*

Б и р в о й. Яшасин, Бэп! Тронг, чонг! Қани ўзимни бир кўриб қўяй-чи! (*Бэннинг кундалигини қўлига олади*). Яна менинг суратим. Ура! Хи-хи-хи! Бэнжон мени шундай яхши кўргач қаёққа ҳам кетардим.

И к к и х о н. (*Дэннинг кундалик дафтарига қарайди*). Дэп, жуда ақллисан-да. Яна менинг суратимми! (*Дэннинг кундалик дафтариини ўпади*). Емай-ичмай ўзимга маҳлиё бўлиб ўтиришга розиман.

Б э п. Ҳа, сизларга яхши. Аммо ўқитувчимиз Учвой билан дўстлашинглар деб таъкидлаяпти. Қандай қилиб дўстлашсак экан-а?

Д э п. Аввало у билан дўстлашмаслик керак, модомики дўстлаш-гудек бўлсак ёлгон гапирмаслигимиз лозим.

И к к и х о н. Жиминглар. Учвой ҳақида гапирманглар.

Б и р в о й. Номини аташингиз биланоқ, у шу ерда пайдо бўлади.

*Оддий бола қиёфасида Учвой киради.*

Б и р в о й. Қўрдиларингми, осмондан тушгандай пайдо бўлди! (*Учвойга.*) Нега келдинг, бор, бошқа хоҳлагай жойингга жўна! Эшитяпсанми, қаердан келган бўлсанг ўша ёққа жўна! Тронг, понг, чонг.

Б э п. Тўғри!

И к к и х о н. Йўқол! Жўна бу ердан, жўна!

**Дэп.** Ҳа шундай! Сенга ёрдам беролмаймиз. Учвой қани йўқол, бу ердан.

**Учвой.** Шошманг, шошманг, болалар! Тўхтанг! Дўстларингизнинг гапига қулоқ солманг! Мен улар айтганидек қўрқинчи эмасман. Келинг, танишамиз, дарс тайёрлаймиз, озгина, жуда ҳам озгина тайёрлаймиз, ўзингиз кўрасиз, бу унча қийин эмас...

**Бирвой** (*Учвойга ёпишиб олади*). «Қийин эмас» эмиш. Мен сенга кўрсатиб қўяман! Тронг, понг.

**Учвой.** Сендан қўрқмайман! Стёпка — пахмоқ! Мақтанчоқ.

**Бирвой.** (*Иккихонга*). Вой-дод! Иккихон, ёрдам бер! Мен нобуд бўламан — сен ҳам бир балога йўлиқасан!

**Иккихон** (*Учвойга ёпишиб олади*). Нима? Сен Бирвойни бир ёғлик қилмоқчимисан? Сен озодани қара-ю! Майли, ўзим нима бўлсам бўлай, лекин бу ҳолга йўл қўймайман. (*Учвойни итаради*).

**Учвой** (*Бэп ва Дэпга яқинлашиб*). Сизлар-чи, қаҳрамонлар, нега қараб турибсизлар! Менга ёрдам берсангиз-чи!

**Бэп** (*Ўзини йўқотиб*). Мен сени танимайман.

**Дэп.** У танимаса, менга ҳам нима? (*Бирвой билан Иккихон Учвойни итариб чиқаришади*).

**Бирвой.** Уф, иш мана бундоқ бўлибди-да! Бирлашган ўзар деб бекорга айтишмаган.

**Иккихон.** Ура, ура! Қимки ҳеч нарсадан қўрқмаса, унга нарсалар ҳам қўрқинчи бўлиб туюлмайди!

*Тўртовлон қўл ушлашиб, рақсга тушишади.*

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

**Кўча.** Бэп Бирвой билан, ирkit Дэп Иккихон билан бирга. Ўқувчилар, ўткинчилар ўтиб туришибди.

**Ўқувчи қиз** (*бошқасига Дэпни кўрсатиб*). Манави аҳмоққа қара. Яна Бирвой билан бирга-я.

**Бирвой.** Нима! У қандай журъат этди? Қани, Бэп, уни адабини бериб қўй!

**Бэп** (*Ўқувчи қизни итаради*). Мана сенга, аҳмоқ деганинг учун! (*Мушти билан пўписа қилади*). Қайфиятим яхшилигида овозингни ўчир!

*Ўқувчи қизлар чоғиб кетишади. Икки ўқувчи бола ўтади.*

**Биринчи ўқувчи** (*иккинчисига, Дэпни кўрсатиб*). Анави йигитчани кўраяпсаними? Қаерда у шунчалнк бўялиб олдий-кип? Гаров ўйнайман, бу бола синфда қолган.

И к к и х о н (*Дэнга*). Бу азаматни бир қитиқлаб юбор-чи, миттивой!  
И к к и н ч и ў қ у в ч и. Сен ҳам шу ердамисан, пахмоқ бойвучча!  
Яхшимисиз, ниначи хоним!

И к к и х о н. Эшитяпсизларми, эшитяпсизларми, у мепи ҳақорат қиляпти!

Д э п (*ўқувчи болага*). Нималар деб алжираяпсан? Жим бўл, қўпол, қўпол! Бўлмасам нақ гарданингга тушираман.

И к к и н ч и ў қ у в ч и (*биринчисига*). Ҳозир қара! Ўзи синфда қолай деб турибди-ку, кеккайгани нимаси.

Б и р и н ч и ў қ у в ч и. Ҳаммасига Иккихон айбдор. Шумшук Иккихон! Уни йўқотиш керак! (*Иккихонни ушлаб олиб, суд-райдилар*). Ҳайдаш керак уни, ҳайдаш!

*Иккала ўқувчи Иккихон билан чиқиб кетишади. Бэп, Дэн ва Бирвой орқаларидан тош отишади. Йўловчилар кўринишади.*

Й ў л о в ч и. Нима қиляпсизлар? Безорилар!

Б и р в о й. Сенинг нима ишинг бор?

Б э п. Бопла уни, бопла Бирвой!

И к к и н ч и й ў л о в ч и. Қаерда ўқийсизлар? Қайси мактабда?

Д э п. Қаерда ўқир эдим! Каламуш, чўртанбалиқ, қисқичбақалар бор ерда-да!

Б и р и н ч и а ё л (*Дэнга*). Зўрсизлар-ку! Бундан чиқадики, сен—каламуш (*Бэнга*) сен чўртанбалиқ (*Бирвойга*) сен эса қисқичбақа экансан-да!

И к к и н ч и а ё л. Ҳой, айлапай. Сиз нега уларга ёпишиб қолдингиз? Ахир улар болалар-ку. Ёмон иш қилишгани йўқ. Шўхлик қилишмай жим юришибди-ку.

Б э п. Жуда тўғри гапиряпсиз, холажон!

И к к и н ч и а ё л. Кўрдингизми, улар фақат ҳазиллашишяпти.

Д э п (*иккинчи хотиннинг қўлидан тортиб, уни айлантиради*).

Тўғри, тўғри! Кўрдим жуда зўр алвастини!

И к к и н ч и а ё л. Ха-ха-ха... Қандай шўх бола! (*Ўзига келиб*). Вой, сен нималар деяпсан ўзи? Мен алвастиманми? Бундай дейишга қандай журъат этдинг, ярамас бола?

Б и р и н ч и а ё л (*иккинчи аёлга*). Мана кўрдингизми, ўйинқароқларингизнинг қандайлигини? Сабаби, уларни жуда талтайтириб юборишган. Безорилик қилишса, уришиш ўрнига мақташади-я.

Б и р и н ч и ў т к и н ч и (*Бэн ва Дэнга*). Уялмайсизларми?

И к к и н ч и ў т к и н ч и. Тағин булар ўқувчилар эмиш.

Б и р и н ч и а ё л. Уларни ота-оналари олдига олиб бориш керак! Шундоқ қолдириб бўлмайди.

*Ўқувчи қизлар қайтиб келишади.*

Ў қ у в ч и қ и з л а р (*катталарга*). Салом!

Б и р и н ч и ў қ у в ч и қ и з. Уларга гапириб фойда топмайсиз.  
Уларни ҳамма билади. Улар синфда қолишмоқчи.

И к к и н ч и ў қ у в ч и қ и з. Ана ўшандагина тавбаларига таяна-  
дилар.

Б и р и н ч и ў қ у в ч и қ и з. Биз улардан кичикмиз, лекин уларга  
етиб оламиз ва бир синфда ўқиймиз. Шундай эмасми, икки-  
йилчилар? Ахир сизлар шуни жуда-жуда хоҳлайсизлар-ку?

Д э п. Сен билан бирга ўқиш? Бекор айтибсан! Ундан кўра уйда  
сандирақлаб юрган яхши.

У қ у в ч и қ и з л а р (*кулиб чопиб чиқиб кетишади*). Иккийилчи-  
лар, пккийилчилар!

Б э п (*қулогини беркитиб*). Улардан қочайлик. Бўлмаса кар бўлиб  
қолиш мумкин!

Д э п. Қўпчиликдан қочиб, қаерга ҳам борардинг? Улардан яшири-  
ниб бўлармиди-я!

Б и р в о й. Нимадан бунча қўрқаяпсизлар? Қўрққан нарсангизни  
қаранг-у! Ол-а! Эътибор берманг, вассалом, ҳаммаси яхши  
бўлади.

Б э п (*қўноқлик билан*). Қани, жўна! Ҳаммаси сен туфайли бўл-  
япти. Сен бизни синфда қолишимизни хоҳлайсан!

Б и р в о й. Бунинг нимаси қўрқинчли? Бўридан қўрққан одам ўр-  
монга бормайдн! Ахир сизлар бўрилар билан эмас, чурвақа-  
лар билан ўтираспелар-ку! Нимаси ёмон? Нимадан қўрқаяп-  
сизлар?

Д э п. Қани жим бўл, мақтанчоқ «билармон»! Бизсиз бориб айла-  
ниб кел!

Б и р в о й. Трам-там-та-та! Ақлли бўлишни хоҳлаб қолдингизми?  
Лекин сизлар ўйлаганча бўлмайди. (*Ашула айтиб чиқиб ке-  
тади*).

Мендан қочасиз қандоқ,  
Тронг, чонг, понг.  
Ялқовлар менга ўртоқ,  
Тронг, понг, чонг.

*Музыка.*

*Бэн билан Дэп ерга ўтириб, гарданини қашлаганича Бирвойнинг  
орқасидан қараб қолишади.*

Б э п. Уни бекор ҳайдаб юбординг! Усиз зеркиб қоламиз.

Д э п. Тўғри айтасан. Мен аҳмоқ, нима қилиб қўйдим? Бирвойсиз  
энди нима қиламиз? Бирвойсиз ҳолимизга вой!

# ИККИНЧИ ПАРДА

## ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

*Кўкатзор. Бэн пайдо бўлади.*

Б э п *(тўхтайтиди-да, дарахтларни кўздан кечириб бошлайди).* Менимча, энди бизни бу ердан ҳеч ким топа олмайди. Бу ерда биз бехатармиз. *(Қичқириб).* Тезроқ, менинг олдимга тезроқ келинглари!..

*Дэн ва Учвой пайдо бўлади.*

У ч в о й. Сен бизни қаерга бошлаб келдинг? Бунақа узоққа боришнинг нима кераги бор?

Б э п. Сен билан бизни ҳеч ким кўриб қолмаслиги учун.

Д э п. Бизнинг сен билан учрашишимиз мумкин эмаслигини наҳотки тушунмасанг?

Б э п. Албатта-да! Токи бошқалар уялганларидан, кимлардандир қўрқибганидан Учвойни қидириб топишди, деб ўйлашмасин.

Д э п. Худо ҳақи, биз ҳеч нарсадан қўрқмаймиз, фақат китоблардан оз-моз қўрқишимизни ҳисобга олмаганда...

*Бэн ва Дэн майсага ўтириб, ёнларига китобларини қўйиб қўйишади.*

У ч в о й. Мендан кўп нарсани кутманг. Мен унча катта эмасман, лекин унчалик кичик ҳам эмасман. Менга эргашиб олим ҳам бўла олмайсизлар, лекин дангасаликни сизлардан кетказишга ҳаракат қиламан. Синфда иккинчи йилга қолмайсиз. Сизларни унча мақташмайди, лекин уришишмайди ҳам.

Б э п. Бизга кўпини кераги ҳам йўқ, фақат синфда қолмасак бўлгани. Сен бизга ростдан ваъда беряпсанми? Алдаяпсанми? Биз ўша чурвақалар синфига тушиб қолмаймизми?

У ч в о й. Ахир мен сизларга ваъда бераман-ку. Бекордан-бекорга вайсани ёқтирмайман. Ҳеч қачон мақтанмайман. «Мақтанма ғоз, ҳунаринг оз»,— деган мақолни яхши биламан.

Б э п. Ундай бўлса, қўлингни бер!

У ч в о й. Лекин сизлар гапимга қулоқ солишингиз керак. Қасам ичасизларми?

Б э п. Ўзимнинг римча бурним билан қасамёд қиламан!

Д э п. Мен бўлсам бошим билан қасамёд қиламан, асрлар давомида сен билан дўст бўламиз.

*Иккихон пайдо бўлади, болаларга билдирмасдан китоблардан бирини олади-да, кўздан гойиб бўлади.*

Қани энди китобларга! Тўхта! Китобимни ким олди, ахир? *(Қидиради).*

Китоб мана шу ерда эди, аттанг!

(Дэнга)

Лекин сеникидан фойдалансак ҳам бўлади!

*Бирвой пайдо бўлади ва у ҳам сездирмасдан яна бошқа китобни олади-да, гойиб бўлади. Бэн эса китобини қидира бошлайди.*

Учвой. Вақтни кетказмайлик. Қелинг, тарих дарсидан бошлаймиз. Мана дарслик.

*Бирвой ва Иккихон пайдо бўлишади, улар қолган китобларни ҳам олиб кетишга ҳаракат қилишади.*

Учвой (Бирвой билан Иккихонни кўриб). Ҳа, бу сизларми? Тезликда ўғрини ушлаш керак!

*Бэн Бирвойни ушлаб олади.*

Бирвой. Менга қўл кўтаришга уялмайсанми? Сенга қилган яхшиликларимнинг оқибати шуми? Мен туфайли қанча ярамас ва ифлос ишларни бажарганинг ёдингдан чиқдимми? Бу қанақаси бўлди? Кўздан йироқлашгач, меҳр кўтарилади дегани тўғри экан-да.

Бэн (Бирвойни қўйиб юбориб). Тўғри, биз сен билан дўст эдик. Учвой. Бэн, Дэн! Қасам нима бўлади?

Бэн (Бирвойни қўйиб юбориб). Тўғри, биз сен билан дўст эдик, менинг ажойиб римча бурним узилиб тушса, унда менинг ҳолим нима кечади? (Яна Бирвойни ушлаб олади). Бари бир сени калтаклаш керакка ўхшайди! (Бирвойнинг қулоғидан тортади).

Бирвой. Во-ой! Чонг, понг! Ойи! Вой, ойи!

Иккихон (уни тутиб олиб, ушлаб турган Дэнга). Қўйиб юбор мени, қўйиб юбор! Сенга қилган ғамхўрликларим ёдингдан чиқдимми? Қандай ажойиб сиёҳлар билан сени бўяб қўярдим! Сени қўлинг ҳам, юзинг ҳам, кўртканг ҳам доим ифлос, жуда ҳам ифлос бўларди! Энди бўлса барча яхшиликларимга ёвузлик билан жавоб қайтаряпсан!

Дэн. Йўқ! Ҳеч ҳам ёвуз эмасман! Лекин мен бошим билан қасам-ёд қилганман. Эшитдингми?.. Қани, сени бир оз калтаклай-чи?

Иккихон. Ердам беринг! Ойи, ойи!

*Дангасахон пайдо бўлади, эринчоқлик билан зўрға юриб келади.*

Учвой. Эҳтиёт бўлинг, эҳтиёт бўлинг! Бу Дангасахон! Ундан йироқроқда бўлинг! У жуда ҳам ёпишқоқ! Қаранг, тагин қўлига тушиб қолманг! Қочинг!

Дангасахон (зўрға тилини қимирлатиб вайсайди). М-е-н-н-г м-и-т-ти-войлар-им-ни нега хафа қиялпсизлар?

Бэн. Улар ўғри, бизнинг китобларимизни ўғирлашибди.

**Дангасaxon.** Э-ҳ-т-и-м-о-л, б-у ё-мон-д-и-р, лекин б-бу м-е-н-г-а ё-қ-а-д-и.

**Бэп** (*майсанинг устига чўзилиб ётиб олади*). Вой, негaдир ётгим келиб қолди! Доим шундай ётаверсам...

**Дэп** (*у ҳам майсага эгилиб, эринчоқлик билан чўзиб дейди*).

Қўй, гапирма... ўлтирайлик жим,

Элтар алла хуш овоз...

Аввал бир оз ёнбошлаш керак...

Сўнгра, яна.. яна бир оз.

**Учвой.** Бўшашманг, бўшашманг! Дангасaxonга тикилманг! Менга қаранг! (*Гимнастика қила бошлайди*). Мен нима қилсам шуни такрорланг. Қани бошладик: бир, икки, уч! Гапимга қулоқ солинг! Бўлмасам синфда қоласиз, ўша чурвақаларга майна бўласиз. (*Бир Дэпни, бир Бэпни кўтариб тургазди, лекин улар майсага яна думалаб тушишади*).

**Бэп.** Бармоғимни қимирлатолмайман!

**Дэп.** Юргим келмаяпти!

**Дангасaxon.** Б-у ж-у-д-а я-х-ш-и... Қимирлашни н-и-м-а к-е-р-а-ги бор! Б-у-н-и бошқалар қилсин...

**Учвой** (*Бэпни қўзгатади*). Утир бир оз шуғулланамиз!

**Дангасaxon** (*кулишга ҳаракат қилади*). О-з-ги-н-а... кулиб олардим-ку, эриняпман-да.

**Бэп** (*зўрға туради*). Эҳтимол дарс тайёрлаш керакдир, лекин Дангасaxon нима деркин, мени уят қилмасмикни?

**Дангасaxon.** Я-ш-а... Б-е-к-о-р-га с-е-н-и яхши кўрмайман, дангасaxon...

**Учвой** (*Дэпга*). Тура қол, тарихни ўқиймиз. (*Дэп туршига ҳаракат қилади, лекин яна йиқилади*).

**Бирвой** (*Дангасaxonга*). Ойижон, бу қанақаси? Қаранг! Бизнинг энг яхши иккичиларимиз тузалишни хоҳлаб қолишибди!

**Иккиxon.** Улар тузалиб тиришқоқ бўлишга ҳаракат қилишяпти. Ҳаммасига Учвой, Учвой айбдор! Уларни бузаяпти.

**Дангасaxon.** Ҳа-а. Ҳа-а... Т-и-р-и-ш-қоқ... Ля-ля-ля... Қўшиқ айтардим-у, э-р-и-н-а-я-п-м-а-н... Бу е-р-д-а-н к-е-г-а қолайлик... К-ў-р-я-п-сиз-л-ар-м-и, зўрға юраяпман... Буларнинг олдига опаларимни юбораман... (*Эснайди*). Бу тиришқоқлар мени ёдларидан чиқаришмайди... (*Иккиxon ва Бирвойга*) В-ой, м-е-н-и-нг болажонларим... сизларни эркалатардим-у, лекин эриняпман... Вой... (*эснайди, учаласи кетади*).

**Бэп** (*орқаларидан*). Мана, кимларга ҳавас қилса бўлади! Улар ҳеч нарса қилишмайди. Эҳ, улар билан кетсак эди. Фақат синфда қолишдан кўрқаман-да! Ўша тавия қизларга майна бўлгим келмаяпти.

## БЕШИНЧИ КҰРИНИШ

*Ұрмонда орқаларига рюкзак осиб олган Бэн ва Дэн пайдо бўлишади.*

Б э п. Синфда қолмаганимиз жуда зўр бўлди-да! Мана энди маза қилиб ўйнаймиз! Бутун ёз-а!

Д э п. Походга ҳамма болалар боради! Қани, маршрутни белгилаб олайлик-чи!

Б э п. Балки, у томонга борармиз.

Д э п. Лекин у томонда байроқлар борга ўхшайди, у ерда пионер лагери бўлса керак!

Б э п. Ундай бўлса, ғарб томонга юрайлик!

Д э п. Ғарб томонга? Оҳ! Айтиш осон! Уша Ғарб томонга қандай қилиб борса бўлади?

Б э п. Бекорга Учвойдан қочиб кетдик. Энди сўрайдиган одам йўқ. Балки уни чақирармиз? *(Чақиради)*. Ҳой, Учвой! Бу ёққа кел.

*Алдамчи пайдо бўлади, у айёрона жилмаяди. Дарахтнинг орқасига беркиниб, гап пойлай бошлайди.*

Д э п. У эшитмайди. У энди узоқда. Биз аҳмоқларни хўп боплади-да!

Б э п. Йўқ, у бизни топади деб ўйлайман, у қайтиб келади. У ёмон бола ҳам, аразчи ҳам эмас.

А л д а м ч и. Мен алдамчи-жанжалкаш ва беадабларнинг синглизиман. Мен сизларга ёрдамлашаман. Учвой сизларни ташлаб қочиб кетди-ку.

Б э п. Тўғри, қочиб кетди! Алдамчи рост гапиряпти.

Д э п. Ҳа, бу гал ўзим кўрдим. Учвой биздан воз кечди.

*Музика.*

Б э п. Аҳа, мапа у! Қани, ўзинг айт-чи, алдоқчи! Нега бизни ташлаб қочиб кетдинг?

У ч в о й. Мен қочибманми? Мен алдамчиманми? Нималарни ўйлаб чиқарасизлар-а?

Д э п. Ҳа, сени деб далада қолган қўзичоқлардек адашиб юрибмиз.

У ч в о й *(алдамчига қаратиб)*. А-а-а, ҳаммаси тушунарли! Сен авровчи илон. Бош айлантиргани судралиб келдингми! Йўқ, унга ишопманглар! Ундан кўра нима топиб келганимни кўринглар. *(Дарахт орқасидан қопни олиб чиқади)*. Зўрға олиб келдим, жуда оғир экан-да.

Б э п. Қани, очайлик-чи?

А л д а м ч и. Ҳаммасини ўзимизга оламиз.

У ч в о й. Ахир бу бизники эмас-ку.



- А л д а м ч и. Буни аҳамияти йўқ! Нима топиб олсак ўзимизники-да.  
 Д э п. Бизникими, йўқми, бари бир кел, очамиз!  
 Б э п (*қопни кўтариб кўради*). Бунча оғир! Балки бомбадир? Эй алдамчи, сен очиб кўр-чи!
- А л д а м ч и. Нима, бомба эканми? Йўқ, ўзинг очавер! Бошқа ишни бор. Катта бувимнинг катта бобоси бечора шу атрофда адашиб қолибди. Бориб уни топишга ёрдамлашай.
- Д э п. Қаёққа борардинг? Яна алдаяпсан-а!
- Б э п. У қўрқаяпти, Алдамчи қўрқоқлигини ким билмайди.
- У ч в о й. Келинлар, қопни очиб кўрамиз ёки бир чеккасидан қараймиз.
- Б э п. Йўқ, очсак қопни охиригача очамиз, балки ширинлик бордир. Бир маза қилайлик. Қаранглар, бобо келяпти.
- Д э п. Салом, бува.
- Б о б о. Салом, болажонларим! Дарахт остида қопимни қолдириб гул тергани кетсам, йўқолиб қолибди. Сизлар қопимни кўрмадингизларми?
- А л д а м ч и. Қопингизни бобомнинг амакиси ютиб юбормадимикан?
- У ч в о й. Унинг гапига қулоқ солманг, бўлмаган гапларни тўқийверади. Мана қопингиз.
- А л д а м ч и (*Бэп ва Дэпни кўрсатиб*). Булар топиб олишибди.
- Б э п. Тўғри, биз топдик!
- У ч в о й. Унчалик тўғри эмас.
- Д э п. Мен бировники бўлса керак, келинлар, унга тегмаймиз дедим.
- У ч в о й. Айтишга айтдинг-ку, лекин унчалик тўғри эмас.
- Б о б о (*Дэпга*). Сен ҳалол бола экансан.
- Б э п. Мен ҳам: «Қопни эгасига қайтариб бериш керак», дедим. Кўрдингизми, мен ҳам виждонли боламан, шунинг учун баланд бўйли бўлиб ўсаётган бўлсам керак. Бобо, сиз ҳам азамат экансиз.
- А л д а м ч и. Бу ҳаммаси эмас, нима воқеа юз берганини эшитинг. Бизга эчки ва бўрилар ҳужум қилди. Бўлак-бўлак қилиб ташлашларига оз қолди. Бу азаматлар бўриларни қувлаб юборишди. Ўз жонларидан кечиб бўлса ҳам сизнинг қопингизни сақлаб қолишди.
- У ч в о й. Алдамчи ёлғонни қуйиб қўяди.
- Б о б о (*Учвойнинг гапига эътибор бермай*). Яшанглар, азаматлар. Ҳамма вақт шундай қилиш керак!
- Б э п. Айтинг-чи, бобо, қопда нима бор?
- Б о б о. Бунинг ичида жуда кўп нарсa бор. Китоблар, конфетлар дейсизми... Пионер лагеридагиларга олиб кетаётган эдим. Сиз азаматларга ҳам аталгани бор. Яхшиликка яхшилик қилиш керак. (*Қопнинг ёзгани очиб, китоб ва конфетлар олади*). Кимга китоб берай?

Б э п. (конфетни олиб). Китоб керак эмас. Ҳозир уни нима қиламан, каникул-ку.

А л д а м ч и. Бу болалар дунёдаги барча китобни ўқиб бўлишган.

У ч в о й. (таъна қилиб). Алдамчисан-да.

Б о б о. Хоҳламасанглар, олманглар. Ақлли болаларга ўхшайсизлар. (Ҳаммага конфет улашади). Мен энди кетай. Сизларга катта раҳмат. Лагерга борганимда, қанақанги жасур болаларни учратганим ҳақида пионерларга сўзлаб бераман.

У ч в о й. Роса олиб қочдинглар-да. Гапларингни эшитиб ўз қўл-ғимга ишонмадим. Қандай қилиб тилларинг айланди-я?

Д э п. Алдамчи-да, ҳаммасини ўйлаб топган.

Б э п. Майли, ўтган иш ўтди. Нима бўлса ҳам конфетлик бўлиб олдик. Ширинлигини қаранг. Шимавериб чарчасам ҳам оғзимдан олиб қўйгим келмаяпти.

У ч в о й. Энди қаяққа борамиз?

Д э п. Ғарб томонга юришимиз керак. Аммо ғарб гўё биздан бекиниб олгандек кўзга кўринмайди.

У ч в о й. Вой сизлар-е. Ў қаерга бекинарди? Уни топиш оппакосон-ку! Қаранглар, ҳов моҳни кўряпсизларми? Моҳ ҳамма вақт дарахтнинг шимолида ўсади, демак чап томонда ғарб.

Б э п. Гапимни эшитяпсанми?

Б э п. Эшнтяпман, эшитяпман! Ўзинг яхши биласан-ку, мен географиядан кучли эмасман. (Яна бир конфетни очади.) Конфетнинг эса яхши-ёмонининг фарқига жуда бораман.

У ч в о й. Пионерларни бир бориб кўрмаймизми? Улар билан бирга бўлсак, сизлар нима дейсиз?

Б э п. Пионерлар олдига? Биз бўлсак...

У ч в о й. Ҳа, албатта сиз. Нега, сиз пионер эмасмисиз?

Б э п. Бизми? Хоҳламаймиз... Шахсан биз-ку, балким хоҳлармиз, аммо...

Д э п. Биз хоҳлаймиз, аммо бизни қабул қилишмайди!

У ч в о й. Аҳ-ҳа, тушунарли. Ундай бўлса қаяққа борамиз?

Д э п. Бу томонга ҳам эмас.

У томонга ҳам эмас!

Юр, кўзимиз кўрган томонга, хоҳлайсанми, Б э п?

Б э п. Хоҳлайман, Д э п!

Д э п. Саволлар йўқми?

Б э п. Саволлар йўқ!

*Музыка.*

## ОЛТИНЧИ КҰРИНИШ

*Ұрмон ичидағи яланглик. Олдинда Учвой, унинг кетидан бўш рюкзакларини кўтаришиб Бэн ва Дэплар судралиб боришяпти.*

Д э п. Қуни билан туз тотганим йўқ, вой бечора қорним. Вой бечора қорним!

Б э п (*Учвойга*). Энди, нима қиламиз? Биз, шубҳасиз адашдик. Нега бизни бошқа томонга бошлаб келдинг?

У ч в о й. Ахир ўзингиз хоҳламадингиз-ку...

*(Жанжалкаш пайдо бўлади.)*

Д э п. Қара, кимдир келаяпти...

Ж а н ж а л к а ш. Нега жимгина кетяпсизлар?

Б э п. Сен кимсан?

Ж а н ж а л к а ш. Мен жанжалчиман. Беадабнинг опаси бўламан, сизлар зерикиб қолманглар деб келдим. Зерикканларингдан юзларинг бужмайиб кетибди. Башараларингга қаранглар, худди қўрга кўмилган картошкага ўхшайди.

Д э п. Қани энди картошка бўлса, қорним жуда таталаб кетяпти.

Б э п. Таталаяпти эмиш, овқатимизни паққос тушириб қўйдинг-ку. Сен очофат бўлмаганингда овқатимиз анчага етарди.

Д э п. Менга қўрслик қилгани қандай журъат этдинг. Йўқол жин ургур, аҳмоқ!

У ч в о й. Вой, бақирманглар, бақирининг нима ҳожати бор? Хоҳласаларинг урпшаверинглар, фақат бўқирманглар. Секинроқ, секин, секин!

Ж а н ж а л к а ш. Йўқ, йўқ, қаттиқроқ! Сўкишинглар, уришаверинглар. Сўкинганларинг билан барибир дарвозага осилиб қолмайсанлар. Хоҳиш бўлса бас, бундан дурустроғини ҳам топамиз! Ҳа, ҳа, кўзларингиз ғазабдан чақнаб кетсин. Мушталарингизни маҳкамроқ қисиб ишга солинглар. Қани, бўлинг-

лар, бўлинглар... *(Бэп ва Дэп уришишига ҳозирланишади).*  
Мана шундай, яхши!

Б э п *(учвойга).* Сен пега бизга эргашиб қолдинг. Синфдан-синфга ўтишга ёрдам берганинг учун биз билан ажралмас дўст бўлиб қолдим деб ўйлаяпсанми?

Д э п *(Бэпга).* Нега бўкирасан? Жим бўл, аҳмоқ! Сен очофат ва чаён!

Б э п. Мен аҳмоқ ва чаёнми?! Сен чигирткасан. Қандай журъат этдинг! Шошмай тур, пачогингни чиқармасамми?

Ж а н ж а л к а ш. Шундай, ҳа, шундай, баракалла, яшанг болалар! Гирибонидан маҳкам ушла, Бэп! Сен ҳам, Дэп, анқайма! Муштуминг билан тушир, муштуминг билан!

Б э п. Сени деб қопни бериб юбордик.

Д э п. Йўқ, сени деб.

Б э п. Мен сени деб деяпман.

Д э п. Йўқ, сени деб, аҳмоқ! Энди мушт ейишинг қолди.

Ж а н ж а л к а ш. Ура, ура! Мана, бу бошқа гап, болалар! Мени жуда хурсанд қилдинглар! Раҳмат, ҳа-ҳа-ҳа...

У ч в о й. Бас қилинглар, болалар! Жим бўлинглар! Қаранглар, ана Тўртхон келяпти!

*Саришта-саранжом кийинган пионер формасида Тўртхон кўринади. Унинг қўлида тугунча.*

Т ў р т х о н. Салом, болалар! *(Жанжалкашга.)* Сенга бу ерда нима бор? Қани, ҳозироқ жўнаб қол-чи! Сенинг жойинг бу ер эмас. Сени пионерлар билан бошқа кўрмай!

Ж а н ж а л к а ш. Ҳа-а-а-а... Ёқимсиз озода! *(Чиқиб кетади).*

Т ў р т х о н. Қайси бирингиз Бэп?

Д э п *(Бэпни қучоқлаб олиб).* Мана у Бэп — менинг дўстим! У очофат ҳам, аҳмоқ ҳам эмас, Жанжалкаш бунга яхши билиб қўйсин.

Т ў р т х о н. Дэп ким?

Б э п *(Дэпни пешанасидан ўпиб).* Мана бу менинг дўстим Дэп! Ҳечам чигирткага ўхшамайди-да.

Т ў р т х о н. Мен сизларга хушхабар келтирдим. *(Чўнтагидан қоғозни олади).* Пионер газетасида сизлар ҳақингизда мақола ёзишбди. Ҳозир сизларга ўқиб бераман. *(Ўқий бошлайди.)* Бэп ва Дэп дегап болалар яхши иш қилишбди. Улар ҳақинқий совет ўқувчиларин экан. Улар ўрмонда ширинликлар, ўйинчоқ ва ҳар хил китоблар билан тўла қоп топиб олишибди!

Б э п. Эҳ, унинг ичида овқат борлигини билганимизда эли-я, боплаб туширғап...

Т ў р т х о н *(ўқишда давом этиб).* Лекин болалар ҳеч нарсаса қўл уришмади. Улар қопнинг эгасини қидириб топишга қарор

қилишди. Кутилмаганда уларга оч бўрилар галаси ҳужум қилиб қолди. Бэп билан Дэп ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса ҳам қутурган ваҳшийлар ҳужумини қайтаришди.

Дэп. Нима, нима? Туғилганимдан бери ҳали йиртқичларни кўрган эмасман!

Бэп. Жим бўл! Йиртқичлар ҳар хил бўлади. Биз қувиб юборганлар қўй терисини ёпиниб олган бўлиши мумкин. Шунинг учун сезмагансан. (*Тўртхонга.*) Бизнинг Дэпимиз жуда камтар, у мақтовни ҳеч ёқтирмайди.

Учв ой. Негадир уни биров мақтаганини сира эшитмаганман.

Тўртхон (*ўқишни давом этдиради*). Ниҳоят, Бэп билан Дэп қопнинг эгасини ахтариб топишди ва ўз топилмаларини эгасига тўла-тўқис топширишди. Эгаси ҳеч бўлмаса биттадан конфет бериб ташаккур айтмоқчи бўлганида болалар кўнишмади. «Биз буни конфет учун қилмадик», деб жавоб қайтаришди жасур болалар.

Бэп. Тўғри-да, конфетни нима ҳам қилардик. Бизни фақат китоблар қизиқтирарди, қопда эса китоб жуда кам экан. Бошқа болаларни ундан маҳрум этиш яхши эмаслиги сабабли ҳеч нарсага тегмадик.

Тўртхон. Мен ҳаммасини биламан. Шунинг учун бу ёққа шошилдим. Қаранглар, мен сизга нима олиб келдим. (*Тугунчани ечади*).

Бэп. Дэпжон, қарагни, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор-а! Қоқ гўшт ҳам, пишлоқ ҳам, колбаса ҳам...

Дэп. Бэп! Кўриб турибман, дўлма ҳам бор экан. Қани нондан ол! Ишни бошлайверамиз!

Бэп. Яхши, оч қолмайдиган бўлдинг. Дэп, иштаҳанг чакки эмаску. Худди оч бўрига ўхшайсан. Қаппалаб уришинг ҳам бўрига ўхшаяти.

Тўртхон. «Қаппалаб уриш» — бунақа дейиш одобдан эмас!

Дэп. Аммо жуда лаззатли!

Тўртхон. Кўриб турибман, болалар. Сизлар унчалик яхши яшамас экансиз!

Дэп. Сизлар-чи? Интизомли бўлишни одат қилиб олгансиз!

Тўртхон. Яхши-да, интизомли бўлсанг, зарар кўрмайсан. Ўз вақтида овқатланамиз, хоҳлаганимизча ўйнаймиз, вақти келганида ётиб ухлаймиз. Хаёл суришга ҳам, шўхлик қилишга ҳам улгурамиз!

Бэп. Алдамчи, алдаш ҳам эви билан-да! Ана какку кукулаяпти! Бор, ўшанга сафсата сот.

Тўртхон. Какку гапимга тушунмайди ахир, у одам эмас, қушку. Бэп, сен гапга тушунадиган боласан, лекин негадир тушунишни хоҳламаяпсан. Сен фақат бир нарсани — вайсашниги-

на биласан. Беҳуда вайсашдан кўра сукут сақлаш яхшилиги-  
ни наҳотки тушунмайсан!

**Бэп.** Яхшими, ёмонми бари бир ўша сенинг интизомингга учиб  
бўпман!

**Учлоё.** Ҳа уни биласанми, бирор марта кўрганмисан ўзинг?

**Бэп.** Билган ҳам эмасман, кўришни ҳам нистамайман!

**Тўртхон.** Нега бунақасан? Кўрмадим деяпсан-у, яна худди ўз  
соясидан қўрққан қуёндек безиллаяпсан. Нима у, бўридан  
ҳам қўрқинчлими? Бўри билан дадил олишибсан-у. Интизом-  
дан қўрқасанми? Бунга сира ишонмайман. Қани, юр, дўст-  
лаштириб қўяман, у сенга ёқиб қолади. Дэн, сен ҳам биз  
билан юравер. Иккалангизга ҳам бизнинг лагеримиз ёқиб  
қолишига ишонаман.

**Дэп.** Ширинликка бўлмоққа ўч  
Сен намуна бўлдинг доим!  
Биз тентакка ўргатма ҳсч,  
Кулча нондир муддаойим.  
(кулгу)

**Тўртхон.** Йўқ, мен ҳали унчалик намунали эмасман! Аммо сиз-  
лар ҳам унчалик тентак эмассизлар! Қани, менинг тўғримда  
ҳам шундай гапларни айтиб кўришсин-чи!

**Дэп.** Печкадаги чигирткалар ҳаммасини айтиб берди.

**Тўртхон.** Мен ҳам қўшиқ айтишни севаман:

Иссиқ бўлсин, хоҳ ёғсин ёмғир,  
Гурласа ҳам момақалди роқ.  
Айтиб бизлар қувноқ ашула,  
Йўлимиздан қайтмайлик бироқ.

**Бэп.** Йўқ, бу жуда баландпарвоз экан. Бизга бошқаси ёқади.  
Мана эшит!

Оёғимиз остида майса,  
Бизни йўллар чорлайди ҳар дам.  
Сакраб-сакраб чопамиз олға,  
Қўшиқ айтиб тушимизда ҳам.

*Музыка.*

Мен Бэп.

Мен Дэп.

Саволлар йўқми?

Саволлар йўқми?

Ҳамма ишга бизлар қодир,  
Сен ҳам ботир, мен ҳам ботир,  
Бизни кўриб титрар бўри,  
Филларни-чи, қурир шўри!  
Ҳар иккимиз ҳам  
Ботир ва бардам!

Тўртхон. Вой, қуёш ҳам тик келиб қолибди. Лагерга қайтишим керак.

Учвой. Мен ҳам сен билан бораман.

Тўртхон. Кетдик! Хайр, болалар!

*Музыка.*

## УЧИНЧИ ПАРДА

### ЕТТИНЧИ КҰРИНИШ

*Ўрмон. Музыка эшитилади. Бэп билан Дэпнинг қовоқлари солиқ.  
Улар ёйла устида ўтиришибди.*

Бэп. Ўзи нима бўляпти? Энди сен билан менга ўхшаган ботирларнинг ҳоли нима кечади?

Дэп. Бунинг аҳамияти йўқ! Пионерлар бизни бошқаларга ўрпақ қилиб кўрсатишади.

Бэп. Бордию улар, биз, биз... ҳеч қанақа жасорат кўрсатмаганимизни ҳаммаси ёлғонлигини, ҳеч нарса бўлмаганини билиб қолишса нима бўлади?

Дэп. Унда уятдан ерга кириб кетамиз.

Бэп. Биласанми, нимаси ажабланарли? Мен мана шу Тўртхондан уяляпман. У мақтанчоқ, кеккайган қиз эмас экан. Унинг гапларп менга ёқиб қолди. Дэпжон, борди-ю, биз ҳам эс-ҳушимизни йигиб, муомаламизни яхшиласак-чи?

Дэп. Бэп, қара! Буниси қойил! Кимдир биз томонга келаяпти.

*(Одобсиз пайдо бўлади.)*

Одобсиз. Мен Жанжалкаш ва Алдамчининг опаси Одобсиз

бўламан. Мен бўлган жойда мулойим гапиришга ким журъ-  
ат қила олади?!

Б э п. Манави бечора чийилдоқ, чивип, чигиртка.

Д э п (*Бэнга*) Ўзинг чийилдоқ, ўлимтик чивин! Нега қарғадек  
қагиллайсан?!

О д о б с и з. Қулоқ солинг, ҳаммангиз эшитниг! «Яхши сўз»лаш  
мана бундай бўлади. Шундай, шундай, яшанглар!

Д э п. Ҳой, қийшиқ башара, тилингни тий! Ҳамма жинлардан ҳам  
баттари сен экансан!.

О д о б с и з. Мана, бу гаплар менга мойдек ёқади, кўнглимдаги-  
нинг худди ўзгинаси. Гапингизни давом эттиринг!

Б э п. Мана бу холанинг тилига қара-я!

Д э п. У гапираётгани йўқ, вовилаяпти. Тўртхон бўлганида, ҳай-  
рон қолар эди, тўғрими?

Б э п. Бари бир менга Тўртхон ёқиб қолди! У кўп нарсани билади.  
Чиройли гапиради, яна ҳеч гердаймайди. Мен ҳам ўшапга  
ўхшашни хоҳлайман.

Д э п. Мен ҳам... Қара, яна кимдир келаётганга ўхшайди.

*Кампир, бола ва қиз пайдо бўлади.*

К а м п и р. Болагиналарим, дўмбоқларим, бизга кўмаклашиб  
юбора олмайсизларми?

Б о л а. Биз адашиб қолдик.

Қ и з б о л а. Қорнимиз шундай очдики...

К а м п и р. Бунинг ҳаммасига мен, мен кампир айбдорман. Улар-  
ни бошқа йўлдан бошлаб кетибман. Биз кўлнинг нариги со-  
ҳилида яшаймиз. Қаранг, мана қаерга келиб қолибмиз. Энди  
кўлдан қандай қилиб ўтамыз?

Б э п (*Дэнга*). Менга қара, Дэн! Ахир биз қаёқдаги бўлмаган  
ишларни рўёбга чиқаришни ўйлаб юрамиз. Яхшиси кампир  
ва невараларга ёрдам бериш керак. Кел, уларни кўлнинг на-  
риги томонига ўтказиб қўяйлик. Бошқалар жуда катта бўлма-  
са-да, қаҳрамонлик қилганимизни ўз кўзлари билан кўришади.

Д э п. Ҳа, ҳа, албатта ёрдамлашамиз! Шундай қилиб жасорат  
кўрсатамиз! Ҳозирок, тез ишга киришмоқ керак!

Б э п. Сузишни биласанми?

Д э п. Менми? Тўнкаман-ку! Лекин ҳаммамиз гўла устида сузиб  
ўтиб оламиз!

*Иккалалари ўтлоқда ётган гўлани кўтаришади.*



Б э п. Юра қоллинг, бувнижон, биз сизга ёрдамлашамиз.

*Ҳаммалари чиқиб кетишади. Кампирнинг хохолаб қўлагани эшитилади. Бир зумдан кейин...*

*Бэп билан Дэп ҳаллослаб қочиб келишади.*

Д э п. Улардан тезроқ қочайлик.

Б э п. Бу нима қилишгани? Ахир биз уларга ёрдам бермоқчи эдик-ку. Улар бўлса бизга ёпирилишиб сувга чўктирмоқчи бўлишди, аммо ўзлари сувга тушиб кетишди. Энди нима қиламиз?

Б э п. Қара, кимдир келаяпти.

Б е ш в о й. Бу сенмисан, Бэп?

Б э п. Ҳа, менман.

Д э п. Менинг исмим бўлса Дэп.

Б е ш в о й. Менинг исмим бўлса Бешвой. Болалар сизларни янги жасоратингиз билан табриклайман!

Б э п. Сенга нима бўлди? Биздан куляпсанми?

Б е ш в о й. Сизлар жуда тўғри иш қилдингиз. Бунинг ҳеч кулгили жойи йўқ.

Д э п. Икковимиз жуда тентакмиз! Қилмишимиз туфайли уч кишини кўлга чўктириб юбордик... Э воҳ!

Б е ш в о й. Бу қилмишингизни мақтаса арзигулик. Ахир сиз Дангасохон, Бирвой ва Иккихонларни кўлга чўктириб юбордингиз. Дангасохон кампир қиёфасига кириб, сизни ҳалок этмоқчи бўлди.

Б э п. Ҳали мени сувга чўктирмоқчи бўлган ва ўзи сувда ғарқ бўлган Бирвоймиди? Жин ургур бундан баттар бўлсин.

Б е ш в о й. Қаёққа, қаёққа кетяпсизлар?

Б э п. Қор...ррр...қор-а-а... денгизга...

Д э п. Вой, энди Иккихонни қаёқдан топаман. Усиз мен хароб бўламан!

Б е ш в о й. Менга ишонавер, ҳеч ҳам расво бўлмайсан.

Б э п. Мен фақат бир нарса айтмоқчи эдим.

Д э п. Мен ҳам, мен ҳам... Энди биз нима қилсак бўларкин?

Б е ш в о й. Сиз нпмалар тўғрисида гапирмоқчи бўлганингизни мен тушуниб турибман. Сизлар бўрини ўз кўзингиз билан кўрмагансиз, қондаги нарсалардан ҳам беҳабарсиз, биз ҳаммасидан хабардормиз. Газетага мақолани ҳам юбормадик.

Б э п (*хафа бўлиб*). Биз ҳеч қанақа қаҳрамон ҳам эмасмиз.

Д э п. Биз биронта ишни дўндириб қўйганимиз ҳам йўқ.

Б е ш в о й. Йўқ, йўқ, сиз ишни дўндирдингиз. Сиз Дангасохон, Бирвой ва Иккихонларни сувга чўктирдингиз.

Д э п. Ҳа, ҳа-я, озгина бўлса ҳам қаҳрамонлик бу! Гапимни эшит-япсанми Бэп?

Б э п. Эшитяпман, Дэп!

Д э п. Менга жавоб қайтар!

Б э п. Салом, сенга!

Б е ш в о й. Бу яланглик қандай яхши-я! Роса гулхан ёқадиган жой экан-да; эрталаб туриб шох-шабба йиғамиз. Лекин анча меҳнат қилишга тўғри келади. Аммо пионер меҳнатдан қўрқмайди. Гулханимиз ловиллаб ёнса бўлгани! Энди болалар, кетсам ҳам бўлади. Ҳозирча хайр! Эртагача хайр!

Б э п. Балки биз ҳам ўша ерга борармиз?

Д э п. Ҳа, пионерлар ҳузурига дўстим, ўшалар ёнига кетдик.

(П а р д а)

## Серташвиш ўтган кун

### УЧ ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ

#### ИЖРО ЭТУВЧИЛАР

Лида — отряд совети раиси.

Галина Васильевна — ёш ўқитувчи.

Дарья Капитоновна — мактаб директори.

Сеня — отряд вожатийси.

Сева Козлов.

Ваня Панкратов.

Люся

Андрюша } пионерлар.

Нина

Кукушкин.

Надежда Леонидовна — Севанинг бузиси.

Анфиса Петровна — Ванянинг бузиси.

Аня — Галина Васильевнанинг опаси.

Павлик

Даша } унинг болалари.

Мухбир

Қоровул

Пионерлар, милиционерлар, врач, қария, йигит,  
энага, пензионерлар, мева сотувчи аёл ва  
бошқалар.



# БИРИНЧИ ПАРДА

## БИРИНЧИ КЎРИНИШ

*Саҳна. Мактаб биносининг шакли чизилган чодир олдига ҳаяжонга тушган болалар. Улар поход кийимида. Бақалоқ Кукушкин елкасига осиб олган қўлбола пиёмникдан куй тарқолмоқда.*

Л ю с я. Вой, Лида қаерда қолдийкин-а?  
А н д р ю ш а. Нақ, атайин қилаётгандай-я.  
Н и н а. Ана келяпти, у!  
К у к у ш к и н. Хайрпаят-эй!

*Лида югурганича саҳнага чиқади.*

Л ю с я. Лида, пача, қаёқда қолди кетдинг? Бу ерда нималар бўлаётганидан хабаринг борми, ўзи!  
К у к у ш к и н (*радиосининг овозини ўчириб, унга яқинроқ келади*). Директор Ванка Панкратов билан Севка Козловнинг походга боришига рухсат бермаяпти.  
Л ю с я. Утган кунги қилмишлари учун.  
Л ю д а. Ўзлари қаёқда?  
К у к у ш к и н. Пионерлар хонасида. Директор ҳам ўша ерда.  
Л и д а (*рюкзакни елкасидан олиб*). Бирондангиз қараб туринг.

*Андрюша рюкзакини олади. Лида чопади, болалар ҳам унинг кетидан югуришади. Олдинги парда кўтарилади.*

*Саҳнада зинанинг бир қисми ва пионер хонаси кўринади. Пионер хонасида Дарья Капитоновна, Галина Васильевна. Ваня Панкратов, Сева Козлов ва возжатий Сенялар. Сева негадир қаққайиб туриб қолган. Сўлоқмондай Панкратов эса, йиғлагундай бир аҳволда.*

Д а р ь я Капитоновна (*сунъий*). Гап тамом. Кетишингиз мумкин.

*Сева ғиқ этмай эшикка юради. Ваня ҳам унга эргийади-ю, бироқ тўхтади.*

В а н я (ялинади). Дарья Капитоновна! Рухсат этинг, Дарья Капитоновна!

Д а р ь я К а п и т о н о в н а (овозини яна кўтаради). Дарья Капитоновна, айтадиган гапини айтиб бўлди. (У эшикни кўрсатади).

Ваня билан Сева ташқарига чиқиб эшикни ёпишади.  
Лида ҳам чопиб чиқиб кетади.

Л и д а (заҳархандалик билан). Уйнаб бўлдингизми?

Сева индамайди. Ваня бўлса алланарса дегандай, муштини ўқталиб кўкрагини кўрсатади.

В а н я (секин). Лид!.. Лида, энди умидимиз биргина сендан.  
Галина Васильевна, Дарья Капитоновналар сенинг гапингни қайтаришмайди, нима дейсиз, болалар...

Лида эшикни тақиллатади.

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Хўш! Яна ким у?

Л и д а. Дарья Капитоновна, мумкинми?

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Кира қол!

Лида ичкари кириб, эшикни ёпади. Болалар дарров эшик ортига келиб, қулоқ солишади.

Л и д а (чуқур нафас олади). Салом, Дарья Капитоновна! Салом, Галина Васильевна!

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Салом, ўртоқ отряд советининг раиси. Хўш хизмат?

Л и д а. Мен... анави... Сева... Панкратов ва Козлов масаласида.

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Ўзим ҳам шундайдир деб ўйлагандим. Козлов билан Панкратов ўтган куни нима ҳунар кўрсатишганини биласанми?

Л и д а. Ҳа, Дарья Капитоновна. Милицияга тушишган.

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Хўш, сабабини-чи!

Л и д а. Тунда шаҳар паркида гулхан ёқиб, товуқ қовуришган экан.

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Қани айт-чи, уларнинг бу қилмишини сен, қандай баҳолайсан?

Л и д а. Албатта, бу гирт аҳмоқчилик. Лекин, улар бу ишни безорилик ниятида қилишмаган. Улар поход шароитида овқат тайёрлашни ўрганмоқчи бўлиб Полипезийск усулини қўллаб кўришган.

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Нима?..

Л и д а. Товуқни лойга қориб пат-мати билан пиширишни, Сева қайси бир китобда ўқиган экан. (Галина Васильевна кулгусини яширмоқчи бўлиб, орқасига ўгирилади. Сеня бўлса,

янида қошларини чимириб олади. Майдонда Люся ва бошқа болалар пайдо бўлишади.).

Люся. Нима бўлди? Вой, қизлар, нима бўлди?

Сева мушт кўрсатиб унга пўписа қилади ва ўзи яна эшикка қулоқ солади.

Дарья Капитоновна (овозини борича). Шошмай туришсин ҳали. Мен уларга янгича усулни кўрсатиб қўяман. Нима, уларнинг милицияга тушгани, мактабни шарманда қилгани сени ташвишлантирмайдими? Уйдагилар-чи, улар ярим кеч-гача хавотирланиб, ухлаша олмагани-чи, буларнинг сен учун аҳамияти йўқми? Товуқ-чи! Атайин сотиб олиган товуқни уйдан яшириб олиб кетиш, ўт ёқиб уни куйдириш-чи, бу қилмишларига сен нима дейсан?

Лидида (кифтини қисади). Дарья Капитоновна, албатта... Қозлов билан Панкратов... улар билан ишлаш қийин, албатта.

Дарья Капитоновна (Галина Васильевнага). Сиз ҳам янги одамсиз, сиз йилнинг охирида келгансиз. Сиз ҳали уларнинг шайтонлигини билмайсиз.

Галина Васильевна (жилмаяди). Ҳа, унчалик эмас, оз бўлса-да, биламан.

Дарья Капитоновна. Ҳа, шунақа, улар бу ишларни тушунмай қилайти дейиш хато! Улар бу ярамас ишни атайлаб, тушуниб туриб қилишган. Лидида, қани, Қозлов нима деганини ўзинг қайтар-чи.

Лидида индамайди.

Қани! Биз кутяпмиз.

Лидида. Ахир... улар ўзларича шундай... аҳмоқлик қилишган.

Сеня (шахдам юриб, ваҳима билан Лиданинг олдига келади). «Ке, қўй» сен ҳадеб бизнинг бошимизни қотираверма. Яхши-си у нима деганини очиқ айтиб қўя қол!

Лидида (лоқайдлик билан). Наҳот-ки... «Катталар ахир катталик қилишлари, бизни тарбиялашлари, агар номаъқул иш қилсак койишлари лозим-да».

Андрюша. Ёмон, Севка ишларинг чатоқ!

Дарья Капитоновна. Давом этавер!

Лидида. Наҳот-ки, шундоқ... «Сенга нима, жимгина қулоқ бериб ўтиравер-у, аммо ўз билганингдан қолма...»

Сева пешанасидаги терни артади.

Ваня. Бўлар иш бўлди! Расво бўлдик!

Галина Васильевна кулимсирайди.

Дарья Капитоновна (деворга осиглиқ деворий газетага яқин келади). Мана Қозловнинг «назарияси»га эътибор бе-

ринг. Марҳамат қилиб эътибор беринг! (*Сарлавҳасини ўқийди.*) «Ярамас ҳаракат». Қозлов билан Панкратов химия машғулотига берилиб кетиб, кийим ечадиган хонани тутунга тўлдиришяпти. Мана яна бошқаси: «Қозлов ва Панкратовнинг қилмишлари». Маъқулми? Энди бунисига эътибор қилинг: «Олтинчи «Б» синфида юз берган тўполон». Бунда ҳам улар ҳақида ёзилган.

*Дарья Капитоновна, Сеня ва Галина Васильевна деворий газетадан узоқлашишади. Галина Васильевнанинг юзлари жиддий тусга кирди.*

Сизлар бўлсангиз, ёзни яна мана шу безорилар билан бирга ўтказмоқчи бўляпсиз.

**Сеня** (*киноя билан*). Галина Васильевна, ўйлаб кўринг!

**Дарья Капитоновна**. Зиммангизга қандай жавобгарлик юклатилганини тушунапсизми, ўзи?

**Галина Васильевна**. Ҳа, тушуниб турибман, албатта.

**Дарья Капитоновна** (*Лидага*). Шундай! Отрядга боргинда: Қозлов ва Панкратов походга бормаслигини хабар қил.

*Ваня билан Сева эшикдан четланишади. Сева хафа бўлади, афти бужмаяди, Ваня эса йиғлаб юборгудай бўлади.*

**Люся** (*шивирлайди*). Вой, қизлар!

**Андрюша** (*секингина*). Бўлар иш бўлди!

*Лида бир қадам юрадию кутилмаганда орқасига ўгирилади.*

**Лида** (*эътибор бермагандай*). Яхши, Дарья Капитоновна. Фақат... Отрядимиз Қозлов билан Панкратовни қайта тарбиялашни зиммасига мажбурият қилиб олган эди-да, энди бўлса, уларни қандай қилиб, қайта тарбиялашга меннинг ақлим етмай қолди.

*Барча болалар аста юриб эшикка яқинлашишади.*

**Дарья Капитоновна** (*Лидага узоқ қараб туради*). Муғамбир!

**Лида** (*олдингидай бепарво*). Дарья Капитоновна, айтинг, гапим ноҳақми? Улар походга чиқишганида коллективимиз ўз таъсирини ўтказарди, энди-чи, энди улар кўча чангитиб юришаверади-да.

*Дарья Капитоновна ўқитувчига бир қараб олади. У юзидаги табассумини яширишга уринади. Сеня эса шонилаетгандай кўринади.*

**Дарья Капитоновна** (*Лидага*). Сендан дуна-дуруст демагог чиқади!



Л и д а (*бепарво*). Дарья Капитоновна, бундай қараганда ҳақиқатан ҳам, уларни шаҳарда қолдиришдан осони йўқ. Борди-ю, улар бирор шўхлик қилиб қўйишса, ҳар ҳолда биз жавоб бермаймиз-да.

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Сен келажақда ким бўлмоқчисан? Дипломатми ёки ҳуқуқшуносни?

Л и д а (*камтарона*). Педагог.

Д а р ь я К а п и т о н о в н а (*ўқитувчи билан вожатийга*). Қани, сизлар нима дейсизлар?

С е н я (*гердайиб*). Дарья Капитоновна буларнинг ҳаммаси ўринли, лекин иккинчи томондан... (*У елкасини қисади ва жимиб қолади*).

Г а л и н а В а с и л ь е в н а (*шу дамгача ўзини кулгидан зўр-базўр тутиб турарди, энди жиддий тусга киради*). Дарья Капитоновна, дарҳақиқат мен Қозлов ва Панкратов билан яхши муносабатда эмасман, ҳа, айтганча: улар билан фақат дарс соатларидагина муомалада бўлганман, походда бўлса, биз буткул бир ой давомида бирга бўламиз. Эҳтимол, уларни тўғри йўлга тушириш қўлимиздан келиб қолар? Улар аллақандай тимсоҳ эмас, одамлар-ку, ахир.

*Эшик ёнида турган болаларга жон киргандай бўлади. Қозлов билан Панкратов жилмайишдан ўзларини тиёлмай, қўлларини шиқалашади.*

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Яхши! Аммо бир шарт бор: бутун синф уларни тузатишга сўз берсин!

Л и д а. Вой! Албатта, сўз беришади!

Д а р ь я К а п и т о н о в н а. Йўқ, аввал сен бориб, сўраб кўр!

*Лида эшикни очади. У уймаланиб турган болаларга кўзи тушиб, бир дақиқа жим туриб қолади-да, кейин улар ёнига келади.*

Л и д а. Унинг учун ваъда бера оласизларми?

О в о з л а р. Ваъда берамиз! Ваъда берамиз!

К у к у ш к и н. Тўхтанглар. Бир дақиқа! Қани аввал уларнинг ўзларидан эшитайлик.

Л и д а (*Сева билан Ваняга*). Сўз берасизларми?

В а н я (*кўкрагига муштлайди*). Ҳа, мен... ҳа чин юракдан, чин қалбимдан! Энди бўлмағур иш қилмайман. Ундан кўра ўлганим яхши!

С е в а (*елкасини қисади*). Албатта, сўз бераман. Ахир мен аҳмоқ эмасман-ку!

Л и д а. Қани, кимки уларни қувватласа қўл кўтарсин.

*Болалар бирин-кетин қўл кўтаришади. Кукушкин лоқайдлик қилади. Ҳамма унга қарайди.*

К у к у ш к и н. Ҳа майли! (*Қўлини кўтаради*).

Лид а (эшикни ланг очади). Дарья Капитоновна, ҳамма ўқувчилар ваъда беришяпти!

Дарья Капитоновна. Ундай бўлса, яхши! Қани, йўлга! Болалар (хор бўлиб). Йўл-г-а!

Ҳамма пиллапоядан пастга тушади. Сеня ҳам болаларнинг кетидан югуради. Галина Васильевна ҳаммадан кейин Дарья Капитоновнанинг қўлини маҳкам қисади-да, ташиқарига чиқади.

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Шаҳар чеккасида жойлашган боғдаги қайиқ станцияси. Қираверишда мўғжазгина қоровулхона. Кенг сув ҳавзасидаги кичик-кичик оролчалар кўзга чалинади. Яқин жойдан, гавжум кўча ўтгани ҳам сезилиб турибди. Станция бошлиғи пахталик камзул кийган қари чол ёрдамчиси ёшгина йигитча билан брезент чодир кўтаришиб қайиқлар боғлаб қўйилган кўприк устига чиқишади. Станция дарвозасидан юкларини кўтариб олган болалар гуриллаб кириб келишади. Галина Васильевна, Ваня ва Сева.

Чол (чодирни ерга қўяди). Денгиз саёҳатчиларига салом! Шамол ҳамроҳингиз бўлсин!

Болалар. Раҳмат! Салом!

Қария (ўқитувчининг қўлини қисади). Сизнинг кораблингиз кўприкнинг чекка томонида.

Галина Васильевна. Раҳмат! Сизга тилхатни ҳозир ёзиб берайми?

Чол. Ҳа, ҳозир ёзиб берсангиз яхши бўларди. Юринг, четроққа чиқа қолайлик.

Чол билан ўқитувчи қоровулхонага киришади. Болалар юкларини бир жойга қўйиб, суқланиб сув ҳавзасига қарашади.

Люся. Вой, қанчалик яхши-я, қизлар!

Сева (секингина шивирлайди). Лида нима демоқчисан, сўрай-вер. Сен учун ҳамма ишга тайёрман.

Ваня Лид!.. Ҳақ гапни айтяпмиз. Ҳазил қилишяпти деб ўйлама яна. Қўнглингга келганини буюравер. Майлими?

Лид а (узоқ ўйлаб турди-да). Гулдаста бўлсайди.

Сева, Ваня (биргаликда). Нима де-ди-нг?

Лид а. Гулдаста. Нима бўлибди? Менга шу кунгача... Ҳеч ким гул совға қилмаган.

Болалар олазарак бўлиб, жим туришди.

Сева (кутилмаган оҳангда). Майли! Гул тонамиз! Галина Васильевна ва қария қоровулхонадан чиқиб келишади.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а . Юкларни ортаверинглар.

С е н я : Юкларни ортишга тайёрмиз! *(Болаларга.)* Қани, ортишга. Палаткаларни «Витязи»га, озиқ-овқатларни «Варяга», қолган юкларнинг ҳаммасини «Тез учар голландца»га орта-миз. Қани, тезроқ бўла қолинглар!

*Болалар юкларни орта бошлайдилар.*

Г а л и н а В а с и л ь е в н а *(спорт қайиқчасининг ёнига келади).*

Сева! Ваня! Сизлар анави матчали елканни олинглар, мана рули, суянчиғи. Менга қайиқчани пешлашда ёрдам бера-сизлар.

*Сева билан Ваня ўқитувчилари билан бирга ишга киришади. Сева матчани елканга ўрнатади. Ваня рулни қўндиради. Ўқитувчи суянчиқни жой-жойига қўйиб чиқади.*

В а н я . Қандай чиройли қайиқча. Галина Васильевна, бу елканга ким тушади, а?

Г а л и н а В а с и л ь е в н а . Сизлар мен билан бирга кетасизлар. Сизларни ўзимдан узоқлаштирмайман.

В а н я *(қувонади)*. Севка! Эшитяпсанми?

Сева. Галина Васильевна... тўполончи бўлиш ёмон бўлмайди-ганга ўхшайди.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а . Яна нима деганинг бу?

Сева. Нега бўлмасам? Бўлмаса биз оддийгина елканда сузар-дик-да, тўполончи бўлганимиз сабабли биз...

Г а л и н а В а с и л ь е в н а *(бармоғини ўқталиб, ҳазиллашади)*. Сен, шошмайтур ҳали!

*Дарвозадан ихчам магнитофон кўтарган радио мухбири кириб келади. У чолдан ниманидир сўрайди.*

Ч о л *(ўқитувчига қарайди)*. Ҳой, бошлиқ! Сизни сўраб кели-шибди.

*Галина Васильевна қоровулхонага қараб юради. Люся бунни кўриб, ўқитувчининг изидан кетади.*

В а н я *(ўқитувчининг орқасидан қараб қолар экан)*. Улар ёмон одамга ўхшамайдилар.

Сева. Тузук. Лекин, ҳали у тарбиялашга киришганича йўқ-да.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а *(мухбирга)*. Эшитаман! Қулогим сизда.

М у х б и р . Галина Васильевна, Сиз бўласизми, Тарасова?

Г а л и н а В а с и л ь е в н а . Ҳа. Бу мен.

М у х б и р . Танишиб қўяйлик. «Радиодан. Пионер эшиттириши, редакциясидан». Цветков. *(У ўқитувчига қиё боқади-да, жимлаяди)*. Сиз билан қўшничилигимизни биласизми, янги, ҳурилган уйда яшайсиз, шундай эмасми?

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Ҳа.

М у х б и р. Мен ҳам ўша жойда. Менинг деразам сизнинг деразангизга қарама-қарши. Мен сизни кўп бор балконда кўрганман.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Сиз ҳам танишдай кўриняпсиз. Шундай, қани хизматингизга тайёрман!

М у х б и р. Мен походларингиз тўғрисида репортаж қилмоқчиман. Ёш саёҳатчилардан бирининг суҳбатини плёнкага ёзиб олсам. Болалардан кимни тавсия этасиз?

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Марҳамат, Лида Моринни. У бизда отряд советининг раиси. (Люсяга.) Люся Лидани чақириб кел-чи.

Л ю с я (бақиради). Лида! Ҳой, Лида тезроқ! Қизлар! Лидани радиого ёзиб олишмоқчи!

*Ҳамма болалар ишни ташлаб, қоровулхонага келишади. Чол ўриндиқ келтириб беради. Мухбир магнитофонини унинг устига қўяди-да, қопқоғини очади.*

М у х б и р. Болалар, доирани кенгайтиринг. Илтимос қиламан, жим туринглар. Сен шошмасдан, бемалол гапиришга ҳаракат қил.

Л ю с я (секин). Лида, ҳовлиқма!

М у х б и р (аппаратни ишга туширади-да, микрофонга гапиради). Биз микрофонга отряд советининг раиси Лида Моринни таклиф этдик. Салом Лида! (микрофонни Лидага тутади).

Л и д а (эшитилар-эшитилмас). Салом!

М у х б и р (микрофонни тўхтатади). Қайтарамиз. Қаттиқроқ гапир. (Микрофонни ишлатади).

Л и д а (баланд овозда). Салом!

М у х б и р (микрофонни ўчиради). Секинроқ гапиравер. Микрофонга тўғри келмаяпти.

Қ у к у ш к и н (хўрсинади). Вой.

Л и д а. Салом!

М у х б и р. Тўхтаб тур! Қандай ёзилганини эшитиб кўрамиз. (Лентани қайта ўрайди, қулоқ солиб, тинглайди).

С е в а (секин). Иван! Менда бир фикр пайдо бўлди. (Ваня билан четга чиқиб, шивирлаб гаплашишади).

*Болалар қайтиб яна қайиқчалар ёнига келишади, овоз чиқармай юкларни жойлаштиришади.*

М у х б и р. Жойида! Давом эттирамиз! (Микрофонга.) Лида марҳамат радио тингловчиларга поҳодингиз олдига қўйган мақсад тўғрисида сўзлаб бер.

Л и д а. Поҳодимизнинг мақсади — сув омбори қирғоғининг ўсимлик дунёсини ва... ва...

Қ у к у ш к и н (секин). Шароит...

Л и д а ... ва яшаш шароитни аниқлаш...

К у к у ш к и н. Кўпайтириш учун...

Л и д а ... қундузларни кўпайтириш учун.

М у х б и р. Яхши! Энди Лида, радио тингловчиларга қундуз ҳақида гапириб бер.

Л и д а. Қундуз — бу сув сичқони. Унинг мўйнаси қимматбаҳодир. Агарда биз бу ерларда уларга етарли озуқа бортлигини аниқласак, уларпи кўплаб боқиш мумкин. (Секин.) Бўлди.

М у х б и р. Ҳозир эшитамиз. (Плёнкани ўраб, наушникни кияди).

*Сева ва Ваня қайиқни судраб сувга туширишди.*

В а н я. Яна гап тегади-да.

С е в а. «Гап тегади, гап тегади!» Мен сенга айтаяпман-ку — у ер жуда яқин.

М у х б и р. Шовқин кўп, сенга айтиб туришгани ҳам эшптилиб қолибди. Бошидан қайта бошла!

*Сув омборининг бошқа қирғоғидаги парк. Паркни кўчадан ажратиб турувчи девор кўринади. Қирғоқда икки бола ўтирибди, улар сувга қармоқ ташлашган.*

С о т у в ч и н и н г о в о з и (девор ортидан). Келиб қолинг янги узилган қулупнай, гилос... Қулупнайдан олиб қолинг гражданлар! Келиб қолинг, пишган гилос!

*Мачтали қайиқча пайдо бўлади. Сева билан Ванянинг каллалари, эшакнинг қимирлаши кўринади. Қайиқча қирғоқ яқинида сузар ва тез-тез тўхтаб ўтарди.*

С е в а (балиқчиларни сезмасдан). Сенга нима деган эдим! Қани, узавер!

В а н я. Умримда қиз бола учун ҳеч гул узмаган эдим.

С е в а. Эй бунақа қиз учун узса арзийди. (Сукут сақлайди.) Умуман, ўрганиш ҳам керак.

Б и р и н ч и б а л и қ ч и. Қара! Қиз бола учун узишаяпти.

И к к и н ч и б а л и қ ч и. Ҳой! Бебошлар! Шилқимлар!

*Сева билан Ваня бир дақиқа балиқчиларга қараб бўзрайиб туришди-да, кейин қирғоққа қараб сузиб кетишди. Сева қайиқчадан сакраб тушади. Унинг қўлида бир қучоқ оқ нилуфар гул. Сакраш зарбидан Ваня ўтирган айиқча қирғоқдан узоқлашади. Сева иккинчи балиқчини олдига чопиб келади.*

С е в а. Ма! (қўлидаги нилуфар гулдастасини балиқчига улоқтиради).

И к к и н ч и б а л и қ ч и. Мана сенга! У Севани тортқилаб уради.

С е в а (ўзи кўринмайди.) Ўғиб ол! Кўзойнагимни йўқотиб қўйдим. (Қарамай сакрайди. Сева ҳамон кўринмайди).

Мен сенга айтдим-ку — бу ер ботқоқлик. Қўзойнагимни топдим. Шошмай тур, кўзи йўқ-ку! Қўзини синдиришибди. Топдим! Қани олға!

*Икки оғайни лойга булганган ҳолда пайдо бўлишади. Иккала балиқчи ҳам Ваняни кўрганлари ҳамон жуфтакни ростлаб қолишади. Сева билан Ваня уларни кетидан қувлашади.*

Чап томондан ўт! Чапдан! Уни мен томонга ҳайда! Оёғингни қўй! Чалиб йиқит!

*Балиқчилар девордан ошиб қочишади. Улардан кейин сағал нарироқдан Сева билан Ваня ҳам сакраб ўтишади.*

**Сотувчи** (саҳнанинг орқасидан). Вой! Шошмай турларинг шайтонлар! Гражданлар! Ушланг уларни! Ҳамма қулупнайларимни эзиб юборишди! Ҳой, ушланглар! Милиционер!

*Милиционернинг ҳуштак овози эшитилади. Қайиқ мачтаси кўринади. У борган сари узоқлашади.*

*Яна қайиқ станцияси.*

*Болалар ҳамон мухбирнинг атрофида уймалашишади. Бўм-бўш мачтали қайиқчани сузиб юргани кўринади. Бунга ҳеч ким эътибор қилмайди.*

**Мухбир** (микрофонга). Раҳмат, Лида! Барча радио тингловчилар номидан сенга ва барча болаларга оқ йўл тилашга рухсат бер. (Микрофонни Лидага тутқазишади).

**Лида**. Раҳмат! Соғ бўлинг (секингина.) Энди бўлдим?

**Мухбир**. Ҳозир кўрамиз! (Лентани эшита бошлайди. Болалар чурқ этмай унга қараб туришади).

Мана энди бўлди!

**Овозлар**. Ва ниҳоят! Қаранг, Лида озиб қолибди-я!

**Иигит** (чолга). Мана бун иш деса бўлади!

**Чол**. Бу сенга эшакни йўртиш эмас-да!

**Мухбир**. Раҳмат, ўртоқлар! Эшиттиришни эртага соат ўн саккизда тингланглар. Хайр, бўлмаса!

Болалар соғ бўлинг! Хайр!

*Мухбир кетади.*

**Галина Васильевна** (Сеняга). Болаларни линейкага чақиринг. Йўлга жўнаш олдидан текшириб кўрамиз!

**Сеня**. Линейкага! Тезроқ! Лида болаларни сафга тургаз!

**Лида**. Мана бу ерда саф тортинг!

*Болалар сафга тура бошлашади.*

**Сеня** (Галина Васильевнанинг олдига келади). Ўртоқ поход бошлиғи, қайиқларга юк ортиш тугалланди, отряд йўқламага тайёр турибди.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а (*қўлида рўйхат ушлаб туради.*) Дик-  
қат, болалар, йўқламани бошляпман. Анисимова Нина!  
А н и с и м о в а. Шу ерда.  
Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Семёнова Лю... (*сафга назар ташлай-  
ди.*) Панкратов қани? Козлов қаерда?  
Л и д а (*бақириб чақиради*). Панкратов! Козлов! Вой!  
Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Семёнова, қайиңқа қани?

*Болалар сафдан тарқалишади.*

Г а л и н а В а с и л ь е в н а (*қичқиради*). Панкратов! Козлов!  
*Жимжитлик, фақат акс-садо жавоб қайтармоқда.*  
А н д р ю ш к а. Сева! Иван!

*Яна жимлик.*

С е н я. Келинглар, ҳаммамиз бирга! Дикқат! Уч-тўрт!  
Б о л а л а р (*хор бўлиб*). Панкратов! Козлов!

*Яна акс-садогина эшитилади.*

К у к у ш к и н. Сузиб кетишибди!  
Ч о л (*ёрдамчисига*). Қани, моторни ишга тушир! (*Галина Ва-  
сильевнага.*) Гражданка, биз ҳозир сизга мотор қайиң бера-  
миз. Утириб жўнанг.

*Иигит кетади, ундан кейин Галина Васильевна, унинг кетидан эса  
Лида югуради.*

Л и д а. Галина Васильевна, мумкинми, мен сиз билан?

*Учалалари кетишади. Моторнинг овози эшитилади.*

Б о л а л а р н и н г о в о з и. Панкратов! Козлов!

*Аста-секин ҳар томонга тарқалишади.  
Саҳна.*

*Милиция бўлинмаси. Бу ерга навбатчи милиционер, оқ фартукли  
сотувчи аёл ва Сева, Ваня кириб келишади. Болаларнинг кийимла-  
ри фақат балчиққа беланиб қолмай, бошдан-оёқ қандайдир қизил  
рангга ҳам қоришиб кетган.*

М и л и ц и о н е р. Нима қилиб қўйдиларинг?  
С о т у в ч и а ё л. Мана, бундай бўлди. Худди атом бомбаси ёри-  
либ бошимга тош ёғгандай бўлди. Мен девор тагидаги дўкон-  
чамда савдо қилаётган эдим. Қулупнай тўла саватларим  
ерга ағдарилиб, ифлос бўлиб кетди. Мен бўлсам овоз чиқа-  
ришга ҳам улгуролмадим! Биласизми, бутун бошли икки  
сават қулупнай расво бўлди! Яна сал нарироқдан икки бола  
отилиб тушди, лекин улар зарар етказишмади. Ўртоқ нав-  
батчи, чора кўринг. Ахир мен бу мевалар учун ўз ёнимдан  
пул тўламаслигим керак!

Милиционер (болаларга). Сиз нима қилиб қўйдингиз ўзи-а?

*Болалар жим туришади.*

Сотувчи аёл. Ҳм! Нега жим турибсизлар. Оғизларингизга толқон солиб олдиларингми? Ўртоқ навбатчи, менинг молларим кўчада қолган эди, мен борай, сиз эса бу ишни охирига етказинг. Уч сават қулупнай — бу ҳазилакам гап эмас, ўртоқ навбатчи!

Милиционер (сотувчи аёлга). Яхши! Аниқлаймиз! (Сотувчи аёл кетади. Милиционер стулга ўтиради).

Хўш! (Ваняга). Исминг?

Ваня. Й...

Сева (гапини бўлиб). Сепя Сидоров.

Милиционер. Аралашма, ўзини тили йўқми? (Пауза.) Яхшиси, укалар, ростини айтинглар: қаерда турасизлар, қайси мактабда ўқийсизлар. Мен сизларга ёмонликни истамайман, сотувчи аёлга ҳам раҳм-шафқат қилиш керак-да, ахир.

*Ваня билан Сева чурқ этмадилар.*

Хўш! Менинг вақтим кўп. Ўтираверинглар, дам олинглар.

*Оғайнилар беихтиёр скамейкага ўтирадилар. Ваня пиқиллаб йиглай бошлайди.*

Сева (секин). Пиқиллама!

Сева. Ўртоқ навбатчи, биз еттиччи мактабда ўқиймиз. Бизнинг ўқитувчимиз шу атрофда.

Милиционер. Юринглар.

*Яна қайиқлар станцияси. Болалар ва чол қирғоқда, узоқда гувиллаётган мотор овозига қулоқ солиб турибдилар.*

Овозлар. Келишяпти! Қайтишяпти! Қаердан келишяпти! (Моторнинг гувиллаши яқинлашади).

Люся. Вой! Ҳақиқатан ҳам келишяпти!

Андрюша. Нега улар учта?

Кукушкин. Улар орқаларида судраб келишаётган нарса нима?

*Узоқ пауза.*

Сеня (синиқ овоз билан). Қайиқча... Бўш. (Яна узоқ пауза.).

*Моторнинг гувиллаган овози яқинлашади. Занжирнинг шақир-шуқури эшитилади. Лида, йнгит ва Галина Васильевна пайдо бўлишади. Муаллиманинг юзи сўлгин. У зўр-базўр юриб келаётгандай туюларди.*

Люся. Вой Галина Васильевна... Улар қани?

*Унга ҳеч ким жавоб қайтармайди.*

Кукушкин (Лидага). Қайиқчани қаердан топдингиз?

Лида. Ана у ердан! (Сув омбори томонга ишора қилади).



Пигит (Андрюшага). Улар сузишни билишармиди?

Андрюша (секингина). Унча яхши эмас...

Пигит (чолга). Биласанми, қайиқчани қаердан топдик? Қўм-қўк пўпанаклар орасидан. Хабар қилиш керак.

*Дарвозадан милиционер, Сева ва Ваня кириб келишади.*

Люся (уларни кўриб бақириб юборади). Вой, қизлар!

Овозлар. Топилди! Тирик эканлар!

*Хамма Панкратов ва Козлов ёнига югуриб келади ва уларни ўраб олишади.*

Люся. Вой! Нима қилди уларга?

Галина Васильевна (болаларни итаради). Қўйиб юборинглар мени! (У Сева билан Ванянинг ёнига келади-да, бир уларга, бир милиционерга қарайди.)

Милиционер. Ўртоқ ўқитувчи! Булар тарозини синдиришди. Меваларни босиб ташлашди.

*Галина Васильевна унга ғалати қарайди-да, кейин ундан юз ўгиради. Люся унинг башарасига назар ташлайди.*

Люся (болалар томонга қараб, секингина). Кўз ёш қилади! Чол қоровулхона яқинида турган самовардан кружкада муздай суз олиб, ўқитувчи ёнига келади. У кружкага қарамай итариб қўяди.

Милиционер. Бунақалар жонингги ҳиқилдогингга келтиради. Галина Васильевна (Сеняга ўгирилиб қарайди. У ўзини бепарво тутишга ҳаракат қилади.) Сеня сен, болаларни олиб бор, қайиқлардан юкларни туширинглар.

Сеня (тарвузи қўлтигидан тушгандай). Нима?..

Галина Васильевна. Қайиқларни бўшатинглар. Мен ҳозир бу ўртоқ билан гаплашиб оламан, сўнгра, Козлов билан Панкратовни уй-уйига элтиб қўяман. Ҳар қалай қайиқдаги юкларни туширинглар. Йўлга эртага чиқамиз энди.

Сеня (таъби хира бўлиб). Болалар, кетдик! Юкларни туширишга!

Андрюша (ачинади). Се-е-ень!

Люся. Вой, қизлар, ўзи нима бўлди-а!

Кукушкин. Галина Васильевна, эҳтимол оролчага етиб олармидик?

Сеня (кутилмаганда овози ҳалқумига тиқилгудай бўлиб қичқиради). Гапни йиғиштиринглар. Наҳотки ўзларинг тушунмасаларинг. Мана бу ярамасларнинг касофатига қолдик. Кукушкин, бунинг сенга алоқаси йўқ. Қани юравер!

*Болалар Сева ва Ванянинг ёнидан ўтиб қайиқлар томон юради.*

Люся. Вой, ярамаслар! (Қўлларини мушт қилиб дўқ уради.)

Кукушкин. Мен аҳмоқ ҳам, сенларни қўллаб ўтирибман-а!  
Лида жимгина ўтмоқчи бўлади.  
Ваня (Лидага). Сен буларнинг ҳаммаси нима учун бўлганини биласанми? Гул деб бўлган!  
Сева. Биз сенга гулдаста келтирмоқчи эдик...  
Лида. Совгаларинг учун раҳмат! (Қайиқ томон юради.)

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Козлов ва Панкратовлар квартирасидаги ошхона. Бир бурчакда пластмасса ёпиштирилган стол, унинг таг томонида оппоқ эмаль билан мойланган идиш-товоқ жавони. Иккинчи бурчакда эса оддийгина клеёнка ёзиглиқ стол. Шкаф ўрнида тахтадан ясалган усти турли хил кастрюлька, қопчиқ, бўшаган консервалар ивирсиб ётган жавон. Ланг очиб қўйилган яшикдан даҳлиз кўриниб турибди. Қаердандир радионинг овози эшитилади. Пластмасса столи ёнидаги қулайгина ўриндиқда Надежда Леонидовна ўтирибди. Бу кичкинагина, қотмадан келган кампир кўзойнак тақиб олган. Унинг эгнида инглиз бичиғида чиройли костюм. Унинг бир қўлида сигарета, иккинчи қўлида китоб. Унинг кўриниши тузуккина, умрини китоб ўқиб, сигарета чекиб ўтказгани билиниб турарди. Қаердадир девор соати 7 марта занг уради. Надежда Леонидовна китобдан кўз узади.

Надежда Леонидовна (қаттиқ овоз билан чақиради).  
Анфиса Петровна, ухламаяпсизми?

Анфиса Петровна (сахна ортидан овоз эшитилади). Ухлаётганим йўқ, Леонидовна! Қатиқ ичиб, телевизор кўраяпман.  
Леонидовна, қатиқ ичасанми?

Надежда Леонидовна. Раҳмат, ичмайман.

Анфиса Петровна (сахна ортидан). Бугун ҳам мен тушлик тайёрламадим! Қатиқ ичиб қўя қолдим.

Надежда Леонидовна. Анфиса Петровна!

Анфиса Петровна. Ҳа, мен!

Надежда Леонидовна. Телевизорни қўйсангиз-чи. Менинг бир таклифим бор.

Радионинг овози ўчади. Анфиса Петровна пайдо бўлади.

У Надежда Леонидовнага қараганда хушчақчақ, тўладан келган.  
Унинг қўлидаги тарелкада қатиқдан бўшаган стакан.

Анфиса Петровна. Театрга борайлик. Бугун «Сепсиз келин» экан.

Анфиса Петровна (кулади). Леонидовна, намунча ўйинқароқ бўлиб кетмасанг.

Надежда Леонидовна (*тутун қайтараркан*). Ҳеч бўлма-  
ганда бир йилда бир марта бувиликни эсдан чиқариб, одамга  
ўхшайлик, ахир.

Анфиса Петровна (*қўлидаги стакан билан тарелкани стол-  
га қўяди*). Бора қолайлик! Мен бугун идиш-товоқ ҳам ювиб  
ўтирмайман. Албатта борамиз! Шошмай тур, пул олай.  
(*У кетади, саҳна ортидан яна унинг овози эшитилади*).  
Леонидовна!

Надежда Леонидовна (*ўрнидан туриб қўлидаги сигаре-  
тани кулдонда ўчиради*). Ҳа.

Анфиса Петровна (*саҳна ортидан*). Мен бўлсам кечаги  
ишдан қўрқиб ўтирибман.

Надежда Леонидовна. Мен ҳам умидсизланган эдим.

Анфиса Петровна (*қўлига сумка тутиб олган*). Биласанми,  
бизникилар ташқарига чиқиши билан деразага қараган  
эдим, қай кўз билан қарайки, уларнинг олдида мушук йўлни  
кесиб ўтса бўладими! Яхшиямки у қора эмас, кўк.

Надежда Леонидовна (*таажжубланади*). Анфиса Пет-  
ровна!

Анфиса Петровна. Ҳа, мен!

Надежда Леонидовна. Анфиса Петровна! Ахир сиз йигир-  
манчи асрада яшаяпсиз-ку! Болаларингиз ҳам олий маълу-  
мотли. Ахир бундай бўлмағур бидъатларга ишонишни қачон  
ташлайсиз?

Анфиса Петровна (*ўзини оқламоқчи бўлади*). Мен ҳар хил  
бўлмағур бидъатларнинг ҳаммасига ҳам ишонавермайман!  
Аммо қора мушукка келганда, ундан чўчийман. Мени нима  
десаңг деявер — бари бир ундан қўрқаман!

Надежда Леонидовна. Бунақа гапларни қўйинг-э! Қуло-  
ғимга ҳам ишонмайман! Кетдик!

*Қўнғироқ эшитилади. Анфиса Петровна даҳлизга чиқиб эшикни  
очади ва яна ошхонага қайтиб киради.*

Милиционер (*даҳлизда*). Кирсам бўладими?

Надежда Леонидовна. Марҳамат! Марҳамат! Кимсиз?

*Галина Васильевна, милиционер ва ҳамма ёғи балчиқ бўлиб  
кетган Сева билан Ваня кириб келади.*

Галина Васильевна. Салом!

Милиционер. Безовта қилганимиз учун узор!

*Анфиса Петровна бўшашиб табуреткага ўтиради.*

Надежда Леонидовна. Салом! (*Лабини тишлаб келган-  
ларга қарайди. Унинг юзи ҳам Севаникига ўхшаб оқариб  
кетади.*)

**Галина Васильевна (милиционерга).** Бу Козловнинг бувиси, булари эса Панкратовнинг бувиси. *(Надежда Леонидовнага).* Болаларнинг ота-оналари сафардами?

**Надежда Леонидовна (тарс этиб).** Ҳа, худди шундай. Козловнинг ота-онаси ҳам, Панкратовнинг ота-онаси ҳам геология соҳасида ишлашадн. Кечираснз, булар нима қилганини билсак бўладими?

**Милиционер (ачингандай бўлиб).** Келтирган зарарларини тўлашга тўғри келади.

**Надежда Леонидовна.** Хўш? *(бошини қуйи эгиб давомини эшитмоқчи бўлади.)*

**Галина Васильевна.** Надежда Леонидовна менга қанчалик қийин бўлмасин, лекин мен... мен бу болаларни энди похода олиб кета олмайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг ахир! Улар бесўроқ елканни олиб, ўзбошимчалик қилиб сузиб кетишибди, ахир сувга ғарқ бўлишлари мумкин эди. Улар бир неча соат йўқ бўлиб кетишди. Мен шундай қўрқдимки...

**Надежда Леонидовна (шартта).** Илтимос! Ичкари хонага кириш. Бу ерда ўтқазгани жой ҳам йўқ.

**Галина Васильевна, милиционер, Надежда Леонидовна, Сева ва Ваня ичкари кирадилар.** Анфиса Петровна эса табуреткада ўтирганича қўзғалмайди.

## ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

*Супер парда олдида.*

**Галина Васильевнанинг уйи олдидаги зинапоя.** Эшик қаршисида турган Анна Васильевна қўнғироқ тугмасини босади. Унинг оёқлари остида чамадонлар, иккита болалар велосипеди ва зонтлик турибди. Шунингдек унинг ёнида Павлик билан Даша бор.

**Павлик.** Дашка, қойилман бу усулга! Бу усулни менга болалар боғчасидалигимда ўргатишган. *(Синглисининг орқасидан келади-да, икки қўли билан чакагидан ушлаб бир оёғини белига тирайдию Дашани ерга ўтқазиб қўяди.)*

**Даша.** Пашка, қўйсанг-чи! *(Ўрнидан туради.)*

**Павлик.** Мана яна бошқача усул. Бу усулни Володька Мартинов ўргатган. Бир! *(Синглисини чалади, у йиқилади.)*

**Даша.** Пашка! Ҳозир бир ураман! Ойи, қаранг ўзининг қаёқдаги усуллари билан мени қийнапти.

**Аня (юшиоққина).** Павлик, шўхлик қилма. *(Тугмани босади.)* Уйда ҳеч ким йўққа ўхшайди.

**Павлик.** Бунисини Санка Пятеркин ўргатган. *(Чопиб келиб синглисини қорнига калла қўяди. У бўлса деворга бориб яна йиқилади.)*

Д а ш а. О-йи! У қоринимга калласи билан урди!

А н я (секингина). Павлик, бу нима қилиқ.

(Яна қўнғироқ чалади). Дарҳақиқат, чиқиб кетишганга ўхшайди.  
П а в л и к. Мана яна бир усул! (Икки оёқ, икки қўли билан туради.)

Д а ш а (у ҳам тўрт оёқлаб эмаклайди). Мен сенга усул нималигини кўрсатиб қўяман! Мана сепга! Мана сенга! Мана сенга! (Павлиكنи қулоғидан ушлаб судрайди.)

П а в л и к. О-йи! У мени қулоғимдан тортяпти.

А н я (паршон). Даша, қулоғини чўзма. (Яна қўнғироқ чалади.)

Болалар олишишиб йиқилиб тушадилар. Улар ҳарсиллаб велосипед минишади. Пастдан Галина Васильевна кўринади, ҳорғин. У эшик ёнига етиб келмасданёқ бир зум тўхтаб Аняга ва болаларга қарайди.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Аня! (Эшик ёнига кўтарилади). Аня! Аня (ўгирилиб қарайди, кулади). Мана Галя холамиз ҳам келиб қолди.

Болалар ўқитувчига қараб тикилиб қолишади.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Аня!.. Қайси шамол учирди?

А н я (гап бошлайди). Биласанми, Галочка, мен яқинда бизнинг шаҳарда яшайдиган профессор Шариковнинг тадқиқотлари билан танишдим, у бўлса...

Г а л и н а В а с и л ь е в н а (унинг сўзини бўлади). Э, аввал кўришайлик! (Аняни ўради.)

А н я (ҳаво ютади). Шундай қилиб профессор Шариков ҳали қирқинчи йиллардаёқ менинг диссертациямга жуда яқин материалларни матбуотда эълон қилган экан. Масалан, у тажриба йўли билан исботлаган.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Ҳовлиқма! Кел, олдин уйга кириб олайлик.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а н и н г к в а р т и р а с и о ш х о н а в а б и р х о н а д а н и б о р а т. Аёллар ошхона орқали иккинчи хонага кириб қўлларидаги юкларини қўядилар. Болалар атрофларига аланглашишади, кейин Павлик зонтни олиб уни очади.

А н я (сўзида давом этади). Шундай қилиб, ўша профессор Шариков, лойқа сувга тушгач, оддий қориншмадаги ҳамма хусусиятларини ўзида кашф этади деган хулоса чиқарган. Тушуняпсанми, масалан у шундай тажриба қилган: лойга электр токини юборган...

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Э тўхта шошмай тур! Сен бу ерга ўша профессор билан учрашгани келгансан?

А н я (кулади). Ҳа, шундайку-я, лекин опамни ва поччамни ҳам кўрган келганман.

Павлик зонтни очиб олиб, юмшоқ ўриндиқ устига чиқади.

Павлик. О-йи! Мана парашют!

Аня (секингина). Павлик, ўриндиққа чиқма, ифлос қиласан.

Галина Васильевна. Менга қара, нега телеграмма юбормадинг-а! Кутиб олардик.

Аня (бир дақиқа жим туради). Биласанми, Галочка... очигини айтсам... мен буни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Галина Васильевна. Аня! Ахир мен бугун тасодифан уйга қайтдим. Мен бугун болалар билан походга кетишим керак эди.

Аня. Серёжа-чи?

*Павлик яна ўриндиқ устига чиқади.*

Галина Васильевна. Серёжа... (Павликка қарайди.) Ҳақиқатан ҳам ўриндиғимни расво қиладиган бўлди.

*Павлик сакрайди.*

Аня. Павлик, ўриндиққа чиқма... расво қиласан. (Галина Васильевнага.) Хўш, Серёжа қаёқда эди?

Галина Васильевна. Серёжа районга кетган.

Аня. Ҳа-я! Дарҳақиқат телеграмма бермай чатоқ қилибман. (Афтини ўзгартиради.) Биласанми, менинг Володям ҳам йўқ. У ГДРга конференцияга кетган.

Павлик (Дашага). Ма, сакрай қол! Вой, қандай яхши-я! (Даша зонтни олиб ўриндиқ устига чиқади. Павлик ошхонага кириб кетади).

Аня. Қалай эгизакларим, катта бўлиб қолишибдими? Даша, ўриндиққа чиқма дедим-ку!

Павлик (ошхонадан). Дашк... бу ёққа кел! (Даша ўриндиқдан сакраб тушиб, ошхона томон чопади).

Галина Васильевна. Катта бўлишга-ку, катта бўлишибди. Лекин негадир уларга ғалати тарбия берибсанми?

Аня. Галочка. Ахир мен педагог эмас, химикман-ку. Ҳа, айтганча, хизматчимиз касал бўлиб қолганига ўзим билан олиб кела қолдим. У бечора ҳам озроқ дам олсин дедим.

Галина Васильевна. Унга нима қилди?

Аня. Асаби бузилганга ўхшайди.

*Чамадонни очишга киришади. Галина Васильевна ғиқ этмай хонанинг у томонидан бу томонига юради. Павлик ошхонада Даша қўлидаги зонтни олиб қўяди.*

Павлик. Бер! Мен яна баландроқдан сакрайман! (Ошхонадаги стол устига чиқади.). Дашк!.. Қара (стол устидан йиқилади, додлаб йиғлайди).

*Икки аёл ошхонага югуради.*

## БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

*Яна Панкратов ва Козловлар квартирасидаги ошхоналар. Ваня тўғрисида майкада Анфиса Петровна олдидаги столда ўтириб тўрва ичмоқда. Надежда Леонидовна билан Сева қарама-қарши томонда ўтириб чой ичишади. Иккала боланинг кўриниши ҳам ҳорғин, юзлари сўлғин. Анфиса Петровна ерда ётган неварасининг ифлос кийимларини қўлига олади.*

**Анфиса Петровна.** Ифлосини қара! Биров ювиб тозалаб қўйгач, сенинг қорнинг оғиримида! Ма, юв, тозала ўзинг!

**Ваня** (*тарелкага қараб минғирлайди.*) Менга қолса, ифлос кийимда ҳам юравераман. Мен бир хил болаларга ўхшаб уялиб ўтирмайман.

**Анфиса Петровна** (*унинг жиғига тегади*). «Ифлос кийимда юраман!» «Ифлос кийимда юраман». (*Жавондан шўтка олиб эшикка чиқади*).

*Надежда Леонидовна ўрнидан туради. Севанинг ифлос бўлган шимини олади. У лабларини буриштириб шимнинг гоҳ бир почасини, гоҳ иккинчи почасини кўрсатади.*

**Сева** (*бир оз ҳайрон бўлгандай*). Умуман... мен ўзим ҳам тозалашим мумкин...

*Надежда Леонидовна индамайди.*

**Анфиса Петровна** (*эшик олдида*). Леонидовна, уни бу ерда тозаламанг. Ҳовлига олиб чиқинг. Бўлмаса ҳамма квартирани чанг қилиб юборасиз.

**Надежда Леонидовна.** (*Яна бир марта шимни кўздан кечиради.*) Ҳа дарҳақиқат ҳовлига чиқмаса бўлмайди.

**Анфиса Петровна.** Лойини, тозаласа бўладию аммо мевани доғини кетказиб бўлмайди, дори керак.

**Надежда Леонидовна.** Ҳа. Шундай қилмаса бўлмайди.

**Анфиса Петровна.** Эсиз, яна чиқим.

**Надежда Леонидовна.** Ҳа, шуни айтинг, эсиз.

Пауза.

**Анфиса Петровна.** Леонидовна, энди нима қилдик, нима дейсиз?

**Надежда Леонидовна** (*шартта*). Чидайсиз-да, Анфиса Петровна.

Пауза.

**Анфиса Петровна.** Леонидовна, эртага мактабга бориб узр сўрасаммикин? Балки афв этишар?

*Надежда Леонидовна жавоб қайтармайди.*

Леонидовна, гапни пўст калласи шу: эртага директорга учрашамиз: ўзингиз ҳам ўйлаб кўринг-да, болалар ёз бўйи уйда қолишса, бу қанақаси бўлди, деймиз. Тўғрими, Леонидовна? Надежда Леонидовна (*шартта*). Фойдасиз. (*Севанинг кийимларини олади*). Анфиса Петровна юра қолинг, кийимларини тозалаймиз. (*Эшик томон юради*). Анфиса Петровна (*болаларга*). Бебошлар! (*Надежда Леонидовна билан чиқиб кетади*).

*Болалар бир зум жим туришади.*

Ваня. Сев!..

Сева. Нима?

Ваня. Менинг бувим тўғри гапираяпти.

Сева. «Нимаси тўғри?»

Ваня. Эртага Галина Васильевнанинг олдига борамиз-да: «Галина Васильевна! Ишонинг ваъда берамиз! Бу бизнинг охириги сўзимиз!»— деймиз.

Сева. Нега бекорга бўйин эгар эканмиз? (*Ниманидир ўйлаб туради-да, бирдан гапириб юборади*). Эшит! Менда бир фикр бор.

Ваня. Яна фикрми?

Сева. Бувим ухлаши билан ошхонага чиқ.

*Кампирлар киришади.*

Надежда Леонидовна. Анфиса Петровна сизга қараб уялиб кетдим. Ҳаммани олдида мушук ўтган йўлни ташлаб эшикка айланиб ўтдингиз-а. Уят!

Анфиса Петровна. Леонидовна! Ҳеч бўлмаса болаларнинг олдида жим бўл!

Надежда Леонидовна. Марҳамат қилиб кечиринг! (*Севага*). Всеволод, қани ёт!

Сева (*дарҳол ўрнидан туради*). Буви, хайрли тун.

Надежда Леонидовна. Хайрли тун! Ухлаш олдидан ҳеч нарсга ўқимайсан!

Сева. Хўп бўлади, буви (*кетади*).

Анфиса Петровна. Иван, сен нима қилиб ўтирибсан?

Ваня. Кетаяпман, бувижоп. Хайрли тун, бувижоп! Надежда Леонидовна, хайрли тун! (*Кетади*.)

Анфиса Петровна (*хайрон бўлади*). Уларга нима бўлди-а? Жуда мулойим бўлиб қолишибди!

Надежда Леонидовна. Эҳтимол худо инсоф бергандир. Бунисига ҳам шукур! Эртагача хайр, Анфиса Петровна!

Анфиса Петровна. Хайрли тун, Леонидовна!

*Кампирлар чироқни ўчириб кириб кетишади. Саҳна бир неча дақиқа бўш қолади. Ошхонанинг деразасидан кучсиз нур кўриниб туради. Ҳовлида мушукларнинг мийёвляётган овози эшитилади.*



*Эшик аста ғирчиллайди. Биқиниб келәтган Ваня пайдо бўлади ва чироқни ёқади. Ваня фақат трусикда. Сева пайдо бўлади. У ҳам трусикда.*

В а н я. Ухладами?

С е в а. Ухлади.

В а н я. Қанн бўлмасам, фикрингни айт.

С е в а. Биз Лидани олдида айбдормиз-а?

В а н я. Айбдормиз...

С е в а. Болаларнинг олдида ҳам айбдормизми?

В а н я. Айбдормиз...

С е в а. Биз ўз айбларимизни оқлашимиз керак.

В а н я. Ҳа, ёмон бўлмасди.

С е в а. Мана шунақа! Энди ўзинг ўйлаб кўр: болалар саёҳатга чиқишади, ҳар хил қийинчиликларга дуч келишади... ва бундай ҳолларда уларга қандайдир кўринмас қўл сирли ёрдам кўрсатиб туради.

В а н я. Бу нима: бизнинг қўлимизми?

С е в а. Албатта-да! Масалан, болалар уйқудан туришганда уларнинг қаршисидаги дарахтда янги тутилган бир тўда баллиқ осиблиқ туради. Ёки бўлмаса, дарахтга ўқ ёй келиб санчилади. Унга қўшиб отилган қоғозга: «Эҳтиёт бўлинглар, маҳаллий безори болалар сизга ҳужум қилишмоқчи»,— деб ёзиб қўйилган бўлади.

В а н я. Демак, қочамиз.

С е в а. Ҳа, қочамиз ва яширинча уларнинг изидан борамиз!

В а н я. Қайиқ йўқ-ку.

С е в а. Олдин қуруқлик бўйлаб борамиз, кейин қайиқ ясаб оламиз.

В а н я. Маршрут-чи. Биз маршрутни билмаймиз-ку!

С е в а (*ўйлаб қолади*). Маршрут! Ҳм! Маршрут, бу муҳим масала. (*Бир оз жим қолади*). Топдим! Эртага Галина Васильевнанинг уйига борамиз. Уни эри ёки қариндошларидан бирор киши бордир. Улар унинг қаерга жўнаб кетаётганини ҳар ҳолда билишар.

В а н я. Қойил! Тўғри айтдинг! (*ўйлаб қолади*). Э!.. Бувиларимиз-чи? Биз бувиларимизга нимани важ қиламиз?

С е в а. Бувиларимизга келсак, мен ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйганман. (*Пичирлайди*).

*Саҳна ҳувиллаб қолади. Чироқ ёнганида — эрталаб яна ўша ошхона. Бувилар идиш-товоқ ювишади. Ичкари хонада Сева Ваняларнинг эшиги томон юради.*

С е в а. Қани бўла қолсанг-чи. Соат тўққиздан ошди. (*Даҳлизда Ваня пайдо бўлади. Унинг қўлида рюкзак ва ганчдан ясалган копилка*).

**В а н я.** Ҳозир. Қопилкадан пулимни ололмайман.

**Сева.** Рюкзакка солиб қўя тур, кейин ҳисобини қиламиз. Ваня қўлидагини қопга солиб қўяди-да, иккалалари ҳам ошхонага қараб юришади.

*(Надежда Леонидовнанинг ёнига келишади.)* Буви!..

**Надежда Леонидовна.** Қулоғим сенда.

**Сева** *(нима дейишини ўйлаб олади).* Буви, биринчидан... кечаги ишимиз учун узр. Тасодифан бўлиб қолди, бир...

**Надежда Леонидовна.** Сизлар ҳадеб тасодифга йўлиқа-верасизлар!

**Сева.** Иккинчидан... биз сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдик: биз рюкзакларни олиб Галина Васильевнанинг олдига борсак қандай бўларкин?

**Надежда Леонидовна.** Фойдасиз.

**Анфиса Петровна.** Леонидовна, сенга нима бало бўлди, ҳадеб: «фойдасиз», «фойдасиз» деяверасан! Сўраб, билганининг айби йўқ. Ҳозир мен ўзим булар билан бирга бора қоламан!

*Болалар кутилмаганда бир-бирларига қараб олишади.*

**Надежда Леонидовна.** Нима бўпти! Бир шамоллаб кел!

**Анфиса Петровна.** Бораман ҳам! *(Болаларга).* Қопларингиз қани? Қани тезроқ тайёрланинглар, мен ҳам кийиниб олай. *(Чиқишга тайёрланади).*

**В а н я** *(хавотирда).* Буви! Бувижон! Сиз... Сиз бекорга... сиз нега борасиз? Биз ўзимиз... Яхшиси биз ўзимиз. Хўпми, бувижон!..

**Сева.** Тўғри-да, Анфиса Петровна! Анфиса Петровна, биласизми... Галина Васильевна болаларнинг кетидан эргашиб юрган катталарни унча ёқтирмайди. Агар сиз борсангиз ҳамма иш расво бўлади.

**Анфиса Петровна.** Нима ўзларинг уддалайсанларми? Шошмай турларинг, кийиниб чиқаман. *(Кетади).*

**В а н я** *(Севага секин).* Иш расво бўлди.

**Сева** *жимгина бошини қимирлатади. Дераза орқасидан мушукни жиёвларгани эшитилади.*

**Сева** *(секин).* Таклиф бор! Қутулдик! *(Ичкарига қараб қичқиради)* Анфиса Петровна сиз кийиниб чиқаверинг. Биз сизни кўчада кутиб турамиз.

**Анфиса Петровна** *(сахна ортидан).* Майли бора қол.

**Сева** *(Надежда Леонидовнага).* Хўп, буви, яхши қолинг! *(Надежда Леонидовнани ўлади).*

**Надежда Леонидовна.** Тезроқ кўришайлик, жонгинам! Ҳой, ҳаяллаб қолманглар.

Сева. Хўп. (Кетади).

*Ваня нима қилишини билмай елкасини қисиб туради. Надежда Леонидовнага сездирмай эшик олдида копилкасини кўтариб олган Сева пайдо бўлади. У имлаб Ваняни чақиради.*

Ваня. Надежда Леонидовна хайр, бўлмаса!

Надежда Леонидовна. Тезроқ, хайр, жонгинам!  
*Ваня киради.*

*Икки боланинг эшикдан чиқиб кетгани кўринади. Сева чап томонда қўлида қора мушук, Ваня ўнг томонда. Анфиса Петровна пайдо бўлади.*

Анфиса Петровна. Леонидовна, қани менга оқ йўл тила-чи!  
Надежда Леонидовна. Илож қанча! Оқ йўл тилайман!  
Омадингни берсин!

*Анфиса Петровна эшик томон юради. Сева қора мушугини Ваняга иргитади. Ваня уни ушлаб олади. Анфиса Петровна тўхтаб қолади.*

Анфиса Петровна. Вой, жин ургур, ярамас!

Надежда Леонидовна. Нима бало бўлди, Анфиса Петровна?

*Болалар пайдо бўлишади. Ванянинг қўлида мушук.*

Сева. Биласизми, буви... Анфиса Петровнанинг йўлини қора мушук кесиб ўтди.

Анфиса Петровна. Қаёқдан чиқа қолди бунақа гасқара?  
(*Болаларни уриша бошлайди*). Бу ишдан фойда чиқмайди.  
Рюкзакларингни қўйинглар! Сенларга айтяпман, қўйинглар.

Сева. Анфиса Петровна! Ахир мушук сизнинг йўлингизни кесиб ўтди-ку.

Анфиса Петровна. Мен ҳам шуни кесиб ўтганини айтяпман-да.

Сева. У бизнинг олдимиздан ўтган йўқ-ку.

Анфиса Петровна (*йўлаб кўради*). Ҳа, сизнинг олдингиздан ўтгани йўқ.

Сева. Демак, бизнинг боришимиз мумкин.

Анфиса Петровна (*бу гапга қойил қолади*). Сизлар борсанглар бўлаверади. (*Ишонч билан*). Боринглар! Бора қолдинглар!

Сева. Хайр буви.

Ваня. Яхши қолинг, бувижон!

*Болалар чиқиб кетишади.*

Анфиса Петровна. Леонидовна, сенинг Севканг жуда тийрак-да. Дарҳақиқат унинг олдида ўтмади-да.

Надежда Леонидовна. Анфиса Петровна бекорга алжир-  
райвермайди.

*Парда ёпилади.*

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

*Галина Васильевнанинг квартираси. Хонада, қаравотда Аня ётибди. Унинг ёнида оқ халатли врач, Павлик билан Даша ҳам бор. Хонага кираверишдаги эшик ёнида хизматчи хотин турибди. Кичкинтойлар қўрқиб гиниширди.*

В р а ч. Жонгинам, тезроқ боришингиз керак. Эҳтимол, зудлик билан операция қилишга тўғри келар.

А н я (*оғриқни енгиллашга ҳаракат қилиб*). Кичкинтойларимни ёлғиз қолдира олмайман.

Қ о р о в у л. Бу қандай кўргулик-а!

В р а ч. Бир қарорга келиш лозим, тез бормасангиз бўлмайди. Жонгинам, бу нарса билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Қ о р о в у л. Эҳтимол, бирор қўшни болаларни олиб қолар. Фақат, бизникиларнинг кўпчилиги дам олишга кетишган. Тўхтанглар, эҳтимол, Тимофеевна олар. (*Ўйлайди*). Йўқ! Олмайди.

В р а ч. Ўйлаб кўринг, ўйланг тезроқ, жонгинам, бизни машина кутиб турибди, ахир!

Қ о р о в у л. Аттанг, ўзим олиб қолардимۇ ишим бор-да!

*Қўнғироқ чалинади.*

Кираверинг! Очиқ!

*Сева билан Ваня кириб келади.*

С е в а. Салом!

Қ о р о в у л. Салом!

С е в а. Марҳамат қилиб айтинг-чи, уйда Галина Васильевнанинг қариндошларидан ҳеч ким борми?

Қ о р о в у л. Сизлар ўзингиз Галина Васильевнанинг кими бўласизлар?

В а н я. Биз бу...

С е в а. Биз унинг ўқувчилари бўламиз.

Қ о р о в у л. Худога шукур! (*Хонага киради*). Гражданка, омадингиз келди. Галина Васильевнанинг ўқувчилари келиб қолишди! (*Болаларга*). Болалар! Қани, тезроқ қира қолинглар!

*Болалар хонага кириб келишади.*

А н я. Болалар, сизнинг келганингиз жуда яхши бўлди. Болалар, Галина Васильевна тезда топиш керак. У ҳали жўнаб кетишга улгурмагандир?

С е в а (*ҳаяжонда*). Б..б..билмадим.

В р а ч (*Аняга*). Гапириш қийин сизга. Рухсат этинг, ҳаммасини ўзим тушунтираман. (*Болаларга*). Мен врачман, тушуняписизларми? (*Болалар жим, бошларини қимирлатадилар*). Ўқитувчингизнинг синглисини тезда касалхонага жойлаштириш лозим: мана бу кичкинтойларни ташлаб кетишга одам топилмаяпти. Гапимга тушундиларингми?

*Болалар яна бош қимирлатадилар.*

Ўқитувчингиз ҳали жўнаб кетишга улгурмаган бўлса керак?

С е в а. Билмайман.

А н я. У қандайдир қайиқ станцияси ҳақида гапирган эди. Унинг кетганига ярим соатгина бўлди.

Қ о р о в у л. У уйдан чиқиши биланоқ мана бу граждонканинг касали тутиб қолди.

А н я. Болала... сиз қайиқ станциясининг қаерда эканини биласизларми?

С е в а (*буткул эсанкираган ҳолда*). Бизми? Биламиз.

А н я (*стол тортмасидан пул олади, уни Севага узатади*). Болалар мана пул, анави муюлишда такси тўхтади. Галина Васильевнанинг олдига тез етиб боринглар. Унга тезда орқасига қайтишни айтинглар. Походни кейинроққа қолдирсин. Болалар ёлғиз қолаяпти, денглар.

*Сева беихтиёр пулни олади, лекин на у, на Ваня жойларидан қўзғалмайдилар.*

В р а ч. Қани, тезроқ бўла қолинглар! Бирингиз Галина Васильевнага боринг, иккинчигиз болаларнинг олдига қолинг. (*Аняга*.) Қани, жонгинам бўла қолинг! Қўряписизми, ҳаммаси жойида бўляпти! (*Анянинг ўрнидан туришига ёрдамлашади*).

П а в л и к (*ғиншийди*). Ойи, кетма!

Д а ш а (*ғиншийди*). Ойи биз ҳам сен билан кетамиз-а? Сен билан?

*Сева ошхонага чиқади. Ундан кейин Ваня ҳам.*

В а н я (*секин*). Севк! Шундай қилиб, Галина Васильевнага кетаяпсанми?

С е в а (*секин*). Бўлмасам-чи, бошқа қаёққа ҳам борардим?

В а н я. Демак, бизнинг режамиз ҳам пучга чиқди-да?

С е в а. Фақат бизнинг режамизгина эмас, бутун поход чиппакка чиқди.

В а н я. Севк! Улар аллақачон жўнаб кетишгандир, эҳтимол?

С е в а. Ҳали кетишган эмас. Улар юкларини ортишади, ҳали. (*Бир*

оз жим туради). Майли! Мен кетдим. Сен бу ерда мана бу... кичкинтойлар билан ўтира тур.

**Сева** чиқиб кетади. *Врач билан қоровул Аняни қўлтиқлаб ошхонага чиқишади. Уларнинг кетидан кичкинтойлар келишяпти.*

**Д а ш а.** Ойи! Мен сиз билан кетаман!

**А н я.** Даша, мумкин эмас.

**П а в л и к.** О-йи, сиз қаерга кетяпсиз? Ойи, кетманг!

**А н я.** Павлик мен тезда қайтиб келаман. Мана бу боланинг гапидан чиқманг. *(Ваняни кўрсатади).* Ярим соатдан кейин Галя холанг келиб қолади.

**В р а ч.** Юра қолинглар, юринглар! Машина кутаяпти.

*Катталар чиқиб кетишади.*

**Д а ш а** *(ғинийди).* Ойимнинг олдига боргим келяпти! *(Эшикка қараб юради).*

**В а н я.** *(Ваня унинг йўлини тўсади).* Э, мумкин эмас. Нима шунини ҳам билмайсанми? Ойинг касалхонага кетди.

**П а в л и к.** Қўйиб юбор! Мен ҳам ойимни олдига бораман! Ҳаммамиз касалхонага кетамиз!

**В а н я.** Туф! Сизларни касалхонага ким киритарди! Жиннивойлар-ей!

**Д а ш а** *(итаради).* Йўқ, қўйиб юборасан!

**П а в л и к.** Эшикни очиб бер! Биз ойимнинг олдига боришни хоҳлаймиз!

**В а н я.** Қани, жим бўлинглар, сизлар!.. Ойингларни нима кераги бор, ҳозир? Нима, ойингни кўрмаганмисизлар! Қайтанга, ойнисиз яхшироқ; нимани хоҳласанг ўшани қилаверасан!

**П а в л и к.** Қўйиб юбор!

**В а н я** *(хурсанд бўлгандай).* Биласизми нима? Келинг, оyi-ойи дегандан кўра, келинлар, яхшиси... ҳа айтгандай! Келинлар, эртақ айтишамиз! Мен шунақаям ажойиб эртақни биламанки, эшитсангиз, ҳайрон қоласиз! Бор эканда, йўқ экан, қизил қалпоқча бор экан, унинг кўк бўриси бор экан...

**П а в л и к.** Кўк бўриси эмас, бувиси.

**Д а ш а** *(оёқлари билан депсинади).* Мен ойимнинг олдига боргим келяпти.

**В а н я** *(пешанасидаги терни артади).* Майли! Эртақ тинглашни хоҳламадиларинг — келинлар, ўйинчоқ ўйнаймиз. Ўйинчоқларинг борми?

**П а в л и к.** Ўйинчогимиз йўқ. Фақат велосипедимизгина бор.

**Д а ш а.** Ойимга бораман! Ойимнинг олдига боргим келяпти.

**В а н я** *(хушчақчақ).* Мана! Менда ўйинчоқ бор! *(Рюкзagini очиб, копилкасини олади).* Қарангла, қандай чиройли! Вах-вах!

*Кичкинтойлар бақиривади.*

**П а в л и к** *(қичқириб).* Вой-бўй намуноча хунук.

Д а ш а. Йўқот! У қўрқинчли экан. Мен ундан қўрқаман.

В а н я *(ўйлайди)*. Қўрқинчли! Шундайми? Хунукми? Эҳтимол бу сеҳрли кучукдир. Хоҳласангиз, ҳозир сизларга фокус-мокус кўрсатаман. *(Қўлидаги тумшуғи япалоқ ити билан марказий иситиш батареяси ёнига келади.)* Мана қаранглар! Энэ-бэнэ-карабас! *(Копилка итини зарб билан уради, копилка парчала-нади ва унинг ичидан жаранглаб чақа ва тангалар сочилади.)* Мана! Кўрдингларми! Сизлар бўлсангиз, қўрқинчли деб ўлти-рибсиз! *(Чўккалаб ўлтиради, тангаларни теради).*

*Кичкинтойлар унга қўшилишади.*

П а в л и к. Нима... улар... улар унинг ичидамиди!

В а н я. Албатта, ичида, бўлмаса сиртида бўлармиди!

П а в л и к. Сен уларни ичига ташловдингми?

В а н я. Мен ҳеч нарса солмаганман. Мен сеҳрли сўз: «Энэ-бэнэ-карабас» — деган эдим, унинг ичида тангалар пайдо бўлди-қолди.

П а в л и к. Сен алдоқчисан!

В а н я. Ишонсанг ҳам ўзинг биласан, ишонмасанг ҳам ўзинг биласан.

Д а ш а. Мороженое сотиб оламиз.

В а н я *(болаларга биттадан танга беради)*. Мана сизга, мороженое оласиз.

Д а ш а. Мен учта мороженое оламан!

П а в л и к. Ўнта! Биз ўнта мороженое оламиз!

В а н я *(тангаларни чўнтагига солади)*. Иштаҳалари чакки эмас, Сева билан шунча пулни қаёқдан оламиз. *(У ёқ, бу ёққа аланглайди.)* Э, ҳамма ёқни ахлат босиб кетибди-ку! Йиғиштириш керак. *(Идиш олиб, унга сопол синиқларини териб солади.)*

*Павлик Дашанинг қулоғига ниманидир пичирлайди, кейин шккалалари ҳам ичкари хонага кириб кетишади. Бу ердаги ойна стулида бюст, ёнида чинни ҳайкалча турибди. Бюстга аланглаб олишиб, болалар яна пичирлашади. Павлик бюстни олади — марказий иситиш батареясига яқинлашади.*

П а в л и к *(бақириб)*. Энэ-бэнэ-карабас! *(Скульптурани батареяга уради, лекин бюст синмайди. Мустаҳкам экан).*

*Ваня йиғиштириб қўйиб, қулоқ солади.*

В а н я. Энэ-бэнэ-карабас! *(Бюст синади).*

*Ваня чопиб ичкарига киради.*

В а н я. Ҳой! Нима қилиб қўйдиларинг?

П а в л и к. Сен алдаган экансан!

В а н я. Э ким алдапти, аммо сиз бу тентакликни қўйинг. Бўлмасам сизларни...

*Қўнғирчоқ чалинади. Ваня ошхонага чопганича чиқади, эшикни  
очади. Қоровул киради.*

Қ о р о в у л. Хўш, Галина Васильевнани топдиларингми?

*Қоровулнинг орқа томонидан Сева кўринади. У оғир хўрсинади.*

С е в а. Топдик.

Қ о р о в у л (*орқасига қарайди*). Бўлмаса, қани у?

С е в а. Походга жўнаб кетди.

Қ о р о в у л. «Походга!» деганинг нимаси! Болалар нима бўлади?

С е в а. Кичкинтойларга қараб туришни отряддагилар бизга топ-  
ширди.

Қ о р о в у л. Нима-а?

*Ваня ҳайрон қолганидан оғзини юмолмайди. Сева унга кўзини  
қисади. У ҳеч нарсага тушунмайди.*

С е в а (*қоровулга*). Қийин жойи йўқ! Поход қолдирилмаслиги  
учун ҳамма Галина Васильевнанинг жўнаб кетишига, бизлар-  
ни эса, кичкинтойларга қараб туришимизга қарор қилди.

Қ о р о в у л. Шунақами ҳали, Галина Васильевна! Э, хола бўлмай  
кетсин, аллақандай поход деб ўз жиянларини қанақадир бо-  
лаларга ташласа-я! Ҳа, сен бунга рози бўлдинг-а!

С е в а. Нима ҳам қилардик! Икки киши қийналсак қийналиб-  
миз-да, нима бутун отряд походдан қолгани яхшими?

Қ о р о в у л. Ҳа, сизлар, нимани ҳам эплай олардингиз?

С е в а. Э, шу ҳам ишми? Биз биринчи марта болаларга қараётга-  
нимиз йўқ, ойлаб қараганмиз. Ишонмасангиз ана ундан сў-  
ранг. Тўғримн, Иван? (*Ваняга кўзини қисади*).

В а н я (*ҳеч нарсага тушунмайди*). Мен?.. Биз... Ҳа!.. Бу бизга би-  
ринчисимас...

Қ о р о в у л (*болаларга узоқ қараб туради*). Бунақанги ақлли бо-  
лалар тўғрисида радиолардангина эшитган эдим, мана бу-  
гун ўз кўзим билан кўриб турибман. (*Пауза*). На чора!  
Яхши қолинглар! Мен хабар олиб тураман. Баракалла, сизга  
ақлли болалар! Вой ақлдилар-ей! (*Кетади*).

В а н я (*ҳеч нарсага тушунмайди*). Сев!.. Сен нима дединг?.. Сен  
ўйлаб гапираяпсанми?

С е в а. Э, роса лақиялатдим! (*Берилиб*). Нима бўлди дегин! Так-  
сида қушдек учдим. Мен шофёрга бўлган воқеани айтган  
эдим, у машинани шундай тез ҳайдадики! Етмишдан пастга  
тушмади! Қизил чироқдан ўтиб кетишга оз қолди!

В а н я. Қўйсанг-чи, гапни чўзма, лўндасини айт!

С е в а. Хўп! Қайиқ станциясига етиб борган ҳамон сакраб тушдим,  
югурдим, қарасам, бизникилар юкларни ортишяпти. Улар мени  
кўришди, походга олиб кетинглар, деб ялинади деб ўйлаш-  
ди-ю, ҳаммалари бирдан менга ёпишиб кетишади! Галина



Васильевна *(тақлид қилади)*. «Козлов, нима сени яна уйингга кузатиб қўйиш керакми!» деди. Шу пайт Лида чопиб келди-да: «Севка уялмайсанми! Кечаю сени деб походимиз қолдирилди, нима бугун ҳам қолдирмоқчимисан?» Шундан кейин биласанми, мен нима деб жавоб қайтардим? Совуққина қилиб, шошмасдан: «Хўп! Бу сафар походеингиз қолдирилмайдил!»—дедим-у, орқамга ўгирилиб салмоқли қадам ташлаб таксининг ёнига қайтиб келавердим! Тўқсон тийинлик юрибман.

**В а н я.** Севк!.. Тентак... Ахир нима қилиб қўйдинг?

**С е в а.** Ҳеч нарса! Биласанми, мен нималарни ўйладим! Қўявер улар саёҳатда юришаверсин, бизни нима деб ўйлашса ўйлашаверсин! Бир кунмас-бир кун улар биз қилган яхшиликни билиб олишади! Бир кунмас-бир кун походеинг қолдирилмаганига кимлар сабабчи эканликларини эшитишади!

**В а н я.** Демак ҳамма болалар походега жўнашди, биз бўлсак мана бу чурвақаларни боқиб ўтирар эканмиз-да!

**С е в а.** Нима бўлибди! Боқсак боқаверамиз-да! Бушнинг эвазига бир кун келиб ҳамма биздан миннатдор бўлади, биласанми!

**В а н я** *(аччиғи чиқади)*. «Биласанми!» «Биласанми!» ахир сен буларни қанақаллигини биласанми? *(Боши билан ишора қилиб ичкари хонани кўрсатади)*. Мен улар билан ҳаммаси бўлиб йигирма минут шуғулландим, бошим говлаб кетди.

*Сева билан Ваня гаплашаётган пайтда Павлик билан Даша чинни ҳайкалчани кўрсатиб шивирлашишади. Мана, Павлик уни қўлига олиб батареяни олдига келади.*

**П а в л и к.** Энэ-бэнэ-карабас! *(Ҳайкалчани синдиради.)*

*Ваня югуриб ичкарига киради, унинг кетидан Сева.*

**В а н я.** Кўрдингми! Нима деган эдим сенга! Иккинчи скульптура-ни синдиришди! *(Болаларга)*. Сиз нима қилиясиз ўзн. Нима қилиб қўйдиларинг. Калла деган нарса борми сенларда!

**П а в л и к** *(бақиради)*. Бу ердан йўқолинглар! *(Ваняга қараб сопол парчасини отади)*.

**В а н я** *(Севага)*. Ана! Кўряпсанми?

**Д а ш а.** Йўқол, бу ердан! Кет бу ердан! Кет деяпман! *(Сопол парчаси билан Севани туширади)*.

**Ваня.** Қалай, бошлаб жазангни бердими?

*Кичкинтойлар «тарбиячи»ларига сопол парчаларини ёғдира бошлайдилар.*

**С е в а** *(ўзини четга олади)*. Иван!

**В а н я** *(ўзини четга олади)*. Мана сенга! Энди ўзинг, мураббийлик қилавер!

**С е в а** *(ўзини четга олиб)*. Уларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Дарҳол тартиб ўрнатиш керак!

**В а н я** *(ўзини четга олади)*. Марҳамат, тартибга чақиравер!

С е в а. Кел, энг оғир жазони қўллаб кўрамиз! Камарни еч!

В а н я. Камар! Жуда соз!

С е в а. Агар биз, тезда тартиб ўрнатмасак...

В а н я. Гапинг тўғри. Акс ҳолда улар бизнинг елкамизга миниб олишади. (*Қўли билан елкасини кўрсатади. У шошмасдан белидаги камарни бўшата бошлайди. Кичкинтойлар бир нарсадан чўчигандай, сопол отишмай, бақрайиб қолишади*). Биз ҳозир сизларга кўрсатиб қўямиз. Бир дақиқадаёқ мулла бўлиб қоласизлар! (*Павликка*) Қани, бу ёққа кел-чи!

*Павлик қимир этмайди.*

Нега бизга ўхшаб жим турибсан? Қани тезроқ, кел, бу ерга!

С е в а. Улар билан адий-бадий этиб ўтирасанми!

В а н я (*Павликка яқинлашиб, қўлидаги камар билан секингина орқасига уради*). Мана, сенга!

П а в л и к (*полга ўтириб олади, бор кучи билан додлайди*). О-й-и!

Ой-и! (*Оёқлари билан полни депсинади*).

Д а ш а (*додлайди*). Войдод, ойи! Войдод, ойи! Войдод, ойи!

*Ваня саросимага тушиб, болаларни олдидан четланади.*

П а в л и к (*оёқларини депсинганича бақираверади*). Оғриди. Оғри-япти! Войдод, оғрияпти! Вой, вой, вой, оғрияпти!

*Қоровул пайдо бўлади.*

Қ о р о в у л. Ҳой! Тарбиячилар, қаёқдасанлар! Нима бало бўляпти ўзи, бу ерда?

*Кичкинтойлар ҳамон бақириб уйни бошларига кўтаришади.*

В а н я. Улар қулоқ солмаяпти!

Қ о р о в у л (*Ванянинг қўлидаги камарга қарайди*). Нима қилганинг бу? Нима уларни камар билан урмоқчимисан? Яна тарбиячи эмиш.

С е в а. Биласизми, улар ҳаддан ошаяпти.

Қ о р о в у л. Ҳали улар кичкина, ақллари ҳам йўқ. Уларни уриб бўлмайди, яхши гапириш, алдаш керак! Ҳали шошмай турларинг, кичкина болаларни уришни сенларга кўрсатиб қўяман. (*Кетади*).

*Икки оғайни яна ичкари хонага киришади.*

*Павлик полда ўтирган еридан болаларга қараб ҳайкал синигини отади.*

Кетинглар бу ердан!

С е в а. Билганингларни қилиб, ўтираверинглар! Энди биз сизлар билан гаплашиб ҳам ўлтирмаймиз. Кетдик, Иван!

*Оғайнилар ошхонага чиқишади.*

**Д а ш а** (*бақиради*). Биз ҳам гаплашмаймиз! Биз ҳам сизлар билан гаплашмаймиз!

**П а в л и к**. Биз сизга уриш қанақа бўлишини кўрсатиб қўямиз ҳали! (*Эшикка келади-да, уни орқасидан занжирлаб олади*). Энди сизларни хонага киритмаймиз.

*Ошхонага чиққач, Ваня чарчаб стулга ўтиради. Сева эса, қовоқ-лари осилиб у ёқдан-бу ёққа юради.*

**С е в а**. Ҳа-а! Бизникилар шу пайт маъза қилиб, қайиқларда сузиб кетишаётгандир. Уларнинг бу походи бизга нақадар оғир тушганини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаётгандир!

*Пауза.*

**В а н я**. Қорин очди. Магазинга бориб келиш керак. Бирор нарса келтирайлик.

**С е в а**. Эҳтимол шу ердан бирор нарса топилиб қолар. (*Ошхона тинтий бошлашади. Қичкинтойлар эса, стол устига чиқиб, китобларни олишади ва каравотга чўзилганларича, унинг су-ратларини томоша қилишади*).

**Б у е р д а** нон, мой ва тухумдан бошқа ҳеч нарса йўқ экан. Бўлмаса, қуймоқ пиширамиз.

**В а н я** (*афтини бужмайтиради*). Қуймоқ бўлса қўймоқ-да. (*Кон-форкага олов ёқади, унга товани қўяди*.)

**С е в а** (*пичоқни тухумга санчийди. Уни оқи ва сариғи шалп этиб ботинкасига тушади*.) Вой! Бўлмади! (*Иккинчи тухумни синдиради, яна полга тушади*). Туф-э! Шу ҳам иш бўлибди-ю!

**В а н я**. Э, қойил-е! Тованинг устида синдир-да!

*Товадан тутун кўтарилади. Сева тухум синдиради, лекин у яна тирсагигача оқиб тушади.*

**С е в а**. Мана бўлмаса! (*Билагидагини ҳам сидириб товага солади. Жиз-биз сачрайди. Сева плитадан узоқлашади*).

**В а н я**. Қани, менга бер! (*Севадан пичоқни олади, това устида тухум чақиб, товага ташлайди, эҳтиёт бўлиб ҳар сафар ўзини четга тортади*).

**С е в а**. Етар, ёғ солншни унутибмиз-ку! (*Ёғ солади, гув этиб ёнади*).

**В а н я**. Тез сув.

*Сева водопровод жўмрагини очиб бош бармоғи билан сув йўлини тўсади. Сув олдин Ваняга сачрайди, кейин товага қуйилади. Боли-лар бир зум товага тикилиб турадилар. Ундан яна ҳам қуюқроқ тутун кўтарилади.*

**С е в а**. Тайёр, марҳамат.

**В а н я** (*газни ўчиради, бир нарча тухумни вилкага илиб олиб, уни кўздан кечиради*). Тайёр!

*Сева ичкари хонани эшигини тортиб кўради. У занжирлаб қўйилган.*

С е в а. Ҳой тирранчалар, қани тушликка чиқинглар!

П а в л и к (*китобдан кўз узади-да, эшикка қарайди*). Кетинглар, бу ердан!

С е в а (*секин Ваняга*). Хўш, бу қилиқлари ёқадими сенга?

В а н я (*ёпиқ эшикни тартади*). Эшитяпсанларми, чиқларинг, бу ёққа!

П а в л и к (*додлайди*). О-й-и!

Д а ш а (*додлайди*). Вой, оғрияпти! Войдод оғрияпти! Вой, оғрияпти!

В а н я (*Севага, хуноб бўлиб*). Уларни нима қилиш керак! Айт, нима қиламиз?

С е в а (*бепарво*). Нима қилардик? Бирор йўлини топишга уриниб кўриш керак.

В а н я. Яна қанақа йўл бўлиши мумкин?

С е в а. Олдин: педагогикага доир.

*Ваня ҳеч нарсага тушунмай Севага қарайди.*

Бордию сени Галина Васильевна дўппосласа, сен нима қилган бўлардинг?

В а н я. Ҳа, мен.. Мен у ҳолда...

С е в а. Мана шунақа! Улар ҳам бунақанги муомалага ўрганишмаган. Шу туфайли жаҳллари чиқди.

В а н я. Энди нима қилиш керак?

С е в а. Демак, кечиришларини илтимос қиламиз.

В а н я. Ким?

С е в а. Албатта сен-да! Уларни камар билан дўппослаган ҳам ўзинг-да.

В а н я (*«Севага қўлини мушт қилиб*). Мана! Кўрддингми!

С е в а (*жаҳл билан*). Эсинг жойидами, ҳази тиз чўкиб ялин ҳам дерсан! (*Калит тушириладиган тўйнуқка эгилади*). Болалар! Менга қаранглар: Ваня ўз қилган хатосини тушунди. Сиздан кечирим сўраяпти. (*Ваняга, секин*). Айт.

В а н я (*олдин мушт кўрсатиб, пўписа қилади-да, кейин эшик тирқишига энгашади*). Болалар! Биласизми, анави... мен айбонга иқдор бўлдим. Яъни бу... кечиринглар мен...

П а в л и к. Кечирмаймиз.

С е в а (*секингина ўргатади*). Энди бошқа қилмайман.

В а н я (*зўр-базўр*). Болалар, мен бу... мен энди қилмайман...

Д а ш а. Қилмасанг қилма, бари бир биз энди чикмаймиз!

С е в а (*секин*). Ўйлаб топдим! (*Овозини борича*). Чиқмасангиз чиқмай қўя қолинг! Тўғрими, Ваня? Улар уйга қамалиб ўтира-веришсин, ўзимиз бу ерда роса ўйнаймиз, қўшиқ айтамиз! (*Ваняга, секин*). Қани қўшиқ айт!

В а н я (*секин*). Нимани айтай?

Сева. Бирор болалар қўшиғини-да!

Ваня. Қайси бирини?

Сева. Кела қол мана бунисини... ҳа нима эди? «Улоқча» (*Майна-бозлик билан айта бошлайди*).

Бир бувида бўлган экан кул ранг улоқ,

Мана бундай, мана бундай, кул ранг улоқ!

(*Ваняга секин.*) Эшитаяпсанми, тентак, айта қол! Уч-тўрт! Ванянинг қўлидан ушлаб олади, иккаларини ҳам қовоғи солиқ. Ошхонани айланиб, тапиллаб юриб ашула айтишади.

Сева, Ваня (*қўшиқ айтишади*).

Улоқчани буви жуда севар эди,

Мана бундай, мана бундай, севар эди.

Даша. Қап-катта бўла туриб, аҳмоқ эканлар-а! (*Эски журнални олиб Павликка кўрсатади.*) Қара, самолёт!

Павлик. Бу «ИЛ-14».

Сева, Ваня (*овозлари борица.*)

Ўрмон аро бўлди улоқ ўйнамоқчи,

Мана бундай, мана бундай, ўйнамоқчи.

Павлик (*эшикка қараб аланглаб*). Бунақа қўшиқ бизда фақат болалар богчасида айтилади.

Даша. Ушандаям кичкинтойлар группасида. Мана яна бошқа самолёт!

Ваня, Сева (*қўшиқ айтишади*).

Аммо унга дуч келишди кўк бўрилар,

Мана бундай, мана бундай кўк бўрилар.

Павлик. Эси йўқларга қара! (*Журнал варақлайди.*) Буниси эса «ДНТ-10».

Ваня (*секин*). Томоғим хириллаб қолди.

Сева (*секин*). Айтавер! Оз қолди!

Ваня, Сева (*қўшиқ айтишади*).

Бувига-чи, қолди фақат шох ва туёқ

Мана бундай, мана бундай...

*Қоровул ва мухбир пайдо бўлишади.*

Мухбир. Салом, ўртоқлар! Мени танияпсизларми?

*Шошиб қолган болалар жим бўлиб қолишади. Бу овозни эшитиб Даша билан Павлик ошхонага чиқишади.*

Қоровул (*Ваня билан Севага қараб*). Ўртоқ мухбир, уйимиз ёнидан ўтиб кетаётиб мендан: «Галина Васильевнанинг уйида ким шовқин солаяпти? Ахир у уйида эмас... у походга кетган-ку» деб сўраб қолди. «Булар, дейман Галина Васильевнанинг пионерлари, кичкинтойларга қараб туришибди». Нима қилай, ҳаммасини гапирдим қўйдим.

Мухбир (*блокнотини олади*). Шундай қилиб, поход қолдирилмасин деб оталиққа олдик денг?

В а н я. Анави.

М у х б и р. Жуда соз! Қани тезгина исм ва фамилиянгизни айтиб юборинг-чи.

*Болалар жим.*

Қани, айта қолинг. Тортинишнинг ҳожати йўқ!

С е в а (*Ваняга ишора қилиб*). У — Петров.

М у х б и р (*блокнотига ёзади*). Хўш! Исми?

С е в а. Анави... нимади?.. Федя.

М у х б и р. Сенинг фамилиянг-чи?

С е в а. Сидоров Леонид.

М у х б и р. Жуда соз! Тезда етиб бораман! Яхши қолинг болалар! Эшиттиришимизни бугун соат ўн саккизда тинглашингиз мумкин.

*Мухбир билан қоровул чиқиб кетишади.*

С е в а (*уларнинг кетидан бақиради*). Уртоқ! Уртоқ мухбир! Бизни эшиттиришга қўйманг! Биз сиздан илтимос қиламиз!..

М у х б и р (*саҳнанинг орқасидан*). Ҳа жуда камтар экансизлар!

С е в а. Шарманда бўлдик! Бизнинг болалар албатта радио тинглашади.

В а н я. Сен нега Сидоров ва Петров деб қўйдинг! Ахир Козлов ва Панкратов деганингда яхши бўларди-ку!

С е в а. Раҳмат! Бувиларимиз билиб қолиб югуриб келишсин демокчимисан!

*Пауза*

В а н я. Севк!.. Энди нима бўлади ўзи?

С е в а (*ўйлайди*). Биласанми? Мабодо биз оталиқни яхши бажар-сак ёмон бўлмайди. Ғолиблар суд қилинмайди.

Д а ш а. Бизнинг қорнимиз очди.

С е в а (*чеҳраси очилади*). Бу бошқа гап! Қани, стол ёнига ўтиринглар! Иван, қани сен дастурхонни безат.

*Болалар ярим куйган қуймоқларни тақсимчаларга бўлиб ўзлари ҳам стол атрофига ўтирадилар.*

Д а ш а (*қуймоқни ҳидлаб кўради*). Хоҳламайман. Ундан ёмон ҳид келаяпти.

П а в л и к. Мен ҳам емайман.

*Тарбиячилар хуноб бўлиб бир-бирларига қарайдилар. Сева кутилмаганда қуймоқни каплаб ура бошлайди.*

С е в а. Емасаларинг емаларинг! Қуймоқни ўзимиз маза қилиб еймиз! Бундай мазали қуймоқни сира емаганман! (*Ваняга пичирлайди*). Нега бақираяпсан-а, бир ўзим ёрилиб ўлайми-а!

**Ваня** (*кўнгли тортмасдан қуймоқни ейди*). Қўлингизни қуйдириб олманг. (*Кичкинтойларга*). Олинглар! Ширин-ку!

**Даша**. Э... э одам нима бўлса еяверадими, ўзларингга сийлов. (*Тарбиячиларнинг шу қадар ғазаблари қайнаган эдики, иложи бўлса тарбияланувчиларни ҳозироқ ғажиб ташлашга тайёр эдилар*).

**Сева** (*ўзини босиб олади*). Майли! Нон билан сут ея қолинглар! (*Стаканларга сут солади*).

**Павлик** (*сут ичади*). Тушликдан кейин биз сайрга чиқамиз.

**Ваня**. Бу қанақаси! (*Севага*). Бувимизнинг қўлига тушайликми!

**Даша**. Йўқ, ҳаво оламиз! Ҳаво олмаган болани ранги чиқмайди.

**Павлик**. Агар кўчага чиқармасанглар додлаймиз.

- *Сева ва Ваня бир-бирларига қараб олишади.*

**Сева** (*Ваняга*). Бизга нима! (*Кичкинтойларга*). Бўлганича бўлмайдами! Сутни ичинглар-чи, кейин кўрамиз!

*Кичкинтойлар сутни тезгина ичишади ва эшикка қараб туришади.*

**Даша** (*Сева билан Ваняга*). Велосипедларни олинглар! Биз велосипедларда сайр қиламиз!

*Ваня афтини бузмайтириб велосипедларни олади. Сева қозикдаги осиглиқ калитни олади. Ҳаммалари зинапоёга чиқишади. Ваня билан Даша биринчи бўлиб тушиша бошлашади. Сева билан Павлик орқада қолади.*

**Сева**. Шошмай тур! Калит шу эшикникимикин!? (*Текириб кўради*). Шу эшикники.

*Павлик қўшни хонанинг қўнғироғини чалиб қочади. Бу воқеани кўрган Сева жойидан қўзғалолмай туради. Эшик очилиб ичкаридан қовоғини солиб қўшни хотин чиқади.*

**Сева**. Салом! Сизда... Сизда... темир-терсак борми? (*Қўшни хотин эшикни ёпади. Сева чуқур нафас олади, енгил тортиб пастга тушади. Шу пайт яна эшик очилади*).

**Қўшни хотин** (*қовоғи солиқ*). Ма, ол!

*Сева иккиланганича орқасига қайтиб бориб унинг қўлидаги жомашовни олади.*

**Сева** (*тортиниб*). Раҳмат.

*Эшик яна ёпилади. Сева кутилмаган бу совғани қайқа ташлашни билмайди. Шу пайт кулиб Павлик пайдо бўлади.*

**Павлик**. Мана бу қойил! Сева! Бу ёққа бер! (*Жомашовни олиб тарақа-туруқ қилганича пастга тушиб кетади*).

# УЧИНЧИ ПАРДА

## ЕТТИНЧИ КҰРИНИШ

*Шаҳар марказий истироҳат боғи. Қўл ёнидаги майдонча. Бу ердаги скамейкада энага ўлтирибди. Унинг ёнида турган аравачада чақалоқ бола ётибди. Пенсионерлар шахмат ўйнашмоқда. Шу ерда журнал ва брошюра киоскани ҳам бор.*

*Саҳна ортидан шовқин эшитилади. Сева, Ваня, Павлик ва Даша пайдо бўладилар. Сева бир велосипедни, Ваня иккинчисини олиб келаяпти. Павлик билан Даша қўлларидаги ёғоч билан жомашовни ногора қилиб чалиб келишади. Шахматчилар безовталаниб уларга қарайдилар.*

**Шахматчилар.** Ўйигитчалар, булар сизга қарашлими?  
**Сева.** Ҳа.

*Кичкинтойлар жомашовни ногора қилиб чалишиб майдоннинг у ёғидан бу ёғига юрадилар.*

**Шахматчи.** Сиз уларни тинчитсангиз яхши бўларди. Бу ерга одамлар бунақанги концертларни кўргани эмас, дам олгани келишади.

**Эпага.** Бу ерда чақалоқлар ухлашяпти, улар бўлса... (*Чақалоқни тебратади*). Уни уйғотиб юбордиларинг, энди қандай қилиб тинчитаман.

**Ваня** (*жаҳл билан бориб жомашовни тортиб олади*). Бўлди! Бу ёққа берларинг!

**Павлик** (*жомашовга ёпишади*). Қўйиб юбор! Биз оркестр ўйнаймиз! Ойи! О-йи!

**Даша** (*додлайди*). Вой-дод. Оғрияпти! Вой оғрияпти!

**Овозлар.** Бўлди-да, бас қилинг, тинчлатинг уларни!

— Ҳа, бўлмаса бошқа ёққа йўқолишсин!

— Кап-катта болалар-у, мана шу зумрашаларга кучлари етмаяпти!

**Сева** (*кичкинтойларга*). Қулоқ солларинг! Оркестр ўйнаб нима қиласизлар! Буни нимаси қизиқ. (*Киоскани кўрсатади*). Биласизми, нима? Хоҳласангиз китоб сотиб олиб берамиз? Қани бу ёққа келинглар, қизиқ китоблар бор экан!

*Кичкинтойлар жомашовни ташлашади. Тўртталалари киоска ёнига келишади.*

**Ваня** (*витринадан китоб олади*). Қаранг-а, қандай қизиқ! «Мишка деган айиқ ва Иришка деган қиз тўғрисида».

**Павлик.** «Огонёк» сотиб ола қол.

**Сева.** Сизлар «Огонёк»ка тушунмайсизлар. «Огонёк» катталарнинг журнали.

**Павлик.** Биз Мишка ҳақидаги китобни хоҳламаймиз.



Д а ш а. Нима биз кичкинаизми?

С е в а. Хўп майли! Сизга «Огонёк»ни олиб берамиз.

В а н я (кичкинтоёларга журнални беради). Мана олинглар! (Сотувчига пул тўлайди).

*Кичкинтоёлар журнални варақлаб фотосуратларни кўрадилар.*

С е в а (витринадан брошюра олади). Қара, Иван! (Ўқийди). «Қуйи синф ўқувчиларини оилада тарбиялаш» Оламинизми, а?

В а н я. Қерак бўлади, демоқчимисан?

С е в а. Ҳа-да! Эҳтимол, фойдали гап чиқиб қолар.

В а н я (ноҳуш). Галина Васильевна аллақачонлар ўнлаб бунақанги китобларни ўқиб ташлагандир.

С е в а. Нима бўлибди?

В а н я. Нега бўлмасин! Биз унинг гапларига қулоқ соламиниз-ку?

С е в а (ўйлаб туриб). Ким билади дейсан!.. Эҳтимол бизнинг ҳам камчилигимиз бордир.

В а н я (кичкинтоёларга ишора қилиб). Нима, мана бу чурвақаларни камчилиги йўқми?

С е в а. Эҳтимол, шундай бўлиши мумкин, лекин уларнинг тарбиясига ҳеч ким қизиқмаётгандир. Иван, кел, ола қолайлик. Уи беш тийин экан, тўлай қол!

*Ваня пул тўлайди. Кичкинтоёлар журнални варақлайдилар.*

П а в л и к (Павлик бўғинларга ажратиб ўқийди). Қойил! Чакалакзорлардан тўппа-тўгри ўтиб кетяпти-я!

Д а ш а. Қара! Бунга қара! Дарёлардан ҳам ўтиб кетяпти!

П а в л и к. Қойил! Биттаси йиқилиб тушибди!

С е в а. Шундай! Мотокросс бўлганидан кейин ҳеч қанақа йўлга қарамайди-да. Тоғ борми, зовур борми, анҳор борми ҳаммасидан ўтавериши керак! (Ваняга, секин). Бопладимми?

В а н я (секингина). Ҳа.

П а в л и к. Даши!.. Кел биз ҳам мотокросс ўйнаймиз!

Д а ш а. Бўпти!

С е в а (суюнади). Мана бу ишингиз яхши! Қани, велосипедларингизга миниб, ўйнайверинглар!

В а н я. Жуда тўғри! Тунука жомашовни чалишдан нима фойда! Бу ўйин ҳар ҳолда... нима десак бўлади! Физкультура ва спорт! Бир сўз билан айтганда жисмоний тарбия!

*Кичкинтоёлар велосипедларига минишади.*

П а в л и к. Кетдик! Р-р-р-р! Кетдик! Р-р-р-р!

*Павлик ва Даша велосипедларини ҳайдаб кетишади.*

В а н я (енгил тортади). Кун бўйи энди дам оладиган бўлдик!

С е в а. Юр ўриндиққа, китоб ўқиймиз!

*Газета ўқинишга берилиб кетган чолнинг ёнига бориб, скамейкага ўлтиришади. Сева брошюрани варақлайди.*

**Сева.** Мана, қулоқ сол. «Дам олишни ташкил этиш». Бу биз учун жуда мос экан. (Бармоқларини текст бўйлаб юргизади ва ўқийди). «Тарбиячилар болаларнинг дам олишларини ҳар доим кўнгилли ва қизиқарли ўтишига ҳаракат қилишлари лозим». Бу тўғри албатта! Мана биз улар учун мотокроссини ўйлаб топдик, энди ҳаммаси жойида бўлаяпти! (Яна ўқийди.) «Болаларни ўзларига бирор мураккаб бўлмаган ўйинчоқ ясаб олишга одатлантирмоқ керак. Аввал буни улар катталарнинг кўмагида кейинчалик эса ўзлари мустақил бажаришлари лозим».

*Анфиса Петровна ва Надежда Леонидовна пайдо бўлади. Улар ясашиб-тусаниб олишган. Қўлларида қоғоз стаканли мороженое. Улар набираларини бу ерда эканлигини пайқамай чолнинг нариги томонига келиб ўлтиришади.*

**Ваня** (паст овозда). Биласанми нима? Биз қиладиган ишимизни тахсимлаб олишимиз керак. Бир кун сен, бир кун мен бошлиқ бўламиз.

**Сева.** Бу гап тўғри.

**Ваня.** Мана бугун: мен хўжайин бўламан, сен бўлсанг...

**Анфиса Петровна.** Леонидовна, кино бошланишига қанча қолди?

*Сева билан Ваня аланглашиб атрофга қарашадию бир дақиқа қотиб қолишади. Сўнгра иккаласи ҳам скамейкадан сидирилиб тушиб унинг орқасига яширинишади.*

**Надежда Леонидовна** (соатига қарайди). Ўн беш минут қолибди, Анфиса Петровна энди бораверсак ҳам бўлади.

*Бувилар бир неча дақиқа жим қолишади. Тамшаниб мороженое ейишади.*

**Анфиса Петровна.** Болаларимиз походларни қандай ўтаётганлиги тўғрисида бизга хат ёзишни эслашармикин?

**Надежда Леонидовна.** Эртага мактабга бориб сўраб кўрамиз. Мактаб алоқа қилиб турса керак деб ўйлайман.

*Пауза.*

**Анфиса Петровна.** Леонидовна, биз бу ерда бекорга ялпайиб ўтирибмиз-да. Шошилиб юргандан кўра аста борган яхши.

**Надежда Леонидовна.** Кетдик, бўлмаса, Анфиса Петровна. (Кампирлар ўринларидан туриб йўлга тушишади. Болалар эса скамейканинг орқасидан чиқиб қараб қолишади).

Сева (нафас қайтаради). Фу-у!

Ваня. Наҳотки! (Кампирларнинг орқасидан қараб қолади).

Севк... Улар қандайдир бошқача бўлиб қолишибди. Назарим-да худди ёшаришгандай!

Сева (хўрсинади). Бизсиз ёшаришади-да.

Ваня (бир оз жим туради). Мана бизга қара, худди қариб қолганга ўхшаймиз.

Сева. Бу ерда албатта қарийсан-да!

Велосипед минган кичкинтойлар пайдо бўлишади. Улар бошдан-оёқ лойга ботишган, кийимлари йиртилиб кетган.

Павлик, Даша (бараварига). Сева! Ваня!

Улар болаларнинг олдига келиб велосипедларидан сакраб тушишади. Тарбиячилар уларни афт-башарасига қараб, турган жойларида қотиб қолишади.

Павлик (қувониб). Қойил! Мотокросс ўйнадик!

Даша (қувониб). Биз тўппа-тўғри чакалакзордан ўтдик. Қаранглар, қаранглар! Қофточкамни ҳамма ёғи йиртилиб кетди.

Павлик. Ундан кейин биз тўппа-тўғри зовурга... Пақ этиб балчиққа ботиб қолишимизга оз қолди.

Ваня (титраб). Э эси паст!

Сева (ранги оқаради). Бўлди! Дам олиш ҳам тугади!

Даша. Сева, биз уйга кетамиз! Яна қорнимиз очди, овқат егимиз келаяпти.

Павлик. Сева, биласанми, мен нимани хоҳлаяпман? (Севанинг қулоғига пичирлайди).

Сева. Уйгача чидайсан, қани юринглар!

Павлик. Йўқ, чидай олмайман! Йўқ, чидай олмайман!

Сева (жаҳли чиқади.) Бора қол ҳўв анави бутазорга!

Павлик югуриб бутазорга киради. Тарбиячилар бир неча дақиқа жим туришади.

Ваня (тушкунликда). Севк! Энди... энди булар билан нима қиламиз?

Сева (жиддий). Нима қилар эдик, чидаймиз-да!

Тақир-туқур эшитилади. Тунука жомашовни ёғоч билан ногора қилиб бутазордан Павлик чиқиб келади.

Павлик. Даша! Қара, мен нима топиб олдим!

Даша (қувонади). Жомашов! Ўзимизнинг жомашов! (қўлига ёғоч олиб акасининг ёнига чопади).

Жомашовни ногора қилиб кичкинтойлар чиқиб кетишади.

Уларнинг велосипедларини етаклаб тарбиячилар ҳам кетишади!

## САККИЗИНЧИ КҰРИНИШ

*Сув омбори қирғоғидаги палаткалардан иборат лагерь. Гулхан ёқилган. Гулхан ёнида Кукушкин ўз радиоприёмниги билан ўлтирибди. Люся ва яна бир неча болалар ҳам бор. Приёмникдан дикторнинг овози янграйди. Атроф ғала-ғовур бўлгани учун ҳеч нарса эшитилмайди.*

Люся. Вой, қизлар бу ёққа!

Кукушкин. Галина Васильевна, тезроқ! Эшиттиришдан кечикиб қоласиз!

Овозлар. Бу ёққа.

— Ҳамма бу ёққа

— Лида гапиради ҳозир!

*Ҳамма ёқдан болалар югуриб келишади. Галина Васильевна, Сеня, Лидалар ҳам югуриб келишади.*

Овозлар. Нима бўлди?

— Нимага бақиряписизлар?

*Ҳамма жим бўлади. Энди дикторнинг гапи тиниқ эшитила бошлайди.*

Мухбирнинг овози. Шундай қилиб, Лида, марҳамат, радиотингловчиларга походеингизнинг мақсади тўғрисида гапириб бер.

Лиданинг овози. Походимиздан мақсад — сув омбори қирғоқларнда ўсадиган ўсимликлар дунёсини ўрганиш, шунингдек, бу ерлардаги қундузни парвариш қилиш учун биринчи ғалда шароитни аниқлашимиз керак.

Люся (*қувончи ичига сиғмайди*). Вой, қизлар!

Толя. Жим бўл!

Мухбирнинг овози. Шундай қилиб! Энди, Лида, сен радиотингловчиларга қундуз қандай ҳайвон эканлигини ҳикоя қилиб бер.

Лиданинг овози. Қундуз — бу сув сичқони. Унинг мўйнаси қимматбаҳо. Бордию биз етарли озуқа борлигини аниқласак, у ҳолда бу ерларда келгусида кўплаб қундузлар боқилади.

Мухбирнинг овози. Раҳмат, Лида! Сенга ва барча болаларга радио тингловчилар номидан оқ йўл тилаймиз.

Кукушкин. Тамом!

Лида. Овозим сира ўзимникига ўхшамайди-да!

Люся. Йўқ, худди ўзингники! Тўғрими, қизлар, ўхшадими?

Кукушкин. Жим бўлинглар. Яна нимадир бордай!

Дикторнинг овози. Бу эшиттириш тайёр бўлганидан кейин, тасодифан бошқа бир нарса тўғрисида хабар топиб қолдик. Походга жўнашга жуда оз қолган бир пайтда Галина Василь-

евнанинг синглиси касал бўлиб қолди ва уни тезда касалхонага олиб кетишди.

*Ҳамма жим. Галина Васильевна приёмникка яқинроқ келади.*  
Поход раҳбарининг ўқувчилари қўлида, унинг саккиз ёшли икки жияни қолади.

Лида (секин). Нима?

Галина Васильевна. Жим! Шовқин қилма!

Дикторнинг овози. «Нима қилиш керак?» — Болалар ўйлаб қолишади. Ўқитувчи кичкинтойларни ўзи билан олиб кетишдан хавотирланади. Аммо у иштирок этмаса поход қилиши мумкин. Шундай бир пайтда пионерлардан Лёня Сидоров билан Федя Петровлар ёрдамга келишди.

Овозлар. Нима?

— Ким?

Дикторнинг овози. «Саёҳат қолдирилмаслиги керак,— дейишди улар.— Биз шаҳарда қоламиз, Галина Васильевнанинг квартирасида туриб, кичкинтойларга ўзимиз қараймиз».

Галина Васильевна. Сеня, эшитяпсанми? Вой, товба! Нималар деб довдираяпти?

Дикторнинг овози. Мухбиримиз Федя ва Лёня ҳамда уларнинг жажжи тарбияланувчилари билан учрашди. У пионерлар ўзлари зиммаларига олган мажбуриятни шараф билан бажараётганликларини кўриб, ишонч ҳосил қилди. Бу қаҳрамон болалар туфайли уларнинг ўртоқлари қизиқарли походга бориш бахтига муяссар бўлдилар. Бу жасур пионерларга муваффақият тилаймиз!

*Пионерлар марши янерайди.*

Кукушкин (приёмнигини ўчиради). Мана бунга қойил қолса арзийди!

Галина Васильевна. Очигини айтганда, мен ҳеч нарсага тушунмаяпман! Болалар, Сидоров ва Петров кимлигини балки сиз биларсиз?

Овозлар. Ҳеч қачон эшитмаганмиз!

— Эҳтимол улар олтинчи «А» дандир?

— Мен Петров деган бир болани билардим, лекин унинг исми Лёня эмас, ўзи ҳам безори эди.

Люся. Вой қизлар! Улар ўғри бўлишса-я! Улар Галина Васильевнанинг уйига тарбиячи ниқобида кириб олишиб... кейин бутун уйни уриб кетишса, нима бўлади!

*Ҳамма жим бўлиб қолади.*

Сеня. Галина Васильевна, мен сизга шуни маслаҳат берардим. Галина Васильевна сиз кетишингиз керак.

*Галина Васильевна жим туради.*

**Қайиқчага** ўтиринг-да, жўнайверинг! Агарда тонг қоронғисида йўлга тушсангиз, эрталаб шаҳарга етиб борасиз. Жуда бўлмаганда кичкинтойларни ўзингиз билан олиб келасиз.

**Лид а.** Галина Васильевна! Мен ҳамманинг номидан... Бирор кимса ҳам рухсатсиз чўмилмайди, ҳеч ким дарахтга чиқмайди. Биз сизга чин пионерлик сўзини берамиз! Тўғрими, болалар?

**Овозлар.** Тўғри!

– Ҳақиқий пионерлик сўзи!

– Галина Васильевна, албатта боришингиз керак.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

*Қош қорайган. Галина Васильевна квартираси. Уйда тоза кийимларини кийиб олган кичкинтойлар Сева жомашовдан ясаб берган кораблни ўйнаб ўтиришибди. Мачта ўрнига пол ювадиган шчётка ўрнатилган. Мачтага картондан қирқиб ясалган штурвал ёпиштирилган, ундан тўрт тарафга боғич иплар тортиб қўйилибди. Гир айлана картондан ясалган қутқариш доиралари қўйиб чиқилган. Сева ҳорғин ҳолда, мачтанинг энг тепасига қизил лента боғлаяпти. Чарчаган Ваня эса, болаларнинг ифлос эғни-бошини ювиб ошхонага тортилган арқонга ёймоқда.*

**Сева.** Мана, байроқ ҳам ўрнатилди! Готабль коров!

**Даша.** «Готабль коров» деганинг нима ўзи?

**Сева.** Мен — корабль тайёр демоқчи эдим. Ўйнайверинглар энди.

**Даша.** Эртага паркка ўйнаганимиз борганимизда, уни ҳам олиб кетамиз-а.

**Павлик.** Албатта-да! Қўлда сайр қила қолинглар. Ўйнайверинглар эди.

*Оёғини зўр-базўр судраб эшик томон юради.*

**Даша.** Нима дединг?

**Сева.** Энди, ўйнайверинглар, деяман! (Ошхонага чиқади).

*Кичкинтойлар эснашади, қўллари билан кўзларини ишқалашади. Кейин бирин-кетин каравотга чиқиб ётишади.*

**Ваня** (кир тоғарадан Дашанинг кофточкасини олади-да, уни силкир экан). Сев!.. Қандайдир кўк тегибди, ювгап билан кетмаяпти.

**Сева** (столга яқин ўтиради, бурни билан нафас олади). У майсага думалаган. Уни ювган билан кетмайди.

**Ваня.** Энди химчисткага топшириш керак.

*Сева калласини қуйи солиб жим ўтиради.*

**Севк!..**

**Сева.** Нима?

В а н я. Нима бўлди? Шалпайиб қолибсан.

С е в а. Қани шалпаймай ҳам кўр-чи! Уч соат... меҳнат тарбияси...  
Уф!

В а н я (*ўриндиққа чиқиб, зўр-бизўр кофточкани арқонга ёяди*).  
Севк!..

С е в а (*мудрайди*). Нима?

В а н я. Майлими, қолганини эртага юварман. Оёғимда мадор  
қолмади.

С е в а (*уйқу қисиб*). Эртага бўлса эртага-да!

В а н я. Бор, уларни ётқиз. Мен ўзимга ўрин соламан.

С е в а (*эшик ёнида ўрмалашади, ичкарига қарайди*). Улар тайёр  
бўлишибди, ухлашибди.

В а н я (*ичкарига қарайди*). Уйготма уларни! Қийимларида ух-  
лайверишсин. Фақат, устиларига бирор нарса ташлаб қўя қол.

*Сева шкафдан хотинларнинг пальтосини олиб, уларни устига ёпиб  
қўяди. Ваня дазмол қиладиган тахтани олиб, бир учини стол  
устига, иккинчи томонини газ плитаси устига қўяди. Сева ичкари  
хона чироғини ўчириб, ошхонага чиқади.*

Сен қаерда ётасан?

С е в а. Менга бари бир. Тахта устида бўлса ҳам майли.

*Ваня чироғни ўчиради. Сева тахта устига чиқади. Ваня стол усти-  
га думалайди. Бир неча дақиқа ҳар иккалари ҳам жим ёти-  
шади.*

В а н я. Севк!..

С е в а. Ҳа!

В а н я. Эҳтимол, Галина Васильевна бояги эшиттиришни тинг-  
ламагандир?

С е в а (*уйқу аралаш*). Тинглаган бўлиши керак.

*Пауза*

В а н я. Севк!.. Тўғрими, Севк!..

С е в а. Нима бўлибди?

В а н я. У эртагаёқ етиб келади деб ўйлаяпсанми?

С е в а. Қараб тур, албатта, етиб келади.

*Яна пауза.*

В а н я. Севк!.. Эртага вақтлироқ туриш керак. Мен кир кийимлар-  
ни юваман, сен уйларни ярқиллатиб чиқасан. Гард қолдир-  
майсан. Хўпми, Севка?

*Севка хуррак ота бошлайди.*

Ҳа, майли, ухлайвер. Ўзинг ҳам роса чарчадинг!

*Тонг. Қуёш нури кичкинтойларнинг юзига тушади. Павлик уйғона-  
ди, каравотда ўлтирганича керишади. Сўнгра кўзини йириб-йиртиб  
жомашовга қарайди.*

П а в л и к (*Дашани турткилаб*). Даша! Даш, уйғон!

*Даша уйғонади, ўлтиради.*

Даш, қара қандай катта корабль!

Д а ш а (*эснайди*). Кечқурунгига қараганда ҳам у эрталаб чиройли бўлиб қолибди.

П а в л и к. Дашка, ҳозир бориб, кўлда маза қилиб сузамиз!

*Павлик бир оз ўйлаб туриб, ўрнидан турди-да, секин юриб, ошхона эшигини эҳтиётлик билан очади ва мўралайди.*

П а в л и к. Даш!.. Улар ухлашяпти. Кел, улар уйғониб қолмасдан, чиқиб кетамиз. Маза қилиб сузамиз!

*Даша ҳам сакраб ўрнидан туради ва ошхонага мўралайди.*

Д а ш а (*пичирлайди*). Кетдик! Фақат жим-жим, жим-жим! Ака ва сингил жомашовни эҳтиёткорлик билан ошхонага олиб чиқишади ва аста кўча эшикни эчиб ташқарига чиқишади. Сўнгра ғойиб бўлишади.

С е в а (*туш кўради*). Поход қолдирилмайди!

В а н я (*туш кўради*). Химчисткага яна пул тўла!

С е в а. Лунжига сол! Оёғидан чалиб йиқит!

*Галина Васильевна пайдо бўлади. У қути ўчиб, ухлаб ётган болаларга қараб қолади.*

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Панкратов! Козлов!

*Ваня туриб, стол устига ўтиради. Сева тахта устидан думалаб тушади. Ҳар иккаласи ҳам кўзларини очиб, ҳаяжонда ўқитувчиларига қараб туриб қолишади. Узоқ пауза.*

Иўқ, бўлмаган гап. Довдираяпман, шекилли! Ҳа, айтганча... Ҳали Сидоров билан Петров сизлар эдингизми?

С е в а (*хириллаб*). Биз...

В а н я. Петров бу, мен, Сидоров... дегани... у.

*Пауза. Галина Васильевна хона бўйлаб юради.*

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Уч йилдан бери ўқитувчилик қиялпману лекин бунақангиларни кўрмагандим. Ичгани бирор нарса беринглар. Икки соат дам олмай елканни эшакласам-а... Болаларни Сеняга ишониб ташлаб...

*Сева стаканда сув келтиради. Галина Васильевна ичади, яна хона бўйлаб юради.*

Шошмай туринглар, ўзимга келиб олай. (*Тўхтайди, қўллари билан пешанасини қисади*). Ашиқроғи, ўзи нима гап бўлаяпти? Аня қаерда?

С е в а. Қасалхонада.



В а н я. Кўричак, оғриқ тутиб қопти.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Сизлар-чи, сизлар қандай қилиб, бу ерга келиб қолдингиз?

С е в а. Биз?

В а н я. Яъни... Биз тасодифан келиб қолдик.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Ҳеч нарсга ақлим етмаяпти! Бу ерга келганингизни бувиларингиз билишадими?

С е в а. Унча билишмайди.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. «Унча билишмайди» деганларинг нима-маси?

С е в а. Улар бизни сиз походга олиб кетгансиз, деб ўйлаб юришипти!

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Ҳали шундайми?

С е в а. Биласизми, Галина Васильевна, мен ҳозир, сизга ҳаммасини айтиб бераман: биз бу ерга поход маршрутини билгани келган эдик.

В а н я. Шундай. Келсак, синглингизни олиб кетишаётган экан.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Демак, сиз бу ерда қолишга рози бўлибсиз-да?

В а н я. Ҳа, ўзимизни қурбон қилишга қарор қилдик.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Нима дединг?

В а н я. Ўзимизни қурбон қилишга. Майли, болалар походга боришаверсин, биз қийналсак қийналармиз дедик.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Нима дейишни ҳам билмай қолдим! Бир томондан қараганда сизга ташаккур айтишим лозим, яна бошқа тарафдан қараганда... *(бир дақиқа жим туради)*.

Ҳа, айтганча, сизлар уларни қандай қилиб эплай олдингиз?

С е в а. Галина Васильевна, роса қийналдик.

В а н я. Кир ювиш, овқат пишириш унча қийин бўлмади-ю, лекин уларни тарбияси масаласи, бу бизни!.. *(Бошини чайқайди)*.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Улар қаерда, ичкари уйдами?

С е в а. Улар ҳалиям ухляшяпти.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а *(Галина Васильевна ичкари уйга киради)*. Уйда йўқ улар.

С е в а. Нима?..

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Уйда улар йўқ, деяпман.

С е в а. Нега, йўқ бўлишаркан?

В а н я. Мумкин эмас! Улар уйда!

*Иккалалари ҳам ичкари уйга киришади. Пауза.*

*(қўрқинч аралаш)* Севк!.. Жомашов ҳам йўқ бўлибди!

С е в а. Бўлди, тушунарли! Паркка кетишган!

*Болалар уйдан ўқдай отилиб чиқишади. Аня пайдо бўлади.*

А н я *(жилмаяди)*. Мана мен ҳам келдим. Очигини айтсам, мана бу болалар менинг жонимни суғуриб олишди. Галочка, қара, мен

қеч ҳам кўричак эмас эканман. Ўт қопим оғриган экан. Ярим литрча сув олиб ташлашди. Туппа-тузук бўлдим-қолдим.

*Галина Васильевна олазарак бўлиб Аняга қарайдию тезда уйдан чиқиб кетади.*

Ҳаммадан қизиғи, менга эрталабдан рухсат беришмади. Касалхона тартибига кўра... *(Галина Васильевнанинг чиқиб кетганини сезади-да, у ҳам ташқарига чиқади.)* Галочка, қаерга кетяпсан?.. Галя, бир минут тўхтаб тур! *(Зинапоядан настига туша бошлайди.)*

## ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

*Бизга таниш бўлган шаҳар паркиннг майдони. Ҳали одамлар йўқ. Майдондан милиционер шошмасдан йтиб бормоқда. Павлик билан Даша ўз жомашовлари билан пайдо бўлишади.*

**М и л и ц и о н е р** *(кичкинтойларга яқин келиб).* Болалар! Қаерга? **П а в л и к.** Анов ёққа!

*Милиционер тўхтаб кичкинтойлар орқасидан қараб туради. Улар кўл ёнига бориб, жомашовни сувга туширишади. Милиционер улар томон қараб юради.*

**Д а ш а.** Биринчи мен тушаман!

**П а в л и к.** Ултира қол!

**М и л и ц и о н е р** *(кичкинтойларни сувдан четлатади).* Болалар!

Болалар, қани бу ердан жўнаб қолинглар-чи!

**Д а ш а.** Биз сузишни хоҳлаймиз.

**М и л и ц и о н е р.** «Сузишни!» Шошмай турларинг сенларни, оз бўлмаганда, чўкиб кетар эдинглар!

*Жомашовга сув кириб чўқади, сув бетида фақат, байроқ билан мачта ёғочи қолади.*

**П а в л и к** *(байроққа қарайди).* У тешик экан-да.

*Кичкинтойлар кўлдан узоқлашадилар. Милиционер ҳам уларнинг кетидан кетади.*

**Милиционер.** Ҳо-о-ой! Сизларнинг уйингиз қаерда? Қани юринглар, уйларингга олиб бориб қўяман.

**Даша.** Бизнинг уйга боргимиз келмаяпти. Биз сайр қилишни истаймиз.

**Милиционер.** Ҳали, ўзларинг сайр қилишга ёшсизлар. Қани айтинглар-чи, уйингиз қаерда?

**Павлик.** Айтмаймиз.

**Милиционер.** Шошмай турларинг! Сенларни милицияга олиб кетаман!

**Павлик.** Биз милициядан қўрқмаймиз!

**Даша.** Адам, милициядан қўрқиш — бу лодонлик, деганлар.

*Милиционер кичкинтойлар билан бирга кетади. Сева билан Ваня чопганича кириб келади. Ваня кўлда сузиб юрган мачта ва байроқни кўради.*

**Ваня.** Севк!.. Ана унга қара!

*У ўзини сувга отмоқчи бўлади, лекин уни Сева ушлаб қолади.*

**Сева.** Ечин! Бўлмаса ўзинг ҳам чўкиб кетасан!

*Ҳар иккалалари ҳам шоша-пиша ечинишади. Галина Васильевна чопиб келади.*

**Галина Васильевна.** Панкратов! Қозлов!

*Болалар уни сезишмайди, сувга сакрашади. Галина Васильевна қирғоққа югуриб келади.*

**Қозлов! Панкратов!**

*Сувда болаларнинг боши кўринади. Юзларида қўрқинч.*

**Ваня.** Кўринмаяпти!

**Галина Васильевна.** Сева! Ваня!

*Болалар яна шўнғишади ва сув юзига чиқишади.*

**Сева.** Ҳеч нарса йўқ!

**Галина Васильевна** (тавишланади). **Панкратов! Қозлов!**

*Болалар яна шўнғишади. Аня пайдо бўлади.*

**Аня.** Мен ҳеч нарсага тушуна олмаяпман! Нега сен бунчалик қовлиқиб чопиб кетдинг?

**Галина Васильевна.** Вой, Аня-ей! Жим турсанг-чи!

*Сув сатҳида яна болаларнинг боши кўринади.*

**В а н я.** Ҳеч наrsa йўқ!

**Г а л и н а В а с и л ь е в н а.** Сева! Ваня!

*Болалар яна шўнғишади.*

**А н я.** Булар бизнинг уйдаги болалар эмасми. Шундайми, Галочка?

*Болалар яна пайдо бўлишади.*

**С е в а.** Ҳеч наrsa йўқ!

**Г а л и н а В а с и л ь е в н а.** Болалар гапимга қулоқ солинглар  
Панкратов, Козлов!

*Болалар яна шўнғийдилар.*

**А н я.** Қизик, Галочка, айтсанг-чи, улар нима қпдиришяпти? Нима,  
улар кўлга бирор нарсаларини тушириб юборишдими?

**Г а л и н а В а с и л ь е в н а.** Ним-а? *(воқеага тушуниб жакетини,  
оёқ кийимини еча бошлайди).*

**А н я.** Галочка, наҳотки, сен ҳам сувга тушмоқчи бўляпсанми?

*Сева билан Ваня қўрқиб нима қилишларини билмай қирғоққа  
чиқиб ўтиришади. Ўқитувчи бир оёғида ҳаккаларди: иккинчисининг  
боғичи ечилмасди. Милиционер ва кичкинтойлар пайдо бўлишади.*

**П а в л и к.** Қара! Ойим келибдилар! Ойи! Ой!.. *(Аняга қараб чопа-  
ди).*

**Д а ш а.** Галя холамлар ҳам келибдилар! Галя холамлар ҳам ке-  
либдилар! *(Павликнинг кетида у ҳам югуради).*

**В а н я, С е в а.** Улар!

*Ҳар иккаласи ҳам ҳорғин ҳолда ерга ўлтиришади, чуқур нафас  
олишади. Галина Васильевна ҳам ўлтириб қолади.*

**П а в л и к** *(ойисининг боғичидан тортқилайди).* Ойи, энди буткул  
келдингизми? Энди бормайсизми?

**А н я.** Буткул. Павлик, тортқилама, боғичини узиб юборасан!

**М и л и ц и о н е р** *(Сева ва Ваняга қараб).* Оғайнилар! Бу ер чўми-  
ладиган жой эмас! *(Болаларни таниб қолади).* Хўш, шош-  
манглар-чи! Бизлар эски танишга ўхшаяпмиз. Демак, ҳали  
ҳам олдингидай ўзгармай қолибсизлар-да! *(Галина Васильев-  
нага қараб).* Салом, ўртоқ ўқитувчи!

**Г а л и н а В а с и л ь е в н а.** Салом! Улар энди олдингидай эмас,  
улар кичкинтойларни ўлимдан сақлаб қолишмоқчи.

**М и л и ц и о н е р.** Қанақа болаларни?

**Г а л и н а В а с и л ь е в н а** *(кичкинтойларга ишора қилади).* Ма-  
на буларни!

*Милиционер ҳеч наrsaга тушунмайди, жим туради.*

А н я. Галочка, нега энди сен бундай бемаъни гапни айтаяпсан?

Павлик боғичимни қўйиб юбор.

П а в л и к. Ойп! Овқат егимиз келяпти! Ойп, юринг уйга.

А н я. Галочка, сен уйга борасанми?

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Бир дақиқага кириб чиқаман. Аня, сен кетавер.

А н я. Павлик, боғичимдан тортаверма, узиб юборасан. *(Болалар-ни олиб уйга кетади).*

*Галина Васильевна ердан туради, болалар ҳам кўтарилишади.*

Г а л и н а В а с и л ь е в н а *(ўйлаб)*. Ҳа! Бордию сизлар билан яна бир йил бирга бўлсам, албатта, жиннихонага тушаман! *(Бир зум жим туради)*. Барп бир сизлардан жуда миннатдорман.

С е в а. Галина Васильевна, арзимади.

В а н я. Арзимади. Галина Васильевна, биласизми, мен ўлсам ҳам, энди педагог бўлмайман.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Энди нима қилмоқчисизлар?

С е в а *(хомуш)*. Энди уйга кетамиз.

Г а л и н а В а с и л ь е в н а. Яна қочиб кетмайсизларми?

С е в а. Бувимизни ортиқча хафа қилишни истамаймиз.

В а н я. Албатта-да, уларнинг асабларини ҳам аяш керак.

*Анфиса Петровна билан Надежда Леонидовна пайдо бўлади. Ҳар иккаларининг қўлида ҳам ноз-неъматлар тўла сумка. Улар ўз набиралари, милиционер ва ўқитувчини кўриб ҳайрон бўлишади ва улар томон юришади.*

Г а л и н а В а с и л ь е в н а *(болаларга)*. Сизларни походдан ташлаб кетганим учун мендан жуда хафа бўлгандирсиз, шундайми?

С е в а. Галина Васильевна, нега энди хафа бўлар эканмиз!

В а н я. Биз бу ерда икки болага қараймиз деб, бўғилиб ўлишимизга оз қолди-ку! Сиз эса... Бизни ҳеч нарсага тушунмайди деб ўйлайсиз. *(Кўзи бувисига тушадию худди бир нарса тиқилгандай, оғзини очганича қотиб қолади).*

*Узоқ пауза.*

А н ф и с а П е т р о в н а *(йиғлагундай бўлиб)*. Ё худо, ё парвардигор!

Н а д е ж д а Л е о н и д о в н а *(ранги оқариб кетади)*. Салом!

Г а л и н а В а с и л ь е в н а *(бир оз жим туради)*. Салом!

С е в а *(секин)*. Салом.

Надежда Леонидовна. Кечирасиз, Галина Васильевна, нима бўлди яна? Сўраганим учун айбга буюрманг.

Галина Васильевна (бир оз жим тургач). Ҳеч нарса содир бўлгани йўқ. Шундай, Сева ва Ваня билан биз лагердан баъзи асбоб-анжомларни олиб кетгани келдик.

Пауза. Уқитувчининг бу сўзини ҳар ким ўзича мушоҳада қилади.

Надежда Леонидовна. Афв этасиз! Болаларимиз ўзларини қандай тутаётганликларини билсак мукинми?

Галина Васильевна. Ҳозирча шикоятим йўқ!

Саҳна жим.

Парда.

## Тўрт эгизак

### ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

К а м п и р — дунё кезиб, эртақ айтиб юрадиган жаҳон-  
гашта кампир.

О қ б е к.

Ч и п о р б е к — эгизаклар (уларнинг ролларини ёлғиз  
бир актёр ижро этади).

Қ о р а в о й.

С а р и т о й.

Б о н к а х о н — қиз бола.

Е л е н а х о л а — Бонкахоннинг онаси.

П ё т р а м а к и — Эгизакларнинг отаси.





## БИРИНЧИ КЎРИНИШ

*Саҳна олди, бир бурчакда катта тўнка, ўртада қора, оқ чипор ва сариқ тўртта пахмоқ қалпоқ қатор турибди. Струм диёрининг халқ куйи янграйди. Куй аста-секин пасайиб, томошабинлар қаршисига умр бўйи дунё кезиб, эртақ айтиб юрадиган жаҳонгашта кампир чиқиб келади-да, эртақ бошлайди.*

К а м п и р. (*аста келиб тўнкага ўтиради*).

Бир замонлар худди мана шу Болгария ерига ўхшаган кўркам ва сўлим, жуда ажойиб қишлоқ бўлган экан. Қишлоқнинг номи Эгизакхона дейилиб, унда худди бир қолипдан чиққан гишт каби бирини биридан ажратиб бўлмайдиган тўртта ака-ука эгизаклар яшар эканлар.

Уларни чақалоқлигида оналари ажратолмай, биттасини икки-уч мартадан эмизиб, оч қолганлари чипқириб йиғлашар, она бир амаллаб, уларни ҳам эмизиб боқаркан. Охири у касалга чалиниб, болалар етим қолишибди.

Оталари бўлса, уларни бир-биридан мутлақо ажратолмас экан. Ўйлай-ўйлай ниҳоят эгизакларга тўртта қалпоқча сотиб олиб берибди. Бу қалпоқчалар тўрт хил рангда экан.

Ушандан бери кўп замон ўтди. Қалпоқчалар мана шундай қалпоққа айланди. (*У саҳна олдида қатор турган қалпоқларни кўрсатади*). Мана, ўзинглар кўриб турибсизлар, эгизаклар шаталоқ отиб ўйнашгани қув анави ёққа — сой бўйига кетишди, беҳосдан қалпоқларини сувга тушириб юбормаслик учун уларни бу ерда қолдиришди. Ҳали замон ўзлари ҳам келиб қолишар, шунда бир-бирларига қанчалик ўхшашлигини ўз кўзинглар билан кўрасизлар.

(*Саҳна орқасида қий-чув кўтарилади. «Қоровой, Саритой, юрасанларми — йўқми?» «Бу Бонка бечорани ўз ҳолига қўйсаларингчи»,— деган овозлар эшитилади. Жавобан: «Шошаётган бўлсанг, боравер. Етиб оламиз, дейди кимдир. Яна тўполон, кулги кўтарилади. Саҳнага Оқбек югуриб чиқиб, қалпоғини кийиб олади.*)

О қ б е к. Ассалому-алайкум буви, дам оляпсизми?

К а м п и р. Дам оляпман, кўзичогим, дам оляпман.

Оқбек. Нимага дам оляпсиз, сакрамачоқ ўйнаганингиз йўқ-ку?  
Кампир. Ииллар чарчатди, болам. Умр бўйи қанчалар йўл юриб,  
қайси юртларда бўлганимни билсанг эди...  
Оқбек. Мабодо, фол очишни билмайсизми?  
Кампир. Нега билмас эканман, қани қўлингни бер-чи.

*(Оқбек ўнг қўлини узатади.)*

Анавинисини, чап қўлингни бер. Ўшанда ёзилган бўлади. *(Кампир Оқбекнинг кафтига синчиклаб қарайди.)*

Оқбек. Хўш, нималар ёзилган экан?

Кампир. Йўл тушаяпти, узоқ сафарга чиқар экансан...

Оқбек. Тополмадингиз бувижон. Биз куни кеча йўлдан келдик.

Кампир. Нима бўпти? Яна сафарга чиқасан-да. Эндигиси аввал-  
гисидан узоқроқ бўлади. Неча ёшга кирдинг?

Оқбек. Ўн еттига тўлиб, ўн саккизга қадам қўйдим.

Кампир. Ана кўрдингми? Ҳали узоқ йўл юришинг, йўл юрсанг  
ҳам мўл юришинг керак.

Оқбек *(ҳайратланиб кампирга қаради-ю, ўзича дейди)*. Ё ҳали  
мен анча ёшман, ё сиз жуда ҳам қарисиз. *(Қўл силкиб хайр-  
лашади-ю, чиқиб кетади.)*

*Сой тарафдан яна хушчақчақ ғала-ғовур кўтарилади.*

Товушлар. Бўлти, биз ҳам борамиз.

— Оқбек негадир қайтмаяпти. Юринглар!

— Чипорбек, бир йўла бизни қалпоқларимизни ҳам олиб кела қол.

Биз шу ерда тура турамиз. Эшитдингми, Чипорбек?

— Эшитдим, обкеламан.

*Саҳнага югурганча Чипорбек кириб келади. Шоша-пиша қалпоғини  
бошига кияди-да, қолган қалпоқларни ола туриб, кампирни кўриб  
қолади.*

Чипорбек. Ассалому алайкум, бувижон! Бу ердан менга ўхша-  
ган бир бола ўтмадими?

Кампир. Ўтди. Қалпоғини олиб чиқиб кетди. Тўхта, тўхта, ўша  
сен эмасмидинг?

Чипорбек. Йўқ, бувижон, у акам *(кулиб чиқиб кетади.)*

Кампир *(томошабинларга)*. Кўрдингларми, уларни бир-бирига  
қанчалик ўхшашлигини? Қолган иккови ҳам худди қуйиб қўй-  
гандек шуларнинг ўзгинаси. Уларнинг тўрттови бир ерга тўп-  
ланиб қолса, биттаси учта кўзгуда кўришаётгандай туюлади...

*(У ҳам чиқиб кетади.)*

*Парда очилади.*

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Шинамгина, озода хона. Елена хола ип йигириб ўтирибди.  
Ҳапсираган Бонка югуриб киради.*

Бонка. Ойижон, ойи, Пётр амакимникига эгизак ўғиллари келишди.

Елена хола. Ёз бўйи қаерларда юришган экан?

Бонка. Ойисининг қариндош-уруғлариникида меҳмонда бўлишибди. Вой-бўй, шунақанги гаплар гапиришяптики, маҳлиё бўлиб қолади, одам.

Елена хола. Нималар дейишяпти?

Бонка. Ану, Чипорбек бўлса, айтадики: «Вой-бўй Бонка, мунчаям очилиб кетибсан»,— дейди.

Елена хола. Яна нима деди?

Бонка. Оқбек бўлса-чи, «Вой, Бонка бунча чиройли бўб кетибсан»,— дейди.

Елена хола. Бор-йўғи шуми?

Бонка. Йўғ-е. Саритой бўлса, бир гап айтардим-ку, уяламан, дейди. Шунда унинг қулоғи лавлагидек қип-қизариб кетди. Нега бунақа бўлдийкин, ойи?

Елена хола. Нега деганда, бўйинг етиб қолди, қизим, мана шунинг учун. *(Унга тикилиб қарайди.)* Энди узунроқ юбка кийишинг керак. Бундан буён ёш боладек ўйинқароқликни ташлагин, қўзичоғим.

Бонка. Нега энди, ойи? Биз улар билан жуда мазза қилиб ўйнаб юрган эдик-ку!

Елена хола. Қанақанги ўйин ўйнаётган эдинглар?

Бонка. Мен малика бўлдим, улар менга хушомад қилишди. Бири тошни ҳаммадан узоққа отди, иккинчиси ҳаммадан баландга сакради. Бири-бирини курашда енгиб чиқди... Ғолиб чиққани, ёнимга келди-да, таъзим қилиб қўлимни ўпди...

Елена хола. Қўлингни ўпди?

Бонка. Ахир мен малика бўлдим-да! Биласизми, ойи, ҳали унис ютиб чиқди, ҳали буниси. Сал бўлмаса бири-бири билан уришиб кетай дейишди. Сойдан сакрашаётганида-чи, ойи, Саритой сирпаниб, шалоп этиб сувга тушиб кетса бўладими? Ака-укалари уни роса мазах қилишди, бари бир кураш тушишганда у ҳаммаларини енгиб чиқди — Саритой ҳаммаларидан чаққон экан.

Елена хола. Уларга айт, ҳаммалари ҳузуримга бир киришсин. Улар билан гаплашиб олишим керак бўлиб қолди.

Бонка. Вой, ойижон, уларнинг ўзлари ҳам кирамиз дейишаётган эди. Оқбек бўлса, Елена холамга қуюқ саломимни айтиб қўй, мен албатта у кишини кириб кўраман, деди.

Елена хола. Қолганлари-чи?

Бонка. Улар ҳам, фақат ҳаммамиз бирга эмас, битта-биттадан кирамиз, дейишди. *(Эшик тақиллаб, Оқбек кириб келади.)*  
Оқбек. Ассалому алайкум Елена хола, бир кўрай деб кирувдим.  
Елена хола. Хуш келибсан, марҳамат...  
Бонка *(шивирлайди)*... Оқбек, Оқбек бу, қалпоғи оқ, кўрмаяп-сизми?

*(Оқбек қўлтиғидан оқ қалпоғини олиб кўрсатади.)*

Елена хола. Кира қол Оқбек, азиз меҳмонимиз бўл; олтин бошинг омон бўлсин, бахтли бўлгин илойим.  
Оқбек. Раҳмат Елена хола. Ҳозир ҳам отдайман. Биз ака-укаларим билан дард нималигини билмаймиз.  
Елена хола. Ҳа, зорлик, муҳтожлик нима, билмай ўсдинглар. Бадавлат хонадондансизлар-да...  
Оқбек. Агар билсангиз, бунинг учун бойлигу камбағалликнинг аҳамияти йўқ. Мана сизлар бой эмассилар-ку, нима бўпти? Бонканинг бўйи етиб қолганини қаранг... У... мен...  
Елена хола. Бонка, челақни олиб, югуриб бориб сув олиб келгин, қизим. Негадир ҳозир муздай сув ичгим кеб қолди.  
Бонка. Ҳозир, ойинжон! *(Чиқиб кетади.)*  
Елена хола. Ўзинг-чи? Ёзни қандай ўтказдинг? Онанг туғилиб ўсган қишлоққа бориб меҳмон бўлганмишсизлар. У ер яхши эканми? Роса тўйиб ўйнаб келдингларми?  
Оқбек. Ўйнаш нимаси, холажон. Бўйи-бастимни бир қаранг! *(У оёқ учида чўзилиб туради.)* Шаталоқ отиб ўйнайдиган вақтлар ўтиб кетди. Мен, мен...  
Елена хола. Ҳа-я... Гапинг тўғри, ўйинқароқлик вақтидан ўтдинг. Бу қўллар иш талаб қиляпти.  
Оқбек. Рост айтасиз, Елена хола. Лекин иш қочиб кетармиди, Шошмасак ҳам бўлади.  
Елена хола. Шошиладигани ҳам борми?  
Оқбек. Бору негадир ҳеч нарса қулоққа кирмаяпти, Бонкангиздан бошқа...  
Елена хола. Э, ҳали шунақа дегин...  
Оқбек *(унинг гапини бўлади)*. Худди шундай, Елена хола.  
Елена хола. Ёшинг нечага борди ҳозир?  
Оқбек. Ўн еттига тўлиб, ўн саккизга қадам қўйган бўлишим керак. Отам аниқ билсалар керак, сўраб кўрайми?  
Елена хола. Керакмас, кап-катта бўлиб қолибсан. Омоч ҳайдаб, кетмон чопадиган пайтинг келибди.  
Оқбек. Менга насиҳат қилишнинг ҳожати йўқ. Елена хола, сиздан маслаҳат сўраб келганим йўқ, қизингизни сўраб келувдим.  
Елена хола. Бонка сенга ёқиб қолибди-да?  
Оқбек. Муҳаббати кўнглимга ширачдай ёпишди.  
Елена хола. Уни сенга кўнгли борми?

Оқбек. Уни тўртовимизга ҳам кўнгли йўқ эмас. Биз тўртовимиз ҳам уни ёқтирамиз. Ким отни тезроқ қамчиласа, марра ўшаники. Ҳали бу ерга мендан олдин ҳеч ким келмадими?

Елена хола. Йўқ.

Оқбек. Жуда соз. Ошиғим олчи экан.

Елена хола. Бонка сени танлашини қаёқдан билдинг?

Оқбек. У танлаб нима қилади? Биз ҳаммамиз ҳам бир хилмиз-ку. Фақат қалпоғимиз бошқача, холос.

Елена хола. Қўринишдан бир хилсизлар-у, лекин феъл-атворларинг бир хил эмасдир.

Оқбек. Биз ҳар жиҳатдан бир-биримизга ўхшаймиз. Фақат мени Истамбулда Бекларбек деган бадавлат тутинган отам бор. Балки эшитгандирсиз: Бекни от олиб қочганда, отам елдек учиб кетаётган отни тўхтатиб, у кишини ўлимдан сақлаб қолганлар... Ўҳў... бу қачонийди... Бек отамга аллақанча совға-саломлар бериб, ўғилларингдан биттасини менга бер, мен унга оталик қилай, уни тарбиялаб вояга етказай, дебди... Ҳозир уйланмоқчиман, деб унга кичкинагина мактуб юбораман. Бонкани кимхобу шойиларга буркаб ташлайди. Ахир у кимсан — Бекларбек-да. Шу кишининг шаънига атаб менга Оқбек деб исм қўйишган.

Елена хола. Хўп, яхши! Энди сен боравер, бу тўғрида мен отанг билан маслаҳатлашиб кўраман.

Оқбек. Хўп бўлади, Елена хола. Фақат тезроқ гаплашингда, сизни ойи дегим қистаб кетяпти. *(Чиқиб кетади.)*

Елена хола. Сенинг ойи дейишингга кўзим учаётгани йўқ! Уйланмишга кап-катта эмишлар-у, иш бўлса, қочмасмиш... Ўша Истамбулдаги тутунган отасиникига йўқолаверсин-е...

*(Эшик тақиллаб, Қоровой кириб келади.)*

Қоровой. Ассалому алайкум, Елена хола.

Елена хола. Хуш келибсан.

*(У қалпоғини кўрсатиб, кимлигини билдиради.)*

Э, Қоровой, кела қол! Сени ҳам менга айтадиган гапинг борми ё шундай кўргани келдингми?

Қоровой. Кўргани келдим-да, бошқа нима бўларди? *(Бир оз индамай туриб.)* Нега бундай деб сўраяпсиз? Ака-укаларимдан биронтаси мендан илгарироқ келдими, дейман?

Елена хола. Бунинг аҳамияти йўқ. Менга бир нарсани айт-чи, сен ишни яхши кўрасанми-йўқми?

Қоровой. Нима десамийкин? Ўзим шўх йигитман. Бир жойда тиниб-тинчиб ўтиролмайман. Ишнинг қанақалигига боғлиқда. Нега сўраяпсиз?

Елена хола. Ахир кап-катта бўлиб қолдиларинг. Ишлаш керак бўлади энди.

Қоравой. Тўғри айтасиз, Елена хола. Ака-укаларимга ҳам худди шу гапни айтувдим. Битта чодир сотиб олайлик-да, мас-харабозлик қилайлик, дедим уларга. Одамлар бунақанги бири-бирига ўхшайдиган башараларни айниқса тўрттасини доим кўришавермайди. Бунақа афт-ангорни кўришнинг ўзигаёқ биттанга, ярим танга ташлаб кетишади...

Елена хола. Бу нимасийди, шуни иш демоқчимисан?

Қоравой. Бўмаса-чи, пул топгандан кейин...

Елена хола. Менимча, тер тўкиб қилинган меҳнат иш дейилади.

Қоравой. Тер тўккандан фойда чиқармиди? Унга бозор кунни сариқ чақа ҳам беришмайди. Мени айтганим бўлса, ҳам иш, ҳам пақд фойда. Бунга ер ҳам, уруғ ҳам, ҳайвон ҳам, коранда ҳам керакмас. Фақат кираверишида битта одам ўтириб, кишилардан пул йиғиб турса бўлди. Биласизми, бунга кимни олоқчимиз? Бонкани. У шунақаям чиройли бўлиб кетибдики...

Елена хола. Нима дединг? Бонкани? Ярмаркама-ярмарка сизлар билан судралиб юрармишми? Йўқ, бўталоғим, бу фикрни хаёлингдан чиқариб ташла. Ўз ака-укаларинг билан менга деса қилиш юллинглар-у, Бонкани бу ишга аралаштирманглар.

Қоравой. Ихтиёрингиз, Елена хола. Фақат Бонкадан мени жудо қилманг, нега деганда анчайин тезроқман... Энди сиз...

Елена хола. Мен нима қилишиму нима қилмаслигим кераклигини сенсиз ҳам биламан. Қани сен йўлингдан қолма-чи, мен отанг билан маслаҳатлашиб кўраман... Хайр! Худо ёр бўлсин.

Қоравой. Майли Елена хола, хайр. Лекин билиб қўйинг, жаҳлим тезроқ. *(Чиқиб кетади.)*

Елена хола. Иккита куёвни амалладим. Энди ким келаркин. Чипорбекми ёки Саритойми? *(Эшик тақиллаб, Чипорбек киради.)*

Чипорбек. Салом бердик, Елена хола. *(Ўзини танитиш учун қалпоғини силкитиб қўяди.)*

Елена хола. Хайрли кун Чипорбек. Бонка тушмагур ақлдан оздирмадимиз?

Чипорбек. Сиз қаёқдан билдингиз?

Елена хола. Кўзларингдан кўриниб турибди.

Чипорбек. Жинни қилиб қўйди, Елена хола. Шундай эсимдан айрилдимки, унга уйланмасам бўлмайди. Мен айтганимни қиламан. Лекин сизнинг розилигингиз бўлса ҳам ёмон бўлмасди. Ҳар ҳолда оқ фотиҳа билан бўлгани маъқул...

Елена хола. Шунақа дегин. Бонкани ўзи розими?

Чипорбек. Рози бўлмай қаёққа борарди. Биттамызга тегадиган бўлгандан кейин, унга бари бир эмасми. Нега менга тегмас экан?

Елена хола. Ака-укаларинг сенга тегишига қаршилиқ қилиш-майдами?

Чипорбек. Мен уларни бошлаб алдайман. Бонка кимни ташла-са, пайт пойлаб унинг қалпоғини ўғирлаб оламан. Ана шундан кейин ким — ким эканини билиб кўришсин-чи. Ака-укаларим-нинг ҳаммаси ҳам бинойидек, менга ўхшаган чиройлиг-у, ле-кин бефаҳроқ...

Елена хола. Сен анчайин қув экансан... Бу қувлигининг қан-чалик фойдаси борийкин?

Чипорбек. Фойдаси бўлгандаки! Агар Бонка менга теккудек бўлса, нуқул фойданинг тагида қолади. Мана, масалан ўтган йили ярмаркага борадиган бўлганимизда, эрта билан барвақт турсанглار, холвага пул бераман, дедилар отам кеч-қурун. Қаллаи саҳарлаб ўрнимдан тура солиб, бошимга қал-поғимни олдим-у: «Ассалому алайкум, дадажон», деб у киши-нинг ҳузурига кириб бориб қўлларини ўндим. Отам дарров пул бердилар. Кейин, укамникини олдим у яна кирдим. «Эр-тангиз хайрли бўлсин, отажон» дедим-у, пулни чўнтакка ур-дим. Тўртовимизга тегалган пулни олиб кетдим. Икки кун-дан кейин эшитсам, отам уларга бир чақа ҳам бермай, устига устак, роса савалабдилар. Икки қайталаб сўраяпти, деб ўйлаганлар-да.

Елена хола. Демак, бир варакай ҳаммани алдабсан-да? Бу-нақанги қаҳрамонлигингдан хабарим йўқ экан.

Чипорбек. Бошлаб алдадим, Елена хола. Роса лақиллатдим. Ун-хисса айёрлик қилиш керак бўлса ҳам, қойиллатиб ташлай-ман. Чунки гап пулда эмас, Бонкахон тўғрисида кетаяпти.

Елена хола. Қани бир туёғининг шикиллатиб қол-чи, болажон, бўлмаса нақ қўлим қичиб турибди.

Чипорбек. Қўлингизга пул тушади, хола, бой бўласиз.

Елена хола. Ҳали замон таёқни олиб, бойликни кўрсатиб қўй-май, тағин. Қани бор, бора қол, даданг билан ўзим гаплаша-ман.

Чипорбек. У киши сизга кўёв бўламан, дейётганлари йўқ-ку, ахир. Нимани гаплашасиз дадам билан. Яхшиси ўзингиз да-дамга тегиб қўя қолнинг.

Елена хола (чархини унга отмоқчи бўлади). Йўқол, бу ердан ярамас! Уятинг ҳам йўқ экан... Товушинг ўчсин!

*Чипорбек югуриб чиқиб кетади. Елена хола жаҳолат билан уйининг у бошидан бу бошига юради.*

Бошқаларининг-ку билмадим, бир нима дейиш қийин. Лекин шуниси менга кўёв бўлиб қолгудек бўлса, эртаси кунидек ошим-га заҳар солишни аниқ.

*Эшик тақиллаб, Саритой киради.*

- С а р и т о й. Ассалому алайкум, Елена хола.
- Е л е н а х о л а. Саломингни қўй! Орқангга қайрилгин-да, яхшиликча эсон-омон жўнаб қол.
- С а р и т о й. Нега бундай деяпсиз, Елена хола? Ҳатто нега келганимни ҳам билмайсиз-ку.
- Е л е н а х о л а. Биламан, ҳаммасидан хабарим бор. Бориб отангга айт, Елена холамини сизда зарур ишлари бор экан, уйларига бир кириб ўтармисиз, дегин.
- С а р и т о й. Хўп бўлади, Елена хола, айтаман. Наҳотки бир оғиз ҳам гапиришга ижозат бермасангиз? Ахир мен атайлаб келган эдим...
- Е л е н а х о л а. Нима дейишингни яхши биламан. Шунинг учун ҳам отангни чақиргин деяпман. Тезроқ айтиб юбор.
- С а р и т о й. Ундай бўлса, нима ҳам дердим *(чиқиб кетади)*.
- Е л е н а х о л а. Шу ташвиш етишмай турувди, бу бошимга. Худо хоҳласа, Пётр амаки бир чорасини ўйлаб топар. Ўзи бой бўлса ҳам, ёмон одам эмас *(ип йигиради)*. Вақтни шунчалик тез ўтишини қаранглар! Бу эгизаклар, кейин мана Бонкахон кечагина туғилишган эди... Энди бўлса, тўй тараддудини кўриб қолишибди... Бўлмаган гап! Бонка эндигина ўн бешга тўлди... Тўғри, бир пайтлар мени ҳам худди шу ёшда узатишган эди, ахир энди, замон бошқа, урф-одатлар бошқача-ку...
- (Эшик тақиллайди. Пётр амакини бошлаб Саритой кириб келади.)*
- С а р и т о й. Мана дадам. Елена хола. Дарров олиб кела қолдим, нега десангиз, кутиб ўтиришга вақт йўқ... Гап шундаки...
- П ё т р а м а к и. Учириб тур овозингни *(Саритойни урмоқчи бўлади, лекин у чаққонлик қилиб ўзини олиб қочади)*.
- Е л е н а х о л а. Хуш келибсиз, Пётр амаки. Сизнинг муборак қадамингиз тегиб, уйимиз нурафшон бўлди, қадамингизга ҳасанот.
- П ё т р а м а к и. Илтифотингиз учун катта раҳмат. Хонадонингизга қадам ранжида қилиш мен учун ҳам қутлуғ иш.
- Е л е н а х о л а. Бошимиз кўкка етди, марҳамат қилиб ўтиринг. *(Шкафдан кўзача олади.)* Олинг, ичинг, ишлар қалай, далада нима гап?..
- П ё т р а м а к и *(ичади)*. Нимадан бошласамийкин? Даладаги ишлар нима бўларди. Биридан қутулсанг, иккинчиси чиқиб туради.
- С а р и т о й. Даладаги ишларнинг поёни йўқ, Елена хола. Яхшиси мени ишимдан гаплашинглар. Шунинг учун отангни бошлаб кел, деган эдингиз-ку.
- П ё т р а м а к и. Ҳали ҳам шу ердამисан? Нимадан гапиришимиз кераклигини ўргатиб турасанми? Қани бир ташқарига чиқиб, шамоллаб тур-чи.
- С а р и т о й. Ахир мен, дадажон...



Пётр амаки. Чиқ деяпман сенга! (Бармоғи билан пўписа қилади.) Вой сени қара-ю!

Елена хола. Уларга фақат пўписа қилар экансиз-у, ишлатмас экансиз-да. Шунинг учун ҳам бебош бўлиб қолишибди. Шундай бўлаверса, ҳадемай бошингизга ҳам чиқиб олишади.

Пётр амаки. Бир оз талтайиб кетишган-ку, лекин унчалик ёмон болалар эмас. То оёққа турвогунча ўзим роса азоб чекканман. Шунинг учун болаларим ўйнаб қолсин дейман.

Елена хола. Бу аҳволда сиздан кейин нима қилади улар, суянчигидан айрилиб?

Пётр амаки. Қанн катта бўлишаверсин-чи, бу ёғи бир гап бўлар.

Елена хола. «Қатта бўлишаверсин-чи»... Ахир улар ўзларини етук йигитлармиз, деб юришибди-ку. Сизни чақиртирганимнинг сабаби ҳам шу. Ҳозиргина тўртови ҳам бир-бир Бонкани сўраб, келиб кетишди.

Пётр амаки. Нега?

Елена хола. Менга куёв бўлишмоқчи.

Пётр амаки. Ие, бу янгилик-ку. Елена дейман, бу ҳазилнингни кўй-е. Мен уларни ҳали ёш деб, ишлатмасам, қўлларини совуқ сувга урдирмасам-у, улар бўлса...

Елена хола. Улар ҳам худди шу гапни айтишяпти-да, ишга ҳали ёшмиш-у, уйланишга вақт етганмиш.

Пётр амаки. Шунанга дейишяптими?.. Бонка-чи, у нима дейди?

Елена хола. Унинг хаёли ўшаларда, кўзи олма-кесак теради. Мана сувга юборганим аллақачонлар эди, қануз келгани йўқ...

Пётр амаки. Сен онасисан, фикринг қалай?

Елена хола. Қалай бўларди. Бу ерда ўйлаб ўтирадиган гап йўқ. Биринчидан, Бонка ҳали жуда ёш. Иккинчидан, эғизакларингиз ҳам ҳали ёш. Учинчидан, ўқитувчи айтгандек, ҳаммамиз маймундан одамга айланган эканмиз, худо билсин қанча-қанча тошлар ташиб, қанча-қанча меҳнат қилганмиз. Болаларингиз ҳали битта чўпни у ердан бу ерга олиб қўйдими? Йўқ.

Пётр амаки. Тўхтаб тур, Елена... Ўқитувчи — у...

Елена хола. Йўқ, сиз тўхтаб туринг. Тўртинчидан, болаларингиз асил бўлса ҳам, улар тўртта. Қизим ёлғиз, шунинг учун менга битта куёв кифоя.

Пётр амаки. Хўш нима қиламиз энди?

Елена хола. Менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз келинг, эртақлардагидақа синаб кўрайлик уларни. Ўғилларингизни меҳнат қилиб пул топиб келгани бир йил муддат билан бошқа юртларга юборинг. Беллари қайишиб меҳнат қилишсин, ақл-хушларини тўплаб олишсин. Шунда сараги саракка, пучаги пучакка ажралиб қолади. Бекор лақиллаб кун ўтказмай, пе-

шана тери тўкиб меҳнат қилишсин. Топган пулларига Бонкага совға-салом олиб келишни буюринг. Кимни совғаси қимматлироқ бўлса. Бонка ўшанга қаллиғ бўлсин.

Пётр амаки. Миянгга балли-е! Хўп ўйлаб топибсан. Баҳслашиб ўтирадиган ери йўқ. Ҳа, Бонканг-чи? Совға-салом кутиб, қўлини қовуштириб ўтираверадими?

Елена хола. Йўқ. Бонка ўзига сеп тайёрласин. Келинларга керак бўладиган ҳамма нарсани расамати билан бичсин-тиксин. У ҳам меҳнатга ўргансин. Ҳозир унинг фикри-хаёли бутунлай бошқа нарасада...

*Елкасида обкаш кўтарган Бонка кириб келади.*

Вой, келдингми-я! Сеп талқон еб сувга юборадиган экан. Янгида қудуқ қовладдингми? Чироқни ёқиб, Пётр амакинг билан кўришгин.

Бонка (чироқ ёқиб, Пётр амакининг ёнига келади-да, унинг қўлини ўпади). Хайрли кеч!

Пётр амаки. Яхшимисан қизим, катта қиз бўб қолдингми?

Бонка. Ҳа, катта бўб қолдим.

Елена хола. Бўйинг ўсгани билан, ҳали ақлинг кирганча йўқ. Қани, айт-чи, шунча пайтдан бери қудуқ олдида нима қилдинг?

Бонка. Ҳеч нима қилганим йўқ. Анави эғизаклар.

Пётр амаки. Эғизаклар нима қилди? Нақ қулоғини юлиб оламан у ярамасларни.

Бонка. Ким кўп ичиш ўйнашди.

Пётр амаки. Нима дединг? Халитдан ичадиган ҳам бўлиб қолишибдими? Бир адабини...

Бонка (кулиб, унинг гапини бўлади). Улар қудуқ сувидан ичишди, Пётр амаки... Биринчи бўлиб Оқбек келди-да, қани челагингдан бир сув ичай-чи, кўнглим ғурури, деди. Мен унга, ичсанг ича қол, дедим. Агар шу челагдаги сувни охирига қадар ичсанг, одатимиз бўйича сенга гул совға қиламан, дедим. У ича бошлаган эди. Қоравой келиб қолди. У ҳам челагимда сув ичиб олишни илтимос қилди. Нима гаплигини библиб қолганда кейин, у ҳам иккинчи челакини олиб ичишга тутунди... Кейин кетма-кет Чинорбек билан Саритойлар етиб келишди. Шундай қилиб кеч кириб қопти.

*Елена хола билан Пётр амаки кулишади.*

Елена хола. Қизим, улардан қайси бирига кўнглил қўйдинг?

Бонка. Билмадим, ойпжон. Бу гапингиз қайси қалпоққа кўнглил бердинг, дегандек гап. Ахир уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил-ку.

Пётр амаки. Бундан чиқдики, улардан қайси бирини танлашни ўзинг ҳам билмаётган экансан-да?

Бонка. Бўлса бордир.

Пётр амаки (*ўзича*). Демак, Еленанинг гапида жон бор экан. Уларни синаб кўриш керак бўлади, бусиз бир иш чиқмайди. (*Бонкага*.) Улар қаерда, ҳозир?

Бонка (*Деразани кўрсатади*). Эшигимиз тагида туришибди.

Пётр амаки (*Деразага қарайди*). Бебошлар шу ерда дегин (*Деразани очади*). Эй шоввозлар! Қани ҳамманглар бу ёққа киришлар-чи. Йўқ, йўқ, тўхтанглар. Оёқларингни ифлоси билан кираверасизларми? Яхшиси, ўша ерда тураверинглар, ҳозир мен сизларга бир неча савол бераман. Фақат ё «ҳа», ёки «йўқ», деб жавоб берасизлар. Ҳар ким шахсап жавоб бериши керак. Ҳар қайси саволга тез ва аниқ тўрт жавоб олишим керак. Тушундингларми?

Овозлар (*бараварига*). Тушундик.

Пётр амаки. Ундай эмас. Ҳар ким шахсан бирма-бир жавоб берсин. Тушунарлими?

Овозлар: — Тушунарли!

— Тушунарли!

— Тушунарли!

— Тушунарли!

Пётр амаки. Мана бу бошқа гап. Бонкага уйланмоқчи бўлганинглар ростми?

Овозлар: — Ҳа, мен... мен...

— Рост.

— Тўғри.

— Хоҳлаймиз.

Пётр амаки. Мен уйлангунча, бундай ҳисоблаб қарасам, ҳаммаси бўлиб шу қишлоғимизга икки баробар келадиган ерни ҳайдаб чиққан эканман. Шунинг учун обрў орттирдим, билдингларми?

Овозлар: — Билдик.

— Билдик.

— Билдик.

— Билдиг-у, лекин...

Пётр амаки. Ҳеч қанақа «лекини» йўқ. Мен сизларни анча эркалатвордим. Ҳали ёшсизлар деб ўйловдим. Бас энди. Шунча ўйнаганинглар етар. Мен сизларни меҳнат қилиб, мол топгани узоқ юртларга юбораман. Ишлаб кўринглар, пешана тери билан бир бурда нон топиб, тотиб кўринглар...

Бонка. Вой ойинжон, уларнинг тўртовни ҳам пул топгани кетиб қолса, мен кимга тегаман?

Елена хола. Шошилиб нима қиласан? Қайтиб келишларини кутасан. Пётр амакининг гапларини охиригача эшитгин.

Пётр амаки. Беш йил муҳлат. Қаёққа борсанглар хоҳишла-

ринг, ҳар ким кўнглига ёққан меҳнат билан шуғуллансин. Беш йил тўлган куни ҳаммаларинг шу ерга етиб келинглар. Қуруқ қўл билан эмас, Бонкахонга тилла билагузук олиб келинглар. Кимнинг билагузуги энг оғир бўлса, Бонкахон ўша йигитга қаллиғ бўлади. Шу шартга розимисизлар?

О в о з л а р:— Нима бўпти. Мен розиман.

— Розиман.

— Шартингиз шу бўлса...

— Розиман.

П ё т р а м а к и. Ана, баракалла. Бугун сешанба, қачон йўлга чиқасизлар?

О в о з л а р:— Шанба куни чиқа қолсакмикин...

— Йўқ, жума куни.

— Пайшанба тузук.

— Менимча эртагаёқ кетган маъқул.

П ё т р а м а к и. Ундай бўлса тезроқ тайёргарлик кўраверинглар. Йўлга озик-овқат, кийим-кечак олинглар. Кетаётганларингда то ўзингларни ўнглаб олгунларингга қадар етадиган пул ҳам бераман. (*Деразани ёпади.*)

Е л е н а х о л а. Жуда яхши, жуда, жуда соз бўлди. Бонкага айтадиган гапингиз йўқми?

П ё т р а м а к и. Нега бўлмас экан? Бонка унга қадар уч сандиқ сеп тайёрласин. Лекин ҳаммасини ўз қўли билан бичиб, тикиб, тўқиб тайёрлаши шарт. Гап шу. Хўп, омон бўлинглар.

Е л е н а х о л а. Яхши боринг, қудажон (*Бонкага*). Шамни олиб қайнатангни йўлларини ёритиб тур, тагин зинадан тушаётиб қоқилиб кетмасинлар.

Б о н к а (*шам олиб ёруғ туширади*). Наҳотки эртага мен билан кўришмай кетиб қолишса?

П ё т р а м а к и. Агар барвақтроқ уйғонсанг кетиб қолишмайди. (*Чиқиб кетади.*)

Б о н к а (*қайтиб киради*). Вой, ойижон, олтин билагузукни менга нима кераги бор эди? Ахир ўзингиз айтмабиддингиз, одамларга бойлигига қараб баҳо бериш керак эмас, деб. Ўзимиз камбағал эдик-ку. Билагузукни нима қиламиз?

Е л е н а х о л а. Вой қизалогим-ей, мана сени турмушга бермоқни бўлиб, бошингни боглаб ҳам қўйдиг-у, лекин ҳануз ўйлаб гапирмайсан-а. Беш йилгача, ақлинг кириб қолади. Ҳозир сенга айтадиган битта гапим бор холос. Шу билагузук бизга жуда ҳам зарур. Олиб келишгандан кейин, хоҳласанг тақарсан, хоҳламасанг улоқтирвор.

Б о н к а (*томошабинларга*). Ана энди бу қарияларнинг гапига тушуниб кўринг-чи, ҳали жуда зарур, дейишади, ҳали улоқтирвормиш, бошим қотиб қолди!

*Парда.*

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

*Парда олди. Хўроз қичқириғи эшитилади. Аланглаб Бонка чиқиб келади. Унинг қўлида тўрт дона гул.*

**Бонка.** Наҳотки, кетиб қолишган бўлса? Йўғ-е, кетишмагандир, хўрозлар энди қичқира бошлади-ку... Энг биринчи ким йўлга тушаркин? Уйда эркаклар барвақт туришса, қандай яхши... Йўғ-е, нимаси яхши? Ахир хотини ундан ҳам аввалроқ туриши керак бўлади... *(Яна теварак-атрофга аланглайди)*. Биров келаётганга ўхшайди.

*Саритой югуриб кириб келади. Улар қучоқлашмоқчи бўлиб Бонка билан бир-бирларига талпинишадилару лекин қўл берибгина сўрашишади. Бир-бирининг кўзига тикилганча гап бошлашади.*

**Саритой.** Кетяпман, Бонка. Наҳотки хайрлашиш олдидан бир гап айтмасанг?

**Бонка.** Нима десамийкин?

**Саритой.** Кўнглингда нима бўлса, шуни айт.

**Бонка.** Кеча шалоп этиб сувга ўтириб қолганингни қара, иштонинг қуридимй?

**Саритой.** Қуриди. Кеча челагингдаги сувдан ўлардай ичиб, тўртовимиз ҳам кечаси билан ташқарига югуриб чиқдик.

**Бонка.** Мен бўлсам кечаси билан мижжа қоқмадим... яна ухлаб қолмай деб қўрқдим.

**Саритой.** Мени дебми?

**Бонка** *(бир оз жим қолиб, унга гул узатади)*. Мана сенга гул, мени эслаб юр.

**Саритой.** Сен ҳам мени ўйлайсанми? Мени кутаётганингни билсам, эсон-омон, соғ-саломат қайтаман. Сенга қуёшдан ҳам ярақлаган, тегирмон тошидан ҳам оғирроқ билагузук олиб келаман.

*Қизга қалпоғини силкиб, тисарилиб чиқа бошлайди. Саҳнадан чиқишидан аввал бақириб гапиреди.*

Гулининг жони-танам билан сақлайман. Уни ҳеч қачон сўлитмайман. Ҳеч қачон!

*Охирги сўзлар саҳна орқасидан эшитилади. Фақат у қалпоқ ушлаган қўлини саҳнага чиқариб силкитиб туради. Аслида эса, бу саҳна хизматчиларидан бирининг қўли бўлади. Саҳнанинг қарши томонидан Қоравойнинг «унинг гапларига ишонма, валдираяпти» деб кириб келаётганда ҳам ҳалиги сариқ қалпоқ ушлаган қўл силкиниб туради.*

**Қоравой.** Икки қадам ҳам босмай гулининг ташлаб юборади. қишлоғимиз чегарасидан нари ўтказса, башарамга тушур...

Бонка. Сен қаёқдан биласан?

Қоравой. Борди-ю, ташлаб юбормаганда ҳам, бари бир бир-  
икки йил ўтгандан кейин сени эсидан чиқариб юборади. Беш  
йил ҳазилакам гапми?

Бонка. Ўзинг эсдан чиқармайсанми?

Қоравой. Йўқ, нега деганда мен ўзингни ола кетаман. Шу қа-  
рорга кеб қўйдим.

Бонка. Шарт-чи?

Қоравой. Шарт билан нима ишим бор. Жаҳлим тезлигини  
биласанми? Мени севсанг, бирга юравер. Дунё кенг, шундай  
бўлгандан кейин сен билан менга ҳам бир жой топилиб қолар.  
Қўлни қўлга берамиз-у... (Унга қўлини чўзади).

*Қиз ҳам қўлини чўзади-ю, кейин бирдан тортиб олади.*

Бонка. Йўқ, бундай қилиб бўлмайди. Аллақанақа ўғриларга  
ўхшаб, яширинча қочиб нима қиламиз?

Қоравой. Мен сени жон-дилдан севганимдан кейин... қочиб ке-  
таверамиз-да.

Бонка. Муҳаббатингнинг чегараси йўқми?

Қоравой. Мана шу қишлоғимиз атрофидаги далалар, ўрмонлар  
қадар кенг... (Жимлик). Кам бўлса яна қўшаман...

Бонка. Йўқ, етади. Фақат беш йил ўтгунча уни унутиб қўймасанг  
бўлгани. Мана бу гулни олгани-да, йўлга туш! (Унга гул уза-  
тади.)

Қоравой. Ёлғиз ўзимнинг кетгим йўқ.

Бонка. Бора қол, барака топгур. Шундай бўлиши керак экан.  
(Унга қўл силкийди.)

*У ҳам қалпоғини силкиб, тисарилиб саҳнадан чиқиб кетади. Саҳна  
орқасидан қўл кўриниб, қора қалпоқни силкиб туради. Шунда  
унинг «Ке, энди бирга кета қолайлик. Бонка-а?» деган товуши эши-  
тилади. Лекин Бонка жавоб бермайди. Чунки саҳнанинг бу томо-  
нидан «Бонка-а-а!» деган товуш эшитилиб, Чипорбек кириб келади.*

Чипорбек. Вой ҳартугурей, анави қароқчи ака-укаларимдан  
биронтаси сени олиб кетиб қолдими, деб роса қўрқувдим.

Бонка. Мана шу ердаман. Кўнглинг ўрнига тушдими, энди.

Чипорбек. Кўнглим фақат домла имомнинг: «Фалончи қизи  
фалончихон сиз ўз хоҳишипгиз билан...» деб никоҳ ўқигандан  
кейингина ўз ўрнига тушади.

*(Иккови ҳам кулишади.)*

Бонка. Унда бир оз сабр қилишинг керак экан.

Чипорбек. Бонка, очигини айтгин. Орамизда биронтамизни қит-  
так бўлса ҳам бошқаларимиздан ортиқроқ севасанми?

Бонка. Билганингда нима қилардинг, ўшани ўлдираармидинг?

Ч и п о р б е к. Йўқ, жуда нари борганда, қалпоғини ўғирлаб олардим.

(Кулади.)

Б о н к а. Борди-ю, менга ҳаммасидан Чипор қалпоқ кўпроқ ёқсачи? Ўз бошингдан ўғирлаб оласанми?

Ч и п о р б е к. Ҳазиллашма, Бонка! Мен сендан жиддий сўраяпман. Борди-ю, кўнглинг менда бўлмаса, беш йил вақтни бекорга ўтказиб нима қиламан. Сенсиз ҳаёт, мен учун ҳаёт эмас, шунинг учун сўраяпман. Ўзимни ўзим осайми, сувга чўкайми... шуни билмоқчийдим.

Б о н к а. Чипорбек, мен учун энг муҳими — қўйилган шарт. Ораларингдан ким шартни бажарса, шунга кўнгил қўяман. Мана бу гулни олиб йўлга туш. *(Уна гул узатади.)* Сенга муваффақият тилайман.

Ч и п о р б е к. Демак, энг муҳими шартни бажариш. *(Тисарилиб, то саҳнадан чиқиб кетгунча гулни силкитади.)*

Б о н к а *(қўлида охириги гулни ушлаб, яна теварак-атрофга олазarak қарайди)*. Фақат Оқбек кўринмади... Наҳотки у ҳаммадан олдин кетиб қолган бўлса?.. Ундай эмасдир-е. Хайрлашмасдан-а!.. Йўлга чиқиш олдидан қалпоғини қордан ҳам оппоқ қилиб тозалаётган бўлса керак... Унга турмушга чиқадиган бўлсам, ишим кўпайиб кетар экан. Ҳа деганда қалпоғини тозалашим керак бўлади. Оқ қалпоқни тозалаш осонмас. Шуниси ҳам борки, узоқдан дарров кўзга ташланади... *(Оқбекка кўзи тушиб қолади)*. Ана у! *(У қўл силкитади, кўп ўтмай Оқбек пайдо бўлади.)*

О қ б е к. Гапимга қулоқ сол, Бонка. Гапим чин. Мен сени жуда қаттиқ севаман. Кечаси билан сени тушимда кўриб, ухлаб қолибман. Хизмат излаб кетгани ҳеч оёғим тортмаётибди... Худо ҳаққи... Шу ерда, сенинг ёнгинангда бўлсам дейман.

Б о н к а. Бормасанг шартни бажармаган бўласан, ютқизасан.

О қ б е к. Ютқизмайман. Мен... бир ҳийла ўйлаб қўйдим. Истамбулдаги тутинган отамга хат юбораман. Ўзинг биласан, тутунган отам Туркиянинг кўзга кўринган бойларидан. Хатда, шундай-шундай деб, бор гапни ёзаман. Менга тилла билагузук юборинг, ўзи жуда ҳам оғир бўлсин, дейман. Ака-укаларим қанча уринишмасин, бари бир унақа билагузук топиб келиша олмайди...

Б о н к а. Жуда ғалати ҳийла, топибсан, Оқбек. Лекин шарт бўйича, у нарсани ўзинг ишлаб топишинг керак.

О қ б е к. Қуриб кетсин, ўша шартинг!

Б о н к а. Агар хоҳламаётган бўлсанг, ихтиёринг, ўйиндан чиқиб қўя қол...

О қ б е к. Нега чиқарканман? Гапингни қара-я! Ака-укаларим қани? Қай томонга кетишди.

Бонка (*кўрсатади*). Хув ану ёққа. Мана бу гулин олгин-да, йўлга туш. Оқ йўл.

Оқбек. Майли, кетдим. Ҳали қанақалигимни кўрсатиб қўяман!

*Оқбек кета бошлайди. Улар бир-бирига қўл силкишиб,  
икки томонга чиқиб кетишади.  
Халқ куйи янграйди.*

*Парда.*

## ТҶРТИНЧИ КҶРИНИШ

*Бонка билан Елена хола уйда ип йигириб ўтиришибди.*

Бонка. Ойижон, сиз билан мени йигирган ипимиздан бутун бир қўшиндаги аскарларга пайпоқ тўқиса ҳам етар дейман.

Елена хола. Сен менга қарама, қизим. Қалавани йиғиштириб, дамингни ол. Ё бошқа бирон кўнглингга ёққан ишни қил. Биз қариялар, ишсиз туролмаймиз, шунга ўрганганмиз. Сен ҳали ёшсан.

Бонка. Гапингиз тўғри ойижон, ёшликка ёшман. Шунинг учун кўнглим сира тинчимаяпти. Эгизакларнинг кетишганигаям мана тўрт йил бўлди. Мени бўлса кута-кута кўзим тўрт...

Елена хола. Кўпи кетиб, ози қолди. Яна бир йилдан кейин қайтиб келишади. Шундан кейин қайнатанг бутун қишлоққа ош бериб, тўйи томоша қилади.

Бонка. Биронтаси бундай тўрт эллик хат ёзса ҳам майли эди.

Елена хола. Оқбек юборди-ю, нақ Истамбул деган жойдан.

Бонка. Бунгаям уч йил бўлди-да: ундан кейин-чи? Қолганлари парвойи фалак...

Елена хола. Биронтаси отасига хат юборган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир уни қачонлардан бери кўрганимиз йўқ. Агар хоҳласанг бориб билиб кел.

Бонка. Вой уяламан, ойижон! Ўзингиз бориб кела қолинг. Жон ойижон, келинг, бориб кела қолинг.

Елена хола. Уяладиган ери йўқ... Ке, майли борсам бориб кела қолай.

*Туриб, калавани қўяди-да, чиқиб кетади.*

Бонка (*деразани очиб, онасининг орқасидан қичқиради*). Пётр амакимга мендан кўпдан-кўп салом айтиб қўйинг. Сизга ялинганимни айтманг, жон ойи! Худди ўзингиз хабар олмоқчидай бўла қолинг...

*Онасига қўл силкитади. Кейин дераза тоқчасига ўтириб олиб,  
хаёлчан кўчага назар ташлайди.*



Кампирнинг овози. Жуда барвақт турибсан-ку, қизим.

Ўзингга сеп тайёрлаясанми дейман?

Бонка. Аллақачон тайёрлаб қўйганман, бувижон.

Кампир. Ундай бўлса, нега барвақт турдинг?..

Бонка. Барвақт туришга ўрганиб қолдим. Менимча бу ерликка ўхшамайсиз-а, буви? Азонлаб туриб қаёққа кетяпсиз? Нима иш билан?

Кампир. Бу ерлик эмасман, қизим, бу ерлик эмасман. Еруғ дунёни кезиб, эртақ айтиб юраман. Ҳунарим шу.

Бонка. Ундай бўлса бу ёққа кириг. Менга биронта эртақ айтиб беринг, мен сизга дастурхон ёзиб, қорнингизни тўйғизай. Ҳува ана эшигимиз, ҳува анави. (*Кўрсатади.*) Кириг.

Кампир. Раҳмат, қизим, ҳозир кираман.

*Бонка дарров жавсндан овқат олиб столга қўяди.*

*Эшик тақиллайди.*

Кириг, кираверинг!

*(Кампир кириб келади.)*

Кампир. Бу хонадонда сахий кишилар яшар экан. Илоҳим муродингларга етинглар.

Бонка. Раҳмат, бувижон. Утиринг. Марҳамат қилиб овқатга қаранг. Олинг, бувижон.

Кампир (*ўтиради*). Сенга ҳам раҳмат, қизим. (*Овқатдан тановул қилади.*)

Бонка. Бувижон, сиз фол очасизми?

Кампир. Бўлмасам-чи. Ловия, нўхат билан ҳам очаман, қўлга қараб ҳам. Қани қўлингни бер-чи.

Бонка (*қўлини узатади*). Бир нарсани жудаям билмоқчи эдим, бувижон. Фақат бу гап қўлимга ёзилмаганмикин?

Кампир. Ёзилган. Ҳаммаси ёзилган. (*Кафтига қарайди*). Ёшлигингда отадан етим қолган экансан. Меҳнатга ўрганибсан...

Бонка. Буларни ўзим ҳам биламан. Сиз бундан кейин нима бўладиганини гапиринг.

Кампир. Шошилма, қизим. Секин-аста, расамати билан ҳаммасини айтиб бераман. (*Овқат ейди*).

Бонка. Аввал овқатланволинг, олинг.

Кампир. Мен еяпман, қизим, еяпман. (*Яна унинг кафтига тикилади.*) Соғинч бор экан дилингда, қизим. Худо холаса дийдор кўришасизлар.

Бонка. Топдингиз, буви. Яна нима гап?

Кампир. Бу соғинч, муҳаббат соғинчи экан.

Бонка. Э, ҳа, тўғри, ҳаммасини билар экансиз.

Кампир. Бўлмаса-чи. Шошмай тур, озгина овқат еб олай, яна айтаман.

Бонка. Олинг, енг, олинг.

К а м п и р. *(овқат ейди).* Мен еяпман, қизим, еяпман. *(Яна унинг қўлини ушлайди).* Бу муҳаббатинг бир оз хиралашиб турибди, қизим, лекин ҳеч хафа бўлма, албатта ойдинлашиб кетади.

Б о н к а. Қачон ойдинлашиб кетаркин, буви?

К а м п и р. Униси ёзилмаган экан.

Б о н к а. Яна нималар ёзилган экан.

К а м п и р. Мана, масалан, сен узоқ сафарга чиқар экансан.

Б о н к а *(ҳайратланиб).* Мен-а? Бўлиши мумкин эмас.

К а м п и р. Нега энди? Ёшинг нечада?

Б о н к а. Ўн еттига тўлиб, ўн саккизга қадам қўйдим.

К а м п и р. Ана кўрдингми? Ўн етти ёшли ҳар ким ҳам узундан-узоқ бутун бошли ҳаёт йўлини босиб ўтади.

Б о н к а. Жуда ақлли экансиз, бувижон.

К а м п и р. Ҳунарим шу, болам.

Б о н к а. Бунақа ақлли экансиз, менга бир нарсани тушунтириб беринг-чи, нега одамлар бир-бирларини чўнтагидаги олтинга қараб қадрлашади? Билагингга ким энг оғир билагузук тақса, ўшани севиш инсофданми?

К а м п и р. Ҳам инсофдан, ҳам йўқ, қизим.

Б о н к а. Бу нима деганингиз?

К а м п и р. Ҳозир тушунтириб бераман. Агар тиллани ўша одамнинг ўзи ҳалол меҳнат ва машаққат билан топган бўлса, инсофдан. Қанча кўп ишлаб топса шунчалик меҳнатсевар бўлади. Меҳнат эса кишини улуглайди. Борди-ю, ўша олтинни ўғирлаб олган ёки қандайдир ҳийла-найранглар билан топган бўлса, у ёмон одам.

Б о н к а. Вой, бувижон, шундай ақлсизки!

К а м п и р *(сиполик билан).* Ҳунарим шу, қизим...

Б о н к а. Энди менга бир нарсани тушунтириб беринг, жон бувижон. Ҳалол топилган олтин билан, харом топилганини қандай ажратса бўлади?

К а м п и р. Бу анча мушкул масала *(ўйлайди).* Бундан бўлак гап сўрамайсанми?

*(Елена хола билан Пётр амаки кириб келишади.)*

П ё т р а м а к и *(эшикдан гапириб киради).* Ҳорма, Бонкахон қизим. Ойингни гапига қараганда эгизакларимни соғиниб қолган эмишсан. Кўпи кетиб, ози қолди. Қизалогим. Яна бир айланиб қарагунингча, бир йил ҳам ўтади-кетади. Кузга бориб қараб-санки, жаҳонгашталарим ҳам кеб қолишади.

Б о н к а. Кўнглимни кўтарганингиз учун раҳмат сизга, амаки. Мана бу бувижоним ҳам *(кампирни кўрсатади)* шундай деяптилар. Кафтимга қараб, ҳамма гапни айтиб бердилар, тўппа-тўғрисини топдилар.

Елена хола. Шунчалик яхши билар эканларми? (Кампирга.)

Олинг, холажон, олинг, еб ўтиринг.

Кампир. Оляпман, олиб ўтирибман.

Бонка. Яхши билганда қандоқ, денг, ойижон. Менинг касбим шу, дейдилар. Дунё кезиб, эртақ айтиб юрар эканлар.

Пётр амаки. Ундай бўлса, мабодо менинг ўғилларим ҳақида бирон гап эшитмадилармикин? Уларни бирон ерда учратмадилармикин?

Бонка. Билмадим, Пётр амаки, ҳали бунӣ сўраганимча йўқ.

Пётр амаки. Жаҳонгашта кампир экансиз, онажон, қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшайдиган эгизаклар тўғрисида эшитганингиз йўқми?

Кампир. Эшитганим бор эди, болам, эшитувдим.

Бонка (сабрсизлик билан). Нима деб эшитувдингиз, бувижон?

Кампир. Ҳар хил гаплар.

Пётр амаки. Ҳаммасини бир бошдан айтиб бering, онажон.

Кампир. Одамларнинг гапига қараганда, улардан биттаси савдо билан шуғулланаётган эмиш. Қарвонсарой очганмиш.

Пётр амаки. Уни қаранглар-а. (Елена холага). Эшитдингизми, қуда? (Кампирга.) Менга тортганга ўхшайдими, дейман?

Кампир. Билмадим. Гапингга қараганда бўлса бордир. Лекин уни мен ўзим кўрганим йўқ. Одамлардан эшитганларимни айт-тяпман, холос.

Пётр амаки. Ўша, ўшанинг ўзгинасн. Бизнинг наслимиз. Ота-сига ўхшабди. Ҳали бир қарасангиз мендан ҳам ўзиб кетади.

Бонка. Қолганлари-чи!

Кампир. Бошқаларини ҳам эшитдим. Бири олтин изловчимиш. Ердан соф олтин излаб топар экан. Лекин ер тагидан қазиб оляитими ёки дарё тагидан ахтариб топяитими, бунисидан хабарим йўқ. Биров ундай дейди, биров бундай. Бу гаплар қанчалик тўғри билмадим.

Пётр амаки. Тўғри, онажон, тўғри. Одамлар бекор гапни айтишмайди. Одамларга ишониш керак... Тилла қазийётганмиш, дедингизми? Қуйма олтиннинг бир қадоғи неча пул туришини энди билган бўлса керак. Олтин қазиш ё бўлмаса уни ювиш қийин, жуда қийин иш, лекин бошламасига бу иш ёмон эмас. Кейинчалик у ҳам савдо билан шуғулланса бўлади.

Бонка. Қолган иккитаси-чи, бувижон, қолганлари?

Кампир. Қолганлари... қолганлари...

Пётр амаки. Биттасини биламиз. У Истамбулда. Ундан ташвишимиз йўқ. Ҳол-аҳволини айтиб, мактуб ҳам юборди. У ишончли кишилар қўлида эканидан хабаримиз бор. Фақат анави тўртинчисидан ҳеч дому дарак йўқ. У тўғрида бирон хабар йўқми?

Кампир. Хабар бор, бор. Лекин у хабарнинг ёлғонга чиққани

ҳам маъқул эди. Одамларнинг гапига қараганда, қароқчинлар-  
га қўшилиб кетганмиш.

**Пётр амаки.** Бўлмаган гап!

**Кампир.** Бировлар фақат бойлардан ўғирлаб, камбагалларга  
ёрдам берармиш, деса, яна бировлар бою камбағалига қара-  
май, аралашига додини бераверармиш, дейишади. Эгизаклар-  
нинг бир эмас, ҳатто иккитаси қароқчи бўб кетганмиш, деган  
гаплар ҳам йўқ эмас. Бири оқ кўнгил қароқчи эмиш, бири  
ёвуз қароқчиймиш. Шунақа гаплар ҳам бор.

**Пётр амаки.** Одамларнинг ҳамма гапига ишонавериш керак-  
мас... Пётр амакининг ўғиллари қароқчи бўлиши мумкин эмас.  
Бу балки бошқа эгизаклар тўғрисидаги гапдир.

**Бонка.** Вой худойим-ей, шу йил тезроқ ўта қолсайди.

**Пётр амаки.** Ўтиб кетади, Бонкахон. Худди сув оққандай ўтиб  
кетади. Фақат бу бемаъни гапларга ишонаверма.

**Елена хола.** Айланай қизим. Пётр амакининг гапларига  
ишопгин. Одамлар оғзига келганини гапиришиб юраверишсин.  
Ит ҳуради, карвон ўтаверади.

**Кампир.** Тўртинчи эгизак тўғрисида айтмасам бўларкан.

**Елена хола.** Бу ерда сизнинг айбингиз йўқ, онажон. Ўзимиз  
сўрайвериб жон-қолингизга қўймадик-ку.

**Пётр амаки.** Болаларим тўғрисида яхши гаплар ҳам айтдин-  
гиз-ку. Раҳмат сизга. Хўп, энди мен борай. Мени ёлғизлатмай  
уйга бориб туринглар.

**Елена хола.** Албатта, қудажон.

**Кампир** (*ўрнидан туради*). Мен ҳам борай энди, анча ўтириб  
қолдим.

**Елена хола.** Шошилаётган бўлсангиз, майли, оқ йўл сизга.  
Агар эгизаклар ҳақида яна бирон гап эшитиб қолсангиз, ки-  
риб ўтинг, хурсанд бўламиз.

**Кампир.** Раҳмат, хайр, яхши қолинглар.

**Елена хола.** Оқ йўл.

*Пётр амаки билан кампир чиқиб кетишади. Елена хола билан  
Бонка уларни кузатишади. Улар ўз жойларига ўтиришиб, ип  
йигиришни давом эттиришади.*

**Бонка.** Наҳотки шу гап рост бўлса, ойижон?

**Елена хола.** Нимани айтяпсан?

**Бонка.** Анавиларни қароқчи бўлиб кетишгани?

**Елена хола.** Буни ўйлама, бошқа яхшироқ нарсани ўйлагин,  
қизим.

(Жимлик.)

**Бонка.** Ойи, улар катта бўб кетишганмикин?

**Елена хола.** Нима дейсан?

- Бонка. Бўйлари ўсиб, бақувват бўб кетишганимикин, дейман?
- Елена хола. Бўлмасам-чи. Бу ёшда болалар сарвидек бўйига тортишади.
- Бонка. Ҳаммалари аввалгидақа бир хилмикин? Бирини биридан ажратиб бўлмасмикин?
- Елена хола. Билмадим, қизим.
- Бонка. Вой-ей, ҳеч бўлмаса кўзимнинг қири билан бўлса ҳам бир кўрсамийдим.
- Елена хола. Кўришни иложи бормиди, қизим. Улар печканинг ичида ўтирибмидики, эшигини очиб бир қараб олсанг. Худди шамол учириб юборган уруққа ўхшаб оламнинг ҳар ерига тарқаб кетишган.
- Бонка. Худди эртакларда бўладигандақа бошимга сеҳрли телпак, оёғимга ўзи юрар этик кийиб олсам-да, тўртовларини бир-бир кўриб чиқсам... Вой ойинжоней, бу сеҳрли қалпог-у, охири яхшилик билан тугайдиган ишлар нега фақат эртакларда бўлар экан?
- Елена хола. Эртакларнинггина охири хайрли бўлмайди, қизим. Сен ҳам муроди-мақсадингга етасан. Ҳали кўрарсан.
- Бонка. Қасқдан кўрардим. Сеҳрли қалпог-у, ўзи юрар этикка ўхшаб, буларни ҳаммаси қуруқ гап.
- Елена хола. Ҳозир сандиқдан сеҳрли қалпоқ олиб берсам-чи?
- Бонка. Қанақа қалпоқ? Қўйинг-е, бўлмаган гап.
- Елена хола (сандиқдан эртакларнинг кийимини олади). Мана сенга қалпоқ, қизим. Бу оддий эмас, сеҳрли қалпоқ. Мана бу иштон ҳам, камар ҳам, нимча ҳам. Раҳматли отангдан қолган. Буларни кийиб олсанг, ҳатто мен ҳам сени тапиёлмай қоламан.
- Бонка (кийимларни ўзига ўлчаб кўради). Ойинжон, ростданам, мени ҳеч ким қиз бола деб ўйламайди.
- Елена хола. Ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди, қизим. Бу жуда улугсифат кийим. Бунини кийсанг, гап-сўзинг ҳам, фикрларинг ҳам бутунлай ўзгариб қолади. Теварак-атрофингдаги нарсаларга ҳам бошқача қарайсан...
- Бонка (суюнганидан сакрайди). Шундай қилиб тезроқ кийинай-да, йўл тайёргарлигини кўрай-а? (Кийиниб чиққани кириб кетади).
- Елена хола (орқасидан). Тайёргарлигинини кўр, қизим, кийин, мен бориб отангнинг тўппончасини ахтарай. Балки у ҳам бир кунингга яраб қолар.

Парда

## БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

### *Парда олдида*

*Бонка чиқиб келади. Отасининг кийимлари унга жуда ярашиб турибди. Уни ҳеч ким қиз бола демайди. Елкасида таёқ, унга тугунча осиглиқ.*

**Бонка.** Қаёққа юрсамийкин? Қайси томонга борай? (*Кўрсатади.*) Апу ёққа бир йўл, бу ёққа иккинчиси, учинчиси... Ерни йўл босиб кетибди-да. Бири илон изи, бири худди теракка ўхшайди, тўпна-тўғри, учинчиси баланд-паст, тўртинчиси теп-текис. Қайсинисидан юрсамийкин? Қаёққа боришингни билмасликдан оғири йўқ экан. Билсангку баланд-пасти, эгри-бугрисига қарамай, шахдам юраверасан-а! (*Бир оз жим қолиб, давом этади.*) Битта Оқбекнинг Истамбулдалиги маълум халос. Қолганлари қаёқдайкин? Қайсинисини кўпроқ соғиндимийкин? Йўқ, ҳаммасини бир хил соғинганман. Чипорбекни ҳам, Қоравойни ҳам, Саритой билан Оқбекни ҳам... Мана бир йилдан кейин улар қайтиб келишади. Қайси бирини қучоқлаб ўпаркинман? Билмадим... Қайтиб келишармикин, ўзи? Савдогар ҳисоб-китоби билан овора, олтин изловчи, олтин топиш билан, қароқчи йўл тўсаётгандир... Бир йўл у ёққа, иккинчиси бу ёққа, учинчиси... (*Қичқиради.*) Ҳой эгизаклар, қаёқдасиз?! (*Атрофга аланглаб бирор товуш эшитилиб қолармикин, деб кутади, кейин яна давом этади.*) Нима қилсам экан? Бошим оққан томонга кетавераман-да.

## ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

### *Парда кўтарилади.*

*Узун стол, табуреткалар ва бу ернинг карвонсаройлигини билдириб турадиган бошқа нарсалар кўзга ташланиб туради. Бир чеккада «Чипорбек карвонсаройи» деган ёзув бор. Стол ёнида Қоравой ўтириб, еб-ичяпти. Бонка кириб келади — лекин энди унинг исми Бончо. Қоравойни кўриб қолиб чўчиб тушади.*

**Бончо.** Хайрли кеч. Янглишдим шекилли. (*Чиқиб кетмоқчи бўлиб, қайрилади.*)

**Қоравой.** Ҳой бола, қаёққа кетяпсан? Бу ёққа кел. Ўтир, мен билан вино ич.

**Бончо.** Мен-а...

**Қоравой.** Қўрқма, ўтир.

**Бончо** (*унинг ёнига боради*). Қўрқаётганим ҳам йўқ. Нега ундай деяпсан?

Қоравой. Нега мендан қўрқмас экансан. Мени қаршимда зир титрамаган одам йўқ.

Бончо. Мен сени танимайман.

Қоравой. Мана ҳозир қимлигимни айтсам, қўрққанингдан ўзингдан кетиб қоласан. Мен Қоравой қароқчиман, билдингми?

Бончо (бемалол). Э, ҳали ўша сенмидинг? Эшитувдим, эшитувдим.

Қоравой. Бўлмаса нега ҳушингдан кетиб қолмаётибсан?

Бончо. Ўзим. Енимда ҳемирим бўлмагандан кейин нимадан қўрқдим? Қамбағал ва оч-яланғочларни тунаб жинни бўлмагандирсан?

Қоравой. Уни қара-я, камбағал бўлса ҳам ақлли экан. Менга ёқиб қолдинг. Утир, ол, е. Бу ерда овқат сероб. Истасанг буюраман, яна олиб келишади.

Бончо (ўтиради). Раҳмат. Менга етади. Шунга ҳам пулим етармикин, ҳали. (Овқат ейишга тутунади.)

Қоравой. Пулдан ташвиш тортма. Қорнинг тўйгандан кейин юкимни отга ортишворасан. Қопларим шунақанги оғирки, худди тош билан тўлдиргандай.

Бончо. Э-ҳа! Қоп ичида нима бор ўзи?

Қоравой. Қароқчида нима бўларди? Олтин-да.

Бончо. Шунча олтинни қасрдап ўмардинг?

Қоравой. Айтиш уят-ку, лекин сенга очигини айтаман: Бу олтинларни ўғирлаганим йўқ, сотиб олдим. Ўғирланган пулларга албатта. Қолаверса, сохта пулларга. Кеча кечқурун битта савдогардан сотиб олдим. Икки қоп қоғоз пулга олдим. У қанча бўлишини биласанми? Агар ростакам бўлганда бундан ўч ҳисса ортиқ олтин берарди. Лаънати савдогар мени алдамоқчи бўлди. Қароқчи бўлганимдан кейин мени алдамайди, деб ўйлади. Йўқ, мен у ўйлаган софдил қароқчилардан эмасман. Мен замонавий қароқчиман. Нимани нима қилиш кераклигини яхши биламан. Агар хоҳласам, нақ Султоннинг хизматига кириб олишим мумкин.

Бончо. Бундан чиқдики, ҳозирги қароқчилар билимдон экан-да?

Қоравой. Билимдон бўлганда қандоқ. Ҳаёт шуни тақозо қилляпти. Ҳамма нарсасида — ўзгаришда.

Бончо. Шунча олтинни нима қиласан? Уни пимага ишлатасан?

Қоравой. Умуман айтганда, олтинни нима қилиш кераклигини яхши биламан-а. Лекин бу олтин менга бошқа нарсага керак. Уни бериб, билагузук буюраман. Шартни ютиб чиқиш учун.

Бончо. Канақа шарт?

Қоравой. Ҳа, бир қизни деб шартлашганмиз.

Бончо. Э-ҳа, жуда қимматга тушаркан-да, у қиз. Ўзи чиройлими?

Қоравой. Бундан тўрт йил аввал худди сурат эди, сурат.

Бончо. Тўрт йил аввал? Наҳотки ҳалигача уни севсанг?

Қоравой. Нима десамийкин? Севги адлақачон сўниб кетган-а; энди мен пул ва қимматбаҳо тошларни севадиган бўлиб қолганман... Лекин янаги йилга бари бир қишлоққа бораман. Қоравойнинг ўзи ким-у, қанақанги ишларга қодирлигини қишлоқдагилар бир кўриб қўйсин-да. Шартни ютиб, уйлапаман. Донгдор қароқчининг чиройли хотини бўлса зарар қилмайди.

Бончо. У сенга тегишни хоҳламаса-чи?

Қоравой. Нега тегишни хоҳламас экан. Шу қадар бой-бадавлат йигитга? Ундан ташқари шартимиз ҳам бор-ку. Менинг совгам бошқаларникидан қимматлироқ бўлса...

Бончо. Менимча, ўзини билган қиз бўлса, қароқчига теккандан кўра монастирда ҳаёт кечиришни афзал кўради...

Қоравой. Ҳали ёшсан-да, шунинг учун мана шунақа хаёлга борасан. Менам худди сендақа, тўғриси сендан ҳам оловроқ эдим. Бўпти, майли, юр бориб қопни ортайлик-да, йўлга тушай энди. Тўйдингми?

Бончо. Раҳмат, ҳатто бир оз ортиқчароқ ҳам ебман шекилли. Шундай томоғимда турибди.

*Икковлари чиқиб кетишади. Қаердандир, ичкаридан бош яланг Чипорбек чиқиб келади. Хонанинг бу бошига қадар оёқ учида юриб келади-да, уларнинг орқасидан қарайди. Кейин енгил нафас олади. Белига қистириб қўйган ола-чипор қалпоғини олиб, бошига бостириб кияди.*

Чипорбек. Лаънати қароқчи даф бўлди-е. Ниҳоят-а. Ишимиз ўзи кеча кечқурун битувди. Иш битгандан кейин жўнаб қолиш ўрнига, мени шу пайтгача титраб-қақшаб ўтиришга мажбур қилди-я. (Стул устини йиғиштира бошлайди.) Энди шу ердан чиқиб кетдими, сир очилгудек бўлса ҳам мени қидириб топиб бўлти. Олтин ўрнига икки бўлак тилла суви юритилган қалай олганини сезиб қолгандан кейин ўзиям тутатиб кетса керак, дейман... (Кулади).

*Бончо киради, лекин буни Чипорбек сезмайди. Уни ўнган қаритиш учун Бончо ҳам ҳололиб кулади. Чипорбек ҳайратланиб унга ўгирилиб қарайди.*

— Нега хохолаяпсан!

Бончо. Билмадим. Ўзинг биларсан. Сен кулгачининг мен ҳам қўшилиб куляпман. Икковимизнинг ҳам нега кулаётганимиз сенга аёндир.

Чипорбек. Жуда айёр экансан. Кимсан ўзинг? Қаердан келдинг?

Бончо. Йўловчиман. Қоравой қароқчининг юкларини ортишга ёрдамлашвордим. Ўзим ҳам йўлга тушайми, дедим-у, кейин шу ерда бир дам олгим келди.



**Чипорбек.** Қоровой билан қанақа алоқанг бор?

**Бончо.** Ҳеч қанақа. Уни биринчи марта кўриб туришим. Қароқчини менга ўхшаган камбағал билан қанақа алоқаси бўлиши мумкин? Қароқчилар бойлар билан алоқа қилишади.

**Чипорбек.** Қоровой билан ҳеч қанақа алоқам йўқ, дегин. Лаънати қароқчи. Мен бойгина эмас, у билан туғишган ака-укам. Кўрмайсанми бир-биримизга ўхшашимизни. Шундаям бари бир алдадим уни... Ҳали шунинг учун кулятувдим. Олтин ўрнига унга қалай бервордим.

**Бончо.** Борди-ю, билиб қолса-чи? Қўрқмайсанми?

**Чипорбек.** Аҳмоқимдим, қўрқаман. Мен қалайни кеча кечқурун қоропғида сотганман. Ўзимни бир келгинди савдогар қилиб кўрсатганман. Мабодо у ҳозир қайтиб келиб қолгудай бўлса, унга қўшилиб, муғомбир — савдогарнинг гўрига гишт қалай-вераман. *(Кулади.)*

**Бончо.** Сен ҳам анойи эмас экансан, энди билсам!

**Чипорбек.** Ёшлигимдан шунақаман. Йил ўтган сайин айёрроқ бўб кетяпман. Попни алдадим, мана ҳозир қароқчини қойиллатдим. *(Кулади.)* Бу қалайни кўтаргунча отининг бели узилади. Борди-ю, дарёдан ўтгудек бўлса, оғир юк билан сув уни қаърига тортиб кетса ҳам ажаб эмас.

**Бончо.** Мана шунақа дарё сувларидаги қумлар орасида олтин бўлармиш, дейишади, шу ростми?

**Чипорбек.** Дейишади... Лекин бу ерда эмас, қаерлардадир, ҳув тоғларда бўлади... Уни ким тозалаб ўтирарди? Меҳнати жуда оғир. Акаларимдан биттаси шу иш билан шугулланаётганимиш, деб эшитдим-у, лекин ишонгим келмаяпти.

**Бончо.** Нега ишонгинг келмайди?

**Чипорбек.** Мени туғишган акам шунақанги аҳмоқ бўлишини хаёлимга ҳам келтиролмайман. Қоровой ҳам унчалик ақлли эмас-ку, лекин ишламай пул топиш йўлини ўрганиб олди. Унинг қанча пули борлигини биласанми?

**Бончо.** У қандайдир баҳсми, шартми, деб гапирётувди. Шартни бажариб, баҳсда ютиб чиқиш учун тилла сотиб олдим, дейдими-ей.

**Чипорбек.** Шарт? Ие, яхши эсимга солдинг. Бу шартлашувда мен ҳам борман. Биз ўзимиз билан қўшни турадиган бир қизга харидор бўлганмиз. Ўзи чиройлигу, лекин камбағал.

**Бончо.** Сен ҳам унга совға олиб борасанми?

**Чипорбек.** Билмадим. Олиб борсам ҳам ажаб эмас. Ака-укаларимни қойил қилиб, бир бурнини тишлатиб қўяйми дейман. Мени яна битта укам бор, исми Оқбек. Нақ Истамбулнинг ўзида яшайди. Уни ошиғи олчи.

**Бончо.** Бу ердан Истамбул узоқми?

**Чипорбек.** *(кесатиб).* Сенга нима? Султоннинг қизига уйланоқчимисан дейман? Яхши-си менинг қўлимда ишлаб юравер.

Қорнингни тўйгазиб, озроқ чойчақа ҳам бериб тураман. Одам қиламан сени.

**Бончо.** Раҳмат. Ҳунаринг менга хуш келмади. Бошқа иш ахтариб кўраман...

**Чипорбек.** Ўзинг биласан. Бўйнидан боғлаган ит овга ярамайди, деган гап бор. Мен уни кўзини очиб қўяй десам, у бўлса...

**Бончо.** Миннатдорман сиздан! (*Кетмоқчи бўлиб, ўрнидан туради*). Шундай ҳам кўзим мошдек очилди. Хайр, яхши қол. Совчилик ишларингда нимагаки лойиқ бўлсанг, худди ўшанга эришишингни истайман.

## Парда

### ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

#### Парда олдиди

*Бончо кириб келади, елкасида таёқ. Таёққа тугунча осиглиқ.*

**Бончо.** Йўллар... йўллар... Сени ўзига шайдо қилиб олға чорлайди. Юраверарсан, бу йўллардан юраверарсан, юра-юра ҳар хил фикр-ўйларга толасан киши. Худди теварак-атрофдаги манзараларга ўхшаб фикр-ўй ҳам ўзгариб туради. Қоронги даралардан ўтаётганимда кўнглим ғашланиб, кайфиятим бузилди. Ҳайрият улар орқада қолиб кетди. Қоравой билан Чипорбек ҳаёлимдан нари кетмади. Улардан биттаси шартни ютиб чиқиб, мени бутун умрга бахтсиз қилиб қўйиши мумкинлигини ўйладим... Кейин йўл дарёни кесиб ўтди-ю, худди дарду-ҳасратларимни сув ўзи билан оқизиб кетгандай бўлди. Водийга чиқиб олганимдан кейин кўнглим яна равшан тортиб кетди. Энди йўлимда Оқбек билан Саритойни ўйлаб юрибман. Наҳотки улар ҳам анавиларга ўхшаб мутлақо ўзгариб кетишган бўлса? Яна ким билади, дейсиз? Йўл бўлса олға қараб чўзила-чўзила қаерларгадир, қалин ўрмонзор ичига кириб кетган. Қаерлардан ўтмайди бу йўллар? Кимлар юрмайди дейсиз, бу йўллардан. Шоҳ ҳам учрайди бу йўлда, гадо ҳам... Хув ана, ўрмондан кимдир чиқиб келяпти. (*Тўнкага ўтиради.*)

*Эртак айтиб юрадиган жаҳонгашта кампир чиқиб келди.*

Кунингиз хайрли бўлсин, буви!

**Кампир.** Яхшимисан, ўғлим. Ке, мен ҳам ёнингга ўтириб, бир оз ҳордиқ чиқарай. Бўлмаса бир йўлга тушганимдан кейин, охири кўринмайди. Сен қаёққа кетяпсан?

**Бончо.** Бошим оққан томонга... Бу ердан Истамбул узоқми?

К а м п и р. Ҳам узоқ, ҳам яқин, ўғлим.

Б о н ч о. Бу қанақаси? Бу дунёда Истамбул шаҳри битта эди шекилли? Нега ҳам узоқ-у, ҳам яқин бўларкан?

К а м п и р. Худди шундай-да. Агар сен борадиган бўлсанг узоқ. Бир эмас учта ҳасса ҳам етмайди. Вазирларга яқин. Хув анави ўрмонга (*орқа томонини кўрсатади*) овга келибди. Унга яқин. Нега деганда, у этик йиртмайди, йиртса ҳам бурга чаққандек гап. Унинг бойлиги қанақалигини биласанми?

Б о н ч о. Билмайман.

К а м п и р. Билмаганинг ҳам маъқул.

Б о н ч о. Бувижон, вазирнинг ёлғиз ўзи ўрмонда юргани қўрқмайдими? Ахир у катта одам-ку.

К а м и и р. Уни ёлғиз ўзи юради, деб сенга ким айтди? Кетидан юрган мулозимларини кўрганингда эди. Битта нонуштанинг ўзига бутун бошли бузоқнинг гўшти етмайди.

*Ўрмондан ит ҳуриган товуши эшитилади.*

Ана эшитдингми, итлар ҳуряпти? Кетиш керак, улар бу ерга ҳам келиши мумкин (*туради*).

Б о н ч о. Эҳ, ҳеч бўлмаса кўзимнинг қири билан бўлса ҳам уларни бир кўрсамийди!

К а м п и р. Уларни кўриб яхшилик топмайсан. Ё гулхан ёққани ўтин ташитади, ё бўлмаса шунга ўхшаш бир иш буюради. Лекин сен ёшсан, уларни кўр, фикр қил. Мен йўлимдан қолмай. Саломат бўл!

Б о н ч о. Оқ йўл, бувижон.

*Кампир кетади. Бончо тўнкада ўтирганича қолади. Кўп ўтмай, унинг ёнига туркча ясанган, лекин бошида ўша оқ қалпоғи билан Оқбек кириб келади.*

О қ б е к. Ҳей бола, шу ердан иккита оҳу ўтмадими? Ернинг тагига кириб кетдими, нима бало!

Б о н ч о (*энтикиб*). Сиз... сизникими?

О қ б е к (*чўнтагидан фляга чиқариб, унга беради*). Нима қилди?.. Мендан чўчидингми, дейман?..

Б о н ч о. Оҳулар ўтмади, жаноби олийлари. Қўрқиб кетганимнинг боиси шуки, турк султонини ҳеч кўрмаган эдим...

О қ б е к (*кулади*). Мен мутлақо султон ҳам, турк ҳам эмасман. Кўрмаяпсанми, бошимдаги қалпоғим булғорча. Фақат туркларда хизмат қиляпман, холос. Вазир мулозимларидан бири бўламан...

Б о н ч о. Бари бир улуг одам экансиз.

О қ б е к. Нима деб ўйласанг сени ишинг. Ўзинг қаерликсан?

Б о н ч о. Узоқ ўлкаларданман. Струма дарёсини эшитганмисиз?

О қ б е к. Ҳа, ие, ҳамшаҳар эканмиз-ку. Мен Эгизакхонада тутилганман. Биласанми, шунақа жойми?

Бончо. Бўлмасам-чи. Бутун дунёда у ерга тенг келаётган чиройли жой бўлмаса керак, У ерни соғинасизми?

Оқбек. Авваллари соғиниб юрдим, кейин бу ерга ўрганиб кетдим. Бу Истамбул деганлари жуда катта шаҳар. У ерда эркин яшайди киши. *(Керишади.)* Билганимиз ёйиш-у, ичиш. Бу ҳам етмагандай, ўша ерли зодагонларнинг хотинлари кетма-кет меҳмонга чақиришади. Мени турк бола дейишади, жаҳлим ҳам чиқмайди. Яқинда нақ вазирнинг қизи мени суриштирибди.

Бончо. Шундай денг, демак маишат зўр экан-да?

Оқбек. Шикоят қиладиган ери йўқ. Истасанг сени ҳам ишга жойлаб қўяман.

Бончо. Йўқ, миннатдорман. Менга тўғри келмайди. Яхшиси, уйга қайтиб кетаман. Тугниб ўсган жойларингизга қайтиб бориш ниятигиз йўқми?

Оқбек. Менми? Қузда Эгизакхонага боришим керак эди. Лекин, билмадим, бора олармиканман, йўқми?.. Вақт йўқ...

Бончо. Ундай бўлса...

Оқбек. Менга қара, бир хизмат қилгин.

Бончо. Қанақа хизмат?

Оқбек. Уйингга кетаётганингда, Эгизакхона қишлоғига кириб Бонка деган бир қизга учрашиб кетгин, Елена холанинг қизи. Бир пайтлар мен унга совчи қўйдирган эдим. У шўрлик мени кутиб, кўзлари нигорон бўлаётгандир. Айтиб қўй, ортиқ кутмасми... Бир ёлгон-яшиқ гап толиб, кўнглини совитиб қўй: Чўкиб кетибди дейсанми? Турк динини қабул қилибди дейсанми. Хўпми? Хўп хайр, омон бўл. *(Қўл бериб хайрлашади.)* Менга жуда катта яхшилик қилган бўлардинг. Сен учун ҳеч гапмас-ку. *(Кетади.)*

*(Бончо тўнкага ўтириб, айғлайди.)*

Бончо. «Сен учун ҳеч гапмас...» *(хўрсинади)*. Оқбекдан ҳам қўлчи ювиб, қўлтиққа уриш керак бўлди. Энди умид фақат Саритойдан. Борди-ю, у ҳам ака-укаларига ўхшаган бўлса, унда худди эртақлардагидақа бирор жойдан баҳодир йигит пайдо бўлиб, эгизакларни енгиб ёки мени олиб қочиб кетсин, деб худодан сўрашдан бошқа чора қолмайди. *(Ўрнидан туради.)* Вой худо-ей, нега бу баҳодир йигитлар фақат эртақлардагина қолдйкин!

*П а р а*

## САККИЗИНЧИ КҰРИНИШ

*Саҳна ортида тасаввур этиладиган дарё ёқасидаги ўтлоқ. Кечки қуёш нуридан юзини қалпоғи билан тўсиб Саритой ётибди. У найда биринчи кўринишдан бизга таниш бўлган Струм ўлкаси куйини чалмоқда.*

*Бончо кириб келади. Елкасида таёқ, таёққа тугунча осиглиқ. У Саритойни кўрмайди-ю, қулоғига куй эшитилади, холос.*

**Бончо.** Вой-бўй... қандай яхши жой экан-а. Худди эртақлардагига ўхшайди-я. Қўм-қўк осмон, зилол дарё, офтобрўя ўтлоқ, гуллар... Балки бу нарсаларни ҳаммаси оддий, қўшиқ уларни кўзимга шу қадар гўзал қилиб кўрсатаётгандир... Бу бегона юртларга бизнинг қўшигимиз қаердан келиб қолибдйкин? Бу ернинг ажойиблигини қаранг. Инсонга жуда кўп нарса керакмикин? Қадрдон қўшиқни эшитганингни ўзидаёқ кўнгил илийди-қўяди... Ие, созанда шу ерда экан-ку.

*Бонка Саритойнинг тепасига боради. У юзини қалпоқ билан беркитиб ётибди. Куй чалиб ётган Саритой Бончони кўрмайди. Шунда Бончо уни оёғи билан секин туртади. Бир маротаба туртганда йигит аҳамият ҳам бермайди. Иккинчи маротаба туртганда Саритой оёғи билан тепинади.*

**Саритой.** Кет, кет бу ердан! Қизиқ кучук экан-ку. Ит деган ҳам куйини шунчалик яхши кўрадим!

*Бончо жилмайиб, яна секин туртади уни. Саритой яна оёғи билан тепинади. Бу сафар қаттиқроқ тепинганидан қалпоғи юзидан тушиб кетади.*

— Вой-бўй! Одам! Кечирасан, дўстим, мен кучукми деб ўйлабман. (Сўюниб.) Мени йўқлаб бутун бошли одам келса-ю, мен уни «кет-чи, кет» деб ҳайдайман-а. Кечирасан, барака топгур. **Бончо** (бу ерда ётган одамнинг кимлигини эндигина сезиб, ҳайратланиб қолади). Сен... сен... (Ўзини дарров тутиб олади).

Нега бунчалик ҳайрон бўляпсан, меҳмон келиб қолганигами? **Саритой.** Ахир қишлоқ узоқ, теварак-атроф чакалакзор. Бу ерларга ҳеч ким оёқ босмайди.

**Бончо.** Бу ерда бир ўзинг яшайсанми?

**Саритой.** Ҳа-да. Бу ерларда яшаб юрганимга тўрт йилдан ошди, лекин биронта йўловчи учраганим йўқ. Сойда чўмиламан, ёз бўйи яланғоч юрса ҳам бўлаверади.

**Бончо.** Зерикмайсанми?

**Саритой.** Йўқ. Ишёқмасмидим, зерикаман. Меҳнат қиламан-ку, ахир.

**Бончо.** Яхши. Лекин фақат ишлайверган билан бўлмайди-да.

**Саритой.** Ўзи қанақанги иш-у, нега ишлаётганингга боғлиқ.

Ундан ташқари эрмагим ҳам йўқ эмас. Мана бу сойда чўми-  
ламан, пай чалишни ўрганиб олдим, гул ўстираман... (Яқини-  
да ўсайтган гулни унга кўрсатади. Бу гул худди ўша кетаёт-  
ганди Бонкадан олган гулининг ўзгинаси).

Бончо. Жуда чиройли гул экан. Уни қаердан топдинг?

Саритой. Бўнинг тарихи узун. Агар гапира бошласам, гапим  
қоронғи тушгунча ҳам тугамайди.

Бончо. Ҳечқиси йўқ, мен қоронғида ҳам эшитавераман.

Саритой. Қоронғи тушиши билан мен ётиб ухлайман. Бўлмаса  
эрталаб туролмайди одам. Мен бўлсам эрта билан барвақт  
иш бошлашим керак.

Бончо. Нима иш экан ўзи, каллаи саҳарлаб бошлаш лозим  
бўлса?

Саритой. Жуда муҳим. Ҳаммаси шунга боғлиқ...

Бончо. Нима боғлиқ? Гапириб бера қол, барака топгур.

Саритой. Манави гул бир қизнинг менга қилган совғаси. Бу  
дунёда ундан чиройли қиз йўқ. Унга уйланиш учун соф ол-  
тиндан билагузук олиб боришим керак. Ака-укаларим билан  
шундай шартлашганмиз. Қимнинг билагузуги энг оғир бўлса,  
қизга ўша уйланади. Шунинг учун худо берган кунни дарёдаги  
олтинли қумларни ювиб, олтин чиқараман. Уни қанчалик  
яхши кўришимни сен ақалли тасаввур ҳам қилолмайсан...

Бончо. Борди-ю, ака-укаларингдан биронтаси шартни ютиб чиқ-  
са-чи!

Саритой. Худо кўрсатмасин. Бу нима деганинг... Шунча пайт-  
дан бери мен чарчаш нималигини билмай ишлаб, аллақанча  
олтин чиқарган бўлсам. (Халтасидан нимадир олади). Мана  
кўргин, топгап тилламдан қапақанги билагузук ясаб бериш-  
ди. Ҳали яна бир йил вақтим бор. Демак, билагузук бундан  
ҳам оғирроқ бўлади.

Бончо (билагузукни кўздан кечиради). Чиройли. Гуллари ҳам  
ажойиб.

Саритой. Бу қушлар Бонканинг юраги сиқилиб, кайфияти бу-  
зилган пайтларда сайраб туради.

Бончо. Сен билан бўлса ҳеч қачон унинг кайфияти бузилмай-  
ди. Борди-ю, шартни сен эмас, бошқа биров ютиб чиқса-чи?

Саритой. Эҳтимолдан холи эмас. Лекин мен Бонкани шу қадар  
яхши кўраманки, унақа фикр ҳатто хаёлимга ҳам келгани  
йўқ... Негадир унга уйланишимга ишончим комил. Биласан-  
ми, бирон нарсага эришмоқ учун, ўша нарсага жуда-жуда  
ишонишинг керак.

Бончо. Ниятинг ёмонмас...

Саритой. Бегона одамлар билан гаплашавераман-у, лекин Бон-  
кага бир амаллаб икки оғиз сўз айтсам... Қулоқларимгача қи-  
зариб кетади. У бўлса хандон уриб кулгани-кулган. Бонка  
мени бир оз бўлса ҳам севармикин?

Бончо. Бир оз эмас. Сен уни қанчалик севсанг, у сени шундан ҳам ортиқроқ севади.

Саритой. Ростданми? *(Ишонинқирамай)*. Сен қаердан биласан? Бончо *(уялиб)*. Қаердан биласан, дейсанми? Ахир мен билмай ким билсин: мен... фолбинман-ку.

Саритой. Негадир ишонгим келмаяпти. Бировни масхара қилиш яхши эмас.

Бончо. Мен масхара қилаётганим йўқ. Синаб кўришинг мумкин. Хоҳлаганингни сўра.

Саритой. Нимаши сўрасамийкин? Ҳа, қани топ-чи, мени печта ака-укам бор?

Бончо *(диққат билан осмонга қарайди)*. Учта: Қоровой, Чипорбек ва Оқбек.

Саритой. Вой сени қара, исмларигача билар экансан. *(У ҳам осмонга қарайди.)* Отамнинг исми-чи?

Бончо. Пётр. Онанг аллақачон ўлиб кетган.

Саритой. Қойил-е, худди ёзилган гапларни ўқиб бераётганга ўхшайсан-а!

Бончо. Ҳунарим шу.

Саритой. Масалан бир нарсани топаласанми?.. Мана ҳозир мен кўзимни юмаман, нима кўрганимни айтиб бера оласанми?

Бончо. Ҳа.

Саритой. Топа қол! *(Кўзини юмади.)*

Бончо. Бонкани кўряпсан. Ундан кейин туғилиб-ўсган қишлогинг Эгизакхонани ҳам.

Саритой. Лекин, жуда зўр экансан, биродар. Уйга қайтиб борганимдан кейин, бу гапларни ҳаммасини Бонкага айтиб бераман. Энди тўхтаб тур, яна бир саволга жавоб бер-чи. Энди шу охиргиси. Мен шартни ютиб чиқаманми, йўқми? Агар шунга-ям жавоб берсанг, энг қадрдон дўстим бўлардинг. Худди туғишган ака-укадек бўлардик. Акамдан ҳам яқин бўлардинг.

Бончо. Кечирасан-у, лекин билмаганимни билмайман дейман. Ҳеч қачон ёлгон гапирмайман. Бу саволга нима деб жавоб берсам ҳам бари бир тўғри чиқмайди.

Саритой. Бу нима деганинг, тушунолмадим...

Бончо. Ҳозир тушунтириб бераман. Борди-ю, шартни ютиб чиқасан десам, сен ўзингча: шартни ютиб чиқадиган бўлганимдан кейин, овора бўлиб ишлаб нима қиламан, дейсан. Унда ютқазиб қўйишинг ҳам мумкин. Борди-ю, Бонкага етолмайсан дейдиган бўлсам, сен ўзингча: пешанамга шартни ютқазиб ёзилгандан кейин, шунча ҳаракат қилиб ўзимни қойитиб, нима қиламан, дейсан. Унда нақд ютишинг лозим бўлиб турган шартни ютқазиб қўйишинг мумкин.

*(Орага жимлик чўкади. Бу вақт орасида қоронғи тушиб қолади.)*

Саритой. Қалланг ишлар экан... Туни билан гапингни эшитиб

чиқишга тайёр эдим-у, лекин эрта билан барвақт туриб иш-га тушиш керак. Ке, ётиб ухлайлик. Ечин, ҳозир жой солиб бераман.

**Бончо** (*уялиб*). Йўқ, йўқ, мен кетай. Жуда шошилиб турибман. Ундап кейин... кечаси салқинроқ бўлади, юриш ўнгай. Хайр, раҳмат сенга.

**Саритой**. Нимага раҳмат деяпсан? Ҳатто бирон нарса билан меҳмон ҳам қилмадим...

**Бончо**. Йўқ, йўқ, раҳмат сенга, каттакон раҳмат. (*Кетаётганда ўзича гапиради.*) Мана бу гулга ҳар куни сув қуйиб турганинг учун раҳмат, ҳар куни тушингда севгилингни кўришинг учун, ер юзида сенга ўхшаган одамлар борлиги учун раҳмат.

*Саритой унинг ортидан ҳайрон бўлиб қараб қолади. Кейин энгашиб гулга меҳрибонлик билан тикилади.*

*Парда*

## ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

*Парда олдиди*

*Бончо кириб келади. Елкасида таёқ, таёққа тугунча осилган. Тўхтаб, хурсандлик билан тезарак-атрофга қарайди.*

**Бончо**. Яхшиям бу оламда йўллар бор. Улар сени етаклаб, узоқ-узоқларга, потаниш шаҳар ва қишлоқларга элтади. Баланд-баланд тоғларга олиб чиқиб, яна яйловларга олиб тушади. Бутун олам худди кафтингда тургандек туюлади. Оламда йўллар борлиги қандай яхши. Йўлларнинг сени ўз уйингга, туғилиб ўсган диёрингга элтиши ундан ҳам яхши... Ҳув ана бизнинг Эгизакхона қишлоғимиз. Ер юзида энг кўркам қишлоқ. Баҳс бойлашиб айтманки, бошқа ҳеч қайси қишлоқда шунақа сой йўқ, сой ёқасида шундай тик ўсган оқ терақлар, бунақанги лайлак иш қўйган минора, бунақанги қарағай, оҳак иси таралиб турадиган уй топилмайди. У... «ўз уйим, ўлан тўшагим» деб аталадиган битта-ю, битта уй... Оқбекка ҳайрон қоляпман. Наҳотки ўз уйига келишни истамаса? «Истамбул жуда яхши экан»,— дейди. Вой товба... Яхшиям мендан воз кечгани. Қани энди Чипорбек билан Қоравой ҳам юз ўгиришса... Улар менга зормиди. Уларга пул керак. Бой бўлганимда уларни бошидан оёғига қадар тилла сочардимۇ фақат мендан воз кечишса бўлгани эди.

*(Чиқиб кетади).*



## УНИНЧИ КҰРИНИШ

*Парда кўтарилади.*

*Елена холалар уйидаги меҳмонхона. Елена хола билан Бонка дераза тагида аёлларга хос аллақандай тикиб-чатиш билан машғул.*

Бонка. Ойижон, гул бегона юртларда ҳам сўлиб қолмай, ўсавериши мумкинми?

Елена хола (*ўйлайди*). Мумкин.

Бонка. Қанчагача очилиб туриши мумкин? Бир йилгача турадимми?

Елена хола. Ҳа.

Бонка. Икки йил-чи?

Елена хола. Икки йил ҳам, уч йил ҳам.

Бонка. Қанчагача сўлиб қолмай, очилиб туради?

Елена хола (*яна ўйлайди*). Гулни узган одам билан уни совғага олган одам бир-бирларини унутмагунча.

*Деразадан араванинг товуши эшитилади. Бонка дарров ташқарига қарайди. Лекин арава тўхтамай ўтиб кетади.*

Бонка. Бошқа ёққа кетаётган экан. Янглишганимиз йўқми, ойижон? Улар бугун қайтиши керак эди, шекилли.

Елена хола. Келишади, қизим, ҳеч бўлмаса тўртовидан бирон-таси албатта келади.

Бонка. Мен учун қайси бири келса ҳам бари бир эмас-да.

Елена хола. Уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эди-ку. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, деб ўзинг айтган эдинг-ку.

Бонка. Қўринишлари бир хилку-я. Лекин қалблари ҳар хил. Борди-ю, энг оғир билагузук олиб келгани қалби ёвуз бўлса, унда нима қиламан, мен бахти қаро? (*Йиглайди.*)

Елена хола. Бўлди, бас қил. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Улардан қайси бири яхшилигини ўзинг билиб олсанг бўлгани. У тақдирда кимнинг билагузуги оғирлигини қўлинг дарров сезади. Сени қўлинг қалбинг билан қўшилиб, тарози хизмати-ни ўтайди...

*Эшик тақиллаб Пётр амаки кириб келади.*

Пётр амаки. Кунинглар хайрли бўлсин. Хўш. Тайёرمىсиз? Супуриб-сидириб бўлдингларми?

Елена хола. Супуриб-сидириб ҳам, артиб-суртиб ҳам бўлдик, лекин куёвлардан дарак йўқ. Марҳамат қилиб ўтиринг. (*Ўтиришга таклиф қилиб, стулни кўрсатди.*)

Бонка. Домлари ҳам йўқ, дараклари қам.

Пётр амаки. Ҳавотир олма, Бонка. Кеб қолишади. Туғилиб ўсган ерлари шу бўлгандан кейин юриб-юриб охири шу ерга келишади-да.

*Деразадан от туёғининг овози эшитилади. Пётр амаки билан Бонка дарров деразага қарашади. Товуш узоқлашади. Бонка йиғлаворай-йиғлаворай дейди.*

— Бонкахон, қарагин. Ҳув нариги томонда (*деразадан кўрсатади*), юрган кампир, ҳў бир пайтдаги эртақ айтиб юрадиган жаҳонгашта кампир эмасми?

Бонка (*қарайди*). Ҳа, тўғри, ўшанинг ўзгинаси.

Пётр амаки. Бор, чопқиллаб чақириб келгин. Балки у бир хабар билар. Ўшанда ҳам шу кампир топиб келувди-ку, ҳар хил гапларни.

Бонка. Ҳозир! (*Чопқиллаб чиқиб кетади.*)

Пётр амаки. Бонкахоннинг юраги қон бўлди! Мени айтмайсизми... Уники анча енгил. Ҳеч бўлмаса биттаси тузукроқ одам бўлиб келар-ку... Мен-чи? Мен тўртталасига ҳам отаман, ахир.

*(Бонка билан кампир кириб келишади.)*

Кампир. Кунларинг хайрли бўлсин.

Елена хола. Марҳамат қилинг.

Пётр амаки. Қўлдан бери келмай қўйдингиз биз томонларга. Қаерлардан сўраймиз?

Кампир. Бормаган жойим қолмади. Жаҳонгашта қўним билмайди.

Елена хола. Онажон, ўтган йили бизларга ака-ука эгизаклар ҳақида ҳар хил хабарлар олиб келган эдингиз, эсингиздами?

Кампир. Бўлмасам-чи, албатта эсимда. Яхшилаб меҳмон қилган эдинглар, у ҳам эсимда.

Елена хола. Мен ҳозир... (*Жавондан овқат олади*).

Пётр амаки. Улар ҳақида бирон янги хабар эшитмадингми?

Бонка. Уларнинг қайтиб келадиган вақтлари бўлди.

Кампир. Келишади. Яқин қолди. Уч кун бўлди шаҳарда иккитасини кўрган эдим. Иккови ҳам карвонсаройда эди, фақат биттаси шаҳарнинг бу чеккасида бўлса, иккинчиси у чеккасида. Еб-ичиб юришган эди. (*У ҳам овқат ейишга тутунади.*). Шартлашилган вақтни кутиб ўтиришувди.

Бонка (*уҳ тортади*). Улар қайтиб келишмаса ҳам майли эди... Мени хурсанд қилишни истасангиз, яна биттасини кўргангизни айтинг... Шошиб-пишиб, чарчаш нималигини билмай, олди-орқасига қарамай, на ўзини аяб шу томонга учиб келатганини айтинг.

Кампир (*кавшанади*). Бунақасини кўрмадим, оппоқ қнзим. Яхшиям кўрмаганим, болам, бўлмаса у мени қувиб ўтиб, аллақачон бу ерга етиб келган бўларди. У кўринмайди. Демак,

йўлга кечроқ чиққан бўлиши керак. Шунинг учун кечроқ етиб келади.

Е л е н а х о л а. Бу ҳам тўғри. Олинг, энг онажон, энг. К а м п и р. Еяпман, болам, еяпмап.

*(Деразадан от туёғининг товуши эшитилади. Ҳамма қулоқ солади.)*

Б о н к а. Ушаларми дейман?

П ё т р а м а к и *(деразадан қараб)*. Улар, ўшалар, дилбандларим, қўзичоқларим, баҳодирларим.

*(Бонка эшикка отилади.)*

У ё ққа чиқма, Бонка. *(Деразани очади.)* Ҳай дайдилар, хуш келибсизлар.

О в о з л а р. Раҳмат, отажон.

Мен фақат шартни деб келдим.

П ё т р а м а к и. Ундай бўлса, топган-тутганларингни олиб битта-биттадан мана бу меҳмонхонага кириңлар. Кечиктириб нима қиламиз. Фақат қалпоқларингни киймай кириңлар. Яна Бонка қалпоқларингдан таниб қолмасин-да, тушунарлими?

О в о з л а р. Тушунарли!

Тушунарли!

П ё т р а м а к и *(деразани ёпади)*. Сен Бонка анави ерда тур. *(Қаерда туриши кераклигини кўрсатади.)* Биз онанг ва азиз меҳмонимиз билан мана бу ерда қараб турамиз.

*Эшик тақиллаб, эгизаклардан бири хонага кириб келади. У қалпоқсиз. Катта оғир халтани зўр-базўр судраб киради. Уни Бонканинг ёнига олиб боради. Кейин отаси билан Елена холанинг қўлларини ўпади.*

Э г и з а к. Ассалому алайкум, ота! Салом Елена хола. *(Бонканинг ёнига боради.)* Сенга ҳам салом Бонка! Қопнинг оғзини очишга ёрдамлашворгин-да, пима олиб келганимни бир кўриб қўй.

*Бонка унга синовчан назар ташлаб, қопнинг оғзини ечишга ёрдамлашади.*

П ё т р а м а к и. Нима олиб келдинг ўзинг? Шарт ёдингдами?

Э г и з а к. Ёдимда, отажон. Тилла билагузук олиб келдим. *(Қопдан жуда катта тилла билагузук олади. Унинг бўртиб-бўртиб чиққан гуллари ҳам бор.)* Сиз ҳам ёрдамлашворинг, дада, ўзим кўтаролмайман. Уни Бонканинг қўлига тақиб қўйиш керак. П ё т р а м а к и *(ҳайратланиб билагузукка қарайди)*. Бу ажойиб-

ку! (Мағрурланади.) Пётр амакининг ўғилларини кўриб қўйинглар. (Мамнун бўлиб, ўглининг елкасига қоқади.)  
Эгизак. Келинг, дада, сиз нариги тарафидан олинг, мен бу тарафидан. Хо-оп!!

Билагузукни кўтаради. Бонка қўлини чўзади. Лекин билагузук сирғалиб, Пётр амакининг оёғига тушади.

Пётр амаки. Вой! (Оғриқ зарбидан бақиради. Ихтиёрсиз жароҳатланган оёғи томонга энгашади-ю, бошқа бир нарса диққатини жалб этиб, оғриқ ҳам эсидан чиқади. Энгашиб билагузукни синиб тушган бўлагини қўлига олади. Қараса, билагузук олтидан эмас, аллақанақа металл экан.) Вой сен фирибгар-ей! Уялмадингми? Туққан отаңни алдайсанми, аблаҳ! Йўқол бу ердан! Жўпа! Кўзимга кўринма!

Эгизак. Жаҳлингиз чиққанча бор, дадажон! Мени ҳайдаётганингиз ҳам тўғри. Лекин бир хатога йўл қўйибман. Агар ижозат берсангиз тушунтириб берай.

Пётр амаки. Нимасини тушунтирасан?

Эгизак. Дадажон, мен савдо билан шуғулланардим. Бунақанги билагузуклардан сотишга бир нечта буюртирган эдим. Аҳмоқлар кўп сотиб олишаверади. Бонкага атаб соф тилладан фақат битта ростакан билагузук буюртган эдим. Лекин ўзимни ҳам алдабди аблаҳлар, мен билмай қолибман. Энди сиз ҳайдаяпсиз. Менинг айбим нима? Бонкахон, сўрайман сендан, ўзинг бир нарса дегин.

Пётр амаки. Йўқол деяпман сенга. Бу ерда сенинг отаң ҳам йўқ, қаллиғинг ҳам. Ма, ол кўтариб келган матахингни. (Билагузукни думалатиб юборади. Билагузук ташқарига думалаб; эгизак ҳам қўшилиб чиқиб кетади.)

Ҳа, шартимиз оғир кўчаюпти-ю! Айтгин-айтгин ишқилиб қолганлари одам бўлган бўлсин-да.

Эшик тақиллаб иккинчи эгизак кириб келади. У ҳам қалпоқсиз, қўлида тугунчаси бор.

Эгизак (эшик олдида). Ассалому алайкум! Ҳаммангларга саломатлик тилайман. (Кириб, тугунчасини ечади-да, саккизинчи кўринишда кўрганимиз қуш расми каттагина билагузук олади.) Мана меинг совғам. Ўзи катта бўлмаса ҳам оғиргина. Буни жимжималари жуда қимматбаҳо. Қушини кўрддингми...

Бонка. Қани бер, бир кўрай-чи.

Эгизак. Кўрасан, албатта, сенга деб олиб келдим уңи. Қани қўлингиз бер-чи...

Бонка. Вой худо! Унинг чиройлилигини!..

Пётр амаки (билагузукни қўлига олади). Оғирлигини қаранг-

лар буни, қўлни синдирай дейди-ку. Қаердан сотиб олдинг ўғлим?

Эгизак. Бу алоҳида буюртма билан тайёрланган.

Бонка. Бундан бошқа ҳеч нима совга қилмайсанми?

Елена хола. Уялсанг-чи, қизим. Бунақа билагузукни подшо-ларнинг хотини ҳам тақмаган.

Пётр амаки. Уларга бунақа билагузук қаёқда! Унинг қўли бунақа оғир нарсани кўтара олмайди ҳам.

Бонка. Меники-чи?

Эгизак. Қўлингни бер Бонка, мен санайман. *(Бонканинг қўлига билагузукни тақиб, санай бошлайди.)* Бир, икки, уч, тўрт, беш... *(Бонканинг узатилган қўли толиб титрай бошлайди.)* Олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн...

*Бонка қўлини туширади, билагузук жаранглаб ерга тушади.*

Эҳа, кучли бўларкан, қаллиғим. Унгача ушлаб турдн-я.

Пётр амаки. Билагузук оғир экан, бу тўғрида гап йўқ. Унинг жаранглашини қара, худди қўнғироққа ўхшайди-я. *(Елена холага.)* Кўрдингизми қуда, ўғлимнинг қанақалигини!

Елена хола. Жуда яхши, лекин бундан ҳам яхшироғи чиқиб қолмасмикин, дейман?

Эгизак. Галингизни қаранг-а, Елена хола! Қаёқдан чиқарди. *(Халтани ковлайди.)* Мана олинг, сизга гулдор шол рўмол, дадамга ҳақиқ тасбеҳ. *(Совғаларни улашади.)*

*Кўчадан от туёғи тақиллаши ва кишнаши эшитилади. Ҳамма қулоқ солади. Кампир деразадан қараб, отлиқнинг яқинроқ келишини кутади.*

Кампир. Келди, яна биттаси келди. Отни роса чоптирибди-е.

Пётр амаки. Онажон, чиқиб уни кутволинг. Тўғри шу ёққа олиб кираверинг. Фақат қалпоқсиз кирсин-а.

Кампир. Ҳозир олиб кираман. *(Чиқиб кетади.)*

*Пётр амаки билан Елена хола совғаларни, билагузукни яширишади. Яна битта кувёв кириб келишини ҳамма тоқатсизлик билан кутади.*

Эгизак. Балки мени чиқиб кетганим тузукдир, дада.

Пётр амаки. Ўзипг биласан, бўтам. Бор, айланиб юра тур. Шунақаси тўғри тўйга келарсан.

*(Эгизак чиқиб кетади.)*

Елена хола. Буниси ундан ҳам оғирроғини олиб келган бўлса-чи?

**Пётр амаки.** Иўғ-е. Олиб келган бўлса ундан ҳам яхши. У ҳам ўғлим-ку, ахир.

*Учинчи эгизак кириб келади. У ҳам қалпоқсиз. Ҳансираб тўғри Бонкага ташланади. Уни қўлидан ушлаганча, тикилиб қолади.*  
*Эгизак кетидан кампир кириб келади.*

**Кампир.** Мана куёв ҳам келди.

**Эгизак.** Бонка, Бонкахон! *(Унинг қўлини қўйиб юбориб, отаси билан Елена холанинг қўлларини ўнгани келади.)* Кечиринглар мени отажон, сиз ҳам Елена хола. Аввал сизлар билан сўрашмаганим учун уэр. Бунга Бонка айбдор. Унга кўзим тушиб, бошқа ҳеч кимни кўрмай қолибман.

**Пётр амаки.** Шундан бошқа айбинг йўқ. Қани айт-чи, қўйилган шартга кўра нима олиб келдинг?

**Эгизак.** Шарт қўйганда пухта ўйламаган экансиз, дадажон. Ўз отасига бундай дейиш поўрин-у, лекин шундай бўларканки, энг катта бойлик, энг нолойиқ одамнинг қўлига тушиб қоларкан, борди-ю, лойиқ одамнинг қўлига тушган тақдирда ҳам, бирон кори хол юз бериши мумкин экан...

**Пётр амаки.** Катталарга ақл ўргатгандан кўра, олиб келган нарсанинг кўрсатсанг-чи.

**Эгизак** *(белбоғидан мўғжазгина чиройли, худди аввалги кўрганимиздақа қушининг расми ишланган гулдор билагузук олади-ди, Бонкага узатади).* Хафа бўлган кезларингда сайраб турар деб, унга қуш расми ишлатдим...

**Пётр амаки.** Яхши гаплар айтдинг, лекин шартни гап билан ютиб бўлмайди...

**Елена хола.** Шошилманг қудажон, Бонка бу совғани ҳам чама-лаб кўрсин. Кўриниши кичкина бўлгани билан тилладан оғирроқ бўлиши мумкин.

**Пётр амаки** *(кулади).* Майли, майли. Қани Бонкахон қизим қўлиниг бери-чи, мен санаб тураман.

*Бонка қўлини узатади, йигит унга билагузукни тақиб қўяди. Икковлари бир-бирларига тикилганча кўзларини узишолмайди.*

Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти...

**Эгизак.** Мен сенга яна бир нарса олиб келганман, Бонка. *(У қўйнидан ўша бизга синашта гулни олиб, Бонкага узатади.)*

*(Елена хола Бонканинг ёнига келади).*

Эсинглами?

**Пётр амаки.** ...етти, саккиз...

*Бонканинг кўзи тиниб боши айланади. Агар онаси ушлаб қолмаганда, йиқилиб ҳам тушарди. Унинг қўлидан жаранглаб тушиб кетган билагузук думалаб Пётр амакининг оёғи остига боради. Энди бу йигитнинг Саритой эканлигини ҳаммамиз биламиз. У қўлидаги гулни Бонкага узатганча қотиб қолади. Пауза. Бонка ўзига келиб, гулни унинг қўлидан олади. Унинг юзига табассум югуради. Шундан кейин улар ҳамма нарсани унутиб қўйиб, бир-бирларининг қучоқларига ташланишади.*

Е л е н а х о л а (*у билагузукни томоша қилаётган Пётр амакининг ёнида бўлади*). Менга қаранг, қудажон, менимча бу билагузук огирроққа ўхшаб қолди.

П ё т р а м а к и (*кафтига олиб чамалаб кўради*). Бу тарозининг қанақалигига боғлиқ. Мени қўлимда худди пардек енгил туюл-ляпти...

Е л е н а х о л а. Бу йигит Бонкага уйланадиган, у турмушга чиқа-диган бўлгандан кейин, Бонкага қайсиниси огир туюлса, ўша ҳисоб-да! Юринг қудажон, Бонкам ўзига қанақанги сеп тай-ёрлагани, қариндош-уруғларга қандай ҳадялар тайёрлагани-ни кўрсатаман. Шартимизда бу ҳам бор эди-ку, ахир.

*Чиқиб кетишади. Бонка билан Саритой бир-бирларининг қўллари-дан ушлаб, бир-бирларига тикилганча туришади.*

Б о н к а. Саритой!

С а р и т о й. Бонкахон!

Б о н к а. Қани энди, гапир юрагингда борини!

С а р и т о й. Нима ҳам дердим? Ҳозиргина мен дунёда энг бахтсиз одам эдим, энди бўлса, мендан бахтлироқ киши йўқ. Бундан бир йил аввал, худди шунақа қуш расми ишланган, лекин бун-дан беш барабар катта билагузук тайёрлаб қўйган эдим. Отам-га ҳақиқ тасбеҳ, онангга гулдор шойи рўмол олиб қўйгандим... Лекин кечаси қўққисдан қароқчилар бостириб келиб, у нарсаларни олиб кетишди. Эрта билан жонимга қасд қилиб ўзим-ни дарёга ташламоқчи бўлдим-у, лекин енг шимариб яна ишга тушдим. Бир йилда мана шу ҳозир сенга олиб келганим, била-гузукни тайёрлашга муяссар бўлдим.

Б о н к а. Мен учун, Саритой, энг катта билагузукдан ҳам афзал. Умуман менга билагузук керак ҳам эмас. Ўзинг кўрдинг, баъ-зида гул тилладан ҳам қимматли бўлади.

С а р и т о й. Ўзимнинг Бонкахоним!

Б о н к а. Саритой!

*Икковлари қўл ушлашиб, секин-аста юриб чиқиб кетишади. Кўчада ногора, сурнай овозлари янграйди. Эртакчи жаҳонгапта кампир, саҳна олдида чиқиб, гап бошлайди.*

Ҳ а м п и р. Мапа, азишлар, эртагимиз ҳам охирлаб қолди. Бир гапдан сизларни хабардор қилиб қўяй: Пётр амақи билан Елена хола, қолаверса бутун қишлоқ аҳли Бонкахон билан Саритойнинг тўйини шу қадар дабдаба билан ўтказишдики, бу тўй таърифини гапирган билан тугамайди. Ҳатто, эртакларда ҳам бунақанги зўр тўй бўлган эмас. Уч кунгача ҳеч ким қозон осмай, ҳамма шу ерда еб-ичиб, ўйнаб-қулиб, севинишиб-қувониб юрди. Мен ҳам ўшалар билан бирга бўладим.

*(Шу пайт саҳнага ҳансираган Оқбек кириб келади.)*

О қ б е к. Нима гап ўзи? Наҳотки кечга қолган бўлсам?

Ҳ а м п и р. Ҳа, вақт ўтди. Тўй тугади.

О қ б е к. Тўй тугаган бўлса майли. Мени ҳам Истамбулда хотиним бор. Пьесани сўраяпман. Пьеса тугагани йўқми? Ахир охирида чиқиб салом бериш керак бўлади, шундан кейин одамлар чапак чалишади.

Ҳ а м п и р. Ундай бўлса, худди ўз вақтида етиб келибсан. Таъзим қил, улар *(томоша залини кўрсатади)* сени олқишлашади, мен Қоровой, Чипорбек ва Саритойларни чақираман.

*Оқбек таъзим қилади. Чапаклар. Кейин Пётр амаки билан Елена хола чиқишади. Улар ҳаммалари бир бўлиб «Қоровой» деб чақирришади. Саҳна орқасидан «ҳозир» деган овоз эшитилади... Тез-тез юриб келаётган кишининг оёқ товуши эшитилади-да, кейин саҳна орқасидан кимдир қора қалпоқни Оқбекнинг оёғи остига ташлайди. У бошидан оқ-қалпоқни олади-да, қорасини кийиб таъзим қилади. Унга қарсак чалишади. Кейин ҳаммалари бир бўлиб «Чипорбек» деб чақирришади. Яна аввалгидек ҳодиса такрорланади. Саритой билан худди шундай бўлади.*

*Саритой таъзим қила туриб: «Ие, қаллиғим қани?» — деб қолади. Ҳамма баравар «Бонкахон» деб чақирришади. У чиқиб келиб Саритойнинг қўлидан ушлайди. Ҳамма бир-бирининг қўлини ушлаб, томошабинларга таъзим қилишади. Ногора-сурнай садолари янграйди. Қаҳрамонларимиз доира туриб, қўшиқ айтиб, ўйнашади ва секин-аста саҳнани тарк этишади.*

### **БОНКА ҚЎШИҒИ<sup>1</sup>**

Ухлаган тоғ-у, ўрмон,  
Ухлаб қолган қушларжон.  
Уясида айиқ ҳам  
Ухлаб, олаётир дам.  
Фақат менга йўқ омон,

<sup>1</sup> Қўшиқларни П. Мўмин тәржима қилган.



Мени чақирар ҳамон  
Йўллар,  
Йўллар,  
Ва йўллар...

Агарда йўл бўлмаса,  
Учрашмасди ҳеч кимса.  
Кечасию ё кундуз,  
Қўриштирган юзма-юз,  
Ошно этган кўнгиллар,  
Йўллар,  
Йўллар,  
Ва йўллар...

### ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

Менга қурол доимо ҳамдам,  
Зарур бўлса қутқарар буткул.  
Ҳатто мени аламдан-гамдан,  
Йўл-ботирга жуда келар қўл.  
Агар ботир тушдими йўлга,  
Борар у  
Олга  
Ва олга.

### ҚОРАВОЙ ҚЎШИҒИ

Йўлларга мен хўжайин,  
Йўлчи писар сичқондай.  
Кулворганда Қоравой  
Эшитганининг ҳоли вой...

Тўлаб қўйгин ҳаққини  
Агар боссам тепкини,  
Кулворганда Қоравой  
Жонинг ачир ҳойнаҳой.

Шундайдир бизнинг замон  
Мослашар унга инсон:  
Бутазорда жим ўтир,  
Босилгунча хавотир.

Қолсам-чи, индамайин  
Бир тийин тегмас тайин.  
Роса наъра қиламан  
Йўловчини шиламан.

Қачондир, айтай сизга,  
Қаттиқ боқманг ожизга.  
Баъзан аксига олиб  
Муштлар чиқади ғолиб.

## ОҚБЕК ҚУШИҒИ

Ҳеч гап эмас  
Менга ясанмоқ.  
Гилам узра емоқ ва ичмоқ.

Мен яшаган тоғларда эса,  
Бўлмас ҳаёт яхшийди деса.

Ер юзида ноҳақлик талай  
Мен ўтаман жимжит, бақирмай.  
Жойим менга қулай ва иссиқ,  
Ўйламайман, оламан ҳордиқ.

Мен яшайман шодликда жуда,  
Ширинлиг-у, ипак ичида.

Ишларимга бой берди ёрдам  
Ёрлақади худо ўзи ҳам.

## САРИТОЙ ҚУШИҒИ

Жудаям узоқларда  
Ёки баланд тоғларда,  
Булутларнинг сузганин  
Қуёш нурин сочганин,  
Кўриш менга нораво.  
Ёки мен сариқманми?  
Ёки мен ориқманми? ...  
Чарчаганманми, гўё? ...

Яшагайман бир умр,  
Саритойга нима зарур?  
Ҳамма ерда, ҳар қачон.  
Саритой билар буни  
Меҳнат кутади уни.

Қуёш ўз нури билан,  
Булут ёмғири, билан  
Тоғлар бағрини ювар  
Қара, ялтираб турар.  
Боқсанг қаён беғубор,  
Бутун олам чаманзор.

Назар солсам, мен фақат,  
Саритойлар қилар меҳнат.

Бўлмаса-да, одатда  
Бу эртак ё ҳаётда  
Биринчи марта бўлар  
Саритой бахти кулар.

### **ЧИПОРБЕК ҚУШИҒИ**

Тентак қилар яхшилик нуқул  
Ўралишмас ёмонлик буткул.

Кундуз унга бўлгандай ёруғ,  
Қора туннинг сира фарқи йўқ

Қоп-қоронғи маҳал бўлса ҳам  
Бажаради ишини бардам.

Қани келиб синчиклаб қара,  
Қайда оқи ва қайда қора?

Ўз акамни алдаб бирпасда,  
Поп бобони бопладим аста.

Ҳалоллик бу, албатта маъқул,  
Найрангбозлик асосидир ул.

Узатайин олган олтинни,  
Қоронғулик ажратар тунни.

Қани ўзинг сиичиклаб олгин,  
Қаерда сўз, қаерда олтин?

Қайраб олгин пичоқчангни ҳам  
Менинг қўлим эпчил ва бардам.

Қани тунда исботлаб қара,  
Қаерда оқ ва қайда қора?

-----

Қани ўзинг сиичиклаб олгин,  
Қаерда сўз, қаерда олтин?

Қани ўзинг сиичиклаб олгин,

Қаерда сўз, қаерда олтин?  
Қани ўзинг сиичиклаб олгин,  
Қаерда сўз, қаерда олтин?  
Қани ўзинг сиичиклаб олгин,  
Қаерда сўз, қаерда олтин?  
Қани ўзинг сиичиклаб олгин,  
Қаерда сўз, қаерда олтин?

Қани ўзинг сиичиклаб олгин,

## Булбул

**Г. Х. АНДЕРСЕННИНГ ШУ НОМЛИ ЭРТАГИ  
АСОСИДА ОЛТИ ЭПИЗОДЛИ ПЬЕСА**

### ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Булбул.  
Император.  
Сарой оғаси.  
Хайр-саховат нозири.  
Давлат маълумотлари бошлиғи.  
Тарихчи.  
Файласуф.  
Яллачи.  
Шоира.  
Наққош аёл.  
Қозон-товоқ ювувчи — оқсоч қиз.  
Улим.  
Посбонлар.  
Хизматкорлар.



## БИРИНЧИ ЭПИЗОД

*Император тахтда қандайдир китоб варақлаб ўтирибди. Тахт ортида бешта посбон. Посбонлар орқасида қимирламай сарой оғаси, хайр-саховат нозири, давлат маълумотлари бошлиғи, сарой аъёнлари: тарихчи, файласуф, яллачи, шоира, наққош аёл туришибди. Узоқдан биллур қўнғироқчалар жаранги эшитилади.*

**Император** (бир оз хаёлга чўмади, кейин туюқиб қичқиради).

Сарой оғасини чақиринг!

**Сарой оғаси** (олдинга чиқади). Шу ердан, ҳазрати олийлари!

**Император** (унга тик қараб). Булбулни биласанми?

**Сарой оғаси** (ростланади). Мен ўз бурчимни биламан, давлатпаноҳим.

**Император**. Булбулни деярман, хомкалла! (Хаёлга чўмади) Уни ҳаттоки денгизнинг нарёгидаги аллақандай қаламқаш ҳам биларкан. Нима деб ёзганини эшитгин. (Кўзойнак тақиб ўқий бошлайди.) «Ҳазрати олийларининг арқони давлатлари ҳозирга қадар мен кўришга муяссар бўлган барча бойликлардан устуи, ҳатто тасавури зўр одам ҳам бу қадар давлатманд мамлакатни кўз ўнгига келтиришга ожизлик қилади. Чиннидан қурилган император саройи меъморчиликнинг энг ажойиб санъати ҳисобланади». (Сарой оғасига.) У менинг саройимни шундай деб таърифлаяпти. (Ўқийди.) «Богида анвойи ясама гуллар барқ уриб ётибди, улар биллур қўнғироқчалар билан безатилган. Сал шамол эсгудек бўлса, бу қўнғироқчалар кишининг баҳри-дилини очадиган даражада ёқимли жаранглайди. Бу боғ шу қадар каттаки, ҳатто унинг чегарасини аниқлаш ҳам мушкул». (Сарой оғасига.) У менинг боғимни таърифлаяпти. (Кўз югуртириб бидирлаб бир неча сатрни ўтказди.) Ҳа, энди яна бизнинг урф-одатимиз, удумимиз, ҳар соҳада қўлга киритган муваффақиятларимиз ҳақида гапирибди. Жуда бамаъни гаплар айтган. Жуда ўткир ақлли одам экан. Мана охирида айтган гапларини эшит энди. (Ўқийди.) «Лекин бу мамлакатдаги энг гўзал нарсаси, — деб ёзибди у. — Жуда ҳам ажойиб сайрайдиган булбул экан. У

денгиз бўйида яшовчи бир камбағал балиқчини ки экан. (*Сарой оғасига қарайди.*) Сендан сўраяпман — бу нима деган гап? (*Пауза.*) Денгизим бўйида яшайдиган камбағал, йўғ-е, балиқчимда булбулим бор экап. Уша қаламкаш бундан хабардор бўлса-ю, қарабсизки, меп беҳабар бўлсам. Мен, император бўла туриб, уни тасаввур ҳам қилолмасам. Сен тасаввур қила оласанми уни?

Сарой оғаси. Кимни, ҳазрати олийлари?

Император. Булбулни.

Сарой оғаси. Албатта-да!

Император. Нима албатта? Тасаввур қиласанми, йўқми?

Сарой оғаси. Мен бундай демоқчиман давлатпаноҳим. Булбул жиддий масала, биз у билан астойдил шуғулланишимиз керак. Унга жуда жиддий эътибор беришимиз керак. Менимча, уни асосий проблема десам, хато бўлмас.

Император. Сўзингга қараганда, булбул ҳақида қандайдир тасаввурга эга бўлсанг керак, деган хулосага келяпман.

Сарой оғаси. Худди шундай давлатпаноҳим, лекин бир вақтнинг ўзида ундай ҳам эмас. Масалан Рух қушини олайлик. Жуда кўп олимларингиз бу қуш ҳақида ҳамма нарса аёндек фикр юритишади. Лекин менимча, уларга ҳеч нарса аён эмас, жуда нари борганда, уни яхши билишмайди.

Император. Бу билан нима демоқчисан?

Сарой оғаси. Рух қуши, масалан...

Император. Рух қушини ўз ҳолига қўй. Мен сендан булбулни сўраяпман.

Сарой оғаси. Сиз ҳақсиз, давлатпаноҳ.

Император. Масалан?

Сарой оғаси. Булбулни биламан десам, масалага жуда енгил қараган бўламан, борди-ю, билмайман дегудек бўлсам, ҳақиқатга хилоф қилган бўламан. Шундай қилиб, сиз айтган тавсиф, яъни булбул ҳақида қандайдир тасаввурга эгасан, деганингиз, айни ҳаққоний гап.

Император. Мужмаллик қилма, сарой оғаси. Очиғини айт.

Сарой оғаси. Хўп бўлади, давлатпаноҳим. Очиғини айтаман. Мен сизга айтсам, асосан булбулга тарафдорман. Борди-ю, бирор кори-ҳол рўй бергудек бўлса, унга қарши чиқишим ҳам мумкин.

Император. Мана аёёнларимнинг аҳволи. Давлатимда нима-лар бўлаётганидан уларнинг хабари бўлмаганидан кейин, меп бу давлатни қандай бошқарай? Қандайдир (*қоғозга кўз ташлайди*) япониялик бир қаламкаш билса-ю, улар билмас! Бу нима деган гап? А? Сендан сўраяпман, бу нима деган гап? (*Тутоқиб кетиб, асосини синдириб ташлайди, поғсон унга янги асо узатади.*) Раҳмат, дўстим. (*Тахти ортига қарайди.*) Яна борми?



Сарой оғаси. Бор.

Император. Сендан сўраётганим йўқ. Ундан кўра сен саволимга жавоб бер, бу нима деган гап?

Сарой оғаси. Миямга бир фикр келди. Биз Японияга тажрибали бир айғоқчи жўнатишимиз керак. Кўз остига олиб қўйган одамим бор. Фармон берсангиз бас.

Император. Бу фикрингни йигиштириб тур. Ўтган ҳафтада иккитасини чуви чиқди, қозирча шу етиб турар. Бошқа бир ақллироқ тadbир топ.

Сарой оғаси. Сарой тарихчиси билан маслаҳатлашиб кўрсак. У булбул нималигини албатта билса керак. Тарихчи-ку, ахир.

Император. Билса ажаб эмас. Чақир уни!

Сарой оғаси (*қичқиради*). Сарой тарихчиси давлатпаноҳ ҳузурларига!

Тарихчи (*олдинга чиқади*). Император ҳазратлари омон бўлсинлар! (*Унинг чап қўлида бир даста қоғоз, ўнг қўлида кичик шишачада сиёҳ.*) Ҳар дақиқа вақтим ғанимат. Ўзи нима гап?

*Посбонлардан бири тарихчининг орқасига ўтиб туради. Кейинчалик қолган посбонлар навбати билан файласуф, яллачи, шоира, наққош аёлни маълум масофада кузатишади.*

Сарой оғаси. Сен ҳар нарсани биласан. Қаерда нима борлигидан ҳам воқифсан. Осмондами, ер тагидами, узоқдами, яқиндами, ишқилиб ҳаммасини биласан. Император саволларига жавоб бериш сенга ҳам қарз, ҳам фарз.

Тарихчи. Бу ишпи бажаришдан кўра, айтиш осонроқ.

Сарой оғаси. Шундай қилиб, жавоб бер-чи, булбулни биласанми?

Тарихчи. Бу саволга жавоб беролмайман.

Сарой оғаси. Жавоб бера оласанми, беролмайсанми, деб сўраётганим йўқ. Биласанми, билмайсанми?

Тарихчи. Мен тарихчиман.

Сарой оғаси. Тарихчи бўлсанг нима бўпти?

Тарихчи. Тарихчи дегани, тарих билан шуғулланадиган одам дегани. Бугунги қилинаётган ишлар эмас, кеча бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тарих дейилади. Ҳиссадан қисса шуки, бугунги кун фақат эртага тарихга айланиши мумкин.

Сарой оғаси. Бундан чиқдики, давлатпаноҳ саволларига эртага жавоб берасанми?

Тарихчи. Эртага деганининг маъноси мажозий. Эртага деганимиз ўн йилдан кейин ҳам, ҳатто юз йилдан кейин ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Сарой оғаси. Бошимни айлантирма, эрта дегандан кейин эртага бўлади.

Тарихчи. Авлодларимиз давлатпаноҳимизнинг подшолик давр

лари ҳақида мен битган воқеа-ҳодисаларни ўқиб ўрганганларидан кейингина булбулни билиш ёки билмаслигим аниқ бўлади.

**Сарой оғаси.** Айтадиган гапингизнинг ҳаммаси шу, холосми?  
**Тарихчи.** Афсуски, қоида шундай.

**Сарой оғаси** (*императорга қўлларини ёзиб*). Тарихий плм, эътироз билдириб бўлмайди.

**Император.** Энди билсам, тарих фанининг оддий қонунларидан ҳам беҳабар экансан. Файласуфни чақир. (*Тарихчига.*) Сен бўшсан.

**Сарой оғаси** (*қичқиради*). Сарой файласуфи император ҳазратлари ҳузурига!

**Файласуф** (*олдинга чиқади*). Ҳазрати олийлари омон бўлсинлар! (*У эшилиб, ипга бойланган булут парчасини ушлаб киради*). Мен субҳидам чоғи ҳаёл суришларимнинг меваси ҳисобланмиш пушти булутчани олиб келдим. Ҳамоҳанг соф дунёвий овозларга маҳлиё бўлиб ётар эканман, шу булутча деразамдан ичкарига кириб келди. Бу яхшиликдан далолат, шу сабабли булутчани император ҳазрати олийларига тортиқ қилишга журъат этдим.

**Император.** Унинг булутлари жонимга тегиб кетди. Омборимда бунақа булутлар сони ўттиздан ошиб кетди. (*У асосини булутга тикади, булут ёрилиб кетади.*)

**Файласуф.** Вой!

**Сарой оғаси.** Булут ёрилиб кетди. Бу бирон кори-ҳол рўй беришдан нишона. Гапимга инон, бир балога йўлиқишинг эҳтимолдан ҳоли эмас. Бир пайтлар аллақайси ҳамкасбинг айтганидек — бу дунёда тўғрилаб бўлмайдиган иш йўқ. Бу балодан қутулиш йўлини сенга ўргатиб қўяман. Бунинг учун битта саволга жавоб беришинг керак.

**Файласуф** (*тушунмай*). Доволга?

**Сарой оғаси.** Саволга деяпмап. Булбулни биласанми?

**Файласуф** (*паузадан сўнг*). Уйлаб кўришим керак.

**Сарой оғаси.** Уйлайвер. Ҳеч ким сенга халақит бераётгани йўқ. Файласуф бўлганингдан кейин ўйлашинг керак-да! Лекин огоҳлантириб қўяй, фақат бир йўналишда фикр юритишинг керак. Шахсан қай йўналишдалигини айтман. Ке, майли, айтсам, айта қолай. Қўнгилчанлигимдан фойдаланиб қол. Тахминан шу йўсинда фикр юритишинг керак. Ҳа, булбулни биламан. У фалон ерда, фалон алфозда яшаб турибди, сайраши фалон-писмадондақа. У сайраганда танларга роҳат бағишлайди, гўзалликда тенги йўқ, салтанатимизда ундан ўтадиган мавжудот топилмайди. Тушундингми?

**Файласуф** Йўқ.

**Сарой оғаси.** Асабингни бузиб, валдираб юрма. Йўқ деганинг нимаси? Биз сени билади деган умиддамыз. Агар миллат

манфаатлари «ҳа» дейишни тақазо қилса, ҳар бир виждонли инсон «ҳа» дейиши керак.

**Файласуф.** Йўқ.

**Сарой оғаси.** Мени тоқатим ҳам бепоён эмас. Қайсарлик қилма.

**Файласуф** (*паузадан сўнг*). Токи танимда жоним бор экан, сиз таклиф қилаётган гапларни мутлақо тилга олмайман. Ахир нега салтанатимизда булбулдан ортиқроқ мавжудот топила-мас экан? Салтанатимиздаги энг гўзал, энг улуғ зот — бу император ҳазрати олийлари. Мен фалсафам шу ва гапимдан ҳеч қачон қайтмайман. Мени чопинглар, тилка-пора қилинглар, танамни қўзғунларга ем қилинглар, лекин ҳатто даҳшатли ўлим қаршисида ҳам мардона туриб, икки юзламачилик қилмай: салтанатимиздаги энг улуғ зот — император ҳазрати олийлари дейман.

**Император** (*ҳижолат тортиб*.) Қўйсанг-чи, нима кераги бор. Шаънимга шунақа гаплар айтинглар деб шама қилмовдим-ку.

**Файласуф** (*сарой оғасига*). Ёмон пнятда гапирмагапсиз, деган умиддаман. Очиқ кўнгил билан айтган бўлсангиз керак.

**Сарой оғаси.** Мени чўчитмай қўя қол. Ўз этиқодингни ёқлаясанми, бўпти! Булбул тўғрисидаги гап мендан чиққан эмас, уни денгизнинг нарёгидаги аллақандай бир қаламкаш ёзган.

**Файласуф.** Шундай демайсизларми, ахир, гапни айлантиравергандан кўра. Энди менга ҳаммаси аён.

**Сарой оғаси.** Нима аён?

**Файласуф.** Ҳеч қанақа булбул йўқ. У мутлақо мавжуд эмас. Буни ўша денгизнинг нарёгидаги қаламкаш ажойиб тартибимизни бузгани тўқиб чиқарган.

**Сарой оғаси.** Давлатпаноҳим, бу одам булбулнинг мавжуд эканига шубҳа қиляпти.

**Император.** У файласуф одам — ундан бошқа маъни чиқмайди. Жавобини бервор. У бориб этиқодини дадил ёқлайверсин.

**Сарой оғаси.** Сен бўшеан. (*Императорга*.) Сиз ҳақсиз — бу тарихчи ва файласуфлардан фойда йўқ. Амалий иш билан шуғулланадиган одамларга мурожаат қилиб кўрайлик-чи, жуда бўлмаганда улар билан иш осонроқ битади. «Ҳа» ёки «йўқ» дейишади, олам — гулистон.

**Император.** Билганингни қил.

**Сарой оғаси** (*қичқиради*). Хайр-саховат нозири ва Давлат маълумотлари бошлиғи ҳазрати олийлари ҳузурларига!

*Хайр-саховат нозири билан Давлат маълумотлари бошлиғи олдин-га чиқишиб: «Давлатпаноҳимиз омон бўлсинлар», деб қичқаришади.*

Сарой оғаси. Қичқиришни биласизлар! Давлатпаноҳни сева-  
сизларми, йўқми, ҳозир биламиз. Олий ҳазратни севишларинг-  
ни исбот қилишга фурсат тугилди. Агар ҳазратимни севсанг-  
лар, у кишининг булбулларини ҳам билишинглар керак  
бўлади.

Давлат маълумоти бошлиги. Қимини?

Сарой оғаси. Булбулини.

Давлат маълумотлари бошлиги. Булбул деган исми  
ёки лақабми?

Сарой оғаси. Қуш.

Хайр-саховат нозир и. У қанақанги арзанда қуш экан, биз  
билишимиз керак бўлган?

Хайр-саховат нозир и. Ундан чиқди, жанобларининг ўзлари  
билар эканлар-да?

Сарой оғаси. Масала менинг билиш-билмасимда эмас, масала  
шу-ки, ўзинг биласанми-йўқми?

Хайр-саховат нозир и. Мен — Хайр-саховат нозирман.  
Мукофотлар ва нафақалар беришни бошқараман. Доимий бе-  
риб туриладиган нафақалар бўлади, бир йўла бериладиган  
нафақалар бўлади. Униси ҳам, буниси ҳам еб кетарга бери-  
ладиган маблағдан тўланади. Ҳозирча хазинадан мукофот ёки  
нафақа олганларнинг ҳаммасини бирма-бир танийман. Улар-  
нинг афт-ангорини ҳам, исм-шарифини ҳам биламан. Тўла  
масъулият билан баён қиламанки, ҳеч қанақа булбул деганга  
на мукофот, на нафақа берилган эмас.

Сарой оғаси (давлат маълумотлари бошлиғига). Хўш, сеп-чи?  
Нималарни титяпсан?

Давлат маълумотлари бошлиғи (қўлидаги қутисини  
титкилаб туриб). Ахтаряпман.

Сарой оғаси. Топдингми?

Давлат маълумотлари бошлиғи. Айтганингизга муво-  
фиқ келадигани кўринмайди. Маълумотларим орасида булбул  
йўқ. Нима дейишни ҳам билмаётиман. Битта номаълум шахс  
бор экан. Шу тўғри келмасмикин? (Ўқийди) «Жума куни кеч  
соат еттиларда шаҳар дарвозаси олдида бир номаълум шахс  
қўлга тушиб, аяланимага ишора қилган экан. Ун дарра уриб,  
ҳайдаб юборилибди. Ўша эмасми?

*Император ҳукмронлик асосини синдиради, посбон унга янгисини  
тутқазади, император тахти орқасига қарайди.*

Сарой оғаси. Ақл-ҳушинг жойидами? Чолни кўрсанг бувам  
деярверасанми?! Агар шунақа алмайи-алжайи гаплар гапира-  
версанг ўзинг ҳам рўйхатга тушиб қоласан. Булбул — давлат  
мулки, ҳатто уни олтин фонди дейиш ҳам мумкин. У сайраб,  
ҳазрати олийлари шаънини кўкка кўтаради. Сен бўлсанг ўн  
дарра еган одамни гапириб ўтирибсан. Энди билсам, икковла-

ринг ҳам ҳеч вақони билмас экансизлар, ўз ўринларингга муносибмас экансизлар. Бугун узил-кесил шундай қарорга келдим. Янги талабларга жавоб беролмас экансизлар. (*Хайр-саховат нозирига.*) Сен бўшсан! (*Давлат маълумотлари нозирига.*) Сен ҳозирча озодсан.

Давлат маълумотлари бошлиғи. Мен булбул ҳақида ҳеч қанақа аҳмоқона гап айтмоқчи эмасдим. Мен фақат уни...

Сарой оғаси. Гап қайтарсанг авахтага қамаб қўяман. Ўзингга ўзинг қиляпсан. Бор энди.

Император (*паузадан сўнг*). Энди нима қилдик, сарой оғаси? Ўз ўрнига номуносибмасликка келганда, сен биринчисан. Ҳамма бало шундаки — ўрнингга қўядиган одам йўқ.

Сарой оғаси. Давлатпаноҳим, ҳар галгидек, бу сафар ҳам ҳақсиз. Лекин хулоса чиқаришга андак шошилмасангиз. Ҳали аёллардан сўраганимизча йўқ. Ҳамма вақт ҳам уларнинг қадрига етавермаймиз, бу маъқулмас. Баъзида аёллардан шундай гаплар чиқадики, сиёсатдонлар билан олимлар оғзини очиб қолади. Олий ҳазратим, уларни чақиришга ижозат берсангиз.

Император. Аёллардан мадад сўрайдиган бўлсам, шўрим қурибди энди. Чақири қол!

Сарой оғаси (*қичқиради*). Сарой яллачиси, сарой шоираси, сарой наққошаси — ҳазрати олий ҳузурларига!

*Ярми фожiona, ярми кулгили ниқоб тақиб яллачи, ўроғлиқ қоғоз ушлаган шоира, мўй қаламли наққош олға чиқишади.)*

Яллачи. Жаноби олийларига салом! Улуғлигингиз қаршисида бўйин эгаман, давлатпаноҳим, санъатим хокипойингиз бўлсин. (*Ниқобини император оёғи остига қўяди*).

Шоира. Салом жаноби олийлари! Жаноби олийларининг улуғликларини ҳар қанча тавсиф этсак оз. Шаънингизга куйлангап қасидаши оёқларингиз остига поёндоз қиламан. (*Ўроғлиқ қоғозни император оёғи остига қўяди*).

Наққош аёл. Жаноби олийларига салом ва саломлар. Ҳар бир рассомнинг вазифаси давлатпаноҳни ён томонларидан ҳам, олди томонларидан ҳам, тахтда ўтирганлари-ю, сафарда эканлари, оила аъзолари билан-у, дўст-ёрлари билан суратга туширишдир. Мўйқаламимни ўзларига бағишлайман. (*Мўйқаламни император оёғи остига қўяди*).

Император. Шунча валдираганларинг етар, сарой оғасининг саволига жавоб беринглар.

Сарой оғаси. Яқинда, эсимда йўқ, кечамидийкин, ораларингиздан кимдир булбул тўғрисида гапирган эди. Бир йўла — ким ва нима деган икки саволга жавоб беринглар. (*Аёллар бир-бирларига қарашади*.) Балки ўтган кунидир (*аёллар яна бир-бирларига қарашади*). Ўтган ҳафтада бўлса ҳам ажаб эмас.

Қачон, ким гапирганлигининг аҳамияти йўқ. Гап унинг нима-лигида.

Наққош аёл. Сизга булбул керак бўлса, расмини чизиб бераман.

Сарой оғаси (жон ҳолатда). Чизиб берасанми?

Наққош аёл. Ҳа.

Сарой оғаси. Демак, уни билар экансан-да?

Наққош аёл. Йўқ, билмайман.

Сарой оғаси. Билмасанг, расмини қандай қилиб чизасан?

Наққош аёл. Тасаввур қиламан. Тасаввур ёрдамида хоҳлаган нарсангизни, ҳатто булбул расмини ҳам чизиб бераман.

Сарой оғаси. Лекин у сайрамайди-да!

Яллагчи. Мен сайрайман. Менинг овозим олдида ҳеч қанақа булбул ип эшолмайди.

Сарой оғаси. Шундай деб фараз қилайлик. Қанақа қўшиқ айтасан?

Шоира. Бу томонини бизга қўйиб берасиз. Ҳазал тўқиб ташлайман.

Наққош аёл. Ҳаммамиз бир бўлиб, булбул ўрнини босамиз. Борди-ю, сизга булбул керак экан, у бир бутун бўлди нима-ю, уч бўлак бўлди нима?

Шоира. Наққоша шаклига жавоб беради, мен мазмунига, яллагчи эстетик завқ-шавқига. Сизга бундан ортиқ нима керак?

Сарой оғаси. Ҳазрати олийлари билан маслаҳатлашиб кўрайчи. (Император асосини синдиради.) Ҳазрати олийларига бўлак-бўлак булбул керакмас! У кишига жонли булбул керак. Тушундингларми? Ораларингда бирон киши ёки биронталарининг бирон таниш-билишларинг, ўша таниш-билишларининг танишларидан бирон кимса булбул нималигини билмаслиги мумкин эмас. Ўжарлик қиялпсизлар, холос.

Яллагчи. Шахсан мен булбул нима эканлигини мутлақо билмайман. Борди-ю, Рух қуши деганингизда...

Император (тутақиб). Ўша Рух қушларинг билан даб бўлларинг! Агар кечгача булбул саройга олиб келинмас экан, ҳаммаларинг ҳам ордену, унвону, тасмаларингдан маҳрум бўласанлар, бу гап сенга ҳам тааллуқли сарой оғаси.

(Сарой қоронғилашиб, ёришади.)

Сарой оғаси (ёлғиз ўзи. Қўнғироқчалар тинмай жаранглаб турибди). Булбулни биладиганлар бормикин ўзи? Қаердагилар билишаркин уни? У ёқдагилар билмаса, бу ёқдагилар билмаса. Қаердагилар биларкин? Лашкарлар ҳукмдори, позик санъат сардори, ҳоқон уламолари, афв этиш калонлари, таклиф қабулхонаси-ю, газета идораси, ҳеч ким изламас савоб, ҳар ерда бир хил жавоб йўқ, йўқ, йўқ. Маҳфий иш аъёнлари, фош этиш баёнлари, барҳам бериш; арбоблари, илми

жунун ахбоблари, ҳеч ким изламас савоб, ҳар ерда бир хил жавоб: йўқ, йўқ, йўқ... Бозор аҳлини сўроғла, савдогару дуродгор, сартарош дўкони тор, қизикчи масхарабоз, тош ўяр ҳунари соз, сотувчи-ю, харидор, заргарга керак пулдор, дин ҳомийси муллака сувоқчилар шумтака, темирчи турмайдим, юлдуз санар мунажжим, етти ёшдан етмиш ёшгача, карвонсарой меҳмонлари — жаҳлдордан ювошгача, ҳеч ким изламас савоб, ҳар кимда бир хил жавоб... (Залга.) Нима? Эшитмадим, қаерда? Саройдаги ошхонада? Ким ўзи? Нима — нима юпқа тамоқ? Бодом қовоқ? Идиш товоқ? Эҳа, идиш товоқ ювадиган қизми? Ҳа, балли. (Чақиради.) Ошхонадаги оқсоч қиз саройга марҳамат!

Оқсоч қиз (киради). Оқсоч қиз мен бўламан...

Сарой оғаси. Шу ондаёқ бизни булбул ҳузурига бошла!

## ИККИНЧИ ЭПИЗОД

*Оқсоч қиз бошчилигидаги тантанали юриш ўрмондан ўтиб бормоқда.*

Яллачи. Ўрмон деганлари шуми? Дарахтлардан бошқа ҳеч вақо йўқ-ку, бу ерларда.

Файласуф. Ёлғиз дарахт — дарахт, кўп бўлса ўрмон дейилади, Шоира. Табиат-ку, яхши-я. Лекин кўп бўлса бўлмас экан. Дарахтларнинг кўплигидан бошим айланиб кетяпти.

Тарихчи. Муҳими шундаки, биронта кўрсаткич йўқ. Қаёққа қарашингни ҳам билмайсан.

Файласуф. Сабаби ҳам, натижаси ҳам йўқ — ўрмон холос.

Наққош аёл. Шу дарахтларнинг расмини чизганимда борми, ўзидан ўн марта гўзал чиқарди-да.

Файласуф. Ўрмон тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун битта дарахт бўлса етиб ортади. Шунча катта-кичик, қинғир-қийшиқ, ҳар хил дарахтлар одамни чалғитади.

Яллачи. Унинг устига қўланса ҳидини айтмайсизми. Бу қўланса ҳид, маданиятдан нишона йўқлиги кўнглимни беҳузур қилаяпти.

Сарой оғаси. Бошқа чора йўқ. Денгиз бўйига чиқиш учун албатта ўрмонни кесиб ўтиш керак. Чидаш лозим бўлади. Қани олга!

*Тантанали юриш давом этади. Қаерлардандир дарахтлар ортидан сигирнинг маъраши эшитилади.*

Тарихчи. Эшитдингларми? Манзилга яқинлашиб қолдик шекилли. Бу булбул эканига имоним комил.

Я л л а ч и. Бу овоз қанчалар ёқимли!  
Ф а й л а с у ф. У овоз бир оз дағалроқ-ку, лекин баланд, баланд овоз.

Ш о и р а. Нақадар илҳомбахш.

Н а қ қ о ш а ё л. Унинг ёқимлилиги, овознинг кучи ва илҳомбахшлигини мен сариқ бўёқда уйғунлаштирардим. Ҳа, айнан, сариқ рангда.

О қ с о ч қ и з (*оддийгина*). Бу сигирнинг маъраган овози.

Я л л а ч и. Сигир?

Ш о и р а. Маъраяпти?

Н а қ қ о ш а ё л. Сигир дегани нимаси?

С а р о й оғ а с и. Нима бўлишидан қатъи назар, у нарсa бизни қизиқтирмайди. Бизга булбул керак. Қани, олға!

*(Тантанали юриш давом этади.)*

Т а р и х ч и. Бу ўрмон чексизга ўхшаб кўриняпти менга.

Ф а й л а с у ф (*унинг сўзини тўғрилаб*). Бепоеъ. Чексиз деган сўз хато, поёни йўқ дейилади.

*Ботқоқдан қурбақанинг вақиллаши эшитилади.*

Т а р и х ч и. Эшитдингларми? Энди буниси булбул эканлиги аниқ.  
Бошқа фикр бўлиши мумкин эмас.

Я л л а ч и. Қанчалар ёқимли овоз.

Ф а й л а с у ф. Бир қадар баландроқ бўлса ҳам оҳангдор овоз, ҳа, оҳангдор.

Ш о и р а. Нақадар илҳомбахш.

Н а қ қ о ш а ё л. Унинг оҳангдорлиги ва илҳомбахш экапини мовий рангда уйғунлаштирардим. Ҳа, айнан мовий рангда.

О қ с о ч қ и з (*оддийгина*). Бу қурбақаларнинг вақиллаши.

А к т р и с а. Қурбақалар?

Ш о и р а. Вақиллаши?

Н а қ қ о ш а ё л. Қур-ба-қа-лар нима ўзи?

С а р о й оғ а с и. Нима бўлишидан қатъи назар, у бизни қизиқтирмайди. Бизга булбул керак. Қани, олға!

*(тантанали юриш давом этади.)*

Т а р и х ч и. Бу ўрмон поёнсизга ўхшаяпти.

Ф а й л а с у ф (*уни тўғрилаб*). Чексиз, поёнсиз деган сўз йўқ, чексиз дейилади.

*Дарахтлар орасидан денгиз кўзга ташланади.*

О қ с о ч қ и з. Жим. Булбул сайраяпти. Эшитяпсизларми? Шу булбулнинг овози. Оҳ, унинг ёқимли сайрашини қаранглар-а. Уни чўчитворманглар. Ҳув ана, дарахт шохига қўниб турибди. Кўрдингларми?



**Сарой оғаси** (*ўша томонга тикилиб қараб*). Шуми бўлбўл?  
 Ростини айтсам, мен уни бошқачароқ тасаввур қилган эдим.  
**Яллачи.** Жудаям кўримсиз экан. Бир сиқим пат.  
**Шоира.** Мен уни басавлат деб юрсам, у нашъасиз экан.  
**Наққош аёл.** Уст-боши ҳам ифлосга ўхшайди. Кул рангми-эй,  
 жигар рангми-эй, ранги ҳам аниққина эмас.  
**Файласуф.** Кул ранг бўлсаям, жигар ранг бўсаям бари бир.  
 Иккови ҳам кўримсиз.  
**Тарихчи.** Худди бизни сезмагандай, жуда димоғдор экан.  
**Оқсоч қиз.** Салом сенга булбулжон. Мени танияпсанми?  
**Булбул овози.** Салом сенга, эй, оқсоч қиз. Бугун сени кутмов-  
 дим. Бирон ҳодиса юз бердими?  
**Оқсоч қиз.** Император ҳазрати олийлари овозингни эшитгилар-  
 ри келаётганмиш. Биз олий ҳазратларининг таклифларини  
 сенга етказгани келдик.  
**Сарой оғаси** (*олдинга чиқиб*). Мен расмий кишиман, шунинг  
 учун ҳазрати олийларининг расмий таклифларини сенга етказ-  
 моқчиман. Бугун кечқурун сени саройда кутамиз.  
**Булбул овози.** Қадрдоним, маслаҳат бер, нима қилай?  
**Оқсоч қиз.** Саройга ташриф буюрсанг, ҳаммага улкан хушнуд-  
 лик бағишлайсан. Бунга ишончим комил.  
**Яллачи.** Ҳаммага.  
**Шоира.** Улкан.  
**Наққош аёл.** Хушнудлик.  
**Файласуф.** Бағишлайсан.  
**Тарихчи.** Бунга...  
**Сарой оғаси.** ...ишончимиз комил.  
**Булбул овози.** Бўпти. Розиман.

## УЧИНЧИ ЭПИЗОД

*Саройда кечки пайт. Ҳамма ёқ чарогон. Император тахтда ўтириб-  
 ди, икки ёнидаги ўриндиқларда сарой оғаси, хайр-саховат нозир,  
 давлат маълумотлари бошлиғи, сарой аҳли: тарихчи, файласуф,  
 яллачи, шоира, наққош аёл, эшикка яқин ерда оқсоч қиз ўтирибди.  
 Хизматкорлар ҳар турли таомлар ташиб юришибди. Узоқдан бил-  
 лур қўнғироқчалар жаранги эшитилиб туради.*

**Император** (*оқсоч қизга кўзи тушиб*). Берироқ кел, мўъжиза-  
 кор қиз. Оқсоч қиз сенмисан? (*Ҳаммага.*) Шу қиздан нбрат  
 олинглар. У сизлардан кўра ақлироқ. (*Оқсоч қизга.*) Бу ама-  
 киларнинг билан холаларинг жуда катта маошлар олишадн, ҳа-  
 деганда орден ва ленталар беринг, деб ялнинишгани ялниниш-  
 ган. Уларга ишим тушиб қолгудай бўлса, ҳеч қайсиси тариқча

ёрдам бериша олмайди. (Ҳаммага.) Оддий фуқародан чиққан бу қизга иззат бажо келтириб, унга таъзим қилинлар.

*(Сарой аҳли ўрнидан қўзғалмай, истар-истамас таъзим қилишади.)*

Сарой оғаси. Ҳар ҳолда булбул ўзини кутишга мажбур қилипти.

Яллагчи. У император ҳазратларини кутдириб қўйди.

Тарихчи. Унинг димоғдор эканини ўша заҳотиёқ пайқаган эдим.

Шоира. Димоғдор бўлишга унинг ҳеч қандай асоси йўқ.

Наққош аёл. У жуда кўримсиз.

Файласуф. Унинг устига-устак ранги ҳам бир ҳолатда.

Сарой оғаси. У бизни алдаган бўлса-чи?

Оқсоч қиз (жаҳл билан). Йўқ! У алдоқчи эмас... У.. у булбул!

*Булбул кириб келади. Сарой аҳли ўрнидан туриб таъзим бажо келтиради.*

Булбул. Император ҳазратларини қутлайман. *(Таъзим қилади.)*

Император. Танишиб қўйлик, булбул. Соён давлатимда яшар экансан-у, сени билмас эканман. Қандайдир деңгиз ортидаги қаламқаш билса-ю, мен билмасам. Бу қилиминг яхши эмас, узоқни кўра билмаслик. Қани, берироқ кел-чи, бир яқиндан кўрволай. *(Кўзойнагини тақади.)* Сарвқомат бўлмаса ҳам, ёқимтой экан. *(Ҳаммага.)* Тўғрими, ёқимтой-а? Қийимлариям оддийгина, лекин дид-фаросат билан кийинган. Эшитишимга қараганда овозинг жуда ажойибмиш. Бизга бир сайраб берасанми?

Булбул. Мен ҳаммага сайрайман, овозимни эшитишни исташса бўлгани...

Сарой оғаси. Ҳазрати олийлари овозингни эшитишга муштоқлар...

*Булбул саҳнанинг ўртасида туриб, ўзининг энг яхши қўшигини ижро этади. Уни эшитар экан, император бошқаларга сездирмай кўз ёшини артади. Қўшиқ охирига етганда уятни ҳам йиғиштириб қўйиб, ҳўнграб йиғлаб юборади.*

Император. Оҳ, қанчалар ғарибу бенаво эканман. Меъмориликнинг энг ноёб кошонаси ҳисобланган саройим ҳам кишига оромбахш этмай, тинимсиз биллур қўнғироқчалар чалиниб турган боғу-роғим ҳам меъдамга тегди. Мени севишига юз карра олт ичиб юрадиган гўзаллар ҳам, истаган хоҳишимни адо этиб турган амалдорлар ҳам, қўнглимни овлашолмайди. Ҳаётим беҳуда ишлар билан лип этиб ўтди-кетди, қанчалар ғарибман-а. Қўнглимни шу қадар вайрон қилиб юбординг. *(Кўз ёшидан жиққа ҳўл бўлган рўмолчасини сиқади.)* Қўшигинг қўнғилни очиб, киши руҳини кўтарди. Шунчалик овозга

эга эканинг билан бахтиёр бўлишинг керак, мен ҳам сендек булбулга эга бўлганим учун бахтиёрман.

Сарой аҳли. Офарин, офарин!

Шоира. Мен «Булбул ҳақида қасида» ёзаман.

Наққош аёл. Мен унинг улуғвор расмини чизаман.

Яллагачи. Унинг арияларини ўз репертуаримга қўшаман.

Файласуф. Илмий асаримда унинг фалсафасини баён этаман.

Тарихчи. Воқеаномада унга алоҳида боб бағишлайман.

Хайр-саховат нозир. Алоҳида ўртак кўрсатганлар қаторида уни мукофотлайман.

Давлат маълумотлари бошлиғи (чеккага). Мен уни рўйхатга қўшиб қўяман.

Император. Сенинг қўшиғинг, булбул, қувноқ ҳам мунгли, тантанавор ҳам майин, унда уруш дўмбирасию муҳаббат найининг носиси ҳам бор.

Сарой аҳли. Офарин, офарин!

Император. Сени энг улуғвор, алоҳида тасмали белги — «Олтин ковуш» ордени билан мукофотлайман.

*(Ҳамма қарсак чалади.)*

Сарой оғаси!

Сарой оғаси. Шу ердан давлатпаноҳим. Хайр-саховат нозир!

Хайр-саховат нозир. Шу ердан, сарой оғаси.

Сарой оғаси. «Тасмали олтин ковуш» ордени келтирилсин!

Хайр-саховат нозир. Чўнтагидан бир ҳовуч орден олиб, биттасини Сарой оғасига узатади. У императорга беради.

Император. Сен бунга сазоворсан, Булбул.

*(Сарой оғаси булбулни император ёнига олиб боради.)*

Булбул. Шу оғир нарсани бўйнимга осиб юришим керакми?

Сарой оғаси (секин). Бу оғир нарса эмас, орден.

Булбул. Лекин у оғир-ку.

Сарой оғаси. Маҳмадона бўлма. Ордени рад этиб бўлмайди.

Булбул. Бу тоғимни бўғиб, сайролмай қоламан.

Сарой оғаси. Рад этадиган бўлсанг ҳазрати олийларига ҳақорат бўлиб туюлади. Сенга лутфу-карам қилдилар.

Император. Нималар деб шивирляяпсизлар?

Булбул (императорга). Лутфу-карамнингиздан жуда миннатдорман, ҳоқонимиз. Лекин бекорга овора бўляпсиз. Сайраётган пайтимда кўзингизда ёш кўрдим. Шунинг ўзи мен учун улуғ мукофот эди.

Император (сарой оғасига). Ҳеч нимага тушунмаётибман. (Булбулга.) Ордени рад этаяпсанми? (Ҳаммага.) Ордени рад этадиган одамни энди кўришим.

Я л л а ч и. Рад этаипими?  
Ш о и р а. Орденни-я?  
Н а қ қ о ш а ё л. Қандай беадаблик!  
Т а р и х ч и. Нима десамийкин?  
Ф а й л а с у ф. Тилим лол.  
И м п е р а т о р (қатъий). Баё қилинглари!

(Жимлик)

Ҳаммаларинг ундан ўрناق олишларинг керак. У ўз ҳоқонига сидқи дилдан хизмат қилади. Сизларга ўхшамайди. (Булбулга.) Сен менга жуда ёқиб қолдинг. Баракалла. Унинг истеъдодига яраша иззат-ҳурмат кўрсатиб, унга таъзим бажо келтиринглари.

(Сарой аҳли ўрниларидан туриб таъзим бажо келтиришади.)

Ҳа, айтгандай, нега мени «ҳоқоним демай», «ҳоқонимиз» дейсан?.. Бу л б у л. Нега деганда сиз ёлғиз менинг ҳоқоним эмассиз-да.

И м п е р а т о р. Зигирдай бўлса ҳам, ақли чаккимас. (Булбулга, бошқалардан сир тутиб). Орденни бекор рад этипсан, олтиндан ясалган. Агар истасанг фақат лентасинигина осиб юра қол. Ижозат бераман. (Унга орденни тақиб қўяди. Ҳаммага.) Истисно тарзида ёлғиз булбулнинг ўзига фақат лентасини тақиб юришга ижозат бераман.

Б у л б у л. Туш кўрсам дарахтга силовсин чиқиб, мени тутиб олмоқчи эмиш. У секин чиқиб келяпти, мен бўлсам шохдан-шоҳга учиб юқорига кўтарилаяпман-у, силовсин писиб келиб, мени тутиб олай дебди. Учиб кетай десам кўрққанамдан қанотларим ишламасмиш. Шунда чиққириб уйғониб кетибман.

И м п е р а т о р. Саройда қолсанг, ҳеч қанақа силовсин сенга ҳамла қилолмайди.

Б у л б у л. Уйғониб қарасам — қуёш денгиз устида порлаб турибди, балиқчи аёл кулбасида қўшиқ айтиб, боласининг сочини тараб ўтирган экан.

И м п е р а т о р. Бўлди гап битта — шу ерда қоласан. Сенга кўнглингдагидан зиёда турар жой қилиб бераман. (Қарсак чалади.) Дарҳол булбулнинг турар жойи келтирилсин.

(Хизматкорлар каттакон олтин қафас кўтариб киришади.)

Мана турар жойинг. Қўндоқдан-қўндоққа сакраб, арғимчоқда учиб ялла қилиб юравер.

Б у л б у л. Ўрмон-чи? Мен ўрмонга ўрганиб қолганман.

И м п е р а т о р. Сенга ўрмон керакми? Марҳамат. Буюраман, боғбоним турар жойингга дарахт ўтқазиб беради.

Б у л б у л. Ахир меп ҳали у, ҳали бу томонга парвоз қилиб юришга ўрганиб қолганман.

И м п е р а т о р. Ҳали у, ҳали бу томонга учиб юриш енгилтаклик. Ҳа, енгилтаклик. У ёқдан-бу ёққа учиб нима қиласан?

Бул бул. Бўлмаса ёруғ дунёда нималар бўлаётганини қаердан билман?

Император. Борди-ю, ёруғ дунёда нима гаплар бўлаётганини билгинг келса, мен айтаман, ҳар куни эрта билан сенга янги газеталар етказиб бериб туришади.

Бул бул. Эркинлик истайман.

Император. *(тутақиб)*. Нима ишташингни ўзинг ҳам билмайсан. Эркинлиги нимаси? Эркинликда йиртқич ҳайвонлар пайингга тушади. Сен бизнинг бойлигимизсан, сени муҳофаза қилиш бизнинг бурчимиз. Ҳар дақиқада ҳаётингни хавф остида қолриб юришингни томоша қилиб, қўл қовуштириб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. *(Қарсак чалади)*. У озодликда бўлса, қандай хавф-хатарларга дучор бўлишини бир ўзига кўрсатиб қўйинглар.

*Хизматкорлар бургут, силовсин, тимсоҳ, илонларнинг расми чизилган улкан транспорантлар кўтариб чиқишади. Булбул улардан чўчиб, жон ҳолатда ўзини қафасга уради.*

Сарой оғаси. Янги турар жой муборак. *(У қафас эшигини ёпади.)*

Император. Ана хавф-хатардан қутулдинг-қўйдинг. Энди ҳеч нимадан чўчимасанг ҳам бўлади. Ҳар қанақа ёввойи ҳайвон ҳам сенга чўт эмас. Ҳар куни эрта билан сени боққа сайрга олиб чиқишади, лекин шамол учириб кетмаслиги учун оёғингга тасма боғлаб қўйишади. Ипак ёстиқларда ётиб, духоба кийимлар киясан. Тотли таомлар ейсан. Ҳамма булбулларнинг ҳаваси келади сенга.

Бул бул. Озодликка чиқаринг.

Император. Яна ўзингникини маъқуллаяпсанми? Бунақа ннжиқ бўлиш керакмас. Яхшиси бир сайраб бер. Сен сайра, биз эшитайлик. Овозингни жону дилим билан эшитаман.

Бул бул. Эркинликка чиқаринг.

Император. Бас энди, жаҳлимни чиқарма. Ҳушига келганини қилаверадими киши деган? Мумкин эмас. Ана хоҳлаган одамнингдан сўра — иложи йўқ, вассалом. Мана мен ҳоқонман, қўлимни ҳар ерга чўзсам етади-ю, лекин ҳушимга келганини қилавермайман. Ҳисоблашиш керак бўлади.

Бул бул *(ҳазин куйлайди)*. «Ой чиқдию балиқчи овга чиқди. Шамол туриб, тулки далани кезди. Мана энди тонг отар, хўрозвой тонгни қутлар»...

Император *(кўнгли эзилиб)*. Оҳ! *(кўздан ёш оқади)*.

*(Барча сарой аҳллари йиғлайди).*

# ТҶҢРТИНЧИ ЭПИЗОД

*Сарой боғи. Йўлкада булбул юрибди. У боғланган ипдан ушлаб Сарой оғаси бормоқда. Тарихчи билан файласуф ҳам шу ерда. Булбул бутазор ичига кириб, ғойиб бўлади. Уни кузатиб юрганлар ҳордиқ чиқаргани скамейкага ўтиришади. Сарой оғасининг қўлида балиқ тутгичга ўхшаш галтак. Бутун эпизод давомида галтакка гоҳ ип ўралиб, гоҳ қўйилиб турилади.*

**Сарой оғаси.** Мана уч ой бўлди. Худди киндигим бирдай, шу булбулдан ажралолмай қолдим. Ҳали сув ичгиси, ҳали ўйнагиси, ҳали яна бир бошқа наъма чнқаради. Азобини чекадиган камипа. Миясига яна пима келишини ёлғиз худо билади.

**Тарихчи.** Ҳаммамиз ҳам шу аҳволдамиз.

**Сарой оғаси.** Кимларни айтаянсан, ҳаммамиз деб? Ахир мен давлат арбоби, Сарой оғаси, бўламан. Ишим бошимдан ошиб ётибди.

**Файласуф.** Бизниям ишимиз кўп.

**Сарой оғаси.** Ишда ҳам иш бор-да. Фалсафа сўқиб, тарих тўғрисида фикр юритишни сайр қилиб юриб бажарса ҳам бўлаверади.

**Тарихчи.** Бу сайр қилишлардан чап оёғимнинг синчалоғи қонаб кетди.

**Сарсй оғаси.** Синчалоқ экан-у, мени юрак бағримдан қон оқяпти.

**Файласуф.** Охири ковушим ҳам йиртилди. Қовушни юришга таъсири бўлади. Юриш эса ўз навбатида фикрлашга таъсир қилади. Қондасини келтириб юрөлмаган одамнинг миясига улугвор фикрлар келмайди. Булбул мени қондасини келтириб юришдан, шу билан бир қаторда улугвор фикрлардан жудо қилди.

**Сарой оғаси.** У мени юқори лавозим бурчларидан жудо қилди. Саройнинг тўс-тўполопи чиқиб ётибди. Амалдорларда ўзи тагида гайрат деган нарсa бўлмаган-у, лекин шу кунларда улар ўлардай ялқов бўб кетишибди. Менга етиб келаётган хабарларга қараганда кун билан шахмат ўйнашармиш.

**Тарихчи.** Мени чарчатадиган нарсa — юриш. Дунёда юришни ёмон кўраман. Шунинг учун урушда ҳам бўлган эмасман, қизлар билан ваъдалашган ҳам эмасман. Энди, кучи бўйи булбул кетидан югуриб, майсазорларда сакраб юрибман.

**Файласуф.** Биз булбулни кузатиб юрсак, бизни ҳам кузатиб юрганлар йўқ эмас, ҳув анави гул пуштасини кўряпсизми? Бундай қараганда, оддий пушта-ю, лекин мен сизга айтсам, ҳар бир пушта тагида одам бор.

**Тарихчи.** Бечораларга буюришгандирки, беркиниб туришгандир. Уларнинг аҳволига ҳам тушуниш керак.

- Файласуф.** Кеча биттаси бошини чиқариб қаради-ю, мени кўриб кўзини қисиб қўйди.
- Сарой оғаси.** Булбулга хизмат қилиш нозирларнинг иши эмас. Ақлли ҳоқонимиз билмайдиган ҳеч нарса бўлмаса ҳам, шу ишга келганда тушунмаяптилар-да.
- Файласуф.** Фалсафий илмий асарларим ҳоқонимизни сира қизиқтирмай қўйди. Авваллари кўришиб қолсак, ишлар қалай, ҳаммаси жойидами?—деб гамхўрлик қилиб турардилар. Агар фалсафий фикрни ардоқлаб турмаса, тараққий этмай қолади.
- Тарихчи.** Мени йилномам-чи? Уч ойдан бери унга қўл урмайман. Авлодларимиз ҳокимиятимиз тарихида уч ой узилиш бўб қолганини кўриб нима дейишади. Уч ой ноаниқлик ҳазилакам гапми?
- Сарой оғаси.** Мен бошқараётган нозирлик бутунлай издан чиқиб кетди. Тартибсизлик бошланиб кетгудай бўлса, ҳеч ажабланмайман.
- Тарихчи.** Бизга шу булбул ўрмонда у шохдан-бу шохга қўниб юравергани маъқул эди.
- Файласуф.** Унинг боридан йўғи афзал.
- Тарихчи.** Улиб қўя қолгани ҳам маъқул эди.
- Сарой оғаси.** Ҳай, ҳай, секинроқ. Тилим бор, деб валдирайверасанларми? У сайраб ҳоқонимизни мадҳ этади.
- Файласуф.** Бунга ҳеч ким, ҳатто ҳоқонимизнинг ўзлари ҳам ишонмайдилар. Бир ҳафта бўлди булбулнинг сайраганини эшитиб қолдим, чўчиб ўтирмай очиқ-ойдин айтишим мумкин, кундан-кунга унинг сайраши сусайиб кетяпти.
- Сарой оғаси.** Борди-ю, шундай бўлган тақдирда ҳам, бу гапни баралла айтиб бўлмайди.
- Тарихчи.** Шунақа эканлигини ўзингиз ҳам биласиз-ку. Эшитишимга қараганда, яқинда Император ҳазрати олийлари билан булбул орасига совуқчилик тушибди. Олий ҳазратлари унга бир гап айтсалар, у иккинчисини қўндириб турганмиш, саройда сиқилиб кетдим, дермиш.
- Файласуф.** Менимча, яқин орада у мутлақо сайрамай қўйса керак.
- Тарихчи.** Бас ўйнайман — овози ўчади.
- Сарой оғаси.** Унинг овози ўчиб қолгудай бўлса, не балоларга гирифтор бўлишимизни ўйлаяпсизларми?
- Тарихчи.** Балога?
- Файласуф.** Нега биз балога гирифтор бўларканмиз?
- Сарой оғаси.** Нега деганда, булбулга хизмат қилиш, бошқаларга эмас, сиз билан бизга топширилган. Тушунарлими? Унинг ғамини ким ейиши керак-а? Сендан сўраяман.
- Тарихчи.** Биз.
- Файласуф.** Сиз ҳам.

Сарой оғаси. Мен ҳам. Шундай бўлгандан кейин биз жавоб беришимиз керак-да.

Файласуф. Биз унга хизмат қилолмаяпмизми?

Тарихчи. Шароит яратиб беролмаяпмизми?

Сарой оғаси. У ёқда суриштириб ўтиришмайди. Овози ўчди-ми, демак иш пачава. Демак шароит яратмабмиз. Тушунарлими? Ҳазрати олийлари бутун қаҳр-ғазабларини сен билан бпзга сочади. Қони қайнаб турганда жаллодга топишвориши ҳам ҳеч гапмас.

Файласуф. Дуруст-ку. Булбул сайрамай қўйса, биз балога қолар эканмиз-да.

Тарихчи. Роса бошимизга бало ортдирибмиз-ку!

Сарой оғаси. Агар ақл билан иш кўрсак, иложини топса бўлади. Бир ойдан бери ухламай ўйламам. Қани, топинг-чи, нима ўйлаб топдим? Нима ўйлаб топдим-а? Тополмадингларми? Қани бир чеккага чиқайлик-чи. Мен ўйлай-ўйлай бир қарорга келдим, бизга нима керак ёки ким? Сизларча бизга ким керак, а? Қани, ким?

Файласуф. Ким экан?

Сарой оғаси. Бизга (*шивирлаб*) иккинчи булбул керак.

Тарихчи. Иккинчиси нега керак?

Файласуф. Биттаси камлик қиляптими?

Сарой оғаси. Чеккароққа юринглар, бизга керагида сайрайдиган булбул керак. Нима буюрсанг шуни бажо келтирадигани керак. Қисқаси шуки, гапга кўнадиган булбул керак.

Файласуф. Гапга кўнадиганини қаердан оламиз?

Тарихчи. Қаердан?

Сарой оғаси. Чеккароққа чиқайлик. Бир таниш устам бор — қўл гул йиғит. Умуман ўзи соатсоз. Лекин ишдан бўш пайтларида кишининг ақли бовар қилмайдиган антиқа нарсалар ясайди. Унга ош-поп берма-ю, ишга солиб қўйсанг бас. Бир кунги, солдатча ясабди, босқичини боссанг шахт туриб, честь беради. Кула-кула ўлаёзди одам.

Файласуф. Солдатчани бизга нима кераги бор?

Сарой оғаси. Солдатчани мисол учун айтяпман. У булбул ясаб беради.

Тарихчи. Булбул честь берадими?

Сарой оғаси. Нега честь бераар экан? Худди тирикдай сайрайди.

Файласуф. Ўзи жонсиз бўлса қандай қилиб сайрайди?

Сарой оғаси. Ўзини гулликка соляпсанми ё чинданам аҳмоқмисан? Унинг ичида ҳар хил ғилдиракчалари, парракчалари — хулласи мурвати бўлади. Устига калит ўрнатиб қўяди. Шу калит билан мурватини бурасанг сайрайди. Бир тасаввур қилиб кўринглар-а. Эғида зарбоб камзул, тугмалар ўрнига қимматбаҳо тошлар қадалган, кумуш тўқали пойаб-



...зал: Биз уни императорга Эрон шоҳи номидан тақдим қиламиз.

Файласуф (тушунмай). Қайси шоҳ номидан?

Сарой оғаси. Эрон шоҳи. Мен императорга чопар келди, деб хабар қиламан. Битталаринг (тарихчига) масалан сен чопар бўласан. Ҳа деявер, эгингга чопон кийиб, бошингга салла ўраб, соқол қўйволасан.

Тарихчи. Уйлаб кўриш керак.

Сарой оғаси. Бошингни танангдан жудо қилиб қўйгапдан кейин, ўйлашга вақт қолмайди. Булбул бир зумда сайрамай қолиши мумкин. (Ғалтакка ип ўраса, булбул кириб келади.) Бугунга шу етар. Уйга борайлик.

Булбул. Қўл бўйида бир оз сайр қилайлик. У ер жуда яхши.

Сарой оғаси. Бошқа кун.

Булбул, Сарой оғаси, тарихчи, файласуф чиқиб кетишади. Улар чиқиб кетгандан кейин пушта орасида яшириниб ётганлар бош кўтаради.

## БЕШИНЧИ ЭПИЗОД

Салтанат кўшки. Деразалар ланг очик. Қуёш чарақлаб турган чошгоҳ. Хизматкорлар у ёқдан-бу ёққа югуриб юринибди. Яллачи, шоира ва наққош аёл кириб келишади.

Наққош аёл. Биз биринчи бўб келибмиз шекилли. (У ёқ-бу ёққа кўз ташлайди)

Яллачи. Жуда қизиқ. Кеча сарой оғасини кўрган эдим, чурқ этиб оғзини очгани ҳам йўқ.

Наққош аёл. Ҳали қабул, ҳали зиёфат — ишни қачон қиламиз?

Шоира. Эрталаб уйғониб қарасам, нақ илҳомим кеп турувди.

Наққош аёл. Бизга шуҳрат бахш этган юришларимиз тарихидан бир жангнома расмини чизяпман.

Шоира. Қофиялар ўз-ўзидан қуюлиб келяпти. Қон, жон, нон, он...

Наққош аёл. Қурол-яроғ! Қилич-қалқон, найза-пайза, ой-болта...

Шоира. Энди қўлимга қалам олган эдим, саройга марҳамат қилинг, деб қолишди.

Яллачи (ёнидан чопиб ўтиб кетаётган хизматкорга). Менга қара, тасаддуқ...

(Хизматкор ғойиб бўлади.)

Ҳаммасиям худди занжирдан узилиб чиққанга ўхшайди-я.

Наққош аёл. Ҳақ рост.

*(Хайр-саховат нозирин билан Давлат маълумотлари бошлиғи кириб келишади.)*

Шоира. Ана Хайр-саховат нозирин ҳам келиб қолдилар.

Наққош аёл. Давлат маълумотлари бошлиғи билан, илоҳим ер ютсин уни.

Яллагчи. Ҳозир ҳаммасини билиб оламиз *(овозини баландлатиб.)* Нозир жаноблари, нима гаплигинин билолмай бошимиз қотяпти. Сиз айтиб беролмайсизми?

Хайр-саховат нозирин. Мутлақо хабарим йўқ. *(Ўтиб кетади.)*

Наққош аёл. Бизни бу ерга нима сабабдан чақиришгани давлат маълумотлари бошлиғига албатта, аён бўлса керак?

Давлат маълумотлари бошлиғи. Аён.

Яллагчи. Нима сабабдан экан?

Давлат маълумотлари бошлиғи. Махфий. *(Ўтиб кетади.)*

*(Хизматкорлар дастурхон тузайдиган нарсалар кўтариб ўтишади.)*

Хайр-саховат нозирин. Мукофотлар берилади...

Давлат маълумотлари бошлиғи. Бировлар миясига келган гапни валдираб юрибди...

Хайр-саховат нозирин. ...Шунингдек нафақа ҳам.

Давлат маълумотлари бошлиғи. Бировлар атайлаб...

Хайр-саховат нозирин. Доимий нафақа пуллари бор...

Давлат маълумотлари бошлиғи. Валдираб юрганларни назорат қилиш керак...

Хайр-саховат нозирин. ...Бир йўла бериладиган нафақалар бор.

Давлат маълумотлари бошлиғи. ...Уларни қамаш керак.

Хайр-саховат нозирин. Униси ҳам, буниси ҳам еб кетарга ажратилган маблағдан берилади.

Император фароғатхонасидан сарой оғаси чиқиб келади. Ҳамма унга тикилиб қолади.

Сарой оғаси *(эълон қилади)*. Император ҳазрати олийлари!

Тантанали куй янграйди. Эгилиб таъзим қилишади, эркаклар бош эгишади. Император кириб келади. Уни посбонлар қўриқлаб киришади.

Император *(тахтга чиқиб, қўлига асосини олади)*. Бугун биз жуда муҳим масала юзасидан тўпландик. *(Сарой оғасига.)* Бошла!

Сарой оғаси *(ўқийди)*. Олий ҳазрат оқилона айтганларидек, биз бугун жуда муҳим масала юзасидан тўпландик. Ҳамма-

мизга маълум ва машҳурки, ҳазрати олий император жаноб-ларини фақат ўз фуқароларигина эмас...

Император (унинг сўзини бўлиб). Ораларингда нега булбул кўринмайди? (Посбонларга.) Олиб келинглар! (Сарой оғасига.) Давом эт!

Сарой оғаси. ...фақат ўз фуқароларигина эмас, балки, узоқ-узоқларда яшайдиган халқлар ҳам сидқи дилдан севадилар. Давлатпаноҳимиз дунёнинг турли бурчакларидан олиб турган совға-саломлар шу севгининг ёрқин далилидир.

*Қарсақлар янграйди. Императорнинг ўзи ҳам қўшилиб қарсақ чалади.*

Инсоният ўз тарихида бундай улуғвор...

Император (унинг гапини бўлиб). Оқсоч қиз қани? Тўпланганлар орасида оқсоч қиз кўринмайди? (Посбонларга.) Келтиринглар! (Сарой оғасига.) Гапни пўст калласига ўт!

Сарой оғаси (хатга кўз югуртириб чиқиб, охирини ўқийди). Эрон шоҳи элчи даражасидаги фавқулодда чопарини юбориш билан император ҳазрати олийларидан у ҳазратини эътироф этиш ҳақидаги элчи сўзларига лутфан қулоқ солишни сўрайди.

*Тантанали куй янграйди. Катта эшик очилиб, файласуф билан оқсоч қиз кириб келишади. Посбонлар булбул солинган қафасни тантанавор кўтариб киришади.*

Император (асосини синдиради). Бошқатдан! (Сарой оғасига.) Ўзи нима гап?

Сарой оғаси. Ҳозир ҳаммасини ўрнига туширамиз. (Файласуфга.) Доим кечга қолганинг қолган. (Посбонларга.) Қафасни туширинглар (ўқийди). «...ҳазрати олийларини эътироф этиш ҳақидаги элчи сўзларига лутфан қулоқ солишни сўрайди».

*Тантанавор куй янграб тарихчи кириб келади. Унинг эгнида тўн. Бошига салла ўраб, соқол қўйган. Сарой аҳли уни қарсақлар билан қарши олади.*

Тарихчи (қўлларини ёзиб). Э, ассалому алайкум, шахан шаҳике қудратун, ал шуҳратун осмони илоҳи Эронике камаварамике таҳсинул ажам.

Император. У нима деяпти?

Сарой оғаси. У сизни улуғлаб, номингиз ўчмас, деяпти. Шуҳратингиз оламга таралаяпти, Эрон шоҳи ақл-заковатингизга таҳсинлар ўқийди.

Тарихчи. Хажара сафи Ғафурал Ғуломиде, Турсунзададе, Расулан Ғамза.

Сарой оғаси. Эроннинг энг илғор шоирлари сизни таъриф ва тавсиф этадилар.

Тарихчи. Орди Айбеку, Қаҳҳариҳе.

Сарой оғаси. Шунингдек ёзувчилари ҳам.

Тарихчи. Бунтара нури ҳазратиму қуллуқ карде, савғои ва камтарониҳе қабул кардам.

Сарой оғаси. Эй нур таратувчи олий ҳазратлари, сизга ўз миннатдорлигимни изҳор этиш баробарида шохимизнинг камтарона тухфаларини қабул этишингизни сўрайман.

*Хизматкорлар қутичани кўтариб чиқиб, император оёғи остига қўяди.*

Император. Айт, шохътиборидан ғоятда миннатдорман, сиздан қарз бўлиб қолмасмишлар, деб айтсин.

*(Сарой оғаси индамай туради).*

Хўш?

Сарой оғаси. Кабобул шашлик боше, бешбармоғ ила кумис тайёр карде.

*(Тарихчи таъзим бажо қилиб, бир чеккага ўтади.)*

Император. Очинглар!

*Хизматкорлар муҳрини олиб ташлаб, қутичани очишади. Сарой оғаси эҳтиёткорлик билан аллақанча қават ўралган нарсани очади. Ҳамма қизиқиб қараб турибди. Ниҳоят ўрам ичидан мурватли булбул чиқади.*

Сарой оғаси *(ортиқ даражада ҳаяжон билан)*. Вой-бў...

*Сарой аҳли императорга қараб, бу совгани у қандай қабул қилишини кутиб туришади. Фақат файласуфгина қарсак чалади.*

Император *(ниҳоят сўз очади)*. Нима экан бу?

Сарой оғаси *(кўрсатиб)*. Булбул.

Наққош аёл. Унинг камзули тилладан экан.

Шоира. Тугмалари қимматбаҳо тошлардан!

Яллагчи. Пойабзали қумуш тўқали экан.

Император. Лекин у сунъий!

Файласуф. Ижозат берсалар, ҳазрати олийлари, фикр баён этсам, сунъий дегани — қалбаки эмас, ҳақиқийга ўхшашлик — ҳақиқий дегани эмас, ҳақиқий — сунъий демакдир.

Император. Бу сенинг фикринг. Менинг фикримча, булбул-мизни хўрлашибди.

Сарой оғаси. Эрон шохи ўз инъомини камтарона деяпти. Бундан ортиқ адаб бўладими?

Файласуф. Жуда чиройли таъриф.

Яллагчи. Ута оҳангдор.

**Шоира.** Ута шоирона.

**Наққош аёл.** Жуда лунда.

**Сарой оғаси.** Ниҳоят, ҳақиқатга жуда яқин. Ахир бу оддий булбул эмас. У сайрайди.

**Император.** Сайрайди? Буниси аломат-ку...

**Яллачи.** Эшитдингларми? У сайраркан.

**Шоира.** У сайраркан. Ҳеч кимни хаёлига келмаган гап.

**Наққош аёл.** Вой ичим тошиб кетяпти.

**Сарой оғаси.** Ҳазрати олийлари, буниси аломат деб ўзингиз айтдингиз.

**Файласуф.** Аломат нарсa — доим қизиқарли бўлади. Қизиқарли нарсa эса — доим ғалати бўлади. Ғалати нарсa—доим аломат бўлади.

**Император.** Ҳа, майли. Уша сизлар таърифлаётган булбулнинг овозини эшитиб кўрмоқчи бўлсанглар, мен қарши эмасман. Майли сайрата қолинглар.

*Сарой оғаси мурватли булбулнинг босқичини босади. У «чижик-пижик»ка ўхшаш бир жўн куйни куйлайди-да, думини тушириб тўхтайди.*

**Сарой оғаси.** Бениҳоя зўр! Ҳақиқий санъат деб шуни айтса бўлади.

**Файласуф.** Санъат тақлид қилмайди, санъат умумлаштиради.

**Яллачи.** Тенги йўқ ёқимли овоз!

**Шоира.** Қанчалар илҳомбахш.

**Наққош аёл.** Ёқимли, илҳомбахш ва яна ниманидир мен ҳаво рангда умумлаштирардим. Ҳа, ҳаво рангда.

**Император** (*асосини синдиради*). Ё мен ҳеч насага тушунмайман, ёки қулогинглар том битган. Менинг булбулим билан қандайдир арзимас бир ўйинчоқни тенглаштиргани уялмай-сизларми? (*Бақиради.*) Ғазабимни қўзғаманглар. (*Бир оздан кейин ўзини босиб.*) Ҳа, шундай бўлгани маъқул. Булбулим қани? Ёқимли, илҳомбахш ва яна нималарни ҳозир—сизларга кўрсатиб қўяман. (*Булбулга.*) Чик бу ёққа.

**Булбул.** Мени зўрлаб сайратмаинг, давлатпаноҳим. Сўрайман сиздан.

**Император.** Энди сени нозинг бормиди? Ё олло! Келишвотган-мисизлар? Чик деяпман бу ёққа! (*Бақиради.*) Деразаларни ёпиб қафасни очинглар.

*Хизматкорлар деразаларни ёпишади, сарой оғаси қафасни очади.*

**Булбул** (*қафасдан чиқади*). Ҳазрати олийлари, ўйламай иш тут-япсиз.

**Император.** Мени қўрқитяпсан шекилли? (*Ҳаммага.*) У мени қўрқитяпти. (*Булбулга.*) У билан бирга сайрайсан. Бир вақтнинг ўзида. (*Сарой оғасига.*) Мурватини бура!

*Сарой оғаси мурватли булбулнинг босқичини босади. Булбул сунъий йўлдошига жўр бўлишга уринади. Лекин оҳанг вазни бузилади. Сарой оғаси сунъий булбулни тўхтатади.*  
*Жимлик.*

**(Булбулга.)** Нима бўлди?

**Булбул.** Чиқмаяпти.

**Император.** Инжиқлик қиялсан. Хаёлингни бир ерга тўпла. Бошқа фикрларни миянгдан чиқариб ташла. Умуман ҳеч нимани ўйлама. Сайра, холос.

**Булбул.** Ҳеч нима ўйламаслик жуда мушкул.

**Император.** Топган гапини қаранг. Ҳеч нима ўйламасликдан осони йўқ. Истаган кишингдан сўра. Ана сарой оғасидан сўрай қол. *(Сарой оғасига.)* Ҳеч нима ўйламаслик сенга қийинми?

**Сарой оғаси.** Ҳаракат қилиш керак. Ҳаракат қилган одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

**Император.** Эшитдингми? Бебаҳо гаплар. Энди яна бир марта такрорлаб кўрамиз. *(Сарой оғасига.)* Мурватини бура!

*Сарой оғаси сунъий булбулнинг мурватини бураб, босқичини босади. Чинакам булбул икки вазндан кейин ўзича, бутунлай бошқа куйда сайрайди. Сарой оғаси сунъий булбул овозини тўхтатади. Жимлик.*

**(Хушмуомалалик билан.)** Вазифанг нимадан иборат эканини тушуниб етмадинг шекилли. Ҳеч нима ўйлаб топишнинг ҳожати йўқ. Сунъий булбулга жўр бўлиб, у қай услубда сайраса бошдан-оёқ ўша услубдан чеккага чиқмаслик керак. Шундан осон иш бор эканми?

**Булбул.** Мен бошдан охиригача у билан бир услубда сайролмайман. Ҳар сафар ҳар турли сайрайман.

**Император** *(жуфта ҳам ҳайрон).* Нега энди?

**Булбул.** Нега деганда, мен тўтиқуш эмас, булбулман.

**Император.** Қўй ўша баландпарвозлигингни. Тўтиқуш нима қилиб юрибди бу ерда? Ана яллачи, ана шоира, ана наққош. Сенингча уларнинг ҳаммаси тўтиқушми? Ижозатинг билан бир гап айтай. Беор бўб кетибсан. *(Сарой оғасига.)* Бура мурватини.

*Сарой оғаси сунъий булбулнинг мурватини бураб, босқичини босади. Булбул ўзича сайраб, ўзича тўхтайдди. Сунъий булбул ўз ҳолича сайраб бўлиб думини туширади.*

**Хўш,** энди нима дейсан? Бирон гап айтмоқчимисан-а? *(Пауза.)* Нега индамайсан?

**Файласуф.** Ижозат берсангиз, олий ҳазратлари, нотўғри куйлашнинг уч усули бор. Биринчиси — адашиб орқада қолиш.

Иккинчиси — ўзича бўлак тароналар топиб, четга чиқиш. Учинчиси — бетоқатлик қилиб, олдинлаб кетиш. Шу билан бир қаторда тўғри куйлашнинг икки усули бор. Булар биринчи ёки иккинчи овозда куйлаб, оҳангни сақлаш. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, умуман куйлашнинг беш усули бор...

*Файласуф фалсафа тўқиётган пайтда оқсоч қиз секингина деразани очади. Вақтдан фойдаланиб, булбул секин дераза пештахтасига кўтарилади-ю, учиб кетади. Ҳамма ҳайронликда, сўзсиз саҳна.*

Император (*руҳий тушқунликда*). Тушимми ё ўнгими?

*Қич дириқлар, югур-югур, ваҳима. Хизматкорлар қийқариб ўзларини деразага отишади. Императордан ташқари ҳамма қичқаришиб, деразага ўзларини отишадилар.*

Тарихчи. Оҳ тах тарабек сатана-патана.

Яллачи. Ана у! Ҳув ана!

Ҳамма. Қани? Қани? А? Боғ устидами, дарахт тепасидами? Урмон устидами? Ҳув ана ўрмон устида! Тоғ устида! Денгиз устида! Учиб кетяпти! Учиб кетяпти. Учиб кетяпти... Гойиб бўлди!

Сарой оғаси (*императорга қўлларини ёзиб*). Қандай бахтсизлик...

Император (*ҳаммага*). Деразани ким очди? (*Пауза.*) Деразани очган ким?

(*Ҳамма бир-бирига қарайди.*)

(*Давлат маълумотлари бошлиғига, газаб билан.*) А?

*Давлат маълумотлари бошлиғи тезкорлик билан тўпланганларни санаб чиқади, янглишиб кетиб бошқатдан санайди. Тўпланганлар орасида оқсоч қиз кўринмайди.*

Давлат маълумотлари бошлиғи (*бошини ушлаб қолади*). Оқсоч қиз, ҳазрати олийлари! Деразани оқсоч қиз очган.

Император (*қичқиради*). Топинглар ҳозир. Ҳо тиригини, ҳо ўлигини.

*Давлат маълумотлари бошлиғи билан бир неча посбон шошқалоқлик билан чиқиб кетишади.*

Сарой оғаси. Ҳозиргина орамизда эди.

Император (*ғамгин*). Вой, ношукур! Мени ташлаб кетдинг. Меъморчилик санъатининг юксак намунаси — чинни саройим ҳам, биллур қўнғироқчалар жаранглаб турган боғу роғим ҳам энди ҳувиллаб кўринади кўзимга. Эндиликда сизни севаман деб онт ичадиган нозанинлар ҳам, буйруғимни бажаришга ҳозир ва нозир бўлиб турган нозирларим ҳам жонимга оро киришолмайди. Вой, қанчалаб ёлғизланиб қолдим! (*Уввос солиб йиғлайди.*)

Сарой оғаси (*эхтиёткорлик билан*). Давлатпаноҳим, қандайдир ношукур булбулга шунчалик куюниб нима қиласиз?

Император. Тасалли берма менга.

Сарой оғаси. Агар очигини айтиш лозим бўлса, у сизга хиёнат қилди.

Император (*бурнини артиб*). Бағринг тош экан, Сарой оғаси! Файласуф. Ижозат берсангиз давлатпаноҳим, у бўлмаса бошқа булбулингиз бор. Ёлғиз эмассиз.

Император (*қўл силтаб*). Э қўйсанг-чи!

Сарой оғаси. У сизга туюлганчалик ёмон сайрамайди. Менимча, ҳатто яхши сайрайди, деса ҳам бўлади.

Император. Балки яхшиямдир-у, лекин алмисоқий.

Сарой оғаси. Бу оммабоплигидан далолат.

Император. Доим бир хил сайрайди.

Сарой оғаси. Бу вафодорлик белгиси.

Император (*бақириб*). У учмайди!

Сарой оғаси. Бу содиқлиги нишонаси. Ҳеч бўлмаганда, уни учиб кетади деб хавотирланмайди одам. Учишни биладигани нима каромат кўрсатади? Агар билгингиз келса, қушлар учини керакмас. Ҳеч бўлмаса булбул учмаслиги керак. Булбул деганида қўним бўлгани керак. Уша булбулни эслагудек бўлсам, миямга қон уради. У инжиқликдан бошқа нарсани билмасди. Ҳали кайфияти бузуқ, ҳалл наҳоми келмайди... Буниси уни олдида фаришта-ку!

Император (*иккиланиб*). Шунақамикин-а?..

Ялласуф. У ҳурпайган эди, бунинг эгиси тилладан.

Шоира. Тугмачалари ўрнига қимматбаҳо тошлар қадалган.

Наққош аёл. Пойабзал кумуш тўқали.

Файласуф. Бунинг фалсафаси оддий ва мантиқли.

Хайр-саховат нозири. Бу мукофот ҳам, нафақа ҳам талаб қилмайди.

Сарой оғаси. Ниҳоят ва энг аҳамиятлиси шуки, унинг ичини очиб кўрса ҳам бўлади. Мурватларини бу ёққа олиб, ичида нималар бўлаётганини билса ҳам бўлади.

Император (*паузадан сўнг*). Қани яна бир марта мурватини бураб кўр-чи.

*Булбул яна ўша «чижик-пижиги»ни куйлаб, думини пастга туширади. Куй охирида император ҳам унга жўр бўлади.*

(*Ҳаммага.*) Сизлар ҳақ экансизлар. У борган сари яхши сайраяпти. Унга ўрганиши керак экан. Тез кунда бундан ҳам яхши сайрайдиган бўб кетади. (*Сарой оғасига.*) Уни менга бер-чи. (*Булбулни қўлига олиб, уни синчиклаб қарайди.*) Думиям бор-а? (*Мингиллаб ашула айтади.*) Сизларга айтсам, у менга ёқиб қолди. (*Тантанавор.*) Уни бизнинг бойлигимиз деб эълон



қиламан. Ҳозирдан бошлаб у менинг ёнимда, ўнг тарафимда ўтиради.

*Давлат маълумотлари бошлиғи билан посбонлар оқсоч қизни суд-  
раб келиб, император оёғи остига тайлайдилар.*

*(Қичқириб). Тур ўрнидан!*  
*(Оқсоч қиз ўрнидан туради. Орага жимлик чўқади. Жимликдан сўнг.)* Сарой аҳли орасида булбулни билладиган ёлғиз сен бўлиб чиққанигда, мен олижаноблик қилиб: «Халқ орасидан чиққан оддий бу қизнинг иззатини бажо келтириб, унга қуллуқ қилишлар» деган эдим. Шу билан баробар менга миннатдорчилик изҳор қилар, деб умид боғлашга тўла асосим бор эди. Сен бўлсанг, тузимни еб, тузлугимга тупурдинг. *(Бақиради.)* Жавоб бер!

**Оқсоч қиз.** Сиз уни қийнавордингиз, у азоб чекди. Уни ортиқ азоб чекишни томоша қилиб туролмадим.

**Император.** Ундан айрилиб, мен азоб чекишмни ўйламадингми? Давлатпаноҳингни ўйладингми? Сен булбулнинг учиб кетишига имконият яратиб бердинг. Шунинг учун булбулнинг ўрнига ўзининг қафасга солиб қўйишади. *(Тантанавор.)* Оқсоч қизни умрбод қафасга солиб қўйишга ҳукм қиламан!

## ОЛТИНЧИ ЭПИЗОД

**Сарой оғаси** *(ёлғиз ўзи сарой қўнғироқчаларининг мунгли товушига қулоқ солиб ўтирибди).* Оҳиста оёқ босинглар. Шивирлашиб гаплашинглар. Ўйгламанглар! Бировга тикилиб боқманглар. Байроқлар туширилсин. Асло йиғламанглар! Деворлар оқлансин. Қора кийининглар. Асло йиғламанглар! Дарахтлар йиғласин, тошлар йиғласин. Сизлар асло йиғламанглар! Денгиз йиғласин, тоғу тошлар йиғласин. Сизлар асло йиғламанглар. Қуёш йиғласин, осмон йиғласин. Сизлар йиғламанглар! Мотам эълон қиламан. Миллий мотам. Императорнинг жони узиляпти.

**Саҳна ёруғлашади. Император ётоқхонаси. Императорнинг чиндан ҳам жони узилаётгандай. Унинг ранги рўйи бир ҳолатда. У қариб, озиб кетган, жонсиз қўллари чўзилиб ётибди. Унинг ёнида, креслода Ўлим ўтирибди. Улар суҳбатлашапти.**

**Ўлим.** Ундан кейин-чи?

**Император.** У инжиқлик қилмасди, сайра деса сайрарди, жим бўл деса, тинчирди. Ичи ҳам бинойидай, босқич, мурват, гилдиракча-ю, бурама михлар расамати билан жойлаштирилган экан. Уни бўлакларга бўлиб, қайта тикласа ҳам бўларди.

**У л и м.** Нима қилди?

**И м п е р а т о р.** Мурвати ейилиб, гилдиракча-ю, бурама михлари тўқпалб кетди-ю, бир сиқим темирга айланди-қолди. (*Ух тор-тади.*) Сунъий булбулнинг умри қисқа бўларкан.

**У л и м.** Шунақалигини билмасмидинг?

**И м п е р а т о р.** Сунъий бўлгандан кейин, абадий деб хаёл қилган эканман.

**У л и м.** Пушаймон бўлма. Чинакам булбулнинг ҳам умри қисқа. Фақат мен абадийман. (*Стол устида турган тожни қўлига олиб ўйнайди.*)

**И м п е р а т о р.** Тожни жойига қўй.

**У л и м.** Энди у сенга керак бўлмайди.

**И м п е р а т о р.** Бўлмаган гап. Ҳали тузалиб кетаман.

**У л и м.** Йўқ. Сени алдаб нима қиламан. Узинг ўйлаб кўрсанг-чи. Мен hozir бўлмасам, лашкарбоши бўлмасам, ҳоким бўлмасам. Менга ҳеч нарсанг: ва пулинг, на ёрлигинг керак бўлмаса.

**И м п е р а т о р.** Сотилмайман демоқчимисан?

**У л и м.** Баъзида мутлақо сотилмаслигимдан ҳатто ўзим ҳам жирканаман. Мен кўрганни ҳеч ким кўрмаслиги, хоҳлаган мансабимга чиқишим мумкин эди. Ҳатто императорлик курсисига ҳам чиқардим.

**И м п е р а т о р.** Нега чиқмадинг бўлмаса?

**У л и м.** Нега деганда, доимийлик тарафдориман. Қисқа ҳаётдан кўра абадий ўлим афзал.

**И м п е р а т о р.** Абадий ўлим!.. Вазифанг аянч вазифа!

**У л и м.** Обрў-этиборли! Қаршимда ҳатто императорлар ҳам дуғланиб қолишади.

**И м п е р а т о р.** Йўқол кўзимдан! Душманларим ҳузурига бор!

**У л и м.** Ҳовлиқма. Уларнинг ҳам навбати келади.

**И м п е р а т о р.** Ҳали ишларим тугагани йўқ. Ҳали қилинмаган ишларим бор.

**У л и м.** Ихтиёрингда эллик йил бор эди.

**И м п е р а т о р.** Эллик йил нима деган гап?

**У л и м.** Эллик йил — элликта апрель дегани, бу пайтда ўрмонларни кезсанг баҳри дилинг очилади. Жангу-жадал қилса бўладиган элликта июнь ойи. Ов мавсуми — элликта сентябрь дегани. Олов олдида ўтириб фикр юритадиган элликта январь дегани.

**И м п е р а т о р.** Умри бекорга ўтибди, деган хаёлга борма. Мағрурлансам арзийдиган жуда кўп ишлар қиядим. Ёшлигимда, қалбимда муҳаббат ўйнаган кезларда қўшиқ тўқидим. У қўшиқларимни халқ ҳануз куйлаб юради.

**У л и м.** Тўғри. Лекин сен акангни ўлдириб, ўрнига тахтга чиқиб олдинг. Бу иш хунук эканини бўйинингга ол.

**И м п е р а т о р.** У тахтга чиққудек бўлганда, ишлар чаппасига

айланиб кетиши мумкин эди. Ҳокимият душманлар уни қў-  
ғирчоқ қилиб ўйнатишарди.

**Улим.** Бунақа гапларни кўп эшитганман. Қилган гуноҳларингни  
хас-пўшлагани донм жиддий баҳоналар топиб юрасизлар.

**Император.** Четдан қараган одамга осон туюлади. Танаси бош-  
қа дард билмайди. Штерн оstonасидаги жанглар ёдингдами?  
Сон жиҳатдан арзимаган баҳодирлар билан талай душманга  
қарши жангу-жадал қилдим. Сендан шу қадар жирканганим  
учун бирон ўқ тегмабди вужудимга. Уша куни душман лаш-  
карининг ярми жанг майдонидан қайтиб чиқмади.

**Улим.** Иккинчи ярмини эса от туёқлари остида мажақлаб таш-  
лашни амр қилдинг. Бу ақл бовар қилмайдиган эолимлик эди.

**Император.** Бу бир бўп қолувди-да, шу ҳам гапириб ўтиришга  
арзайдиган ишми? Ундан кўра ортиқча зебу зийнатларга  
солиқ солиб, баёнларни исрофгарчиликдан қайтарганимни  
эсласанг-чи.

**Улим.** Худди шу йўл билан ўз исрофгарчилигинг учун маблағ тўп-  
ладинг.

**Император (тутақиб).** Сенга қолса фақат ёмон ишлар қилиб-  
ман, холос-да?

**Улим.** Нега энди? Сен масалан, деҳқонларни талаётган ҳокимни  
қатл этдирдинг.

**Император.** Шуни билганингга ҳам катта раҳмат.

**Улим.** Лекин ҳақ гапирган донишмадни авахтага ташладинг.

**Император.** Ҳақ гапирган эмиш! У менга тухмат қилди.

**Улим (қатъий).** Бўлди, бас. Бу ерга сен билан адий-бадий айти-  
шиб ўтиргани келганим йўқ. Қани тайёрлан.

**Император.** Дарров-а?

*Улим жавоб бермайди. Император охирги кучларини тўплаб ётган  
еридан бош кўтаради. У хона ўртасида ваҳимадан кўзлари чақ-  
чайганча ҳурпайиб туради. Шу пайт бирдан булбулнинг сайроғи  
эшитилиб қолди. Император қулоқ солади. Сайроқи овоз берган  
сари яқинлашиб, шундайгина дераза орқасида эшитилади.*

**Бу—Булбул!** Мен уни танидим. (*Улимга.*) Бир оз кутиб турасан энди.

**Улим.** Хўп. Лекин жуда имирсилама. Мен шу орада бўла тураман.  
Узоққа кетмайман.

**Император.** Нафас олишим енгиллашди. (*Булбулга.*) Қайтиб  
келдингми?

**Булбул (дераза пештахтасига қўнади).** Ҳолинг забун кўри-  
нади. Вой, шўринг қуриб қолибди-ку! Улим юз тутибди сенга.

**Император.** Сарой табиби касалимни аниқлолмапти. Кўриб  
турибсан, ўлимим яқин.

**Булбул.** Сенга нима бўлди, ўзи?

**Император.** Уша сен ташлаб кетгандан бери дардга мубтало  
бўб қолдим. Ҳеч нима дарднимга малҳам бўлмапти.

**Бул бул.** Ахир бошқа булбулинг бор эди-ку? Саройдаги аъёнларнинг уни ҳатто мендан ҳам яхши дейишди-ку.

**Император.** Алдашиб, шунга яраша жазойимни тортдим. Булбул жонсиз бўлса, ўйинчоқ бўларкан, холос. У ўткинчи экан. Уни ташлаб юборишга тўғри келди. Мени ажал чангалидан ёлғиз сен қутқарасан, булбулжон.

**Бул бул.** Соия-давлатингда мотам эълон қилинган. Ҳамма шивирлаб гаплашиб, оёқ учида юряпти. Байроқлар туширилган. Сарой аъёнлари ўлимнинг бетоқатлик билан кутишяпти. Улар мерос талашиб жиққамуш бўлишяпти. Ҳар ким ортиқроқ меросга эга бўлгиси келади.

**Император.** Ҳали замон улар мени ўлгандир, деб кеб қолишади. Мени қутқар.

**Бул бул.** Ҳаракат қилиб кўраман. Лекин аввал тилагимни бажаришга ваъда бер.

**Император.** Хоҳлаган тилагингни бажаришга тайёрман.

*Булбул сайрайди. У бутун борлиги билан нафасининг охирига қадар жон-дилдан сайрайди. У сайрай бошлагандан кейин хонадаги ҳамма нарса бошқача тус ола бошлайди. Шаъм ўчиб, хонага қуёш ёғду сочади.*

**Бу** пимаси? Ажойибот-ку? Қоронғилик тарқалиб, бутун вужудимда қон мавж уриб кетди. Тўхтаб қолай-тўхтаб қолай деб зўр-базўр ураётган юрагим гулллаб уриб кетди. Дарёларнинг шарақлаб оқаётганини, дарахтларнинг барқ уриб ўсаётганини ҳис қиляпман. Саройда чалинаётган биллур қўнғироқчалар овози эшитилаяпти қулогимга.

**Ўлим** (*Булбулга*). Минг афсуски, ажалини мадҳ этиб сайрамайсан-да, пикимиз бир бўлиб, шаҳар ва қишлоқларни кезардик, оёғимиз етган ер борки, жимлик ва тинчлик ҳукм суларди. Кўз ёшлари сел бўлиб, қабристон майсаларини ўстирар, қабрдан эса кечалари зангори дуд кўтариларди. (*Императорга*.) Яхшиси, мен кетай, акс ҳолда у шу қадар зўр сайраяптики, ўз ҳунаримдан ҳазар қилиб қолишим ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. (*Ғойиб бўлади*.)

**Император.** Сен учиб келиб, мени қутқариб қолдинг. Демак, ўз давлатпаноҳингни севар экансан-да.

**Бул бул.** Мен оқсоч қизни қутқаргани келдим. Буюр, уни озод этишсин!

*Т у г а д и.*

<i>Анатолий Алексин. ТЕЛЕФОН ҚИЛИНГ, ТОРТИНМАЙ КЕЛАВЕРИНГ!..</i>	
<i>А. Ваҳобов таржимаси. . . . .</i>	3
<i>Емилиан Буков. БЭП ВА ДЭП. Мастура Аъзамова таржимаси</i>	51
<i>Юрий Сотник. СЕРТАШВИШ ЎТГАН КУН, А. Ваҳобов таржимаси . . . . .</i>	75
<i>Панчо Панчев. ТҶҮРТ ЭГИЗАК. М. Алиев таржимаси. . . . .</i>	127
<i>И. Кнаут. БУЛБУЛ. М. Алиев таржимаси. . . . .</i>	173

Т 07

Тўрт эгизак. Пьесалар.  
1977.

208б.

Четверо близнецов..

Т., «Ёш гвардия»,

Р2

Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун

На узбекском языке

Коллектив

ЧЕТВЕРО БЛИЗНЕЦОВ

Пьесы

*Издательство „Ёш гвардия“ Ташкент—1977*

Редакторлар С. Юнусов, Р. Толипов  
Расм И. Тошпулатова  
Расмлар редактори Қ. Алиев  
Техн. редактори Т. Гулак  
Корректор М. Ортиқова, М. Мирзаев.

ИБ № 137

„Детгиз“нинг 1969 йилги, „Карта молодёженская“ нашриётининг 1971 йилги, „Театр“ журналининг 1972 йилги нашрларидан ва ВААПнинг драматик асарларни тарқатувчи бюросининг 1968, 1975 йилги тайёрлаган пьесаларидан таржима қилинди.

Босмаҳонага берилди 4/IV-1977 й. Босишга рухсат этилди 14/IX 77 й. Формати 60×84<sup>1/16</sup>  
Босма листи 13,0 Шартли босма листи 12,09 Нашр листи 12,58 Тиражи 30000 Қоғоз 1  
Баҳоси 55 т. Заказ 275, Шарнома № 55—76 г.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“ нашриёт. Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетининг 1-босмаҳонасида босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21

**«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти қуйидаги китобларни бос-  
мадан чиқарди:**

- |                           |  |
|---------------------------|--|
| В. Б и а н к и.           | <b>Урмондаги саргузаштлар.</b><br><i>Ҳикоялар.</i> |
| В. Г о г о л а ш в и л и. | <b>Зумрад тоғлар ортида.</b><br><i>Ҳикоялар.</i>   |
| А. А б д у р а з з о қ.   | <b>Оҳ, оҳ, оҳ.</b><br><i>Шеърлар.</i>              |
| С. Ю н у с о в.           | <b>Кутилмаган хазина</b><br><i>Қисса.</i>          |
| Ҳ. Р а ҳ м а т.           | <b>Доно қиз.</b><br><i>Шеърлар.</i>                |
| Н. Г е л д н е в.         | <b>Ужар қизча.</b><br><i>Эртақ-қисса.</i>          |